



Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Сайд АҲМАД,
Эркин АЪЗАМОВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Фёдор КАМОЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
[бош редактор ўринбосари],
Омон МАТЖОН,
Хайриддин СУЛТОНОВ
[масъул секретарь],
Худойберди ТУХТАБОЕВ,
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,
Уриэ ЭДЕМОВА,
Уткир ҲОШИМОВ.

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

2

1983
ЙИЛ,
ФЕВРАЛЬ

ТОШКЕНТ
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

НАСР

- Машраб **БОБОЕВ**. Мина портлади. Драма 5
Шодмонбек **ОТАБОВ**. Бахтли кун. Ҳикоя 23

НАЗМ

- Анвар **ЭШОНОВ**. Тошбибининг тугамаган достони 3
Гулчеҳра **ЖУРАЕВА**. Мен чизолмаган сурат.
Шеърлар 28
Жамол **КАМОЛ**. Шеърлар 40
Мирза **КЕНЖАБОВ**. Шеърлар 48
Мухаммад **СОЛИҲ**. Мансур шеърлар 52
Фарид **УСМОН**. Шеърлар 56

ҚАЛДИРҒОЧ

- Нормурод **НОРҚОБИЛОВ**. Зангори кўл. Рўмолча.
Ҳикоялар 30
Мунаввар **ҲОШИМОВА**. Тонг отмоқда. Шеър 69
Чўлпоной **ҲУСАИНОВА**. Бола расм чизади. Шеър 69

АДАБИЙ ДУСТЛИК — АБАДИЙ ДУСТЛИК

- Алексей **ИЛҲЮШИН**. Сўнги ўйин. Ҳикоя 42
Қуват **ЖУСУБАЛИЕВ**. Улоқчи. Ҳикоя 46

САДОҚАТ

- Виктор **БЕЛОЗЕРОВ**. Ватан сенга ишонади 50

ПУБЛИЦИСТИКА

- Қодиржон **СОБИРОВ**. Уста ва устазодалар 58

АДАБИЙ ТАНҚИД

- Олим **ОТАХОНОВ**. Ижоднинг қайноқ қони 70

ҚУТЛАЙМИЗ!

- Озод **ШАРАФИДДИНОВ**. Ниҳолнинг камоли 62
Асқад **МУХТОР**. Шеърини суҳбатлар 65
ОИЛА — ЖАМИЯТ КЎРКИ
Бу йўлда хато қилма 74

ФАН — ТАРАҚҚИЕТ ҚАНОТИ

- Қудрат **ДУСТМУҲАМЕДОВ**. Танишайлик — мен темиртанман 67

«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ

- Ойхумор **АСАДОВА**. Профессорнинг хотинига оқиқ хат 77

«ЕШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ

- Поэзияда даъваткор руҳ 78

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Т. Қўзиевнинг «Дустлик таронаси» асари-дан намуна. Иккинчи бет: А. Маматованинг «Механизаторлар» асари. Учинчи бет: У. Тансиқбоевнинг «Тунги сугорини» асари. Тўртинчи бет: Б. Бобоевнинг «Бахмаллик қиз» асари.

КЕЛГУСИ

СОНДА

Ҳалима

ХУДОЙБЕРДИЕВАНИНГ

яни шеърини

туркуми,

Хосият

БОБОМУРОДОВА,

Баҳор ХОЛБЕКОВА,

Мақсуда

ЭРГАШЕВАНИНГ

шеърлари,

Хайриддин

СУЛТОНОВНИНГ

«ЁЗНИНГ ЁЛҒИЗ

ЁДГОРИ» қиссаси,

Ольга ИПАТОВАНИНГ

«ҚАРЗ», Абдусалом

КУЧИМОВНИНГ «ҚОЧОҚ»

ҳикояларини

эътиборини

ҳавола этамиз.



Тошбибининг тугамаган достони

АНВАР ЭШОНОВ

«Дарёларнинг нариги боши, бериги боши,
Сойда ўсган қамишмикан қизининг қоши,
Қошларининг орасига олса мени,
Ошиқликнинг бозорига солса мени».

Ногоҳ аёл юрагига ўт тушди.
Бог кўчадан қўшиқ айтиб ўтган ким!!
Уфқларининг этаклари нимпушти,
Ошигини сой бўйида кутган ким!!
Қўшиқ дилга чўккан дардин кўзгади.
У ҳам аввал қўшиқ айтиб ўтарди.
Сўнг сочларини шамолларга тўзғитиб
Бог кўчанинги эстада кутарди:

— Бир қултум сув билан ютулик Биби,
Умрим бўйи кутсам-кутгулик Биби,
Бош надир, киприда тутгулик Биби,
Сенсиз, бу жаҳондан ўтгулик Биби...
Дунё фақат ошиқликнинг бозори,
Дунё фақат садоқатга ўхшарди.
Дунё муҳаббатнинг узилмас тори,
Ишқ мулкига, саёҳатга ўхшарди...
Далалардан қўшиқ келар, куй келар,
Қўш ногора, карнай-сурнай, тўй келар,
Хандалакнинг бўйларидай бўй келар,
Юрт удуми — тўёнага қўй келар.
Қўқон аравада келар Тошбека.
Келинчақ ёпиниб келаркан чодир,
Енган юракларга табассум малҳам.
Буюк фожиялар бўлишини содир,
Айрилиб қолишини ўйлапти ким ҳам!!
Мутлақ ҳоким бўлса — севги тангриси,
Саждагоҳнинг бўлса ул қоши камон,
Жаҳонда муҳаббат тори янграса,
Долгаланмай турсанг нетарди замон!!

Мунчалар сертўлғоқ бўлмасанг, асрим,
Чирмаб ташламасанг дардларни чандиб.
Дунёнинг махражини, дунёнинг касрини
Тополмай кетса-я одам фарзанди.
Қиров тушиб карсиллаган узумдай
Кўкракларни тирсиллаган кезларни,
Кунлар узун. Кунлар жуда узундай,
Оқшомлари кутганида безаниб,
Оҳу кўзларига тортиб сурмалар,
Камалакдай қайриларкан киприклар.
Билмас — чегарада танклар ўрмалар,
Ғарбий нуқталарда портлар кўприклар...

Кунни кеча келин ташиб тўйлашган
Дехқон аравалар аскар ташийди.
Ғилдираги томлар билан бўйлашган
Қўқон аравалар аскар ташийди.
Умр бўйи қилт этмаган ташиб дон
Четан аравалар аскар ташийди.
— Ватан хавф остиди!
— Ғанимат ҳар он!
Метни аравалар аскар ташийди.
Туюқлар зарбидан тош ёрилгудай.
Она рўмолига артар ёшини.
— Қайроқтошдай қилгил унинг бошини! —
Оғир ҳаёллардан бош ёрилгудай. —
Насибасини узиб қўйма қуёшдан,
Паноҳингга топширдим мен боламин,
Бўталоғим энди ўн тўққиз ёшда,
Кўзгинамга тор қилмагин оламин...
— Сафлан, рота!
— Смирно!
Вагонга!..
— Хайр, қадамингда ўтлар чақнасин.

Урдами, қирдами, олинг, олдирманг!
Сизни она юртнинг меҳри сақласин,
Мард, эҳтиёт бўлинг, доғда қолдирманг!
— Бахтимизга, голиб қайтинг, отаси,
Киймайманки кийдираман, ўлмасам.
Шону шавкат олиб қайтинг отаси,
Емайманки едираман, ўлмасам...

Узуқ-юлуқ эшитилар гоҳ сўзлар,
Айрилиқдан титроқ тушиб ҳар жонга,
Нозик-нозик қўли титраб Тош гўзал
Энтикканча талпинаркан вагонга
Оқ рўмолдан чиқаради оппоқ нон,
Айлантирар севиклисин бошидан.
Юрагини юлиб кетар эшелон
Айни севги, қирчиллама ёшида.
Қанча дард борийкин бу гардун аро
Дунё қил кўприкда турган йиллари,
Олисдаги ўқлар бу мардум аро
Кемтик қилиб кетар қанча дилларин...

...Қирқ иккинчи йилнинг сентябрь ойи.
Бир қозоқ, бир татар ва тўққиз ўзбек
Буюк Россиянинг бўйрадек жойини
Тенгсиз жанглар ичра сақларди кўздек.
Ҳамма фронтларда даҳшатли жанглар.
Қузгунларнинг баландлиги бир терак,
Нақ мўри малаҳдай келарди танклар,
Қиёмат жанглари шу бўлса керак.
Ёнган қон аралаш куйинди ислар,
Тамаки дудидай кирар ўпканга.
Матонат солдатга кўиникма хислат,
Танкни тинчитсанг, олда тўп жанги.
Қасос жанги борар Волга бўйида,
Ҳар томчи ёш учун олинаркан хун,
Ҳар битта солдатга ҳайкал қўйилса,
Не ажаб Сталинград жанглари учун.
Қозоғистон яйловлари, чўллари,
Сахро гули, ўнгир, қирлари ҳаққи.

Ўзбекларнинг қўш тараф боғ йўллари,
Аиористон, Аму, Сирлари ҳаққи,
Татаристон ўрмонлари, қайини,
Эдил ошиқлари, мажнунтол ҳаққи,
Хуллас, Ватан ҳаққи, эй, оға-ини,
Одамзод тақдирин, бахт нқбол ҳаққи,
Ўт оч, биродар.

Уша оқшом Ботир кирар тушига.
Боши боғлиқ. Қон сачраган оқ кўйлак.
Бирмас, ўнта ўқ кирибди тўшига.
Тиззага қўл қўйиб термулиб сўйлар:
— Ҳақнинг йўқ, Тошбиби, ётиб қолмишга.
Ётсанг, болаларни очлик ўлдирар,
Пул-мулнинг бормикан нон-пон олишга...
Норасталар чуғурчуқдай мўлтирар.
— Гўшт йўғида лавлагининг кўммаси,
Ёғсизгина пиширилган лочира —
Шириликда ширвоз қўйининг думбаси,
Ҳар қанақа касалингни қочирар,
Гоҳ келига макка солсам тўйгани,
Тандирдаёқ адо бўлар зогора.

Болаларнинг шоҳ бўлгани — тўйгани.
Эслармисиз,
Қайноқ нондан бўшамасди тоғора.
— Оч қолганда билагузук, узукни,
Исирганинг исиркича қадри йўқ.
Арзон-гаров сотавергил, тузукни,
Зеби-гардон ярашади бўлсанг тўқ.
— Шишага эчкининг сўти тўлатиб,
Тутнинг айрисига эски қопчиқдан,
Отаси, беланчак ясаб кўлакни,
Суюни ётқириб кетсам чопиққа,
Дўстбекни етаклаб олганча Қўшбек
Сигир боқиб юрар йўлнинг четида.
Аёл бошим билан ишлайман қўшдек,
Шўртак тер лабларга тушиб бетимдан.
— ...
— Кўп азият чекаверманг, дадаси,
Шамол тинар. Қуш тинади. Тинмасман.
Фашист борки, кўзига ўқ қадалсин!
Зуваламиз пўлатдан-ку, синмасман.
Болаларни бошгинамга кўтариб,
Ўтдан кўймай, сувдан чўкмай ўтарман.
Қанча бало тоғи бўлса тўитариб,
Чўнг чинордай қаддим букмай ўтарман.
Ҳали нонлар ортиб қолар қушларга.
Тўлишади қовжираган этларим.
Соғинганда кириб туринг тушларга,
Бетингизга қўйиб олай бетларим...!

* * *

Ногоҳ аёл юрагига ўт тушди.
Боғ кўчадан қўшиқ айтиб ўтган ким!!
Уфқларнинг этаклари нимпушти,
Ошигини сой бўйида кутган ким!!



! Асли еттикечувлик Ботирали Жумагулов уч ўғлини эндигина Ўнгирмадан сал ошган Тошбибининг этагида қолдириб, Ватан ҳимоясига отланганда ҳозирги Пахтакор район Акмал Икромов номидаги совхознинг 25 йиллик бригада бошлиғи, орденли Қўшбек Ботиров 4 ёшда, шу совхознинг бўлим бошқарувчиси, орденли Дўстбек Ботиров 2 ёшда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, орденли Суён Ботиров Ўўрگانда эди.



**МАШРАБ
БОБОЕВ**

МИНА ПОРТЛАДИ

ДРАМА

Шоди,
Ҳасанбой,
Орифхон,
Азамат,
Ҳамроқул,
Абдували,
Ҳоди
гурунг қилишади.
Эргаш
дастурхонга қарайди.
Мен,
яъни
Автор —
гурунгни кузатиб, керак жойда изоҳ бериб
тураман.

Олмазор. Уртада сўри. Четдан кичкина ариқча оқиб ўтган. Ариқча лабида — супача. Ҳасанбой сўри устида туриб, олма шохлари орасидан ўтказиб келинган резиналик симни шохга боғлаб, унга лампочка ўрнатиш билан банд.

Мен. Бу киши — Ҳасанбой. Мезбон. Колхозда сувчи. Уникига Тошкентдан меҳмон келган. Меҳмон Тошкентдан келгани билан, асли шу ерлик. Шоди. Унинг куёви. Опасининг қизини олган. Опа бева аёл, Ҳасанбой билан бирга туради. Шоди хотини, қизи билан тўғри шуларниқига тушган. У ҳар келганида шундай қилади. Аввал тўппа-тўғри шу ерга тушади, бу ерда бир неча кун меҳмон бўлиб, кейин ўзининг уйига, оёқсининг олдига ўтади. Буни қандай тушуниш керак? Буни аёл кишига, рафиқасига ҳурмат деб тушуниш керак. Чунки у неча йиллардан бери пойтахтда яшайди, цивилизациянинг ҳамма неъматларидан баҳраманд бўлган одам.

Ҳасанбой (лампочкани патронга бураб, ҳовли томонга қараб қичқиради). Эргаш!
Эргаш (ҳовли томондан). Ҳа!
Ҳасанбой. Еқ!
Эргаш. Хўп.

Лампочка чарақлаб ёнади.

Ҳасанбой. Учир! (Лампочка ўчади. Сўри устидаги кўрпачаларни ёзади, ёстиқларни сўри суйанчиқларига суяб қўяди. Менга.) Қани, бўлди, марҳамат, бу ёққа чиқинг!

Мен. Йўқ, Ҳасанбой ака, мен у ерда ўтирмайман.

Ҳасанбой. Нега?

Мен. Мен ораларнингизда ўтирсам, меҳмон ўзини эркин ҳис қилмайди. Менга мана бу супачага жой қилиб бера қолинг.

Ҳасанбой. Майли, ихтиёрингиз. (Супачага шолча ёзиб, кўрпача тўшайди.) Марҳамат.

Мен. Қайфиятингиз унча яхшига ўхшайди. Нима гап?

Ҳасанбой. Йўқ, ҳеч гап йўқ. Қайфиятим яхши.

Мен. Мендан ҳеч нарсани яширолмайсиз, Ҳасанбой ака. Ёки, меҳмон...

Ҳасанбой. Энди, мен... мезбонман... Яхшиси... индамаганим маъқул... Ўзингиз биласиз-ку...

Мен. Ҳа-а...

Ҳовли томондан кўйлагини елкасига ташлаб, Шоди чиқиб келади. Унинг ёши ўттиз бешларда. Пешонасидаги сочи тўкилиб кетган. Чакка ва бўйин сочлари ўсиқ. Юришида қандайдир енгиллик бор.

Шоди (мени сезмайди, Ҳасанбойга). Ҳорманг, тоға.

Ҳасанбой. Бор бўлинг. Қалай, яхши ухладингизми?

Шоди. Жуда! Мазза қилдим! Э, қишлоқнинг ҳавоси-да, қишлоқнинг ҳавоси! Жонга

роҳат! Биз шўрликлар юрибмиз-да шаҳарда димиқиб. Элга, халққа хизмат қилайлик, деб. Лекин буням билган билади, билмаган йўқ! (Ювиниш учун ариқчага энгашади.) Уҳ-ҳў, тоға! (Ариқчага ишора қилиб.) Уйиб ташлаб-сиз-ку!

Ҳасанбой. Ҳа, энди... Бемалол бўлсин, дедим-да...

Шоди. Бекор қилибсиз. Мен, масалан, ичмайман.

Ҳасанбой. Ҳа, майли, қолса қолар. Туради-да.

Шоди (ювина бошлайди). Уҳ-ўх-ўҳ! Бай-бай-бай! Сув ҳам шундай роҳатижон бўладими, а! Бай-бай-бай! Биласизми, шаҳарда ҳам сув кўп. Душ, анҳор, кўл... Лекин бу сув бошқача. Бутунлай бошқача! (Артина бошлайди.)

Ҳасанбой. Ҳавони мақтайсиз, сувни мақтайсиз, кўчиб кела қолинг-да.

Шоди. Бе! Қишлоқ бизга тўғри келмайди. Ҳасанбой. Нега?

Шоди. Бу ерда ҳали маданият оқсаб ётибди. Чанг, ифлос. (Ҳасанбойни бошдан-оёқ кузатиб чиқади. Нимадир демоқчи бўлади-ю, айтмайди.) Йўқ, бўлмайди. Ундан кейин, мен шаҳарда жиддий иш қиляпман. Жиддий иш. (Қўлини бигиз қилиб юқори кўтарайди.) Фило-со-фия!

Ҳасанбой. Уйга ўтиб келасизми?

Шоди. Ҳ-ҳа! Одамнинг кайфиятини буздингиз-да! Мен доимо оймнинг хаёли билан яшайман! Доимо! Шунинг учун ҳам ҳалиям диссертациям битгани йўқ. Бу ергаям шу оймни кўргани, ҳолидан хабар олгани келганман. Келдимми, шу ердаманми — бўлди! Кўриш қочмайди! Оймни, у кишининг касалини ўйласам, бутунлай руҳим тушиб кетади. Бугун бир яхшилаб дам олай десам... (У Ҳасанбойга қараб гапига давом этади.)

Мен. Энди шу ерда жиндай изоҳ беришга тўғри келади. Шодининг онаси Меҳри хола ўн уч йилдан бери бемор. Тўшакка миҳланиб қолган. Ётади, холос. Биров ўтқизиб қўйса ўтиради, ётқизса ётади. Овқатини ҳам ўзи еёлмайди. Унга кичик ўғли Ҳоди қарайди. У ҳали бу ерга келади, кўрасизлар.

Ҳасанбой (Шоди гапини тугатгач). Энди, бечора эшитиб, интиқ бўлиб ётади, дейман-да...

Шоди. Эшитиб хурсанд бўлади. Уғлим келибди, мени кўргани келибди, деб севинади. Мен онамни хурсанд қилиш учун келганман-да бу ерга!

Ҳасанбой. Одамлар...

Шоди. Э, тупуринг ўша одамларга! Одамларга гап бўлса бўлди! Гапдан, ифвондан бошқа нарсани билмайди одамларингиз! Кўролмаганидан ҳам ҳар нарса дейишаверади!

Ҳасанбой. Мен энди... бўйнимдан соқит қилиб айтдим-қўйдим-да. Ўзингиз биласиз.

куёв. Қани, бўлмаса марҳамат, юқорига чиқинг. (Ховли томонга қараб қичқиради.) Эргаш, дастурхонни олиб кел!

Шоди яхшилаб аргиниб, кўйлагини кияди. Тугмаларини қадайдди, сочини тарайди, шимининг почаларини қоқиб кўяди. Кейин шимининг орқа чўнтагидан кичкина бир ойнача олиб, унга ўзини солиб кўради, чакка сочларини кафти билан сиклаб кўяди. Ҳасанбой уни мутлақо лоқайд ҳолда кузатиб туради. Шоди пердозни тугатгач, сўрига чиқади.

Шоди. Қани, қадам етди — бало етмасин, омин, оллоху акбар!

Ҳасанбой. Хуш келибсиз.

Шоди. Хушвақтчилик бўлсин!

Эргаш — ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги бола, Ҳасанбойнинг тўнғич ўғли — каттакон патнис кўтариб киради. Патнисда нон, мева-чева, ширинликлар, чеккасида чойнак-пиёла ҳам бор.

Эргаш. Дастурхон шу ерда экан.

Ҳасанбой. Ҳа-а...

Ҳасанбой олма шохида осиглиқ дастурхонни олиб ёзади ва патнисдаги нарсаларни унга териб кўя бошлайди.

Мен. Эргаш бу йил еттинчини битирди. Анча тетик бола. Ёз бўйи отасига қарашади — гўзага сув тарайди.

Шоди. Ўқишни тезроқ тамомла, Эргаш, ўзим Тошкентга олиб кетиб, бир одам қилай сени.

Эргаш. Э, мен ўқишга кирмайман.

Шоди. Нега?

Эргаш. Отамдан сўранг.

Шоди. Ҳа, тоға?

Ҳасанбой. Пул қани бунинг ўқишга киришига!

Шоди (хахолоб кулади). Ха-ха-ха! Ха-ха-ха! Ҳали шу ташвишда юрибман, денг! Мана мен борман-ку, пулни нима қиласиз? Мен киргизаман ўқишга! Кейин, калласи ҳақиқатан ҳам зўр бўлса, таниш-билишсиз ҳам, пулсиз ҳам кириб кетаверади. Мана, мен кирганман-ку ўзим! Хўш, ўзинг қаерга киргинг бор?

Эргаш. Бари бир. Филологиями, биологиями...

Шоди. Йўқ! Философияга кириш керак! Фи-ло-со-фи-я! Фалсафа дегани. Биласанми, фалсафа дегани нима дегани? Фалсафа дегани...

Ҳасанбой. Бунга қолса-ку, футболга киради-я.

Шоди. Ха-ха-ха! Футбол институтиям борми?

Эргаш. Физкультура институтига.

Шоди. Э! Бўлмайди! Битириб, болаларга раз-два қилдири-иб юрасанми? Футболчи бўлиш учун физкультура институтига кириш шарт эмас. Футболчи бўлиш учун ҳозир тайёрланиш керак. Зўр бўлиб чиқсанг, ўнинчини битирганингда ўзлари командага олишади.

Унда ўқишнинг гамини ҳам еб юрмайсан. Ўзларини киритиб қўйишади. Лекин ўшандаям философияга кирман, дегин. Машҳур футболчи бўлганингдан кейин диссертация ёқлаш ҳам ҳеч гап эмас! Билдингми! Ана шундай! Лекин зўрмисан ўзи? Кўп машқ қилиш керак!

Эргаш. Э, қўйишармиди...

Шоди. Ким?

Ҳасанбой. Буларга ўқишга вақт қаёқда эди, дейсиз? Ёз бўйи даладан ортишмасди. Хайрият, Бегимқул раис бўлдию буларнинг бошига офтоб тегиб қолди.

Шоди. Қайси Бегимқул?

Ҳасанбой. Юқори қишлоқдаги Бегимқул-да. Танирсиз?

Шоди. Ҳалиги... мишиғи оқиб... ҳалиги, бўшанг агрономми?

Ҳасанбой. Ҳа.

Шоди. Ўша раис бўлдими? Қандай қилиб?

Ҳасанбой. Табнати юмшоқ бўлгани учун одамлар унча писанд қилишмасди-да. Бўлмасам... Ўтган кузда обком секретари келиб қолибди. Тўсатдан. Ҳеч кимга билдирмай. У киши ўзи шунақа, ҳеч ким кутмаган жойда пайдо бўлади-қолади. Яхши-да, кўзбўямачилик йўқолади-да... Ҳа, у киши келиб қолибди. Бегимқул Оқбой билан жанжаллашиб ётган экан.

Шоди. Қайси Оқбой?

Ҳасанбой. Ўзимизнинг Оқбой-да. Бригадир. Хуллас, обком секретари жанжалнинг устидан чиқиб қолибди. Бегимқулни олиб дала айланибди. Кечгача юрганмиш. Пиёда. Қолхознинг ҳамма ерини кўриб чиқибди. Бирга. Кейин, қишда Бегимқул раис бўлди. Обком секретарининг гапи билан бўлганмиш.

Шоди. Омади бор экан. Бўлмаса, юришини қаранг эди! Ким айтарди уни раис бўлади, деб!

Ҳасанбой. Ҳа, омади бор экан. Лекин бало экан, яхши раис бўлди. Илгарилари доим тўполон эди ишимиз, одамлар яхши ухلامас, бир-бирига бақириб-чақираверар, лекин колхоз доим орқада бўлар эди. Мана, ярим йилда жуда катта ўзгаришлар қилди Бегимқул. Пахтани осойишта, шовқин-суронсиз экиб олди. Яна денг, ўтган йилдагидай, қарийб бир ойга чўзилмади экиш. Ун кунда тугатдик. Парвариш ҳам яхши боряпти. Илгари одам етмасди пахтага. (Эргашни кўрсатиб.) Мана буларнинг умриям далада ўтарди. Ягана, чопиқ, ўт юл, терим деб... Мана бу йил одамларнинг ўзи ортиб қоляпти ишдан.

Шоди. Д-да...

Ҳасанбой. Теримниям шундай ўтказамиз, деяпти. Қилади у. Айтганини қилади.

Шоди. Одамнинг ишонгиси келмайди. Лаллайи-иб юрарди...

Ҳасанбой. Ҳозир ҳам шу. Кўрган одам сираям раис деб ўйламайди. Кўринган билан олишади, тортишади, кураш тушади...

Шоди. Қизиқ...

Ҳасанбой. Лекин колхозда иш яхши, ҳамма гап ишнинг кўзини билишда экан-да.

Шоди. Ҳа! Ҳамма гап шунда. Ишнинг кўзини билишда! Ишнинг кўзини билмадингми — минг ўлиб-тирил, бир тийинлик фойда йўқ! Мана, Галатепедаги Абдурахмон акани олинг. Университетни битирган. Филолог. Лекин шу қадар соддаки... Ун беш йилдан бери аспирантурага кирман дейди, лекин киролмайди. Нега? Чунки ишнинг кўзини билмайди! Доим газетада эълон чиққандан кейин боради. Ё кечикади ё имтиҳондан йиқилади. Мен неча марта айтдим, ҳой инсон, аспирантурага кириш бунақа бўлмайди, деб. Аввал домла топнинг, тема олинг, кейин аспирантура ўздан-ўзи бўлаверади, деб. Йўқ! Ўлгудай ўжар-эй! Ундай бўлса, нега газетада эълон чиқаришади, дейди. Бу шунчаки расмиятчилик, асли қондаси шунақа, десам, қондага риоя қилиш керакми, йўқми, дейди!

Ҳасанбой. Унинг гапийам тўғри-да.

Шоди. Гапи тўғри бўлса тўғридир, лекин бундан нима фойда? «Темам-ку тайёр, ният қилиб қўйганман, лекин имтиҳондан ўтолсам, шу темани маъқуллаб, бирорта раҳбарга бериштириб қўйишса ўқийман, бўлмаса йўқ», эмиш! Мана, юрибди! Шу пайтгача доктор бўлиб кетарди! Галварс!

Шодининг гапи охирида охирида ариқча ёқалаб Орифхон кела бошлади. У эллик ёшлардаги, эгнига оқ жужунча китель, оёғига галифе шим ва хиром этик кийган, қирра бурун, кўнғиз мўйлови киши. Сочи устарада қирилган, бошида янги дўппи.

Орифхон (яқинлашиб). Ассалому алайкум!

Ҳасанбой. Келинг, Орифхон ака.

Шоди. Э-э! (Урнидан туради.)

Орифхон. Э-э, безовта бўлмасинлар! Ҳозир!

Орифхон чаққонлик билан сўрига чиқади. Шоди иккаласи қучоқлашиб, ўлишиб узоқ кўришишади.

Шоди. Бормисиз!

Орифхон. Жигарим!

Шоди. Қадрдоним!

Орифхон. Меҳрибоним!

Кўришиб бўлишади.

Орифхон. Қани-қани!

Шоди. Йўқ, ўзларидан!

Орифхон. Йўқ, ўзларидан!

Шоди. Сиз каттасиз-да энди.

Орифхон. Сиз меҳмонсиз! Меҳмон — отангдан улуг, деган машойхлар!

Шоди. Қўймадингиз-да.

Аввал Шоди, кейин Орифхон ўтиришади.

Орифхон (қўлини очиб). Қани, бир нафас қилиб юборсинлар!

Шоди. Йўқ, ўзлари!

Орифхон. Йўқ, ўзлари! Ўзлари меҳмонлар! Меҳмон — атом худо, деган машойхлар! Мана шундай илтифоти учун худога минг қатла шукр!

Шоди. Хўп, бўлмаса, майли. Қани, қандам етди — бало етмасин, омин.

Фотиҳа қилиб, бир-бири билан аҳвол сўрашга тушиб кетишади.

Мен. Бу киши — Орифхон ака. Ҳасанбойнинг қўшнис. Қишлоқдаги магазин мудир. Шодига ҳам, Ҳасанбойга ҳам қариндошлиги йўқ. Шунчаки, шинаванда одам. Давраларни гуллатиб ўтиради. Кўпни кўрган, кўп саргузаштларни кечирган.

Ҳасанбой. Эргаш, чойни янгилаб кел.

Эргаш чойнакни олиб, ҳовли томонга кетади.

Орифхон. Жуда камнамо бўлиб кетдилар? Жуда соғинтириб қўйдилар одамни?

Шоди. Ишлар кўп. Бош қашишга қўл тегмайди. Илми осон дейсизми, Орифхон ака! Бунинг устига, илм бўлгандайам унча-мунча илм эмас, философия! (Қўлини бигиз қилиб, юқорига кўтаради.) Фи-ло-со-фи-я!

Орифхон. Э, балли сизларга-е! Туну кун қоғоздан бош кўтармайсизлар-да, а?

Шоди. Бўлмасам-чи! Бунинг устига, ўйлаймиз! Бутун дунёни! Одамларни! Мана, сизларни ўйлаймиз!

Орифхон. Ана! Эшитяпсанми, Ҳасанбой?

Ҳасанбой. Ҳа-я...

Орифхон. Эшбой бўлса...

Шоди. Қайси Эшбой?

Орифхон. Ўзимизнинг Эшбой-да. Қоровул. Қоғозга қарасам, уйқу босаверади, дейди. (Кулги.) Ҳатто «Муштум»ниям кўрмайди. Расмлариям уйқусини келтирармиш. (Кулги.)

Эргаш чой олиб келади. Ҳасанбой қайтариб, Шоди билан Орифхонга узатади.

Ҳасанбой. Қани, олишиб ўтирингизлар.

Шоди. Биз ана шу Эшбой акалар учун ҳам ўқиймиз, ўйлаймиз, бош қотирамиз-да!

Орифхон. Баракалла! Бизнинг қишлоқдан ҳам шундай улуг одамлар чиқадиган кунлар келар экан-ку! Айниқса сен, Ҳасанбой, сен, Эргашбой, доим қадрларингни роз тутиб юринглар. Нега деганда (Шодига ишора қилиб), ҳазрат сизларнинг энг яқин одамларингиз! Ҳеч кимни бир тийинга олманглар! Қани энди, Ҳасанбой, шундай ўтираверамизми? Боягилар қани?

Шоди. Нима?

Ҳасанбой (Орифхонга). Арқчада. (Эргашга.) Эргаш, аччиқроқ нарсалардан олиб кел.

Эргаш ҳовли томонга кетади. Ҳасанбой ариқчага энгашиб бир шиша ароқ олади. Олиб келиб, дастурхон чеккасига қўяди. Орифхон шишани олиб, уни сочиқ билан тозалаб артади.

Шодн. Нима қиляптилар?

Орифхон. Энди, қадамранжида қилганлари шарофатига қиттак-қиттак...

Шодн. Э, мен ичмас эдим-ку...

Орифхон. Э, қиттак-қиттак... олишасиз-да. Бўлмаса бўлмайди. Хафа бўламыз.

Шодн. А? Ундай бўлса, майли. Сизларни хафа қилгунча... У ёқда кечаю кундуз сизларни деб бош қотирсаг-у, бу ерда арзмаган нарса деб хафа қилиб ўтирсак...

Эргаш бир нечта тақсимчада тўғралган помидор, пиёз, бодринг, бир косада қатиқ олиб келиб қўяди.

Орифхон. (Ҳасанбойга). Кўрдингми! Улуғ одамлар доим шунақа камтарин бўлади! (Шодига.) Раҳмат! Кўпини кўрганмиз, ичмайман деб туриб олдим, тамом, минг гапиринг, ялининг, ёлворинг — фойдасиз! Оддий одамгарчиликни билишмайди-да! Бўлмаса ўзлари ҳеч ким эмас! (Пиёлаларга ароқ қўйиб, узатади.) Қани, бир ширин қилиб юборсинлар!

Шодн. Йўқ, ўзлари! Ешлари улуғ!

Орифхон. Бизнинг ёшимиз улуғ бўлса, ўзларининг ўзлари улуғ!

Шодн. Буни қаранг! Одамнинг жонини олиб қўясиз-да, гап билан! Бўлмаса, гап ўзидан ўзи келяпти. (Ҳасанбойга қараб олиб.) Тоғам кечирсинлар-у, лекин биринчи қадахни сиздай, Орифхон ака, шинаванда, ширинсухан, шундай ширин сухани билан одамнинг жонини олиб қўядиган, керак бўлса жонини берадиган ҳам, хуллас, сиз учун олишни таклиф қиламан.

Орифхон (қўлини кўксига қўйиб). Қулингизмиз!

Шодн. Доим мана шундай, одамларга хурсандчилик бахш этиб юраверинг! Узингиз ҳам доим бахраманд бўлинг шу хурсандчиликдан. Бола-чақангиз шод, хонадонингиз доим обод бўлсин!

Орифхон. Қуллуқ. Қулингизмиз. Қани, марҳамат қилсинлар! Бу ерда шахсий намуна деган гаплар бор.

Шодн. Ҳа, дарвоқе. (Пиёлани бўшатиб, узатади.)

Орифхон. Саломат бўлсинлар, раҳмат! Қани, марҳамат қилсинлар. Ҳасанбой, энди биз ҳам олиб юборайлик, а?

Ҳасанбой. Сиздан. Қани.

Один Орифхон, кейин Ҳасанбой ичишади.

Шодн. Хўш, энди ўзларидан эшитайлик? Кайфиятлар, ишлар жойидами ахир?

Орифхон. Худога шукр. «Худога шукр» дейишга одатланиб қолганмиз-у...

Шодн. (хахолоб кулади). Ҳа-ҳа! Худога

шукр, дейиш атеистларнинг энг яхши кўрган гапи! Гап-да!

Орифхон. Биз энди унчалик атеист ҳам эмасмиз-у...

Шодн. Ҳа-да. Сиз — менсиз! Менинг ўзимсиз. Мен ҳам... Ха-ха-ха! Ҳаммамиз ҳам... асли атеистмиз-у, керак бўлганда худони ҳам эслаб турамыз-да. Уртада юрган яхши-да, икки томондан ҳам баҳраманд бўлиб! Шундай эмасми, а?

Орифхон. Албатта-да. Униси бўлмаса, буниси-да. Лекин бир нарсага ҳайронман. Замон тескари бўлиб кетяпти шекилли! Бўлмаса, одам қуригандай, келиб-келиб, мишиғи оқиб юрадиган, биров бир тийинга олмаган одам ҳам раис бўлиб ўтирадим?

Шодн. Анавими? Ҳ-ҳа, оти нмайди?..

Орифхон. Бегимқул. Ўзи, илгариги юриши яхши эди. Исмига монанд — Бегимқул эди. Энди, замон тескари айланиб, Қулим бек бўлиб ўтирибди!

Шодн. (завқланиб кулади). Буни қаранг-а! Буни қаранг-а! Молодес! Проста молодес! Ха-ха-ха! (Ҳасанбойга.) Топган гапларини қаранг! Бегим — қул, қулим — бек! Эй, сиз катта ёзувчи бўлиб кетардингиз-а! Езмангансиз-да! Афсус! Афсус!

Орифхон. Ёзувчи бўлмасак ҳам, кунимиз ўтиб турувди. Мана шу, қулим бекка айланди-ю, буёғи...

Шодн. (ташвишда). Ҳа?

Орифхон. Э, кун бермайди деиш! Қачон, қандай мол олсанг, менга кўрсатмасдан сотмайсан, дейди...

Шодн. Ие!

Орифхон. Келиб, кўради. Фактурага солиштириб, текшириб чиқади. Кейин, ноёброқ молларни бўлиб чиқади. Фалончига, писмадончига берасан, деб. Бу туришда косам оқарармиди! Буни хаёлигаям келтирмайди, косанг оқармагур!

Шодн. Аблаҳ!

Орифхон. Аблаҳ ҳам гапми! Ўтиб кетгани! Битта гугуртни ҳам бекитиб сотмайсан, дейди! Ҳатто ароқни ҳам қўймайди! Илгариги раислар тузук эди. Ҳеч нарса билан иши йўқ эди. Кейин, ароқ сотмайсан дерди. Мен сизга айтсам, ҳазрат, шу жонивордан ҳам анча нарса келиб туради-да. Айниқса, тақиқлаб қўйилгандан кейин. Бу эса, ароқни сотаверинг, дейди. Истаган одам истаган пайтида олаверсин, дейди.

Ҳасанбой. Лекин, қизиқ. Илгариги раис ароқни соттирмасди. Лекин мастлик, тўпалонлар бўлиб турарди. Ишгаям зарар тегарди. Ҳозир бемалол, лекин на мастлик бор, на тўпалон. Иш ҳам жойида.

Орифхон. Сенга нима, чўнтагингдан кетяптими, гапираверасан-да!

Ҳасанбой. Сизнинг чўнтагингиздан кетяптими?

Шодн. Тоға! Нега энди келиб-келиб ўшанинг ёнини оласиз?!
Ҳасанбой. Енини олаётганим йўқ, тўғри гапни айтдим-да.

Шодн. Ҳа, энди яхшимас-да. (Орифхонга ишора қилиб.) Меҳмонни хафа қилиш яхшимас! (Орифхонга.) Э, кўйинг-э, Орифхон ака, шунгайм асабийлашиб ўтирманг. Ҳаммаси жойида бўлиб кетади. Сизга қасд қилганлар паст бўлади, худо хоҳласа! Қани, энди ўзингиз бошлаб, одамни қизиқтириб кўйдингиз (ишлага ишора қилиб), энди бўшашманг-да!

Орифхон. Э-э-э, кечиргайлар, кечиргайлар. Хаёл анави аблаҳга кетиб... (Пиёлаларга ароқ қуйиб, узатади.) Марҳамат қилсинлар! Қани, энди яна бир...

Шодн. Йўғ-э, боя гапирдим-ку. Энди ўзларин...

Орифхон. Бояги суҳан бизга тегишли бўлди. Энди Ҳасанбойгайм...

Шодн. Ҳа, айтгандай... Бўлмаса, шу қадаҳларни мана шу... тоғамнинг бутун болачақалари билан тинч бўлиши, Эргашжоннинг келажоги порлоқ бўлиши учун олайлик! Эргашжон катта олим бўлсин. Файласуф бўлсин. Нокамтарликка йўмангизлар-у, мендай бўлиб юрсин!

Ҳасанбой ерга қарайди.

Мен (секин ёнига бориб). Ҳа, Ҳасанбой ака, суҳан унча маъқул эмасми, дейман?

Ҳасанбой (менга). Мен унинг қанақа одам эканлигини, бутун моҳиятини биламан, наҳотки бошқалар билмаса? Наҳотки ўзи билмаса?

Орифхон (Шодига). О, яшанг, ҳазрат! Улуғ гап бўлди. Гапнинг пўсткалласиям шуда! Биз биладиган, танийдиган, кўриб турган улуғ одам битта сизсиз. Бошқасини билмаймиз. Тан ҳам олмаймиз! Демак, бировни кимгадир ўхшасин дейдиган бўлсак, фақат сизга ўхшасин, деймиз-да! Қани, олсинлар бўлмаса!

Шодн. Йўқ, ўзларидан.

Орифхон. Йўқ, ўзларидан. Бизнинг шундай ҳам гуноҳимиз кўп. Сиздан олдинга ўтиб, баттар кўпайтириб ўтирмайлик!

Ҳасанбой. Улманг, Орифхон ака!

Шодн. Ҳаққатан ҳам! Қани...

Ташқаридан Ҳамроқулнинг овози эшитилади.

Ҳамроқул (ташқаридан). Эргаш!
Ҳасанбой (Эргашга). Бор, Ҳамроқул келди.

Эргаш чиқиб, Ҳамроқулни бошлаб киради.

Ҳамроқул. Ассалому алайкум!
Шодн. Келсинлар, Ҳамроқул ака!

Шодн. Ҳамроқул сўрини айланиб ўтиб, унга яқинлашади-да, кўлини узатади.

Шодн. Ҳамроқулнинг кўлини олмай, ноқулай энгашиб, уни қучоқлайди, ўпади. Ҳамроқул сўрига чиқиб, Шодининг ўнг томонига жойлашади.

Орифхон. Қани, ҳазрат...

Шодн. Қани, қадам етди— бало етмасин, омин! Қалай, Ҳамроқул ака, аҳволлар яхшими?

Улар бир-бири билан сўраша бошлашади.

Мен. Бу киши — Ҳамроқул. Ўрта мактабда ўқитувчи. Математикадан дарс беради. Қишлоқда шундай одат бор: агар бировникига меҳмон келса, яқин-атрофдаги кўни-кўшнлар чақирилади. Чиқиш шарт. Ҳамроқул табиатан анча вазмин одам. Ичидогиси ташига тезда чиқавермайди. Унинг кимгадир мойиллиги ёки номойиллигини билиш қийин. Шу жумладан, Шодига ҳам. У шунчаки, Ҳасанбойнинг кўшниси бўлгани, Ҳасанбой уни меҳмоннинг олдига айтгани учун чиққан.

Ҳасанбой (чой узатиб). Қани, Ҳамроқул.

Орифхон. Ҳасанбой, анавиндан ол.

Ҳасанбой ариқчадан битта шиша олиб келиб, Орифхонга беради.

Шодн. Э, балосиз-да, Орифхон ака, вақтини шундай биласиз-да!

Орифхон. Ҳа, энди биз камина...

Ҳамроқул. Орифхон аканинг мутахассислиги шу-да...

Шодн. Йўғ-э...

Ҳамроқул. Ҳали бердисини айтмадим-да, Шодивой. Орифхон аканинг мутахассислиги одамларнинг кўнглидагини топиш, демоқчи-ман-да.

Шодн. Ха-ха-ха! Молодес! Проста молодес! Бор экансиз-ку, Ҳамроқул ака!

Орифхон (пиёлаларга ароқ қуйиб, узатади). Қани, ҳазрат. Қани, Ҳамроқул...

Ҳамроқул. Йўқ, энди, бизга узр.

Орифхон. Олифта гапингни кўй! Узр эмиш-а! Мана, ҳазрат! Бу кишиям ичмайдилар! Тошкентдай жойдан келганлар яна! Бир оғиз гапимизни икки қилмай, олиб ўтирибдилар. Сен шу ерлик бўлиб, узр дейсан-а!

Шодн. Олинг-да, энди, Ҳамроқул ака.

Ҳамроқул. Бизга тўғри келмайди.

Мен. Эргаш!

Эргаш. Лаббай!

Мен. Бу ёққа қара! (Эргаш ёнимга келгач.) Сен энди ҳовлига бор. Бу ерда катта одамлар ўтирибди. Сенга тўғри келмайди.

Эргаш. Хўп. (Кетади.)

Ҳамроқул (Эргаш кетгандан кейин). Энди олсак бўлади. (Пиёлани олади.)

Ҳасанбой. Э, кечирасиз, Ҳамроқул, шу хаёлимдан кўтарилганини қаранг-а...

Орифхон. Шу олифтагарчилигинг қолмади, қолмади-да.

Ҳамроқул. Бу олифтагарчилик эмас, Орифхон ака.

Ҳасанбой. Ҳақиқатан ҳам, Ҳамроқул тўйларда ҳам, агар ўқувчилар бўлса, ичмайди.

Орифхон. Эргаш сенинг мактабингда ўқимайди-ку.

Ҳамроқул. Нима қипти. Бари бир, ўқитувчининг ичиши ўқувчига ёмон таъсир кўрсатмай қолмайди.

Шоди. Молодес, Ҳамроқул ака. Проста молодес!

Орифхон. Битта бунинг молодеслиги қаёққа борарди дейсиз, ҳазрат. Бошқа муаллимлар ичади. Ана, Абдухолиқ. Қайси куни бир тўйда маст бўлиб қолиб, жанжал чиқарибди. Кейин ўзининг ўқувчилари роса урибди.

Шоди. Д-да!..

Ҳамроқул. Уни умуман ўқитувчиликдан ҳайдамочкимиз.

Ҳасанбой. Унда нима қиларкин бечора?

Шоди. Ха-ха-ха! Соддасиз-да, тоға, соддасиз! Нима қиларди! Бошқа мактабга ўтиб ишлайверади-да. Йўли осон! Ҳамма гап, боя айтганимдай, ишнинг кўзини билишда-да!

Ҳамроқул. Ана шуниси ёмон-да. Ҳақиқатан ҳам, биз ишдан бўшатганимиз билан, кимнингдир раҳми келади. Беш йил институтда ўқиган, бечора, хор бўлмасин, дейди-да, бошқа мактабга жойлаб қўяди. Аслида у бутунлай кетиши керак мактабдан. Маорифга яқинлашмаслиги керак. Қўлига кетмон олиб, деҳқончилик қилсин. Лекин, қилмайди. Номуси келади. Шу тахлитда кетаверса, умрининг охиригача неча минглаб одамни бузади, тасаввур қиласизми!

Шоди. Д-да...

Ҳамроқул. Афсуски, орамизда ана шундай — шахси танлаган касбига тўғри келмайдиган одамлар ҳали кўп.

Орифхон. Ҳамроқул, шуни олиб юборайлик, кейин гапираверасан. (Шодига.) Қани, ҳазрат, бир ширин қилиб юборсинлар!

Шоди. Э, қандай бўларкин? Ҳадеб мен...

Орифхон. Энди, йўриғи шу-да, ҳазрат. Улуғимиз бўлганларидан кейин...

Шоди. Бўлмаса, шу қадаҳни ҳамма болаларнинг Ҳамроқул акадай софдил, Орифхон акадай одамоҳун, тоғамдай меҳмондўст бўлиши учун кўтаришни таклиф қиламан!

Орифхон. Мен ўзларидай билимдон бўлишлари учун ҳам ичаман!

Шоди. Қуллуқ!

Ичишади.

Орифхон (Ҳамроқулга). Қани, қаерда тўхтаб қолувдинг?

Ҳамроқул. Э, бўлди энди. Эсдан ҳам чиқиб кетди.

Шоди. Йўқ, гапиринг, Ҳамроқул ака. Гапларингиз қизиқ.

Орифхон. Ана, ҳазратгаки, маъқул бўлибдими, гапир-да!

Ҳамроқул. Гап кимгадир маъқул бўлиш-бўлмасликда эмас. Умуман гап чиқиб қолди-да. Ҳақиқатан ҳам, ҳали шундай одамлар кўп-да орамизда. Тарбиясиз муаллим, меҳрсиз врач, ахлоқсиз ота...

Шоди. Д-да... Жамиятни бунақалардан тозалашимиз керак!

Ҳамроқул. Шундай дейсиз-у, масала бояғидай айланиб, яна жойига қайтиб келаверади-да...

Орифхон (пиёлаларга ароқ қуйиб, уза-тади). Менда бир таклиф бор. Ҳамроқул ука, ҳамма гапларинг тўғри. Лекин (Шодини кўрсатиб), ҳазрат Тошкентдай жойдан келиб ўтирибдилар. Бунинг устига, ўзлари олим. Сен учун ҳам, мен учун ҳам ўйлайдилар бу гапларни. Бас, шундай экан, ҳадеб масала талашавермай, бундай, қизиқроқ гаплардан гаплашиб ўтирайлик. Ҳазрат дунё кўрган одам. Бу кишидан эшитайлик. Нима дедиларингиз, а?

Ҳасанбой. Яхши.

Ҳамроқул. Жуда яхши!

Орифхон (Шодига). Қани, ҳазрат, аввал (пиёлага ишора қилиб) буни бир ширин қилиб юборсинлар, кейин...

Шоди. Қани, бўлмаса, орамиздаги дўстлик йўқолмасин, бизга қасд қилганлар доим паст бўлаверсин! Орифхон акага ўхшаган ширинсухан одамлар тобора кўпайсин! Қани, олдик! (Ичишади.) Биласизларми, бизнинг жамиятимиз киши кишига дўст, ўртоқ бўлиши керак, деган принципга қурилган. Шу принцип уни мустаҳкамлайди ҳам! Биз мана шу принципни мустаҳкамлайлик, одамларимиз тобора онгли, тобора маданиятли бўлсин, деб жонимизни жабборга бериб ётибмиз-да!

Орифхон. Баракалла! Умрингиз узоқ бўлсин ишқилиб!

Шоди (Ҳамроқулга). Боя сиз айтган одамлар учун ўрин йўқ жамиятимизда! Қимлар дегандингиз? Бемеҳр ота...

Ҳамроқул. Ахлоқсиз ота...

Шоди. Ҳа! Ота. Именно ота! Оилада ота намуна бўлиши керак. Мана, биз қизимизни ана шундай тарбия қиляпмиз! Унга қаттиқ гапирмаймиз, кўнглига қараймиз, эркалаймиз, суямиз! Худо хоҳласа, Сурайёни академик қилмоқчиман!

Орифхон. Ў-ў! (Ҳасанбойга.) Ана!

Ҳамроқул. Мен бошқа нарсани айтмоқчийдим. Виждонни. Одамда виждон бўлиши керак-да. Бўлмасам... Мана, Қаримни олинг...

Шоди. Қайси Қаримни?

Ҳамроқул. Тўрақентдан. Врач эди. Саккизинчи синфда ўқийдиган бир қиз касал бўлиб палатасига ётган экан. Шунинг номусига тегмоқчи бўлибди.

Шоди (*кўзларидан учқун чақнаб*). У ба-
ло-ей!

Ҳамроқул. Саккиз йилга қамалиб кетди.
Ҳўш, жазосини тортди, дейлик. Лекин, бола-
лари бор. Келгунигача вояга етиб қолишади.
Улар сўрашади-ку, ахир, отам нимага қамал-
ган, деб. Хуллас, билиб олишади-да. Ушалар-
нинг кўзига қандай қилиб қарайди қайтиб ке-
либ? А? Қандай қилиб қарайди? Нима дейди?
Мен тасаввур қилолмайман.

Орифхон. Сен яна гапни буряпсан.

Ҳамроқул. Гапни бураётганим йўқ, сиз
хавотир олманг.

Орифхон. Йўқ, атайлаб буряпсан! Менинг
ғашимга тегиш учун айтяпсан бу гапларни!

Ҳасанбой. Йўғ-э, Орифхон ака, сизники,
энди, эски гап. Бу киши шунчаки...

Шоди. Э, майли, қўйингизлар-э, шу гап-
ларни. Бир йигилибмизми, яйраб ўтирайлик-
да, бундай бир!

Мен. Шу ерда жиндай изоҳ беришга тўғри
келади. Орифхон ака ёшлигида хотинини икки
боласи билан ташлаб, яқин бир дўстининг хо-
тинини олиб қочиб кетган. Ун беш йилча чет-
четда юришган. Қишлоққа қайтиб келганига
ҳам беш йилча бўлиб қолди. Ҳамроқулнинг
ахлоқ ҳақидаги гапидан жаҳли чиқиши ҳам
шундан. Иштонсизнинг чўпдан ҳадиги бор,
деганларидай...

Шоди. Орифхон ака...

Азамат. Ассалому алайкум!

Сўридагилар ўринларидан туришади. Азамат
Шоди томонга ўтади. Шоди Азаматнинг узатил-
ган кўлини олмай, яна ноқулай ҳолда энгашиб,
уни қучоқламоқчи бўлади. Азамат чекинади.

Азамат. Қўй, мен муччи бермайман. Кў-
ришсанг, шундай кўриш. Қўл бериб. Бўлмаса...

Шоди. Ха-ха-ха! Ҳалиям шумсиз-да, а,
Азамат ака! Гапни қотирасиз!

Азамат. Муччилашишга ўрганганим йўқ-
да. Кўришамизми?

Шоди. Русларда бир гап бор: Муҳаммад
тоғнинг олдига бормаса, тоғ Муҳаммаднинг
олдига келади, деган. Қелинг, майли.

Кўл бериб кўришишади.

Ҳасанбой. Қани, юқорига марҳамат.
(*Ховли томонга.*) Эргаш, чойни янгилаб кел!

Азамат меҳмон билан сўрашишга тушади.

Мен. Азамат ака Ҳасанбойнинг қўшниси.
Қолхозда ишларди, бу йил ишдан қолган.
Ўтган йили самолёт унинг устидан дори сепиб
кетган эди, узоқ вақт касалхоналарда ётиб
юрди. Тузалиб чиқди-ю, нимжон бўлиб қолган
учун ишламайди. У гапдон одам, ҳеч ким-
га ҳақини юбормайди.

Эргаш чой олиб келади. Ҳасанбой Азаматга чой
тутади.

Ҳасанбой. Қани, марҳамат. Олиб ўти-
ринг.

Шоди. Йўқ, тоға. Азамат ака бирдан ма-
нови чойдан бошласин. Аввал бу чойдан олай-
лик. Орифхон ака!

Орифхон. Ҳасанбой! (*Ариқча томонга
ишора қилади.*)

Азамат. Мунча шошасанлар! Қочиб кета-
ётгани йўқ-ку жонивор!

Ҳасанбой (*ишора олиб келиб, Орифхон-
га беради*). Мана.

Орифхон пиёлаларга ароқ қуйиб, Азаматга уза-
тади.

Азамат (*Орифхонга, қатъий*). Менинг ич-
маслигимни биласиз-ку, Орифхон! Ундан ке-
йин, ўзларингиз ҳам бир оз дам олингизлар.
Бунча шошасизлар. Ичиб ўтирибсизлар ше-
килли.

Орифхон (*Шодига ишора қилиб*). Энди,
улуғ меҳмоннинг гапи...

Азамат. Э, меҳмон улуғ бўлса сизга
улуғ-да! Менга ўзимизнинг ўша... (*Шодига*)
айтаверайми?

Шоди. Айтаверинг!

Азамат (*бир нарсани шивирлаб*). ...Шо-
ди-да!

Қаттиқ кулги кўтарилади.

Шоди (*кўзидан ёш, кулгидан зўрға тўхтаб*).
Э, ўлинг-э, Азамат ака-е!

Азамат. Ҳа, ёлғонми? (*Атрофдагиларга.*)

Урушдан кейинги йиллар эди. Қорнимиз оч
юрардик. Меҳри янга бечора (*Шодига ишо-
ра қилиб.*) бунга бешикка белаб, ишга кетар-
ди. Мен қараб ўтирардим. Тушда келиб, эми-
зиб кетарди. Бир кун қараганимга битта кулча
берарди. Бутун улуғлигини ўшанда кўрган-
ман. (*Кулги.*) Кейин боғчага борди бу. Боғча
деганимиз, Шарбат янганинг ҳовлиси эди-да,
биласизлар-ку. Бу улоқиб кетиб қолаверар
экан. Охири Шарбат янга оёғидан боғлаб қўя-
диган бўлибди. (*Кулги.*) Ана шундай катта
бўлган бу улуғ меҳмон! (*Кулги.*)

Шоди (*хурсанд*). Молодес, Азамат ака,
проста молодес! Одам деган шундай бўлиши
керак. Даврани гуллатиб ўтириши керак!

Азамат. Қўшиғинг эсингда борми?

Шоди. Ха-ха-ха!

Азамат. Қўшиғи бўларди:

Қўшиғим — қўшиқ,
Томоғим тешиқ,
Бир парча нон берсанг,
Айтаман қўшиқ —

деган.

Кулги.

Шоди (*мириқиб*). Одамлар ўргатишган-да!
Азамат. Одамлар ўргатишгани-ку рост-а,
бўлмаса бунақа нарсаларга ақлинг етмасди
ҳали. Лекин фойданги билардинг, ўша, мушт-
дайлигингдаям. Текинга қўшиқ айтмасдинг.

Тангами, конфетми, нонми берса айтардинг, бўлмаса — йўқ.

Кулги.

Ҳамроқул. Ўзи, ашулачиларнинг қонида бор экан-да, текин қўшиқ айтмаслик!

Кулги.

Шоди. Орифхон ака! Қани, шу гўзал гаплар учун бир олиб юборайлиг-э!

Азамат. Тошкентда юриб жуда чўллаб қолган экансан-да, а! Мунча «Олайлик»лаб қолдинг! Ўзи бўларинг бўлиб қолибди-ку, бирпас дам олсаларинг бўлмайдим! Текин бўлса бас, орқа-олдинларга қараш йўқ экан-да, а!

Кулги.

Орифхон. Энди, хафа бўлмайдилар-да, ҳазрат. Азамат акани ўзингиз биласиз-ку.

Шоди. Йўқ! Молодес, Азамат ака! Бу ерга шундай, мириқиб кулиб, дам олай, деб келганмиз-да! У ёқда, эҳ-хэ... Уқи, ўйла, ёз...

Азамат. Ҳақиқатан ҳам, ишинг оғирга ўхшайди. Қара, ҳалитдан бошинг Нуъмон аканинг носқовоғидай йилтираб қолибди.

Кулги.

Шоди. Ха-ха-ха! Молодес! Оғир бўлганда қандай! Илми осон деб ўйлайсизми, Азамат ака!

Ҳамроқул. Лекин соч тўкилиши илмга ҳам қарамас экан. Мижоздан бўлса керак. Яқинда телевизорда бир олимни кўрдим. Ёшгина математик. Фан доктори экан. Сочлари шундай қалинки...

Шоди. Математика ҳам илми, Ҳамроқул ака! Иккита формулани бир-бирига қўшсангиз, битта диссертация тайёр бўлиб турибди-да! Философия дегани бутунлай бошқа гап. Бунда фақат ўйлайсиз! Дунёни ўйлайсиз! Одамларни! Мана, сизларни! Бекорга философия деб қўйибдим!

Эргаш келиб, Ҳасанбойга нимадир дейди. Ҳасанбой розилик ишорасини қилади. Эргаш чиқиб кетади. Ҳасанбой дастурхондан овқат учун жой оча бошлайди.

Ҳасанбой. Жиндай тамадди қилиб олайлиг-а.

Азамат. Бормисан, Ҳасанбой! Мен меҳмонларни қуруқ ароқ билан тўйдириб юборамми, деб ўйлаб ўтирувдим.

Шоди. Эй, молодес, Азамат ака!

Азамат. Меҳмонинг ҳам телевизордаги Эргашдан қолишмайдиган бўлиб қолибди, ўзи. Иккита пиёз билан битта ароқ берсанг бас — хурсанд, ўнта қўй сўйсанг-у, бир пиёла ароқ бермасанг, бошинг лаънатдан чиқмай кетади.

Кулги.

Бу орада Эргаш устига косалар терилган патнис кўтариб киради. Ҳасанбой косаларни олиб, дастурхонга қўя бошлайди. Эргаш тезда бориб, бошқа косаларни ҳам олиб келади.

Шоди. Молодес, Азамат ака! Ғўзанинг соясида ётиб олиб, шунақа қизиқ гапларни ўйлаб топасиз-да, а?

Ҳасанбой. Қани, овқатга қарангизлар.

Азамат. Қани, олинглар. (Шодига.) Тошкент — ўзбекнинг Маккаси. У ерда энг зўр одамлар яшайди. Сендан ҳам хурсанд бўлиб юрувдик, зўр бўлиб кетди, деб. Адашибмиз шекилли. Тошкентнинг хосияти сенга юқмаганга ўхшайди. Гапларингга маъни сал... Ғўзани кўрмаган одамдай гапиряпсан. Ғўза сенга қайрағоч эмас, жигарим, маъза қилиб соясида ётадиган! Майли, сояси бор ҳам, дейлик. Лекин, соясида ётганингга ҳосил бермайдими у. Эрталабдан кечгача офтобнинг тиғида куйиб, оралаб юриш керак. Ҳозир кун неча соат? Ўн уч-ўн тўрт соат, а? Ана шундай, ҳар куни камида ўн соат юришинг керак ичида. Ғўза жонивор ўзи офтобни яхши кўради. Шунинг учун, мени яхши кўрган одам ҳам мендай офтобни яхши кўрсин, дейди. Билдингми!

Шоди. Д-да!.. Молодес, Азамат ака! Балосиз-ку! Ҳа, пахтаям оғир. Бекорга уни ўзбек халқининг миллий ифтихори, деймизми!

Азамат. Ифтихор ўзидан-ўзи бўлавермайди-да, жигарим! Ифтихорга эга бўлиш учун жонни жабборга бериб ишлаш ҳам керак. Мақол бор-ку: «Жонни қийнамасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона», деган.

Орифхон. Қани, ҳазрат, овқатдан олдин...

Шоди. Азамат акаям олсинлар энди жиндай.

Азамат. Йўқ, ука, ўзларинг бемалол олаверинглар, бизга тўғри келмайди.

Шоди. Э, қўйсангиз-чи, шунча жойдан келиб ўтирибман-у...

Ҳасанбой (Азаматни гапиртирмасликка ҳаракат қилиб). Азамат аканинг соғлиқларига тўғри келмайди, куёв.

Ҳамроқул. Ҳақиқатан ҳам, зўрлашнинг фойдаси йўқ.

Шоди. Ростини айтсам, Азамат ака, ҳозир жаҳлим чиқиб турувди. Қишлоқликлар ўзбекчиликни унутиб қўйибди, деб.

Азамат. Ароқ ичиш ўзбекчиликка кирмайди-да, чироғим.

Шоди. Бердисини айтгунча уриб ўлдирмай туринг-да энди.

Орифхон (Азаматга, таъна аралаш). Қадаҳ айтяптилар ахир. Бўлмай туринг-да.

Азамат. Ҳў, қонунларингдан ўргилдим! Қани, айт қадаҳингни, бир кўрайлик!

Шоди (кулиб). Одамни гапидан адаштириб юбордингиз. Хуллас, ўзбекчиликда меҳмон отангдан азиз, деган гап бор. (Азаматга.) Шошманг энди, гапириб олай. Меҳмоннинг иродаси мезбон учун қонун. Шунинг учун, ҳозир гапимни қайтарганингизга хафа бўлиб турган эдим, лекин, мана (Ҳасанбой билан Ҳамроқулга ишора қилиб), қўшниларингиз

соғлиғига тўғри келмайди, дейишяпти, энди фикримни ўзгартираман. Кўрдингизми, биз битта нарсага ёпишиб оладиганлардан эмасмиз. Шароитни ҳисобга оламиз. Уйлаймиз. Одамларни уйлаймиз. Философия! Касбимизнинг хусусияти қонимизга сингиб кетган! (Орифхонга қараб.) Бўлмаса, Орифхон ака, мен шу қадаҳларни, авваламбор, Азамат аканинг бутунлай соғайиб кетишлари учун, кейин, мана шу, Азамат акадай софдил, меҳнаткаш, тўғрисўз одамларнинг кўпайиши учун олишни таклиф қиламан. (Азаматга.) Сиз учун, Азамат ака. (Ичишади.) Лекин, бу жониворни ҳам олиб туриш керак ҳар замонда.

Азамат. Тўғри айтасан. Ҳар замонда олиб туриш керак. Лекин оз-оздан. Сенга ўхшаб, бирваракайига эмас. (Кулги.) Мен ҳам олиб турардим, ука. Одамнинг тафтини олади, биламан. Дардларингни бир оз унутасан. Лекин, худо кўп кўрди буниям, нима қилай.

Шоди. Нима бўлган?

Азамат. Устимга самолёт (энгашиб, шивирлайди)... кетган!

Ҳамма кулиб юборади. Шоди мириқиб, узоқ кулади.

Шоди. Э, бор бўлинг-э!

Азамат. Ҳа, рости-да!

Ҳасанбой. Бир ўлимдан қолдингиз-да, ўзиям!

Азамат. Ҳа, нариги дунёга бориб, разведка қилиб келдим. Қалай экан, деб.

Шоди. Қалай экан?

Азамат. Э, ҳавас қилма. Шу дунёда юравер. Ёлгон-яшиғингни айтиб.

Шоди. Одамни ҳақорат қилманг. Азамат ака. Мен ёлгон-яшиқ айтиб юрганим йўқ. Мен илм билан машғулман. Мен уйлайман! Дунёни, одамларни, мана, сизни!

Азамат. Онангниямми?

Шоди (сонига битта уриб, ўрнидан туриб кетади). Орифхон ака, айтиб қўйинг бу одамга, иззатини билсин! Ҳаддидан ошмасин! Мен ҳамқишлоқларим деб, шу мартабам билан пастга тушиб, булар билан гаплашиб ўтирсам... Менинг одамгарчилигимни, камтарлигимни суистеъмол қиляпти булар! Индамаганинг сари ҳаддидан ошяпти! Бирини ундай дейди, бирини бундай!

Азамат. Э, кечирасиз, домла, биз сизнинг бундай... осмонга чиқиб кетганингизни билмай қолибмиз. Ўша, ўзимизнинг... Шодивой-да, деб ўйлабмиз-да. Кечирасиз, беайб парвардигор-да. Бўлмаса, узр. (Ўрнидан туради.)

Ҳасанбой. Ўтиринг, Азамат ака, яхши эмас. (Шодига.) Яхши эмас, куёв, омади гапни айтди-қўйди-да, бу киши. Аслида шу ерга келиб ўтиргани сизнинг иззатингиз эмасми!

Азамат (пастга тушади). Мен бу ...ни...

Ҳамма кулиб юборади. Шоди ҳам пастга тушиб, Азаматни кучоқлайди.

Шоди. Э, қўйсангиз-чи энди! Жа, ҳазилга-ям тушунмайдиган бўлиб кетибсизми! Утиринг, ҳеч қаерга кетмайсиз. Қўйвормайман. (Кўтариб, сўрига ўтқизиб қўяди. Ўзи жойига чиқиб ўтиради.) Одамнинг жаҳлини чиқариб юбордингиз-да, ўзи. Мен оймни уйламасам, нима қилиб келиб ўтирибман бу ерга? Оймни кўргани келганман, билдингизми? Кечаю кундуз хаёлимда ўша муштипарим! Кечаю кундуз!

Азамат. Хўш, нега бўлмаса мунча жириллайсан? Айби борнинг ҳадиги бор, деган гап бор. Шунга ўхшаб... Боя ёлгон-яшиғингни айтиб юравер, деганимга жириллаб кетдинг. Шунчаки, айтдим-қўйдим-да. Ҳаммамиз ҳам ишлатамиз ёлгонни. Озми-кўпми. Ёлгон ишлатмай кун кўриб бўладими? Ёки сен ишлатмайсанми? А, тўғрисини айт?

Шоди. Йўқ, мен ёлгон ишлатмайман. Тарикча ҳам. Мутахассислигим шунини тақозо қилади. Мен ҳақиқат тарафдориман. Ҳақиқат учун курашаман. Ёлгон гап билан ҳақиқат учун курашиб бўлмайди.

Азамат. Лекин ёшлигингизда анчагина ёлгончи эдинг.

Шоди. Унда бошқа гап эди.

Азамат. Бўлмаса, айт: ёлгончиликни қандай ташласа бўлади?

Шоди (кулади). Мен қаёқдан билай!

Азамат. Ўзинг айтяпсан-ку, ҳозир ёлгон гапирмайман, деб. Ёшлигингизда эса ёлгончи эдинг. Ташлабсан. Мен ҳозир ҳам айтаман ёлгонни. Гоҳ-гоҳида. Ташламоқчиман. Лекин ташлолмаёйман. Ўзим ҳам билмай қоламан ёлгон гапирворганимни. Сендан ўрганмоқчиман-да. Тажрибангни айт, деяпман-да.

Шоди (кулади). Ёмон қувсиз-да, а, Азамат ака! Гапни айлантириб олиб келишингизни қаранг! Кўряпсизми, Орифхон ака!

Орифхон. Ҳа-а...

Азамат. Орифхонга айтиб ўтирибсанми? Одамни топибсан. Менинг қувлигим буникининг олдида ип эшолмай қолади.

Орифхон. Ҳай-ҳай, Азамат ака!..

Азамат. Кўрдингми, дарров чўчияпти.

Орифхон. Ха-ха-ха!

Азамат. Ана буни қувлик деса бўлади. Кулги билан гапимни бир пул қилмоқчи, кўрдингми!

Орифхон. Ха-ха-ха! Ҳазратга айтадиганингизни айтиб бўлдингиз, энди мени нишонга оляпсизми? Ха-ха-ха, қани, гапираверинг, менинг жаҳлим чиқмайди.

Азамат. Албатта жаҳлингиз чиқмайди. Жаҳлингизнинг чиқмаслиги — давлатингиз. Жаҳли чиқадиган одам бир кун ҳам савдода ишлай олмайди.

Шоди. Тўғри-да. Ишламаслиги ҳам керак. Савдода ишлайдиган одам ўта хушмуомала бўлиши керак.

Азамат. Сен рисола бўйича гапиряпсан, чироғим. Уқиганлигинг мана энди, шу гапинг-да билинди. Лекин доим ҳам иш рисоладагидай бўлавермайди. Мана, айтайлик, Орифхон...

Ҳасанбой. Азамат ака...

Азамат. Ишинг бўлмасин. Хафа бўлмайди. Ўзи айтяпти-ку. А, Орифхон, тўғрими?

Орифхон. Гапираверинг.

Азамат. Куни бўйи савдо қилади. Ҳам энидан, ҳам бўйдан дегандай, бу кишим ҳам тарозидан, ҳам ҳисобдан жиндай-жиндай янглишадилар. Сизган сезади, сезмаган — йўқ. Сизган одам бир нарса дегандаям бу кишининг жаҳллари чиқмайди. Битта ширин гап қилади. Индамай кетаверасиз. Қишлоқчилик. Кўз кўзга тушади.

Орифхон. Ҳа, энди, бир тийин-икки тийин... Бизнинг бўйнимизда ҳам чиқимлар борда...

Азамат. Сизнинг чиқимларингизнинг одамларга нима алоқаси бор? (*Шодига.*) Хуллас, бу киши кўпчиликнинг устидан кун кўрадилар. Кўпчиликнинг устидан кун кўриш, мен сенга айтсам, ука, осон эмас. Ана энди билдингми кимнинг қувроқлигини?

Шоди. Ха-ха-ха! Оббо, Азамат ака-ей! (*Орифхонга.*) Хафа бўлманг, биласиз-ку, бу кишининг ҳазилкашлигини!

Орифхон. Ҳа...

Азамат. Ҳей, нима, боятдан бери қулоғингга танбур чертиб ўтирибманми? Айтяпман-ку, бу киши хафа бўлмайдиганлардан, деб! Мана, қара, сен ўзинг мақтаняпсан, катта одамман, философман, деб.

Шоди. Мақтанаётганим йўқ...

Азамат. Жим тур, гапни эшит. Мана, сен... хуллас, олимсан. Юришингни қара. Сочинг тўкилиб кетган. Қадди бастинг Мухтор аканинг эчкисининг ичагидай. (*Кулги.*) Мана, Ҳамроқул. Муаллим! Муаллимнинг улуғлигини биласанми? Муаллим ота-онадан кейин иккинчи ўринда туради. Буниям қомати худди сендай. Мана, Ҳасанбой. Сувчи. Пахтада ишлайдиган одамларнинг ичида энг ҳурматлиси тракторчи билан сувчи ҳозир. Бу ҳам сендай. Хўш, ишларинг яхшими? Яхши. Топишларинг ёмон эмасми? Ёмон эмас. Ана энди Орифхоннинг ишини олиб қаранглар-у, ўзини кўринглар. Семизгина. Юзлари ялтираб турибди. Нима бу? Ёғ! Сенинг, менинг (*Ҳасанбой билан Ҳамроқулни кўрсатиб.*) бунинг, бунинг ёғи. Ҳаммамизнинг улушимиз...

Шоди. Азамат ака, ҳазил-ку яхши-я, лекин бир оз ошиб кетяпти чамамда.

Азамат. Йўқ, бу ҳазил эмас. Лекин сен кўрқма. Орифхоннинг жаҳли чиқмайди. Жаҳли чиқса, эртага магазинни ташлаши керак. Унда сену менга ўхшаб қолади. Шунга биледи. Шунинг учун жаҳли чиқмайди. Тўғрими, Орифхон?

Орифхон. Оббо, Азамат ака-ей...

Азамат. Йўқ, тўғриси айтинг, гапим тўғрими?

Орифхон. Сизга бир нарса деб бўлмасан... Тўғри деймиз-да энди...

Азамат. Нега бир нарса деб бўлмас экан? Тўғри бўлмасан, айтинг.

Орифхон. Отамиз раҳматли айтирди-лар, дунёда жоҳилликдан ёмон нарса йўқ, хушмуомала бўлсанг, олам сеники, деб.

Азамат. Отангиз раҳматли яхши одам эди. Мен ҳам эшитганман бу гапларини. (*Шодига.*) Сен олим одамсан, қани, Орифхоннинг шу гапига бир баҳо бер-чи.

Шоди. Қандай баҳо берардим? Бу киши тўғри гапиряптилар.

Азамат (*Ҳамроқулга*). Сен-чи?

Ҳамроқул. Аслида бу гап Шодивойники бўлиши керак-ку, мен айтсам, энди, тўғри бўладими, нотўғрими... Менимча, одамда шундай бир хусусият борки, у ўзининг ҳар қандай ишига бир фатво топа олади.

Азамат. Ҳа, баракалла!

Ҳасанбой. Эргаш!

Эргаш (*ҳовли томондан*). Ҳов!

Ҳасанбой. Чироқни ёқиб юбор!

Эргаш. Хўп.

Олма шохидеги чироқ порлаб кетади.

Азамат. Э, бор экансан-ку. Ҳасанбой.

Шу пайт сўри ёнида Абдували пайдо бўлади.

Абдували. Ассалому алайкум, яхшилар! Қаторларингизда хато бўлмасин!

Ҳамма ўрндан туради.

Азамат. Э-э, миनावоз ака-ку!

Шоди кулади. Абдували кўришиш учун дастлаб унинг олдига боради. Қўл узатади. Лекин Шоди ҳар доимгидай ноқулай энгашиб, уни кучоқлаб ўпади.

Абдували (*хижолатда, юзларини артиб*). Э-э, бундайлигини билганда юқорига чиқардим-ку...

Қолганлар билан ҳам кўришади. Уни юқорига чиқариб, Азамат билан Орифхоннинг ўртасига ўтқизишади.

Шоди. Қани, қадам етди — бало етмасин, омин!

Ҳасанбой. Эргаш!

Эргаш (*ҳовли томондан*). Ҳов!

Ҳасанбой. Чой олиб кел. Абдували ака келдилар.

Эргаш. Хўп!

Абдували. Хўш, Шодивой, қалайсиз?

Абдували ҳамма билан сўрашиб чиқа бошлайди.

Мен. Бу киши — Абдували ака. Ҳасанбойнинг қўшниси. Урушдан омон қайтиб кел-

ган ўн киши бор эди қишлоқда. Ҳозир учта қолган. Абдували ака шу уchtанинг бири. «Юрагимда мина бор», деб юради у. Одамлар унинг бу гапига кулишган, «Мина бўлмайди одамнинг баданида, снаряд парчасидир, уям юракда эмас, бошқа жойда бўлади, юракда бўлса, бундай юрмас эдингиз, аллақачон асфаласофилинга кетган бўлардингиз», деб тушунтиришган. У ўжарлик билан: «Йўқ, менинг юрагимда мина бор, у ҳали бутун, бир кун портлайди», деб жавоб бераверган. Кейинчалик унинг бу гапига кўникиб кетишган. Бирон-бир сабаб бўлиб, «Юрагимда мина бор», деб қолсаям, аҳамият бермай қўйишган. Баъзилар унга ҳалиям ҳазил қилиб туришади. Азамат аканинг «минавоз» деганиям шундай ҳазилларнинг бири. Лекин ўзи жуда ювош, содда одам. Соддалиги ҳақида бир-иккита ҳангомалар бор. Ҳар ўтиришда такрорланиб туради. Ҳали бу ерда ҳам эшитиб қолармиз.

Эргаш чойни янгиллаб келади. Косаларни йиғштириб олиб кетиб, Абдувалининг олдига овқат олиб келади.

Ҳасанбой. Қани, Абдували ака, овқатга қаранг.

Абдували. Ие, қандай бўларкан, сизлар қараб туриб, мен олаверсам...

Азамат. Биз олдик, Абдували ака, сиз бемалол... Биз минани кўриқлаб тураммиз.

Кулги.

Абдували. Ҳеч қўймайсан-да, а, молинг кўпайгур. Майли, кулинглар. Ишқилиб, хурсанд бўлсаларинг бўлди-да.

Ҳамроқул. Сиз «Молинг кўпайгур», деб сўкаверганингиздан кейин қўйишадими!

Кулги.

Абдували. Ҳа, молининг кўпайгани яхши-да. Хўш, Шодибой, иним, ишқилиб, яхши-да?

Шоди. Яхши. Лекин бизда молдан йўқ-да, Абдували ака!

Абдували. Шуниси ёмон экан. Мол қилиш керак, иним. Ҳозир шароит бор.

Шоди (қотиб-қотиб кулади). Ха-ха-ха! Ха-ха-ха!

Орифхон. Шаҳарда одамлар мол қилишмайди, Абдували ака!

Абдували. Мол қилишмайди? Нега? Унда қандай яшади? Сут ичишмайдами? Гўшт ейишмайдами? Тўй қилишмайдами?

Азамат. Шаҳарда одамлар мол қилишмайди, тилла қилишади, Абдували ака! Шу тиллани ейишади, ичишади, тўй қилишади.

Абдували (ёқасини ушлади). Ёпирай! Ёшим олтмишга кириб, шу пайтгача билмаман-а...

Ҳамроқул. Урушда бир дунёни айланиб келиб, Азамат акага нима дегансиз?

Кулги.

Абдували (кулиб). Хи-хи! Хи-хи-хи, энди, ука...

Шоди. Нима деганлар?

Азамат. Эшитгансизлар-ку ҳамманг.

Орифхон. Айтаверинг, ҳазрат эшитмагандир, ё хаёлларидан кўтарилгандир.

Азамат. Айтаверайми, Абдували ака?

Абдували (кулиб). Айтавер, молинг кўпайгур, айтавер.

Азамат (асосан Шодига). Урушдан кейинги йиллар эди. Шарбат янга сени оёғингдан бойлаб қўйган пайтлар. (Кулги.) Ҳали қорнимиз нонга тўймаган. Бир кунни Ҳофиз аканинг ҳовлисидаги тутга чиқдим. Бир тўйиб тушай, деб. Қарасам, тепада Абдували ака ўтирибдилар. «Ҳа», дедим. «Э, бир тутхўрлик қилай, деб чиқдим» деди. Икковимиз у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб, тут ейишга тушдик. Бир пайт: «Азаматхон», деб қолди бу киши. «Ҳа», дедим. «Ҳў анави тоққа қара,— деди бу киши Ургут тоғини кўрсатиб,— ўша тоғ ҳам бизга қарайдими?» «Ҳа», дедим. «Ўҳ-ҳў, советимиз ҳам жуда катта жой экан-да, а?», дейди бу киши. (Кулги.) Бўлмаса, урушда қаерларга бориб келмаган!

Кулги.

Абдували. Ие, йенди, иним...

Шоди. Урушда қаергача боргансиз, Абдували ака?

Абдували. Ие, ким билади дейсиз, Шодивой. Аввал молинг кўпайгурлар поездга солиб олиб кетди. Кетяпмиз, кетяпмиз денг... Бир кунни бир жойга тушдик. Урушдан олдин эди бу гап. Қирқинчи йил эди. (Ўзини тугулмай кула бошлайди.) Хи-хи-хи! Хи-хи-хи!

Азамат. Қўйинг, ўзингизни қийнаманг, бу ёғини мен айтиб берақолай. Бу кишилар Воронежга бориб тушишган. Бу кишида савод бўлмаган. Битта ҳамроҳига айтиб туриб, уйига хат ёздирган. Хатда «эсон-омон етиб келдик», деганга ўхшаш гаплар бўлган-да, охирида «1940 йил, 12 апрель», деб ёзиб қўйилган. Бу киши одамларни ҳадеб безовта қилавермай, деб ўйлаган-да, хатдан бир нусха кўчириб олган. Шериги ёзиб берган нусха уйига юборган. Шундан кейин ўша хатдан нусха кўчириб юбораверган. Ҳар хатининг охирига «1940 йил, 12 апрель», деб ёзиб қўйверган. Уруш бошланиши билан бу кишилар жангга кириб кетишган. Лекин ҳалиям ўша хатдан бир нусха юбораверган уйига. Уйдагилар ҳам ҳайрон бўлишган-у, бари бир ўша адресга хат ёзаверишган. Лекин у хатлар энди бу кишига бориб тегармиди! (Кулги.) Бу киши юрибдилар жанг қилиб. Ойлар ўтяп-

ти, йиллар ўтяпти, уйдан хат бормаиди. То-за хафа бўлиб, руҳи тушиб кетади. Шерикларидан бири сўрайди, сенга нима бўлди, деб. Бу киши дардини айтади. Ҳафтасига хат ёзяман, ҳеч жавоб келмайди, дейди. Кейин ўша, ҳар донм нухасини кўчириб юборадиган хатини кўрсатади. Шериги кўради-ю, қотиб-қотиб кулади. Бу киши ҳайрон. Шериги бўлган гапни тушунтирганидан кейин бу кишининг ўзиям бир кулади мазза қилиб.

Абдували. Хи-хи-хи! Саводсизликнинг касофати-да бу, молинг кўпайгурлар.

Шоди (*кулгидан зўрға тўхтаб*). Қани, Орифхон ака, қуймайсизми жиндай-жиндай! Жуда пассивлашиб кетдингиз-ку! Абдували ака билан олишайлик жиндай ахир!

Орифхон. Мана, ҳозир-да, ҳазрат.

Абдували. Йе, бизга бўлмайди, иним. Олмай қўйганмиз.

Шоди. Нега?

Абдували. Ешимиз ҳам, мана, бир жойга бориб қолди. Уят бўлади-да.

Азамат. Кейин, мина портлаб кетади.

Абдували (*бирдан руҳи тушиб кетади. Жиддий*). Ҳа, кейин... минаям...

Шоди. Э, қўйсангиз-чи ўша минани!

Абдували. Иним, отангиз билан тенгдош эдик. Кўп яхши одам эди раҳматли. У кишиям менга ўхшаб урушдан омон қайтди-ю... Мана, сизни... Йўқ, сиз у киши урушга кетганда туғилгансиз. Қайтиб, Ҳодибойни кўрди. Лекин умри қисқа экан. У кишиниям мина олиб кетди. Ўзи айтмасди-ю, лекин мина олиб кетди.

Шоди. Э, қўйсангиз-чи, Абдували ака, отам касал бўлиб ўлган-ку.

Абдували. Шундай дейсиз-да. Билмайсиз. Ҳа, майли, билмаганларингиз яхши.

Орифхон. Қани, Абдували ака, бу ерда бегона одам йўқ, энди жиндай олиб юборинг.

Абдували. Хафа бўлмасаларингиз, молинг кўпайгурлар, мен олмасам...

Орифхон (*Шодига кўзини қисиб*). Хафа бўладилар. Меҳмон хафа бўладилар.

Шоди. Мен хафа бўламан.

Азамат. Нима қиласанлар ичмайман деган одамни зўрлаб! (*Абдувалига*.) Қўйинг, Абдували ака, олгингиз келмаса олманг. Хафа бўлса бўлар. Ким ўзи бу! Бу ўша, ўзимизнинг... (*қулоғига шивирлаб*) Шодивой-да!

Кулги.

Абдували. Йўғ-э, ундай дема-да, Азаматхон. Катта одам... Уялтирма... Болаликда бўлади-да...

Шоди. Э, бу кишининг гапларига парво қилманг, Абдували ака. Қани!

Абдували. Майли, сазангиз ўлмасин, иним...

Шоди. Орифхон ака, бўлмаса, шу қадаҳларни шу қишлоқнинг одамлари, сиздан бош-

қалари, албатта, мана, Абдували акадан тортиб етти яшар боласигача, ҳаммаси тезроқ маданиятга эришишлари учун олсак. Қани!

Ичишади.

Гапимнинг мағзи шуки, Азамат ака, ҳозир, энди замон бошқа, маъмурчилик. Ободчилик. Лекин биз томонларнинг одамларининг турмуш тарзи ҳалиям эскича. Мана, шу ернинг ўзидан бир мисол олайлик. Мана, Орифхон ака, мана, Абдували ака. Иккаласига қараган одам, бу кишиларни сираям бир қишлоқдан, деб ўйламайди. Орифхон акани, масалан, камида тошкентлик, Абдували акани, айтайлик, ўн тўққизинчи асрнинг одами, деб ўйлайди. Сизга бир маслаҳатим, Абдували ака, бундан буён мана бу, эгнингиздаги кўйлакни қийиб юрманг. Бу форма ўҳ-ҳў, аллақачон қолиб кетган. Магазинда нима кўп, кўйлак кўп!

Абдували. Йе, йенди, иним, кампир тикиб берган-да...

Шоди. Кампирингиз кўйлак тикишни билмас экан, тикмасин!

Абдували. Йе, йенди...

Шоди. Энди-пендини қўйинг, Абдували ака! Мен сизга жоним ачиганидан айтяпман. Бу гап бошқаларга ҳам тегишли. Мана, олдиларингизда ўрнак турибди. Орифхон ака! Мен қишлоқдаги ҳамма одамнинг Орифхон акадай бўлишини истардим! Орифхон ака! Ўзимнинг акам! Қани, бир ўпай! (*Орифхонни ўпадади*.) Қадрдоним!

Орифхон. Шириним!

Абдували (*кулади*). Хи-хи-хи! Хи-хи-хи!

Азамат. Ҳа, Абдували ака?

Абдували (*ўзини кулгидан тўхтатолмай*). Хи-хи-хи! Хи-хи-хи! Бу дейман... хи-хи-хи... ҳамма Орифхонга ўхшаса... Хи-хи-хи... У ёғи қандай бўларкин... Хи-хи-хи...

Ноқулай сукут.

Шоди (*тушунмайди*). Қаёғи?

Абдували. Хи-хи-хи. (*Орифхонга қараб*.) Бу бир аксия-да, энди, Орифхон...

Шоди. Аския денг!

Абдували. Айтяпман-ку, аксия деб... Хи-хи-хи...

Шоди. Аския эмас, аския!

Абдували. Хи-хи-хи! Шу денг, иним, шу... аксияга ҳеч тилим келмайди-да! Шунча ҳаракат қиламан аксия дейман деб, бари бир аксия деб юборавераман-да.

Енгил кулги.

Мен. Орифхон ўз хотинини ташлаб, яқин бир дўстининг хотини билан қочиб кетганини айтган эдим-ку боя. Абдували ака соддалик қилиб, шунга ишора қилди. Бошқалар дарров сизди-ю, Шодининг хотиридан кўтарилганми бу воқеа, ишқилиб, сал кечикиброқ сизди у.

Шоди. Э, сиз ҳам ётиб отадиган хилидан чиқиб қолдингиз-ку, Абдували ака! Нима қипти! Йигитнинг шўхи қилади-да бу ишним! «Йигит бўлсанг — шўх бўл, шўх бўлмасанг — йўқ бўл!» деган мақол ҳам бор-ку, халқда! Молодес, Орифхон ака! Келинг, битта ўпиб қўяй! (Орифхонни ўпади.) Мен сизларга айтсам, менинг домлам бор. Профессор! (Кўрсатгич бармоғини юқорига кўтарди.) Исторических наук! Ўша домламнинг бир ўғиллари бор. Маратик. Ўзи энди йигирма бирга кирди. Лекин уч марта уйланди. Уч марта-я, кўряпсизларми! Яқинда нима бўлди денг! Учинчи уйланиши эди. Бир қиз билан ЗАГСдан ўтишибди. Тўй куни, энди бориб келинни олиб келайлик, деб турсак, «Йўқ, мен унга уйланмайман», деб туриб олди. Бошқа бир қизни бошлаб келди. ЗАГСдан ўтган қизи қолиб, бутунлай бошқасига уйланди. Лекин бир ойдан кейин унийам ҳайдаб юборди! Йигитлик деб шуни айтади-да! Шунинг учун, Абдували ака, ҳадеб бировларни изза қилишга одатланманг!

Абдували. Йе, ундай деманг, молинг кўпайгур, мен бировни изза қилиш... Шундай бир аксия келиб қолди-да...

Ҳамроқул. Абдували ака одамни изза қилмаслик-ку у ёқда турсин, биров хурсанд бўладиган бўлса, ўзи изза бўлишга тайёр.

Абдували. Ҳа, йенди, молинг кўпайгурлар...

Шоди (Орифхонга, секин). Буларнинг мингтаси сизнинг битта ўзингиздан ўтаверсин, акажоним! Қани, қуйинг, ўзимиз биттадан олайлик!

Орифхон. Энди йўлига бўлсаям, бир манзират қилиб қўймасак бўлмас-ов, ҳазрат.

Пиёлаларга ароқ қуяди.

Абдували. Молинг кўпайгурлар, энди мен олмасам. Ҳали мачитга бораман. Чоллар...

Шоди. Қўйинг ўша сассиқ чолларингизни!..

Абдували. И-и-и, молинг кўпайгур!

Шоди. Айтдим-ку, менинг молим йўқ деб!

Шаҳарда мол тутиб бўлмайди, билдингизми!

Абдували. Билдим-ку... Мен шунчаки...

Азамат. Айтгандай, ҳукуматдан уй олдингми, Шодивой?

Шоди. Йўқ! Ўзим олмаяпман. Квартира-мизнинг эгаси жуда яхши одам...

Ҳамроқул. Минг яхши бўлсаям, ўзингизникига етмайди-да...

Шоди. Э, бўлмаган гап! Мана, мен атайлаб олмаяпман. Тўғри, Тошкентда уй олиш қийин. Лекин мен истасам, узоғи билан бир ҳафтада оламан. Лекин истамаяпман. Навбатимни бошқаларга бериб юборяпман. Мен бошқаларни ўйлайман. Менинг касбим шуни тақозо қилади. Философия!

Ҳамроқул (маънодор). Ҳа-а...

Шоди. Лекин дача қуряпман.

Азамат. Дачанг нимаси?

Шоди. Ёзда шаҳардан ташқарига чиқиб турадиган уй. Ёўстонлиқда. Икки қаватлик, ўн саккиз хоналик қилиб.

Орифхон. Уҳ-ҳў! Ана!

Азамат. Учта жон бўлсаларинг, нима қиласан бунча ҳашаматни?

Шоди. Э, Азамат ака, қизиқмисиз? Бир нарсани қилгандан кейин зўр қилиш керак-да. Мана, вақти келиб, биз ҳам ўтиб кетсак, авлодларга қолади. Фалончи философнинг дачаси, деб юришади.

Абдували. Анча-мунча пул кетса кераков қурилишгайм, а?

Шоди. Ҳа, бўлмасам-чи! Шундай қурилишнинг ўзи бўладими! Икки юз минг планлаштиряпмиз.

Азамат. Бунча пулни қаёқдан топасан?

Шоди. Э, қизиқмисиз! Топамиз-да! Философ бўлгандан кейин...

Орифхон. Олим бўлгандан кейин, ойлик ҳам катта бўлади-да!

Шоди. Бўлмасам-чи! (Абдувалига.) Лекин сиз қўйинг, гапирманг у сассиқ чолларингизни!

Абдували. Ундай деманг-а, молинг...

Шоди. Ҳа, тўғри-да! Қиладиган иши йўқ, бир жойга тўпланиб олиб, ғийбат қилишдан бошқа нарсани билмайди уларингиз! Биттаси мана, Фозил бовами? Бултур келганимда ушлаб олибди. Нима дейди денг! «Энди санқиб юришни қўй, келиб онангга қара, бечора сенлар — иккита фарзанд деб ҳеч нарса кўрмай ўтди». Қаранг! Биринчидан мен санқиб юрганам йўқ, илм билан шуғулланяпман. Яна қандай илм! Философия! Иккинчидан, онамни ташлаб қўйганим йўқ. Уни доим, кечаю кундуз ўйлайман. Ҳар йили келиб хабар оламан. Хат ёзаман!

Ҳамроқул. Ҳасанбой ака, бўлмаса менга рухсат...

Ҳасанбой. Ҳа, нега мунча шошиляпсиз? Ош тайёр бўлиб қолди.

Ҳамроқул. Эрталаб районга боришим керак. Шунга у-бу тайёргарлик кўриб қўймасам...

Азамат. Мен ҳам турдим бўлмаса. Шодивой, бизникига ҳам кириб чой ичиб чиқ.

Шоди. Ўтиринг! Сизга рухсат йўқ!

Азамат. Энди, ука, узр. Маза қочяпти. Унинг устига, ароқ ичмаган одамнинг ичган одам билан ўтириши қийин, ўзинг биласан.

Шоди. Ха-ха-ха! Молодес! Сиз одамни хафа қилмасдан хафа қиласиз!

Азамат. Оғритмасдан жочини оласиз, де!

Шоди. Ха-ха-ха!

Ҳаммаси ўрнидан туриб, пастга тушади.

Мен (*секин Абдувалининг олдига бориб*). Сиз кетмайсизми, Абдували ака?

Абдували. Ўзимга қолса-ку, кетардим-а, лекин (*Ҳасанбой билан Шодини кўрсатиб*) мана бу молинг кўпайгурлар хафа бўладими, дейман-да. Ўзим ҳозир келдим.

Азамат (*Шодига*). Сен бор ақлингни энди Абдували акага ўргатавер. (*Кулги*.) Хайр бўлмаса, яхши ўтиринглар. Шоди, уйга кириш эсингдан чиқмасин!

Азамат билан Ҳамроқул чиқиб кетишади. Қолганлар жой-жойига ўтиришади.

Шоди. Кетса кетаверсин! (*Ҳамроқулнинг ёрнига ишора қилиб*.) Анови... муаллим... писмиқ... Оғзидан фақат сассиқ гап чиқади. Азамат ака бўлса, андишанинг отини қўрқоқ қўйиб олибди. Гапларини қаранг! Нуқул болалигимдан келади! Нима, ўзи бола бўлмагани! Мендан баттар бўлиб юргандир!

Абдували. Йе, йенди, яқин олиб, ҳазиллашади-да, иним...

Орифхон. Ҳазил ҳам меъёри билан бўлиши керак-да, Абдували ака. Ҳазрат энди катта одам. Сиз билан бизга қилса, бошқа гап ундай ҳазилларни. (*Шодига*.) Қўйинг, ҳазрат, ҳаммаси ўтди-кетди. Қани, энди ўзимиз бир олиб юборайлик!

Шоди. Уҳ, ўзимнинг акам! Акажоним! Қадрдоним! Жигарим! Бормисиз! Келинг, битта ўпай! (*Орифхонни ўпади*.) Қани, Абдували ака, тоға, шу қадаҳларни ҳам Орифхон ака учун олиб юборайлик! Бу киши арзийди. Сизлар билмайсизлар! Бу кишининг қадрига етмайсизлар! Қани, Абдували ака, энди сиз айниманг! Олинг! Орифхон ака учун!

Ичишади. Абдували ҳам иккилана-иккилана, менга бир-икки марта қараб олиб, ичиб юборадди. Ҳоди киради. У ўттиз ёшлардаги новча, қотма йигит.

Ҳоди. Ассалому алайкум!

Шоди (*сакраб туриб*). Ука, Ҳодижон! Жигарим! Қел! (*Ҳоди сўри ёнидан бориб, Шодига қўл чўзади. Лекин Шоди яна ноқулай энгашиб уни қучоқлаб ўпади*.) Келдингми, ука? Қани, чиқ!

Ҳоди бошқалар билан кўришиб, сўрига чиқади. Шоди уни ёнига ўтқизади.

Қани, қадам етди — бало етмасин, омин! Хўш, ука...

Ҳоди акаси ва бошқалар билан сўраша бошлайди.

Мен. Бу — Ҳоди. Шодининг укаси. Тракторчи. Қасал онасига шу қарайди. Едиради, ичиради, ўтқизади ва ҳоказо.

Ҳасанбой (*Ҳодига чой узатади*). Чойдан ол, Ҳоди.

Шоди. Хўш, ука, қалайсан? Тинчмисан, болаларинг яхшими? Ойим қалай?

Ҳоди. Яхши, раҳмат. Ойим ҳам тузук.

Шоди. Мана, менинг укам! Менинг суянган тоғим! Мана шу укам бўлмаганда мен шундай қилиб юра олармидим! Илм билан шуғуллана олармидим! Йўқ! Мана шу укам қарийб ўн йилдан бери ойимга қарайди.

Ҳасанбой. Холамнинг ётиб қолганига ўн икки йил бўлди.

Шоди. Ўн икки йилдан бери! Йўқ, йўқ, гап унинг касал боқишида эмас. Ҳамма ҳам касал боқади. Мана, ўтган йили Сурайёмиз касал бўлиб қолди. Онаси иккаламиз бир ҳафта бошида ўтирдик. Томоғимиздан овқат ҳам ўтгани йўқ. Йўқ, гап бунда эмас. Гап шундаки, у ойим деб бутун келажагидан воз кечди. У, сизлар билмайсизлар, болалигида расм чизарди. Яхши чизарди. Область кўргазмасида қатнашган. Бир катта рассом келиб кўриб, мақтаган, сендан зўр рассом чиқади, ўзим Тошкентга олиб кетаман, деган. (*Ҳодига*.) Ким эди, Чингиз Айтматовмиди?

Ҳоди. Чингиз Аҳмаров.

Шоди. Ҳа, Аҳмаров. Бари бир катта рассом! Чингиз! Лауреат! Лекин, бу боролмади. Ойим ётиб қолди. Мен у ёқдаман. Қампирга кимдир қараш керакмиди? Керак эди! Бу қолди. Одам бўлмай қолди.

Абдували. Ундай деманг-э, молинг кўпайгур, одам бўлмай қолди деманг-э...

Шоди. Мен ўқиёлмай қолди, деган маънода айтяпман-да. Хафа бўлма, ука, сенинг ўрнингга, мана, мен одам бўлдим. Қани, Орифхон ака, ака-укалар учрашгандаги қувонччи ювиб юбормайсизми, ахир!

Орифхон пиёлаларга ароқ қуяди. Ҳодига иккилашиб қарайди.

Орифхон. Оласанми, Ҳоди?

Ҳоди. Йўқ. Биласиз-ку, Орифхон ака.

Шоди. Ол, ука!

Абдували. Ҳодивой, ол, иним. Аканг хафа бўлади. Аканг хафа бўлмасин, деб, мана, биз ҳам олдик.

Ҳоди (*қўрқувда*). Сиз ҳам олдингизми? Нега?

Абдували. Йенди, меҳмон қўймади-да...

Ҳоди. Ака, бекор қилибсиз.

Шоди. Нега?

Ҳоди. Бу кишига бўлмайди. Абдували ака, ўзингиз менга нима дегандингиз ўшанда?

Абдували. Йе, йенди, бўлмади-да, иним. Аканг... Азиз меҳмон...

Ҳоди. Бўпти. Энди олманг бўлмаса.

Абдували. Хўп, молинг кўпайгур.

Шоди. Нега бу кишига бундай деяпсан?

Орифхон. Устози-да. Аяётган-да.

Шоди. Устозинг! Шу киши-я?

Ҳоди. Ҳа, Абдували ака устозим. Мени ҳақиқий тракторчи қилган одам шу киши. Ҳозир-ку, ишламайдилар, лекин тракторнинг у ер-бу ерида ишқал чиқиб, ақлим етмай қолса, бу кишининг олдига келаман. Дарров тузатиб берадилар.

Ш о д и. Қани, энди ол, ука.

Ҳ о д и. Ака, биласиз-ку, ойим ароқнинг ҳидини кўтаролмайди. Ҳали ухлагани йўқ. Сизни келади деб кутиб ётибди. Мен ичсам бўлмайди. Ҳиди уради.

Ш о д и. Майли, она экан, ҳамма нарсага чидаймиз-да энди. Молодес, ука! Қани, Орифхон ака, Абдували ака, тоға, олиб юборайлик!

Ҳ о д и. Абдували акага узр, ичмайдилар. Абдували. Ҳа-а...

Ш о д и (бир оз жаҳли чиқиб). Сен, ўзинг ичмаганинга яраша, бировнинг ишига аралашма, ука!

Ҳ о д и. Абдували ака менга биров эмас, ака! Бу киши мен учун жуда азиз одам! Бу кишига бўлмайди. Юракларида мина бор...

Ш о д и. Ха-ха-ха! Ҳали сен ҳам ишониб юрибсанми шу гапга!

Ҳ о д и. Қулманг, ака! Тўғри гап бу! Отам ҳам...

Ш о д и. Қўйсанг-чи! Отам ўлганда сен жуда кичкина эдинг. Билмайсан. Отам касал бўлиб ўлган... Қани, бўлмаса, ўзимиз олайлик, Орифхон ака! Мен шу қадаҳни укам учун олишларингизни илтимос қилардим Қани! (Ичишади.) Яша, ука! Омон бўл! Молодес! Болаларинг нечта эди?

Ҳ о д и. Бешта.

Ш о д и. Бешта? Уҳ-ҳў, кўпайтириб юборибсан-ку, а? Ҳа, майли, умри узоқ бўлсин! Ҳаммасини ўзим ўқитаман. Одам қиламан. (Бошқаларга қараб.) Ёз келдими, тамом, бутун областнинг болалари бориб олишади уйга. Ўзим биттасиниям танимайман. Ердам беринг, дейишади. Охири бўлмади. Утган йили ҳаммасини ҳайдаб юбордим. Қаллаларинг бўлса киринглар, бўлмаса, бориб кетмонларингни чопаверинглар, дедим. Мана, мен ўзим кирганман-ку.

Ҳ о д и. Энди, бегона шаҳарда орқа қилишса керак-да...

Ш о д и. Орқа қилиш қаёқда! Улигини ортиб олишади! Лекин, энди бўлди, ука. Бошқа кўпайтирма.

А б д у в а л и. Йе, худо берса, бунинг нима иложи бор, молинг кўпайгур!

Ш о д и. Иложи бор! Мана, биз кўпайтирмаймиз-ку! Сурайёмининг ўзи бўлади. Бирикки йилдан кейин битта ўғил кўрамиз, бўлди.

А б д у в а л и. Уғил кўрамиз?!

Ш о д и. Ҳа!

А б д у в а л и. Епирай!

Ш о д и. Ҳа?

А б д у в а л и. Худди қўлингиздагидай гапирасиз-а!

Ш о д и. Бўлмасам-чи! Ҳозир замон бошқа! Ҳамма нарса одамнинг ўз қўлида. Истаганини қилади. Қайсидир бир ёзувчи айтган-ку. Ҳаҳ, нима эди?

Ҳ о д и. Фафур Фулом айтган: «Тақдирин қўл билан яратар одам, ғойибдан келажак бахт — бир афсона».

Ш о д и. Ҳа! Фафур Фулом! Молодес, ука, шуларниям биласан-а!

Ҳ о д и. Бу гапни ҳамма билади.

Ш о д и. Ҳа, ҳамма билади. Зўр гап-да! Хуллас, Абдували ака, ҳамма нарса одамнинг ўз қўлида. Истаган ишни қиладиган замон ҳозир. Мана, мен! Мана шундай чекка бир қишлоқдан чиқиб, философия билан шуғулланяпман! Философия билан-а!

Ҳ о д и. Энди мен турай.

Ш о д и. Ҳа?

Ҳ а с а н б о й. Ҳали эрта-ку, Ҳодивой. Бирпас ўтир, ош еб кет.

Ҳ о д и. Раҳмат, Ҳасанбой ака. Ойимнинг ухлайдиган пайти бўлди. Вақтида ётмаса, кечаси билан ухлай олмайди. Акамни бир кўрай, айтиб келай, деб келдим. Ишдан кеч қайтдим-да бир оз. Ака, ойим бир кўрай деб, ётибдилар. Бирга турамизми?

Ш о д и. Эҳ, ойим, ойим! Кечаю кундуз хаёлимда! Бир нафас хаёлимдан кетмайди, муштипарим! Энди, ука, бу ерда мени деб одамлар ўтиришибди. Келдимми — бас, шу ҳисоб-да. Бугун кўрди нимаю эртага кўрди нима! Айт, хотирини жам қилиб ётаверсин. Бунинг устига, мен, кўриб турибсан, бир оз ичганман...

А б д у в а л и. Бизни қўйинг, Шодивой, иним, майли боринг муштипарнинг олдига.

Ш о д и. Э, қизиқ одам экансиз-ку, соқолим бор деб ақл ўргатаверасизми ҳаммага! Айтяпман-ку, ичганман деб! Ойим ароқнинг ҳидини кўтаролмайди. Ойимни бир ранжитиш мен учун ўлим! Мен ўша муштипарим деб юрибман бу дунёда!

Ҳ о д и. Бўлмаса, Сурайёни олиб кетай?

Ш о д и. Майли, борса олиб кетавер. (Ҳовли томонга қараб қичқиради.) Сурайчик! Ухлаб қолмадимикан? Сурайчик!

Қ и з ч а н и н г о в о з и (ҳовли томондан). Чего?

Ш о д и. Бабушка пойдош?

Қ и з ч а н и н г о в о з и. Қ каковой?

Ш о д и. Свой-да! Какой бўларди!

Ҳ о д и. Майли, ўзим гаплашиб кўрай, кўнса олиб кетаман.

Ш о д и. Мени эрталаб келаркан, де ойимга. Соғ-саломат, де. Хотиржам ухласин, деб тайинлаб юборди, де.

Ҳ о д и. Хўп, хайр бўлмаса.

Ҳасанбой Ҳодини кузатиб, қайтиб келади.

Ҳ а с а н б о й. Ҳамма кетиб, хувиллаб қолдикми, а?

Ш о д и. Кетганлар кетаверсин! Ҳеч кимга зор эмасмиз!

О р и ф х о н. Нега хувиллаб қоларканмиз?

Мана, даврамизга файз бериб, ҳазрат ўтирибдилар. Бизга яна ким керак! Тўғрими, Абдували ака?

Абдували. Ҳа. (Шодига.) Лекин мен сизни хафа қилиб қўйдим шекилли, молинг кўпайгур?

Шоди. Ҳа! Бировнинг ёши улуғ, Абдували ака, бировнинг мартабаси улуғ. Лекин одам деган ҳеч қачон талтайиб кетмаслиги, ёнидагиларга беписанд қарамаслиги керак. Ҳамма ҳам одам.

Абдували. Йе, молинг кўпайгур, мен...

Шоди. Шошманг, молингизни қўя туринг. Мен ҳозиргина нима деяётган эдим? Ҳеч ким ҳеч кимдан ўзини устун қўймаслиги керак, деяётган эдим. Мана, Орифхон акага ўхшаб. Сиз эса одамни гапиртиргани қўймайсиз. Хўш, сиз кимсиз ўзи? Ёшингиз улугми? Худо умр берса, биз ҳам етамиз ўша ёшга! Мартабангиз улугми? Нима иш қилгансиз? Тракторни тариллатиб юргансиз! Урушга борганмисиз? Нима бўпти! Ҳаммаям борган урушга! Бошимизга тушса, биз ҳам борамиз!

Абдували. Ё алҳазар!

Шоди. Гапни бўлманг, дедим! Хўш, урушда нима каромат кўрсатгансиз? Худо билади қайси кавакда бекиниб ётганингизни! Одамлар урушда жон олиб-жон берган! Қаҳрамон бўлишган! Сизнинг эса бчронта медалингиз ҳам йўқ!

Ҳасанбой. Куёв!

Шоди. Шошманг, тоға! Сизлар жуда ҳаддидан ошириб юборибсизлар бу одамни! Айтган гапига ҳамма лақиллаб тушаверганидан кейин ҳаддидан ошмай нима қилади! Юрагида мина бор эмиш! Портлаб кетармиш! Менинг содда укам ҳам ишониб юрибди шу гапга! Раҳматли отамнинг юрагида ҳам бўлган эмиш мина! Ҳей, нодон одам...

Ҳасанбой. Куёв!

Шоди. Жим туринг, тоға, мен бу одамнинг ҳам, сизларнинг ҳам кўзларингизни бир очиб қўяй! Қайтариб айтаман, ҳей, нодон одам, урушга бормаган бўлсак ҳам, биз ҳам биламиз унча-бунча нарсани! Ўқиганмиз! Мининг қанақа бўлишини ҳам биламиз! Айрим одамларнинг ўзини ўзи ярадор қилганини ҳам! Хўш, қалай! Гапларим ёқмайпти, а? Ҳа, ёқмайди! Тўғри гап туққанингга ёқмайди, туққанингга-я! Хўш, гапиринг!

Абдували жим, ерга қараб ўтирганича, чурқ этмайди.

Ҳа, гапиролмайсиз Гапиролмайсиз! Чунки, гапларим тўғри, инкор қилиб бўлмайдиган гаплар! Нима дедингиз, Орифхон ака?

Орифхон маъқуллаб бош ирғайди. Узоқ, оғир сукут.

Абдували (ниҳоят бошини кўтариб, оғир). Орифхон, бир пиёла тўлдириб ароқ беринг, молинг кўпайгур...

Ҳасанбой. Абдували ака, қўйинг, нчманг! Ҳозир ош келади. (Ҳовли томонга.) Эргаш! Ошни олиб кел!

Абдували. Қўй, Ҳасанбой, иним, қайтарма, молинг кўпайгур...

Шоди. Қўйинг, тоға қайтарманг! Тўғри гап аччиқ бўлади. Аччиқни аччиқ кесади, деган гап бор.

Орифхон ароқ қуйиб узатади.

Абдували (бирпас пиёладаги ароққа қараб туради. Кейин ичиб юборади). Яна битта.

Ҳасанбой. Абдували ака!

Абдували. Қуй, молинг кўпайгур, қуй... (Орифхонга.) Қани... (Орифхон ароқ қуяди.) Тўлдиринг, молинг кўпайгур... (Пиёла тўла ароқни олиб, шошганича ичиб юборади.) Худоба шукур!

Эргаш лаганда ош олиб келади. Ҳасанбой дастурхондан жой очиб, лаганини қўяди.

Ҳасанбой. Қани, марҳамат.

Орифхон. Ҳазрат, ошдан олдин... а?

Шоди. Қўйинг, сиз ўзингиз жонажон акамсиз! Шу қишлоқдаги ягона одам сизсиз! Келинг, бир ўпай! (Упади.)

Абдували. Менгаям қўйинг, Орифхон! (Орифхонга пиёласини тутиб туради. Орифхон яримлатиб қуйиб, тўхтади.) Қўйинг, молинг кўпайгур, қуяверинг!

Орифхон Ҳасанбой билан Шодига қараб олади, да, пиёлани тўлдиради.

Яхши! (Ҳеч кимга қармай ичиб юборади.) Ҳасанбой, иним! (Ҳасанбойнинг елкасига суюниб йиғлай бошлайди.)

Шоди. Ош ҳам ҳаром бўлди!

Ҳасанбой. Қўйинг, Абдували ака, хафа бўлманг!

Абдували. Ҳасанбой, иним, молинг кў... (йиғининг зўридан гапиролмайди.)

Шоди. Шу ҳоли бор экан-ку...

Орифхон. Аммо-лекин, бопадингиз-да, ҳазрат!..

Шоди. Э, қўярмидим! Бунақаларнинг кўпини кўрганман!

Орифхон. Ҳали-бери қўядиганга ўхшамайди. Қани, олиб юборайлик!

Шоди. Қани, сиз учун!

Орифхон. Йўқ, сиз учун!

Шоди. Сиз учун! Галимнинг исботига, буни ичиб, закускасига сизни ўпаман.

Орифхон. Мен ҳам. Қани, бирга олайлик бўлмаса!

Ичишади. Бир-бирини узоқ ўпишади.

Шоди. Оҳ-оҳ-оҳ!

Орифхон. Оҳ-оҳ-оҳ!

Шоди. Аччиққа ширин закуска бўлмайди, дейишарди. Бўлмаган гап экан!

Орифхон. Бўлганда қандоқ!
Шоди. Азизим!
Орифхон. Қадрдоним!
Шоди. Жигарим!
Орифхон. Меҳрибоним!
Шоди. Келинг, яна битта ўпай!
Орифхон. Йўқ, мен сизни ўпай!
Шоди. Йўқ, мен сизни!
Орифхон. Йўқ, мен сизни!

Упишишади. Бу орада Абдували йиғидан тўхтайдди. Уридан туради.

Абдували (*Ҳасанбойга, секин*). Энди мен борай, иним. Зўрлама, молинг кўпайгур. Ҳасанбой. Майли, юринг.

Абдували. Қўй, ўзим кетаман. Сен меҳмонинг билан бўл.

Ҳасанбой. Юраверинг.

Ҳасанбой Абдувалини суяб йўлга тушади. Четга чиққанда Абдували тўхтаб, юрагини, кўкрагини чангаллайди.

Ҳасанбой. Ҳа, Абдували ака?

Абдували. Мина...

Ҳасанбой (*даҳшатга тушиб*). Мина?!

Абдували. Ҳа... Уйга етолмайман...

Ҳасанбой, иним, молинг кўпайгур... (*Мени кўриб қолиб, имлайди.*) Иним, сиз ҳам... Айниқса, сиз... Илтимос, одамлар мени ароқ ичиб... ўлди... дейишмасин. Аслида, ўлганингдан кейин ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ-ку, шундай... ароқ ичиб ўлди... деган гап... ёмонда... Менинг... минам... ҳозир... портлай... (*Бирдан ўзини тутлади. Орифхон билан қизгин суҳбат қураётган Шодига қарайди.*) Энди мени қўйиб юборинглар. (*Ҳасанбой билан менинг қўлимиздан чиқиб, сўри томон боради. Шодига.*) Иним... Раҳмат... Икки оғиз гапим бор... Мен ҳеч кимга урушда бўлганман, демаганман. Ҳеч қачон кўкрагимга ҳам урган эмасман. Лекин... юрагимда мина борлиги... рост... Кимки урушда бўлган бўлса, омон қайтган бўлсаям, юрагида мина билан қайтган. Урушдан қайтганларнинг бирортасиям ўз ажали билан ўлган эмас. Уша, минаси портлаб кетган. Уруш... (*Ҳасанбой билан менга.*) Йенди сизларга айтай. Уйда, сандиқда йиғирма тўққизта орден, медалим бор. Мақтаняпти, деманглар. Шу пайтгача ҳеч ким кўрмаган. Бу йиғирма тўққизта орден билан медаль бекорга берилмаган! Мен одам ўлдирганман! Саноқсиз одам ўлдирганман! Мен одамларни тириклай кўмганман! Тириклай кўмганман, эшитяпсизларми! Ҳасанбой билади, уйда товуқ сўймайман. Кампир бошқаларга сўйдиради. Лекин одам ўлдирганман. Саноқсиз! Немис бўлса ҳам одам ахир! Лекин ўлдиришга

мажбур эдим. Бўлмаса, у мени ўлдирарди. Менинг ўзимни бўлса-ку, майли-я, ҳаммамизни ўлдирарди. Мен одам жасадига тўла хандақларни, куйиб кул бўлган, одам зоти қолмаган шаҳарларни, онасининг маммасини оғзига солиб, ўлиб ётган чақалоқларни, боши учиб кетган, лекин ўзи чопиб бораётган одамларни кўрганман. Шуларнинг ҳаммаси битта мина бўлиб, юрагимга жойлашган эди. Минани биласизлар. Тегиб кетдингми — тамом! Ҳозир шундай бўлди. Ҳозир... минам... портлайди... Мен сизлардан розиман, сизлар мендан рози бўлингизлар... Йўқ! Мен шундай ўлиб кетмайман. Мен битта фашистни олиб кетаман! Бўлмаса, у ҳали кўпларнинг уруғини қурилади. Уримда анча-мунча савоб иш қилганман. Одам ўлдириш ҳам гоҳида савоб иш бўлади. Охирида яна бир савоб иш қилай!

Абдували мутлақо кутилмаган бир чаққонлик билан сўрига чиқади. Шодининг ёқасидан ушлаб турғизади. Турғизади-ю, шу заҳоти Шодининг устидан босиб кулаб тушади. Бу воқеа шу қадар тез содир бўладики, ҳеч ким уни тўхтатиб қолишга улгурмайди.

Шоди. Вой-дод! Ўлдириб қўяди, қутқаринглар! (*Абдувалининг тагидан зўрға чиқиб.*) Лаънати! Ифлос! Сассиқ чол! (*Эгни-бошини тузатади.*)

Ҳасанбой билан мен югуриб Абдувалининг ёнига борамиз. Қўлини ушлаб, кўкрагига кулоқ тўтиб кўрамиз.

Ҳасанбой (*юзига фотиҳа тортиб*). Тамом. Худо раҳмат қилсин!

Шоди. Ўлдими? Ажаб бўпти! Лаънати! Аҳмоқ одамнинг ўлими ҳам аҳмоқона бўлади!

Мен. Ўзбеклар марҳумнинг орқасидан ёмон гапиришмайди.

Шоди. Сиз кимсиз?

Мен (*Абдувалига ишора қилиб*). Бу одам охириг ниятига етолмаганига ачинаётган бир кишиман.

Шоди (*даҳшатга тушиб*). Демак, сиз... Сиз ҳам... Қотилмисиз?

Мен. Йўқ, сиз қотилсиз!

Шоди. Йўқ-йўқ! Туҳмат қилманг! Ўзи ўлди! Мана гувоҳлар!

Мен. Ҳа. Афсуски, қотиллигингизни исботлайдиган ашъвий далил йўқ. Шунинг учун ҳам (*Абдувалига ишора қилиб*) унинг охириг ниятига етмаганига афсусланаман.

Шоди. Ҳа! Сиз менинг ўлимимни истаяпсиз! Эшитяпсизларми, халойиқ! Йўқ, мени ўлдиролмайсиз! Қўлингиздан келмайди. Мен устингиздан арз қиламан!



ШОДМОНБЕК
ОТАБОВ

БАХТЛИ КУН



ҲИКОЯ

Нормамат даладан қош қорайганда қайтди. Гузардан ўтгач, эгри-бугри, тор кўчага бурилдию трактори ҳиқчоқ тутгандай пат-патлаб кучанишга тушди. Кўчанинг ҳар бир қадами, ҳар бир ўйдим-чуқури унга яхши таниш. Аммо бу ердан, худди симда лангарчўпсиз юрган дорбоздек, юрагини ҳовучлаб ўтади. Тракторнинг тормози яхши ишламайди, бунинг устига гилдирак шарти кетиб, парти қолган, камералар шишиб, уч-тўрт жойидан ҳандалакдай туртиб чиққан. Худо кўрсатмасин, бир кунмас, бир кун йўлдами, чўлдами пақ этиб ёрилиб кетса, додини ким эшитади? Тормознинг касофатидан-ку нақ икки марта ўлимдан қолди. Хўжайинлардан эҳтиёт қисм сўрайвериб жағи толди. «Тракторни элаган одам минади!» эмиш. Эплагани учун алмисоқдан қолган матаҳни шунча вақт гилдиратиб юрибди-да. Бошқа одам бўлганда, аллақачон қўлини ювиб, қўлтиғига урарди.

Робия кампирнинг уйига яқинлашганда трактор дўқ этдию Нормамат бошини ойна четидаги темирга уриб олди, пешонаси қаттиқ ачишди, кўз олди қоронғилашиб, ёш чиқиб кетди. Фарани ёққан эди, рўпарадан эшак миниб келаётган бола кўринди. Эшакка унми, буғдойми ортилган, қоп устига омонат чўнқайиб, қўлидаги хипчинни хотиржам ўйнаб келаётган бола юкка қўшилиб бир томонга оғиб борар эди. Нормамат шошиб тракторни ўннга бурди, секинлатди, кабинадан бошини чиқариб қичқирди:

— Ҳой бола! Юкинга қара, йиқиласан! Нариги томонига ўтир, эшит-япсанми, нариги томонига!

Бола бир зум Нормаматга, кейин тракторга анграйиб қаради. Кейин хих-хихлаб эшакни четга олди, юкнинг енгил томонига силжиб посанги бўлди. Нормамат бола билан эшакка андармон бўлиб сал чалғиди, издан чиққан тракторни шошиб йўлга солди, аммо орқадаги бесўнақай тиркама лапанглаб бориб пахса деворга урилди. Нимадир гурсиллаб кулади. Қўрғондаги ит жон-жаҳди билан возуллади. Нормамат бадани жимирлашиб, ичидан зил кетди, хаёлини йиғиштириб улгурмасдан бўғиқ, шанғи товушни эшитди:

Расми А. БАҲРОМОВ чизган

— Тўхта, яшшамагур, тўхта дейман, илоё бўйнигинанг узилгур!

Нормамат ноилож орқага ўгирилди. Робия кампир бир қўлида каттақон гувала, иккинчи қўли билан этагини гижимлаб кўтарганча ҳансираб чолиб келарди. Нормамат йўлнинг энг расво жойига етгани учун шу тобда тўхтаёлмас, мабодо мотор ўчиб қолса, бу ерда қайта ўт олдиришига кўзи етмас, чунки тракторнинг стартерни ҳам яхши ишламас эди.

Кампир кабина билан ёнма-ён келиб қолди. Вазоҳати хунук эди.

— Ҳой бузғунчи, ярамас, яхшиликча тўхтат, бўлма-са бир уриб бошингни ёраман! — Кампир гувалани боши узра даст кўтарди.

— Бу ерда тўхтаб бўлмайди, холажон! — Нормамат ҳар эҳтимолга қарши чап қўли билан бошини тўсиб, илтижо қилди.

Улар бир-бирлари билан бақир-чақир қилиб гаплашишар, трактор эса кетиб борар эди.

— Тўхтатасан, бузишни билган тўхтатишни билмайсанми, ер ютури!

— Жон хола...

— Ҳу, хола деган тилинга куйдирги чиқсин!

— Жон эна, бу ерда тўхтатаолимайман, тракторим бузук.

— Узинг бузуксан, безори!

— Сал нарироққа бориб туринг, ҳозир тўхтаймам!

— Агар алдасанг...

— Алдасам, худо урсин!

Худонинг номини эшитиб, кампир қўлини туширди, аммо гувалани ташламади — бандаси билан олдинда ҳисоб-китоби бор. Урдақориш қилиб тракторга эргашиб келаверди. Нормамат тракторни бежавотирроқ бир жойга етиб тўхтатди. Кабинадан сакраб тушди-ю, ўқланган милтиқдай бўлиб турган Робия кампирни кўриб, тили айланмай қолди.

— Нега бировнинг деворини бузасан? — Кампир тикка хужумга ўтди. — Хурмачанга қараб ичсанг ўласанми?

— Ичганим йўқ, энажон, ишонмасангиз мана: куф, куф... — Нормамат кучаниб, кампирнинг юзига куфлади.

— Э, нари тур-э, касимай ўлгур! — Кампир афтини бужмайтириб, энг билан юзини елпиди. — Ичмаган бўлсанг, атай бузгансан!

— Йўғ-э! Улибманми атай бузиб? Нима, сизда қасдим бормиди?

— Ув-в бола, кўп бошимни қотирма. Яхшиликча деворни тиклаб қўй!

— Энажон, жон эна, бошқа вақт келиб тузатиб берай, ҳозир ўлғудай чарчаганман.

— Йўқ!

— Томингизиям қўшиб суваб бераман.

— Йўқ дедим, йўқ!

— Молингизга адирдан сомон келтираман.

— Сомонинг бошингдан қолсин!

— Экиннгизиям суғориб бераман.

— Йўқ, дедим-ку! Деворни тузат, яхшиликча!

— Энажон, сал инсоф қилинг-да, шу даққионусдан қолган паҳса деворингиз жа-а одамдан ҳам азиз бўп-тими! — Нормамат астойдил аччиқланди. Агар кампир ўжарлик қилиб, яна бир марта «йўқ» деса, ҳозирроқ бориб девор ёнидан лой қоришга аҳд қилди.

— Соқолинг оқариб, бир этак болага ота бўлсанг ҳам ақлинг кирмади. — Кампир бирдан овози юмшаб, йиғламсираб гапирди: — Даққионусдан қолганмиш! Сен деворни эмас, менинг юрагимни ўпирдинг, лодон!..

— Кечиринг, энажон, айб менда, ҳозирроқ деворингизни тиклаб бераман! — Нормамат олдинга бир қадам ташлади. Кампир четга ўгирилиб, бурнини қоқди, артинди, кўзларини ишқаб, оғир хўрсинди. Сўнг Нормаматга бир тикилдию «керакмас» дегандай қўл силтаб, кета бошлади.

Трактор бир четда секин тариллар, Нормамат даҳмазадан қутулганига ишонқирамай ҳамон талмовсираб

турар, кўнгли ғаш эди. Назарида кампир ҳамма гапни айтмади. Унга ҳам осон тутиб бўлмайди: чоли омонатини тошширгандан буён ёлғиз, бола-чақани худо кўп кўрган.

Нормамат уйга қовоғи солиқ келди. Айвондаги чироқни ёқди. Ёғ босиб, тердан шўрлаб, асл ранги билинмай кетган костюмини ечиб, устундаги миҳга илди. Кўксига урилган кечки шабададан бир зум тани яйрагандай бўлди. Энгашиб этигини ечмоқчи эди, силласи қуриб, пешонасидан тер чиқиб кетди. Даҳлизга қараб қичқирди:

— Соибжон, келақол, ўғлим!

Ичкаридан катта ўғли югуриб чиқди. Отасининг лайлакка ўхшаб бир оёғини кўтариб турганини кўриб, этикни тортишга тушди. Обдон терлаган оёқ брезент этикка елимдай ёпишиб қолган эди. Соиб увало чиранмасин, этикни суғуролмасди.

— Ҳа, торт, торт дейман! Э, мазанг йўқ, ўғлим. Мен сени уйлайман деб юрибман-у!

Соибга алам қилди. Қўлига чайса қилиб туфлади-да, бор кучини тўплаб бир силтаган эди, этик ечилиб кетиб, орқаси билан умбалоқ ошиб тушди. Акасининг ёнида тизилишиб турган текинтомоша ишқибозлар ҳа-ҳолаб, маза қилиб кулишди.

— Баракалла, ўғлим, полвон ўғлим, майли, бора-қол! — Нормамат ўғлини ортиқча қийнагиси келмай, иккинчи пойни ўзи ечишга тутинди. Бир амаллаб ечди ҳам. Ялпоқ товонлари гўё ўзиники эмасдек қарахт эди. Боягина яхшилаб ювинишни кўнглидан ўтказган одам энди айниди: ювингани билан эртага тагин кир бўлади. Кир бўлса нима қилпи, одамзод чанг-тупроқдан бино бўлган. Икки ҳафтадан кейин қурбон ҳайити, ўшанда хотини сув илтиб берса, уйда чўмилиб олади.

Нормамат одатдагидай шоша-пиша юз-қўлини ювиб, айвондаги сўрига чиқди. Ота шарпасига илҳақ бўлиб ўтирган болалар аллақачон ини бузилган ардайд тўзғиб қолишган эди. Толе бошқа нарсалардан қисган бўлса ҳам, бола-чақадан қисмаган. Нормамат кирқ икки ёшида ўн битта болага ота бўлди. Яна денг, ҳаммаси ўғил! Тўққизинчи ўғли — Фозилжон туғилган кунлари шаҳардан олимликка ўқиётган укаси келиб: «Чурвақаларни кўпайтириб нима қиласиз, ака!», деганда, Нормамат анграйиб тура-тура: «Худонинг берганида, ука, мен нима қилай?», деса, Абдухалил қулиб: «Шаҳарда иккита, қишлоқда тўрттадан оширмаслик керак», деб жавоб берган, шунда укаси кўзига биринчи марта аллақандай бегона ва совуқ кўринган.

Тўғри, ўн битта боланинг ташвишини бошидан ўтказган бўлади. Нормамат кўнглидан, болажон одам бўлса-да, тирранчаларини доим ҳам суйиб эркалай-вермайди. Айниқса, қорни оч маҳалда болаларнинг хархашасига тоби йўқ. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Хотини сал совиброқ қолган маставани олдига қўйган заҳоти болалар чуғурчүкдай гурр ёпирилиб, атрофини ўраб олишди, иккитаси тиззасига, яна биттаси елкасига осилди. «Ота, бизгаям бейинг, биз ҳам ичайлик!», дея суйқала бошлашди.

— Қани, жўна ҳамманг, йўқол кўзимдан! — Нормамат беихтиёр бир қўли билан қорни косани пана қилиб, иккинчи қўли билан хира пашшаларни ҳайдагандай болаларни қувлади. Қорни оч бўлса кўзига ҳеч нима кўринмасди.

— Вой очофатлар-эй, ҳозиргина ичдинг-ку ҳамманг! Ҳу, кўрганингни кўнглинг тусамай қолсин илоё! — деди Тожинисо болаларини қарғаб.

Нормамат хотини чой дамлаб келгунча маставани хўр-хўрлатиб икки кўтаришда ичиб қўйди. Нафси сал ором олиб, ўзига келди. Даҳлиздан мўралаб турган кенжа ўғлини имлаб чақирди:

— Кел, тойчоғим, кел, чўмбирингдан битта ўпиб қўяй!

Ўзини зўрға тийиб турган болага битта ишора қилди. У чоққиллаб келиб отасининг кучоғига отилди. Нормамат гавдасини тутолмай чалқанчасига ағдарибди. Кенжаси отасини йиқитганига қувониб, қийқириб юборди. Буни эшитган болалар бараварига қий-

чув кўтариб отани ўртага олишди. Нормамат шу тобда ҳамма нарсани унутган, бир-бирига гал бермай, бири чиқиб, бири тушиб кўйиб юраверайми?! — Нормамат болақайларнинг шовқин-суронидан роҳатланиб ётар эди. Бугунги чарчоғи ҳам, белининг эски оғриғи ҳам қумликка сингиган сувдек тарқаб кетди. Шу кўйи донг қотиб ўхлаб қолди.

* * *

Нормамат эртаси гаражда бош инженерга кечқурунги можарони айтиб, тормозга колодка сўради.

— Колодка йўқ, — деди инженер энсаси қотиб. — Жонни гаровга кўйиб юраверайми?! — Нормамат ҳам бўш келмади. — Ахир, шу савил қолгур трактор заводдан ҳамма жойи бутун чиқади-ку! Нега бизга етиб келгунча яланғоч бўлиб қолади? Тракторга ишқибоз одам унча-мунча кам-кўстини ўзи тўғрилаб олаверади, деб ўйлайсизлар-да. Аммо у бечоранинг ҳам бола-чақаси бор. Мен шу тракторни эпақага келтиргунимча эна сутим оғзимга келди. Энди — бас, ортиқ тоқат қилолмайман!

— Хўш, сизга ялинишимиз керакми: «Илтимос, бугунча ишга чиқиб туринг», деб? Нима қиласиз гапни чуватиб? Эпласангиз — мининг, бўлмаса — бўшатиб кўйинг тракторни, эплайдиган одам топилади! — деди инженер заҳарханда билан.

— Топиладими?

— Топилади!

Нормамат сесканиб кетди, энди чекиниб бўлмаслигини сизди.

— Айтинг ўша одамни, ҳозироқ обориб топширман! — деди у бўшашибгина. Кўнглида, балки инженер шунчаки нўписа қилаётгандир, деган ожиз бир илинж бор эди. — Ким экан ўзи у?

— Иброҳим, — деди инженер беписандлик билан.

— Қайси Иброҳим?

— Абдураим аканинг ўғли! Баҳорда ҳарбийдан қайтган. Трактор сўраётувди, оборинг ўшанга! Мабодо бугундан ишга чиқса, Дўнгтепага бориб силос ташисин! — Инженер, шу билан гап тамом, дегандек чирт этиб туфлади-да, нари кетди.

Нормамат ичида бош инженерни бошлаб сўқди: «Ҳе тагипаст, тўнка! Отанг-ку ғирт пиёниста, қиморбоз, сен ким бўлардинг!» У бошини қашлаб, туриб қолди, ўзини койиди. Индамай аравасини тортиб юравермайдими? Нима қиларди бошига ғалва ортириб? Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Еш бўлса ҳам колхоз техникасига бошлиқ, демак, арбоб-да. Арбобга гап қайтариб бўладими? Салгина дардини очиб, ёрилган эди, дарров нонини яримта қилди-қўйди.

Нормамат қишлоқ ўртасидаги катта тош йўлдан тракторни секин ҳайдаб борарди. Тезроқ юрса, йигирма беш йиллик қадрдонидан ҳозироқ ажралиб қоладигандек, юрагини ваҳима босарди. Тавба, жонсиз темирга ҳам одам шунчалик ўрганиб қоладими? Нима, шу тракторсиз тирикчилиги ўтмайдими? Утишга ўтаверади-я, аммо-лекин... Йўқ, у тракторчиликдан бошқа ишни тасаввур қилолмайди. Кўнгли бирдан бўм-бўш бўлиб, ҳувиллаб қолди; бўғзига тошдек бир нарса тиқилди. Тракторни йўл четида тўхтатиб, пешонасини рулга тираганча хаёлга чўмди. Балки Иброҳим кайф устида ёки бировга аччиқ қилиб айтгандир. Армияга бориб, пўрим бўлиб келган болага тракторчиликни ким кўйибди? Балки энди айниб қолгандир? Зора шундай бўлса...

Нормамат кўнглига келган ўйдан таскин топгандек, тракторни юргизди.

Иброҳим уйда экан, тракторнинг овозини эшитиб югуриб чиқди. Ҳамма гапдан хабардордек хижолатомуз ерга қараб, қўли билан елкасини ишқади.

— Хўш, Иброҳимжон, трактор минаман, деган экансан, шундоқми? — деди Нормамат жилмайиб. Овози ўзи истамаган холда киноа билан жаранглаганидан афсусланиб, лабики тишлади.



— Ҳим, айтувдим, — деди Иброҳим ботинқирамай.
— Айтган бўлсанг, мана, олиб келдим, бугундан бошлаб сеники шу трактор, — деди Нормамат жиддий. Йигитнинг тик қарай олмаётганини кўриб, «Ҳой-наҳой, бунда айб йўқ, ҳамма айб инженерда, йўқ-йўқ, ўзимда, аммо начора!», дея алам билан кўнглидан ўтказди.

— Уа... ўзингиз-чи? — деб сўради Иброҳим секин бошини кўтариб. — Сиз нима қиласиз?

— Э, мени қўявер, ука, — дея бепараво кўл силтади Нормамат. — Тиркчилик бир гап бўлар.

— Узи нима гап? Ё катта билан уришиб қолдингизми?

— Э, нимасини гапирай, жонга тегди шу трактор! Тағин ажалимдан беш кун бурун ўлиб кетмай, болаларни етим қилиб. Худога айтганим бор экан, икки марта фалокатга йўлиқиб, зўрга тирик қолдим. Тормоз ишламайди, филдирагу баллонларни ўзинг кўриб турибсан. Ҳамма жойида биттадан ишқал, ҳар қадамда юрагимни ҳовучлаб юраман. Бу тракторни миниб учун отнинг қалласидай юрак керак, ука! Фақат юрак эмас, ҳар ойда маошдан ташқари эллик-олтмиш сўмдан пул ҳам керак.

— Нега энди? — Иброҳим ҳайратланди.
— Тракторнинг аҳволи мана шундоқ, ҳар уч кунда бузилиб туради. Бирон жойини алмаштирмақчи бўлсанг, ўз пулингга сотиб оласан.

— Колхоз бермайди?
— Биздақаларга бермаяпти, балки сенга беришар.

Шунинг учун ҳам, мана, сенга топширяпман. Ҳа, дарвоқе, ҳозир қабул қиладиган бўлсанг, ўз пулингга сотиб олган нарсаларни чиқариб оламан. Мотор ҳам, фаралар ҳам ўзимники; бошқа баъзи майда-чуйдаларни омонатга қолдиришим мумкин. Топганингда қайтарарсан. Ҳа, яна битта гап: чоғимда, бу тракторни жин чалган-ов, адирга сомон ташишга борсам, ўз-ўзидан жарликка тортиб кетаверади. Қонсираб қолганда шунақа бўларкан. Биронта кўтир эсчи бўлса, сўйиб ис-пис чиқарвор. Кейин, қуръондан бир-икки сурасини ёдлаб қўйсанг, асқатиб қолиши мумкин. Иккаламиз ҳам мусулмонмиз, мендан домангир бўлиб юрмагин, деб айтяпман-да.

Иброҳим гоҳ тракторга, гоҳ Нормаматга тикилганча серрайиб қолди. Пешонаси тиришиб, кўзлари пир-пир уча бошлади.

— Мусулмонман, дедингиз-а, Нормамат ака! — дея салмоқ билан, тағдор қилиб сўради Иброҳим.

— Алҳамдулилло, мусулмонман, ука.

— Бировга ёмонлики раво кўрган одам мусулмон бўладими?

— Ғирт кофир бўлади, ука.

— Бўлмаса, нега шунақа тракторни менга беряпсиз? Ёки менда қасдингиз борми?

— Тавба! Сенга тўғриси яйтиб, гуноҳга ботдимми ҳали? Э, минмасанг минма!

— Керакмас! Пишириб энг тракторингизни!

Иброҳим шартта орқасига қайрилиб, уйга кириб кетди.

«Мана бу бошқа гап!» Нормамат елкасидан тоғ ағдарилгандай энгил тортиди. Худди улоқда соврин теккан чавандоздай суюниб, тракторни шапиллатиб уриб қўйди: «Хайрият, яна ўзимга қолдинг, энди ўла-ўлгунча қўш ҳўкиздай, аравани бирга тортамиз. Шунисигаям шукр...»

Нормамат вақтни ғанимат билиб, силос ташигани жўнади. Пешиндан кейин, фермага яқинлашганида радиокарнайдан диктор боланинг дўриллаган овози эшитилди:

— Диққат, диққат! «Ғалаба» колхозини радиоузелидан гапирамиз. Бугун колхоз клубида область театри артистлари ижросида катта концерт намойиш қилинади. Концерт кеч соат тўққизда бошланади. Томоша — бепул! Эълонни қайтараман...

«Э, оғзингга мой, ўғилбола! — Нормамат ҳовлиқиб, газини кўпроқ болиб юборган эди трактор қаттиқ тариллаб, тепага ҳалқасимон учқунлар отилиб кетди. —

Бугун росаям бахтли кун экан: трактор ёнга қолди, бу ёқда, мана, текин томоша. Болалар бир маза қиладиган бўлишди-да. Саттордан кейингилари ҳали тирик артистни кўришмаган. Узим ҳам охириги марта қачон томоша кўрганим эсимда йўқ».

Нормамат кейинги қатнашида Болтабой қассобдан ялиниб-ёлвориб насияга бир қадоқ ёғ, икки кило гўшт иштирди. Йўлакай Тожинисо ишлаётган далага бурилиб гўштини берди, уйга барвақтроқ боршни тайинлади. Хотини хушxabарни алақачон эшитган, ҳатто ўқлоқдай қилиб қошига ўсма қўйишга ҳам улгурган эди.

Нормамат ишдан қайтиб, уйда бошқача манзара, бошқача файзни кўрди. Ҳовли, айвон ва супа атрофига шакароб қилиб сув сепилган, чиннидай топ-тоза су-пурилган эди. Учоқда дамлаб қўйилган палов ҳиди диомога урилиб, иштаҳасини қитқилади. Болалар оталарини кўрасолиб, узун-қисқа бўлиб, туртиниб-қоқилиб чопиб келишди.

— Ота, артист кепти!
— Ота, биз ҳам боямизми?
— Ота, қачон борамиз?
— Ҳаммамиз борамиз, ўғилларим, мана, ҳозир жўнаймиз!

— Ойим ҳам боядими?
— Ойинг ҳам боради. — Нормамат эринмай болаларни бирма-бир бағрига босди, юз-кўзларидан ўпди, бошларини силади. — Овқатни еб, тезроқ жўнашимиз керак, кеч қолганларни киритмайди.

Болалар шошиб дастурхон атрофига тизила бошлашди. Нормамат уларни бир-бир назардан ўтказиб, санашга тушди. Кимдир сув ичгани турди, яна биттаси жойини алмаштирди. Нормамат янгилишиб кетди, қайта санашга эринди.

— Ҳамма шу ердами?
— Холмамат йўқ!
— Қаерда у?
— Нариги уйда аразлаб ётибди.
— Нега аразлайди?
— Соиб: «Сенинг ботинканг йиртиқ, артистга бормайсан», деб йилғатиб қўйди, — дея бурро жавоб қилди Саттор.

— Ҳей чақимчи!.. — Соиб Сатторга секин мушт ўқталди.

— Бекор айтибди, ботинкаси бутун, фақат товони ейилиб, боғичи узилиб тушган, холос, — деди Тожинисо овқатни дастурхонга қўярган.

— Қани, тез Холмаматни чақиринглар-чи! Ака-ука деган бунақа бўлмайди, — деди Нормамат болаларга танбеҳ бериб.

Соиб нариги уйга чиқиб, кўзлари қизарган Холмаматни етаклаб келди.

Паловдан кейин бир пиёладан чой ичилди. Сўнг қатор тизилишиб, клубга жўнашди.

Колхознинг ёзги клуби ҳали битмаган, шунинг учун ҳар қандай томоша кишки клубда бўлар эди. Улар етиб борганда клубнинг томоша зали анча гавжум бўлиб қолган эди. Скамейка, стуллар бунақа тўполонларда синавериш, йиғиштириб олинган. Шунинг учун одамлар яланг ерга чўккалаб ёки чордана қуриб ўтиришар эди. Саҳнага яқинроқ жойини асосан ёш-яланг ва болалар эгаллаган. Ҳамма иложи борича олдинроққа ўтириб, артистларни яқиндан кўришга ишқибоз, баъзи олғирлар орани ёриб, ҳатлаб олдинга интилар, зўрга жой топиб ўтирганлар норози бўлиб шовқин кўтаришар, шунда биронта шумтака жўрттага «Ур, ур!», деб бақириб қўяр, кўпчилик ўрнидан кўзгалиб, йўқ муштлашувни қидириб, аланглаб қолар эди.

Нормамат олдинги жойларнинг бандлигини кўриб, сал ҳаялласа, шу турган еридан ҳам қуруқ қолишини сезди, хотини билан болаларини атрофига ўтказиб, чўка қолди. Тез орада орқадаги жойлар ҳам эгалланди, эшиккача одамлар билан тирбанд бўлди.

Ҳамманинг кўзи саҳнада. Радиоузелда ишлайдиган йигит саҳнага яна иккита катта электр чироқ ўрнатди. Ҳаммаёқ чароғон бўлиб кетди. Болалар бетоқатланиб, ғинғий бошлашди:

- Ота, чиқмаяпти-ку?
- Ота, қачон бошланади?
- Ота, нима бўлади?

— Ҳозир, ўғилжонларим, ҳозир томоша бошланади! — дея Нормамат болаларини ёппасига овутиб, ўзи ҳам сахнага илҳақ боқиб ўтирарди. Одамлар ҳар замонда қарсақ чалиб, артистларни тезроқ сахнага чиқишга ундаб туришди. Ниҳоят, ўрта ёшлардаги, башанг кийинган, сочлари сийраклашиб қолган киши тавозе билан сахнага чиқиб, қисқа маъруза қилгач, томоша бошланди.

Нормамат созандалар ва қошлари ўсиқ, семиз, бақироқ киши ижросидаги куй ва қўшиқларни лоқайдроқ, аммо сабр-тоқат билан тинглаб ўтирди. Бунақа нарсаларни ҳар кун радиодан эшитиб, телевизордан кўр-верши ҳам мумкин. Шунчалик ўпкани қўлтиқлаб, ҳовлиқиб келганга яраша ақлу ҳуши лол бўлиб, сеҳрланиб, ўзлигини, жамики ташвиш-тахликани бир дақиқа унутмаса ҳисоб эмас.

Сахнага раққоса қизлар чиққанда Нормамат узоқ вақт қидирган нарсасини топгандай қувонди. Азбаройи ҳаяжонланганидан ўрнидан туриб кетаёзди.

Ўйинчи қизлар турфа хил гулларга гоҳ кўниб, гоҳ энгил қанот силкиган капалаклар каби сахнада шўх ва энгил, эркин йўргалашар, ўзлари ҳам, серлопук кўйлаклари ҳам худди капалакларга ўхшар эди. Нормамат бу капалакларни нозик, гўзал қанотларидан секин, авайлаб ушлагиси, ушлаб силагиси, эркалагиси келди. У хаёлан энди гулзорга қўл узатганда капалаклар бирдан ғойиб бўлишди. Қарсақ ва олқишлар янгради. Нормамат шундагина кўрганлари тушида эмас, ҳушида бўлаётганига ишонди. Аламини қарсақдан олди. Ўғилларини «Хўш, қалай?», дея туртиб-эркалаб қўйди. Тожинисо эрининг жунбушга келган завқини кўриб, хижолатомуз жилмайди.

Қарсақлар тинавермагач, раққосалар яна сахнага чиқишди. Бу гал бошқача кийимда, бошқача ўйинни ижро этишди. Улар бояги қизлармиди ёки бошқаларими — Нормамат билолмади. Аммо булар тасавзуридаги, орзу-хаёлидаги ҳуриликларга анча яқин эди. Нормамат беихтиёр раққосалар орасидан ўзига энг ёқадиганини, энг гўзалини танлай бошлади. У қай бирини танлашни билмас, чунки қизлар бир-биридан гўзал, бири-биридан зебо, куйдирмажон эди. Таваккал, дея энди биттасини танлаганида, қизалоқ овчидан чўчиган ҳуркак охудаи ўзини тўдага уриб, чалғитиб кетди. Нормамат кўзларини қайта-қайта юмиб-очиб уни излай бошлади. Ўйин аини авжига чиққан, раққосалар кенг сахна бўйлаб чирпираб айланишар, шунда зулукдай хокиллари нозик бўйинларига чирмашар, кўйлаклари парашютга ўхшаб бир зум ҳавода муаллақ туриб қолар, атлас лозимлари ял-ял товланиб, кўзни қамаштирар, бурчак-бурчаклардан «Дўст!», «Войдод!» деган хитоблар эшитилар эди.

Ана у! Нормамат энди ўша ўзи танлаган раққосадан кўз узмас, назарида у ҳам Нормамат учунгина ўйнаётгандай, ҳар бир ҳаракати, ҳар бир жилмайиши, ҳар бир таъзими фақат унга бағишлангандай туюлар эди. Ўйин тугагач, раққосалар қайта-қайта таъзим қилиб, ғойиб бўлишди. Нормамат ҳўрозқандга тўймаган боладай тамшаниб қолди. Тотли дамларнинг қисқа бўлишидан ўкинди.

Томошабинлар тинимсиз қарсақбозлик қилиб, раққосаларни учинчи бор сахнага чиқаришди. Қизлар энди «Пахта» рақсини ижро этишарди. Мана, улар ҳашпаш дегунча эгат тортиб, чигит экишди, чопиқ қилишди, кейин юзларида табассум билан, очилиб-сочилиб пахта теришди. Бу ишларнинг ҳаммасини ўйнаб-кулиб, шоду хуррам бажаришди.

Нормамат ўйинга қараб туриб, негадир ўзича хижолат бўлди, қизаринди. У катта ўғли чақалоқлигида бир марта алла айтишга уринганини, шунда хотини уйга кириб қолиб роса изза бўлганини эслади.

Қарсақлар янграганда Нормамат негадир энгил тортиди.

Ниҳоят, концерт тугагани эълон қилинди, томошабинлар гуриллаб ўринларидан қўзғалишди. Ҳаммаёқ аралаш-қуралаш, тўс-тўполон бўлиб кетди. Деразанинг тарақлаб деворга урилгани, ойнанинг чил-чил сингани эшитилди. Иссиқдан димиққан одамлар тезроқ ташқарига — очиқ ҳавога ошиқишарди.

Нормамат уззукун, ҳафталаб, ойлаб интиқ кутган бахтли куннинг бу қадар тез ва сезилмай ўтиб кетганидан доғда эди. Ўғиллари икки қўлидан тортиқлашса ҳам ўзига келмас, қандайдир бир сабаб билан рўй бермай қолган мўъжизани кутар, атрофга илинж билан жавдирар, худди ўйинчоғини йўқотган боладай маъюс тортиб, мунғайиб турар эди.

Ташқарига чиқиб, энди катта кўчага бурилишганда орқадан кимдир чақириб қолди. У қайрилиб, бригадирни кўрди.

— Нормамат, эрталаб адирга жўнайсан. Сомонга. Раис қаттиқ тайинлади.

— Хўп.— Нормамат гапни чўзиб ўтирмади. «Хўп»дан яхши сўз борми? Бошқа ҳар қандай сўз — ортиқча даҳмаза!

Кўз олдига яна ўша бузуқ трактор, гувала ўқталган кампир, «Колодка йўқ», деб кўрс гапирган инженер, сўнг ўз уйи — ўлан тўшаги, бола-чақаси келди. Бутун туриш-турмуши биринчи бор рўй-рост, очиқ-ойдин намоен бўлди. Кунлари эгиз кўзичоқлардек бир-бирига ўхшаш эканини ногоҳ пайқаб қолди. Бундан бўлакча турмушни тасаввур этишга онги-шуури ожизлик қилди. Аммо бугунги қувончи кўп, жуда кўп кунларга татишини, бу кунни ҳали узоқ вақт эслаб, гапириб юришини одатий бир шукроналик билан кўнглидан ўтказди.



Йўқ, чизолмадим оташ сиймойи,
Мисралар бежило, бенур ва синиқ.
Юлдузсиз тасаввур қилинг самони,
Зимистон тунаган гор каби сўник.

Эҳтирос чўғлари мушакдай тошди,
Портлаб отилдию тез бўлди ғойиб.
Сайроқ булбулгинам қайда адашди,
Хаёл самандарим кетдими тойиб...

Кўнгил нигоҳига манзара беранг,
Ҳаёт қулоғига чертмаскан наво,
У қандай оламки хира, беоҳанг,
Сеҳридан топмасанг дардинга даво.

Кел ўғлим, ёнимга, мўйқаламини ол,
Олов томирингдан рангларга қуй қон,
Мен тиклайолмаган у офтобжамол
Санамга юракдан узиб бергил жон.

Токи ўз рангида жонлансин тугал
Бетоқаъ, бетиним инсон ҳаёти,
Ахир биз ёзмасак уни мукаммал
Наҳот жўн жумлада қотади оти.

Шундай ёзабилки сен яратган ранг
Рухий оламинга харита чизсин.
Ўзбекистон аталмиш юртинга, ҳамранг
Ўз халқинг қалбидан бўёғи сизсин.

Ва ранглар қўшиғин тилини билган
Дилларни қўймасин бир он осуда.
Сенинг иқлимингга саёҳат қилган
Шунда яшамоққа қолсин орзуда.

Кечагина мендан сўрардинг эртак.
Учар одамларга сен эдинг шайдо.
Билмасдим, илҳомнинг париси бешак
Мўйқалам учиди бўлмоғин пайдо.

Сен ҳали навқирон — ўн саккиз ёшда,
Камалак туйғулар ураркан тугён,
Ошиқлик ёнади кўзда оташдай,
Муҳаббат рангида кўринар жаҳон.

Назарингда дунё ҳисларингга тор,
Мўъжиза қувончга макон кошона,
Биринчи севгидай ранглар бетакрор,
Яшамоқ мангудир, ўлмоқ — афсона.

Куйларинг авжида муҳаббат ёши,
Орзулар йўллари — яшил беқасам,
Севги мактубидан кўтармай бошинг
Сеҳрли дунёга ташна боқасан.

Боқабер, севгидай азиз бўл сен ҳам,
Ҳаёт лаззатидан ранглар эмсин бол.
Тўникис камолни топсин ул санам,
Бир умр ёшлиқнинг қанотида қол!



ГУЛЧЕХРА
ЖЎРАЕВА

* * *

Ҳаёт ўзи аллома шоир,
Тақдирлардан битаркан ҳикмат.
Пешонанга билдирмай соҳир
Ёзиб қўяр тўрт сатр дастхат.

* * *

Чим, аста-секин жим
Тошу харсангларни ёриб очар йўл.
Ва қуёш бўйнига чўзар экан қўл
Гоҳо қудратига келур ҳавасим.

Норак — юрак ГЭСи

«Нури дийда — тожи сар» — деганинча бор,
Бош устига кўтариб хўл азиз этдинг.
Курра умуртқасидан юриб улўғвор
Гўё арши-аълога қўлларим етди.

Орда қолган изимга ташлайман нигоҳ:
Бўйнимга арқон солиб тортар ваҳима.
Тоғлар қулоғни тешар ҳайқириқ, нидо,
Йўл солган жасурларга тасанно, дейман.

Юсак харсанг олдида муштдаини инсон,
Аммо пойига шердек тиз чўкмиш тоғлар.
Тоғлар кўкрагин ўйиб ўрнида уммон —
Бу қандай куч — яратса тош узра боғлар!

Йироқларга боқаман, зебо Душанба
Қоялар қасри ичра мисоли келин.
Серрашк тоғлар тутипти унга гўшанга,
Ёт назардан асрашга тожиклар элини.

Кафтида кўк косада фируза шароб
Ташна лабини тамшатар, «иўш» деб лимиллар,
Сирли теран баҳрда бўлгинг келар об,
Она замин бағрида нурдай жимирлар.

Норакини кўрмоқ учун тоғ юрак керак,
Тоққа чиққан дўлона қидирмас бу кез.
Янги ҳаёт шаҳрига чорларкан юрак —
Юраклардан ўт олиб ишлар Норақ ГЭС.



Мангу олов қаршисида

Ассалом кўз ёш бўлиб тўкилар бунда,
Тасалло кўз ёш бўлиб тўкилар бунда,
Соғинчлар кўз ёш бўлиб тўкилар бунда,
Укинчлар кўз ёш бўлиб тўкилар бунда.

Мангу олов ўчоғида ёш ва қон — уммон,
Ҳароратга айланмоқда висол ва фиरोқ.
Замонамиз қалбидаги чироқ — бу олов.
У келажак қўлидаги аланга байроқ!

Муҳаббат нима?

(Учрашувда китобхонлар
саволига жавоб)

Пахтазор нурндай ялтирар севинч,
Яқин юлдузлардек чақнайди кўзлар.
Вужудда чарсиллар учқунлар нотинч,
Меҳнат чарчоғини эритар сўзлар.

Шеър янграр, мастона тинглар адрлар,
Ариқча чапаги чалинар бехос.
Куртаклар лабига қўнар сатрлар,
Сабо қанотида этаркан парвоз.

Ҳислар тўлқинида мисоли кема
Қирғоқдан қирғоққа сузани қалам.
Оппоқ капалакдек учаркан тинмай
Қўллардан қўлларга қўнар қоғоз ҳам;

Фаол ишламоқда демакки шеърхон,
Саволлар кўзгатар қалбларда мароқ.
Шоир юрагига қўл солар деҳқон,
Гарчи биздан кўра билур яхшироқ.

Севги садоқатдан жуфт қанот боғлаб
Қўлларга қўндилар саволлар гўжгон
Китобхон олдида синовга чоғлаб
Қулоғин тутарди бизга микрофон.

Менинг-да навбатим етмоқда, бироқ
Не ажаб сўз билан дил чертсам экан.
Бу тилсиз, қулоқсиз, бебош, бебўёқ
Севгидан, сезгидан не десам экан.

Соқов деб атасам у шундай сергап,
Неча «Хамса»ларга сиғмаган рози.
Юрак қонини сиқиб жонини тергаб
Ҳамон тугатолмас мусаввир ёзиб.

Бас етар, саволни бежавоб билиб
Муҳаббат пойига секин эгдим бош.
Иллоҳ калимага келмади тилим,
Теран сукут билан уни эгдим фош.



Қадах

Эй соқий, қадахни маҳкам тут янада,
Шароби тўкилмай деб юзи ёнади.

Сен ундан сармастсан, ҳаётинг мастона,
Бахтиёр умрининг ҳар куни — баҳона.

У шундай қадахни ичганини маст қилур,
Узга деб ўзининг жонига қасд қилур.

Сафода деюрсан «оҳ» ютдим заҳарни,
Лабларинг симирав гардишдан зарҳални,

Майли ич ва фақат тубига етмагил,
Ва лаззат баҳрида юз тубан кетмагил.

Тубига етганда сен ҳушёр тортарсан,
Беҳушёр кунларининг жабрига ботарсан.

Қадахни маҳкам тут, бахтинг чил синмасин.
Дарз кетган жойидан шаробинг сизмасин.

Ичилган қадахни сақла дар эҳтиёт,
Нафақат бугундир, эртага ярар бот!



НОРМУРОД
НОРҚОБИЛОВ

Зангори кўл

ҲИКОЯЛАР



ошидан қишин-ёзин қозоқча ола қалпоқ, эгнидан кўхна қора чопон тушмайдиган, чайир жуссали, кўзлари қонталаш, тажанг қиёфали Раҳим бақироқдан зир титрамайдиган бола йўқ бу атрофда. Ҳамманинг назарида, у ёвуз кимса: битта пишмаган қовун учун одамни уриб ўлдириб қўйишдан ҳам тоймайди.

Колхоз ҳар йили адирга — лалми ерларга қовун-тарвуз экади. Чол шу пайкалларнинг доимий қоровули. Қоровул бўлганда ҳам отасини танимайдиганлардан. Унча-мунча одам чолдан бир нима ундириши амримаҳол. Ҳатто зарурат юзасидан келганларнинг ҳам қўлида албатта раисдан икки энлик қоғоз бўлиши шарт. Чол хат танймайди, аммо қоғоздаги икки нарсани яхши ажратади: бири — «100 кг», иккинчиси — раиснинг жимжимадор имзоси. Бунисини, айниқса, синчиклаб текширади; имзонинг ҳақиқий эканига ишонч ҳосил қилгач эса, келган одамнинг эшагига разм солади. Эшак бақувват бўлса, — бир нави, худо урганроқ бўлса — тамом, ўшқириб, эгасини ҳайдаб солади: «Ҳай сен, бор, бошқа эшак миниб кел! Бу чалажонинг ўн килониям кўтаролмайди! Тарвуз егунча, бундоқ эшакка қарасанг бўлмайдимми?!»

Холмурод қўшни қишлоқлик бу чолни узоқдан кўп кўрган бўлса-да, юзма-юз келмаган, унинг майдаўрим қамчиси билан «ошначилик» ҳам қилмаган. «Ё қовун еймиз, ё қамчи», деб юрадиган жўраларига қўшила олмайди — вақт қаёқда дейсиз! Кун-узун кун пода ортида...

Лекин чолдан чўчийди: қалин жўраси — Шерқул неча бор орқасини очиб, қамчи изларини кўрсатган.

Тушга яқин Олим тракторчининг шу бугун подага кўшилган танаси қочди. Саъди чол уни қувлаб кетгач, бир ўзи қолган Холмурод подани бошқаролмай қолди: бир сурув қўй-эчки палак оралаб кетди. Бола шоша-пиша сурувни ҳайдаб чиқди ҳамки, узоқдан Раҳим бақироқ кўринди: у сўкинганча от қўйиб келмоқда эди. Холмурод даҳшатдан қотди. «Ҳозир оти билан бостиради», деб ўйлади қалт-қалт титраб. Атрофда жонсарак

Расми О. БОБОЖОНОВ чизган

Редакциямиз ёш қаламқашлардан ҳар кун и ўнлаб мактублар олади. Республика-
мизнинг турли бурчакларида яшаб ижод қилаётган ҳаваскорлар шеърӣ ва насрий
машқларини йўллаб, маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатишимизни илтимос қилишади.
Албатта, ёзувчиликни махсус бир қонун-қонда билан ўргатиш мумкин эмас. Бу со-
ҳада кўп нарса кишининг аввало талантига, ҳаётӣ тажриба ва кузатувчанлигига,
маънавий савиясига боғлиқ экани шубҳасиз. Редакциямиз ёш ижодкорларнинг эзгу
интилиши ва изланишларини қизғин қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларга ҳар томонлама
кўмак беришга интилиб келмоқда. Журналимизнинг «Адабий сабоқ», «Устозлар бисо-
тидан» рубрикаларида атоқли санъаткорларнинг бадиий ижод ҳақидаги фикрлари,
кузатиш ва қайدلари мунтазам эълон қилинмоқда.

Бу гал муҳтарам журналхонлар эътиборига ёш ёзувчи Нормурод Норқобило-
нинг икки ҳикоясини ҳамда улар ҳақида танқидчи Умарали Норматов ва ёзувчи
Неъмат Аминовнинг фикр-мулоҳазаларини ҳавола этаётимиз. Уйлаймизки, бу
кичик тақризларда ёш ижодкорларни қизиқтирган кўпгина савол ва муаммоларга
бақадри имкон жавоб берилган.

аланглаб, қочмоқчи ҳам бўлди. Лекин, қутулиб кетол-
маслигига фаҳми етгач, кўзларини чирт юмди-да, бо-
шини қўллари билан тўсди. Бирпасдан кейин туёқ то-
вуши тинди. Шундоққина тепасида от пишқирди.
Негадир қамчидан дарак бўлмади. Холмурод аввал
бир кўзини, кейин иккинчисини очди, тирсақлари оре-
сидан мўралади: уч одимча нарида турган отни, унинг
бакуват оёқларини кўрди.

— Тушир қўлингни!— деди чол дағал товуш билан.
Холмурод буйруққа итоткорона бўйсунди. От яна
пишқирди, юзига нимадир сачради, бола жирканиб
ортга чекинди.

— Қайси имонсиз сени подага кўйди?— деб сўради
чол сал юмшаб.

Холмурод индамади. У ҳали эс-ҳушини йиғиб олма-
ган, чолнинг урмаганидан таажжубда эди.

— Бу қайси қишлоқнинг подаси?

— Беш... Бешқайрағочники.

— Бешқайрағочники? Узинг кимди ули бўласан?

— Мирқобил подачининг.

— Шундай де... Саъди бовонг қани?

— Молни қувиб кетди.

Чол отдан тушиб, уни тушовлади-да, пайкал оралаб
кетди. Кўп ўтмай, каттақон қовун кўтариб қайтди. Ерга
чордана қўриб, ёнидан пичоқ чикарди-да, қовунни ти-
ликлади. Болани имлаб чақирди. Холмурод тараддудга
тушди.

— Кел, кел! Утир мундай!

Холмурод унга рўбарў ўтирди. Шираси оқиб, товла-
ниб турган қовун тиликларига ютоқиб қараб кўйди.

— Ол, ол! Тортинма!

Холмурод қимтинибгина қовунга қўл чўзди. Нос
отиб, кўзларини ғўлайтириб ўтирган чолга зимдан на-
зар ташлади: «Шерқўл айтганчалик ёмон киши эмас
экан-ку! Фақат, кўзлари ғалати... одамга олайиб қарар-
кан».

— Ҳм-м, Мирқобилди улман, де?— Чол ўзича мин-
фирлаб, афсус билан бошини сарак-сарак қилди.

Бир пайт эшагини қичаб, Саъди чол келиб қолди.
Ялтоқланиб, Раҳим бақироққа ҳазил-ҳузул қилган бўл-
ди. У эса қовоғини очмади, болага ишора қилиб:

— Бу анчадан бери сендами?— деб сўради.

— Саратон бўйи, нима эди?

Раҳим бақироқ носини туфлаб, Саъди чолга ижир-
ғаниб қаради.

— Бу Мирқобилинг ғирт аҳмоқ экан-ку! Қайнисини
кида кўриб, подани ташлабди-да, деб ўйлабман. Мушт-
дек гўдакни ўрнига кўйиб, ўзи мардикор ишлаб юриб-
ди, дегин...

Саъди чол индамади. Қовунпўчоқни эшаги олдига
ирғитиб, иккинчи тиликка қўл чўзди.

— Сен, кўса ҳам кўр-басирсан!— Раҳим бақироқ
унга ёпиша кетди.— Уласанми, отасига бир оғиз...

— Бе, гапирма сен ҳам одамди куйдириб!— Энди
Саъди чолники тутди. Қўлидаги пўчоқни зарда билан
четга улоқтирди.— Мардикорликка ўзи хоҳлаб бориб-
димиз? Унга қолса, боласини бир кун ҳам подага кўйги-
си йўқ, ҳаммасини анави жодугар қияпти... Тагин мени
сўкасан, нима мен...

— Оббо, имонсиз-эй!— Раҳим бақироқ оғир теб-
ранди. Кўзларига қон куйилди. Қўпол сўкинди. Унг қў-
ли дик-дик этиб силкинди. Белбоғини тимирскилаб
носқовоқ олди, кафтига мўлгина нос тўкиб, тили таги-
га ташлади. Лабларини қимтиганча болага тикилди.
Сўнг Саъди чолга юзланди:— Мен бугун уйга ўтаман.
Мирқобилини топиб бир тузламасам!.. Одам деган бу-
нақа латта бўлмайди, ахир! Хотининг гапига кириб,
пушти камарингдан бўлган норасидани бу қадар қий-
наш!..

— Анави Салим дарозни ай!— Саъди чол руҳланиб
кетди.— Опаси-ку худодан қайтган-а, унга нима бўл-
ди? «Почча, бориб подангизни боқинг, уй бўлса битиб
қолар, эл-юрт гап қиялпти», демайдимиз! Аслида-чи, та-
ги паст буларнинг, ҳа! Бўлмаса, икки фарзандини кўзи
қийиб, эри ҳайдаб юборармиди бу хотинни?! Энди,
Мирқобил ҳам ёлғиз бола, нима қилсин...

— Гапирма шуни! Эркак эркакдай бўлиши керак-да!
Борай ҳали!..

Холмуроднинг йиғлаб юборгиси келди. Кўз ўнгида
ўғай онасининг ғазабнок башараси намоён бўлди. Йўқ,
у бошда ғазабланмайди. Раҳим бақироқни кўргач, юзи-
да кулги ўйнаб, эшилиб сўзланади. Чолнинг койишла-
рини ҳам бош эгиб эшитади. Кейин «Во-ой ўлибман-
ми!», дея ҳатто афсуслангандай бўлади. Чол кетдики,
тамом, илондай тўлғаниб, бутун захрини отасига соча-
ди... Боланинг қўлоғидан чўзғилаб: «Қон қусгур, ҳали
кўча-кўйларда арз қилиб юрибсанми, а? Қорнингни
улар тўйғазадими, устингни улар бутлайдими, а?», дея
ўшқиради. Бир сафар Ҳайдаров муаллим: «Ёш болани
эксплуатация қилишга ким сизга ҳуқуқ берди?!», деб
дағдаға қилиб келганда ҳам худди шундай бўлган:
она эшилиб кечирим сўраган, бир бало қилиб муал-
лимнинг кўнглини тинчлантирган эди. Бари бир ҳеч
нарса ўзгармади... Бора-бора муаллим ҳам қўл силтаб
кўяқолди.

Ҳар кун и эрталаб пода адирга ўрлаётган пайтда
қишлоқ яқинидаги кўл бўйида болалар тўпланишаётган
бўлади. Ким қармоғини созлаган, ким балчиқ титиб
чувалчанг қидирган — ўзгача бир завқ билан балиқ ту-
тишга ҳозирланишади. «Балиқ илинармикан ўзи?— деб
ўйлайди Холмурод.— Илинса керак-да...»

Кун исини билан қармоқлар бир четга улоқтирилади.
Кўлни лойқалатиб болалар чўмила бошлашади. Сўнг бу
ҳам жонларига тегади. Тўдалашиб мактаб боғига ё
бўлмаса пайкалга йўл тутишади. Овлари бароридан
келса, кўздан панароқ бирор жойда ўлжаларини баҳам
кўришади. Кейин яна кўл бўйига қайтиб, кунни кеч
қилишади...

Холмурод энтика-энтика ортига — кўлга қарай-қарай
подани ҳайдаб кетаверади... Тўшда, пода сувга энди-
рилганда ҳам у жўралари ёнига боролмайди. «Энди
пича мизғиб олгин», деб Саъди чол изн бермайди.
Унинг эса, болаларга қўшилиб чўмилгиси, қайноқ туп-
роққа ётиб тоблангиси, қурбақа тутиб, ўзидан кичик
болаларни кўрқитиб, зирқратиб қувлагиси келади.
Эсида, Ҳайдаров дағдаға қилиб келган кун и ич-ичидан

қувонган, ошхонага беркиниб олиб, тўғноғичдан қармоқ ҳам ясаб кўйган эди...

Холмурод Раҳим бақироқнинг аралашувидан бир иш чиқишига ишонмас-да, негадир ҳозир боши осмонда эди. Чолни беихтиёр яши кўриб қолди. Ҳатто унинг ўнг юзидеги тиртиги ҳам кўзига ёқимли кўриниб кетди.

Сувга эндириш вақти етгани учун поданинг боши қишлоқ томон оға бошлади. Раҳим бақироқ иккита қовунни олиб хуржунга солди; болани елкасидан қучиб, тайиллади:

— Ҳў ана бизнинг қапа, кўрдингми? Ҳеч тортинмай келавер! Укинма, улар билан ўзим гаплашиб кўяман!

* * *

Пода қуюқ, сарғиш чанг кўтариб лалмига ўрлади. Арпапоя, бугдойпоя ортада қолди. Пода пайкални айлаиб, қўшни колхознинг хас-хашакка мўл, ҳосили яқинда йиғиб олинган ерига оралади.

Саъди чол поданинг олдига ўтди. Холмурод пайкал томонни қоровуллаб қолди. У жар лабидаги дўнгликка бориб ўтирди. Таёғи билан турпоқ титиб ўйнаркан, бир маҳал жарнинг шундоқ сўйри ёқасида кўм-кўк яшнаб турган бир тутам майсага интилаётган семиз қора совлиққа кўзи тушди. Жар туби жаҳаннам — йиқилган жон тирик қолмайди! Турсолиб қўйни ҳайдади. Сал вақт ўтмай совлиқ яна қайтиб келди. Холмурод яна ҳайдади:

— Ҳўш, ҳўш! Ҳе, ҳаром ўлгур! Нима, йиқилиб ўлмоқчимисан!?

Қўй Абдураим чўлоқники эди. Абдураим чўлоқни билмаган кимса йўқ — қишлоқнинг энг жанжалкаш одами. Бир ой бурун ғунажини йўқолиб қолганида Саъди чолни роса олиб бориб-олиб келган, кейин отасининг ёқасидан бўғиб: «Ошингни ҳалоллаб ич-да, энагар, подани муштдек чурвақага ишонсанми!», дея роса ҳезланган, одамлар зўрга ажратиб қўйишган эди. Ушанда ўрнига-ўрин битта таналарини етаклаб ҳам кетган. Ҳайтовур, эртаси ғунажини топилди — қўшни қишлоқнинг подасига қўшилиб кетган экан.

Холмурод шуларни эслаб, бу гал совлиқни иложи борица узоқроққа қувлади. Негадир ҳозир Раҳим бақироқдек жангари бўлгиси келиб кетди. Бир қўли билан иштонини кўтариб, бурнини шилқ торти-да, бошини ғоз тутиб, бўралаб сўкина бошлади:

— Йиқилиб ўлмоқчимисан, ҳе ... моли! Ҳозир шу таёқ минан бир соламан, ўласан сўлжайиб! Ҳе ... моли!

Сўкиниб хумордан чиқди. Раҳим бақироқнинг чопишига ўхшатиб ҳалпиллаганча, жар ёқасига келиб қолган бошқа молларни ҳам зирқиратиб қувиб солди. Сўнг йўл-йўлакай бир этак тош териб, бояги жойига келиб ўтирди. Орадан сал ўтмай совлиқ яна қайтиб келди. Холмурод тош улоқтирди. Қўй қочмади, яна жар тарафга йўналди: секин-аста, бир тутам майса учун...

Холмуроднинг ҳафсаласи пир бўлди, энди ҳайдамади, қизиқсиниб совлиқни кузата бошлади. Негадир қўйни йиқилиб ўлган ҳолда тасаввур қилди: мана, қўй йиқилиб ўлди. Холмурод бориб Саъди чолга айтади. У сўрайди: «Кимники?» «Абдураим чўлоқники.» «Абдураим чўлоқники!» Чолнинг ранги оқариб, бир зум каловланиб қолади. Кейин сўкина-сўкина ҳансиллаб жар томонга югуради... Кеңкурун чил-парчин бўлган қўй танасини эшакка ўнгариб, қишлоққа олиб тушишади. Абдураим чўлоқ ҳассасини дўқиллатиб, ҳовлиқанча югуриб чиқади. Саъди чолга ёпишади. «Тўлаб бера-сан!», деб дўқ уради. Чол ғўлдираб ўзини оқламоқчи бўлади. Сўнг чўлоқ: «Мирқобил, илоё, еганинг заҳар бўлсин, Мирқобил!», деб шовқин-сурон билан уйларига келади. Дарвозадан онаси (отаси ҳали келмаган) чиқади. Чўлоқ уни ҳассаси билан четга суриб ҳовлига, ҳовлидан молхонага ўтади. Ҳе йўқ, бе йўқ, боқимдаги катта қўчқорни шартта етаклаб чиқиб кетади. Онаси миқ этолмайди: жангари, тажанг одамлардан чўйидаи у. Кўп ўтмай, аравачали мотоциклини тариллатиб Со-

диқ бригадир (Абдураим чўлоқ чақиб улгурган) келиб қолади. Бу пайта отаси эндигина ҳашардан қайтган, онасининг қарғиш ва таъналарини меровсираб эшитаётган бўлади: «Бунақа рўзғорни елкамнинг чуқури кўрсин, кетаман бу уйдан! Мени кимлар сўрамаган!.. Шуюм турмуш бўлдим — бири қўчқорни етаклаб кетса, бири танани? Анави қон қусгур етимчанинг касрига биринг икки бўлмаса!..» Шу тариқа узоқ вайсайди у, ҳар икки гапининг бирида «Кетаман», дейди. Холмурод бўлса, отасининг «Бор, кетавер!», дейишини жуда-жуда истаydi. Йўқ, отаси бундай демайди, лоақал бир сўз айтолмайди — супа четида, бошини ҳам қилиб ўтираве ради. Онаси келиб, елкасидан туртса ҳам миқ этмайди. Онаси ҳеч қаёққа кетмайди, Холмурод бунга аниқ биллади: Шерқулнинг онасининг гапига кўра, у олдинги эри устидан юриб қўйган эмиш... Мирқобилдай ландавур одам олмаганда унга ҳеч ким уйланмас экан... Дарвозадан Содиқ бригадир кўриниши билан онаси мум ташлаб қолади. Содиқ бригадир отасига бундай дейди: «Мирқобил, олдинги гал ҳам сени оғоҳлантирган эдим, лекин гапимга кирмадинг. Мана, оқибати — бировнинг молини ҳаром ўлдириб ўтирибсанлар! Энди гап мундоқ, эртадан бошлаб подага ўзинг бор ё бўлмаса, ўрнингни Эргашга бўшатиб бер-да, пахтага чиқ! Юртнинг молига кафиллик берган одамсан, сал ўйлаб иш қилгин-да, ахир!» Отаси минғирлаб «Ҳўп», дейди. Угай она қутуради ва...

Холмуроднинг баданлари жимирлашиб кетди. Гап агар ўзи ўйлаган тарзда давом этса, у албатта подадан озод бўлади. Кейин-чи? Кейин ўгай она унга кун берармикан!?

У узоқ-узоқларга ғамгин боқди. Кўзи қапага тушди. Қулоқлари остиде Раҳим бақироқнинг овози янграб кетди: «Ҳов ана — бизнинг қапа, кўрдингми? Ҳеч тортинмай келавер! Улар билан ўзим гаплашиб кўяман!» Зангори кўл ва жўраларининг қора-қура қувноқ чехралари кўз олдидан ўтди...

Совлиқ энди олдинги оёқлари билан чўккәлаб, ўланга буй чўзоқда эди. Холмурод бу сафар қўйни ҳайдамади, беҳуш тикилиб тураверди. Қизиқ, ҳозир совлиқнинг йиқилиб ўлишини ич-ичидан истарди.

Жўралари, зангори кўл... Раҳим бақироқнинг жангари, ўктам сиймоси...

— Агар урадиган бўлса, Раҳим бованикига қочиб кетаман... У мени ҳеч кимга ургани қўймайди! — деди Холмурод беихтиёр шивирлаб.

Яна ўша — Қувноқ жўралари... зангори кўл... кенг пайкал ва Раҳим бақироқ... Юраги гурс-гурс тепа бошлади.

Совлиқ эса бўйинини чўзиб, яшил ўлан учларини кирт-кирт узиб емоқда эди. Холмурод ҳаяжон ва қўрқув оғушда совлиқдан кўз узолмасди. Ҳадемай унинг тумшуги ўланга етмай қолади, янада қуйироққа интилади. Кейин... Йўқ, у йиқилмайди. Бўйни етмагач, кетади қайтиб... Бола бунга дафъатан англади. Кўнгли чўкди: тасаввурда мавжлана бошлаган зангори кўл, ўртоқларининг қора-қура, бахтиёр чехралари бирдан узоқлашди, узоқлаша бориб, ҳув нарида — осмон билан ернинг туташган жойида кўздан ғойиб бўлди.

Холмурод чексиз хаёлларга чўмганча, файзсиз, ўлик дашт бўйлаб ёйилган подага, олисда — қир ёнбағрида белбоғини бошига ташлаб чўнқайиб ўтирган Саъди чолга бир-бир кўз югуртириб чиқди, юраги сиқилди: «Эҳ-ҳ, бирам зерикарли!»

Туриб-туриб хўрлиги келди: «Қачонгача пода боқиб юраман! Туртиб юбориш керак, туртиб!» Беихтиёр хаёлига келган фикрдан сапчиб туриб кетди.

У қўрқув ва ҳаяжондан қалтирамоқда, иккиланмоқда эди. Кўз олдига яна Раҳим бақироқнинг шиддатли қиёфаси гавдаланди... «Туртиб юбориш керак, туртиб! Нега қараб турибсан? Бор! Қимирласанг-чи!» Холмурод оғир-оғир ҳансираб олға юрди: кўзи ҳеч нарсага кўрмас, қўкиш туман ичида қорайиб турган қўйни мўлжаллаб интилмоқда эди...

Совлиқ ўланнинг ярмисинигина еди, қолганига тумшуги етмади. Устига-устак, тиззалари увишиб кетган

эди унинг. Оёққа қалқди, энди ортига бурилган ҳам эдики, шундоққина ёнида пайдо бўлган боланинг шарпасидан ҳурқди: жонҳолатда ўзини четган отди. Нимадир сағриси қаттиқ сийпаб ўтди, у мувозанатини йўқотди ва қалқий-қалқий жар ёқалаб тўрт-беш бор ирғишлади. Шу пайт даҳшатли чинқириқ янгради: «Энажо-он!» Кўй баттар ҳурқди. Қоқилиб ўмбалоқ ошди. Жар лаби чангиб кетди...

Холмурод ўзига келди. Ҳаммаёғи бўз тупроққа (у жардан ўпирилган тупроқ уюми устига тушган эди) бурканиб, чалқанча ётарди. Кўзини очиб, осмонни кўрди. Осмон зангори эди, худди қишлоқлари яқинидаги кўлдек зангори... Кўнда тўрғай муаллақ турар, жуда-жуда баландда — осмоннинг тубида оппоқ из қолдириб, кумушранг самолёт сизиб борар эди. Бола ҳолсиз, товушини чиқармай йиғлаб юборди: «Яхшиям, кўй йиқилмади... Мен уни йиқитаман, ўлдираман, дебман... Улиш, ўлиш жуда ёмон экан!..» Уридан турмоқчи бўлди. Иликлари ва қовургаларида чидаб бўлмас оғрик

кўзғалиб, чинқириб юборди. Тупроқни чангаллаб, бошини у ён-бу ёнга ураркан, бирдан анча нарида — заранг ерда чўзилиб ётган кўйни кўриб қолди. Кўзларига ишонмади: «Қачон йиқилди бу?! Тирикмикан?!» Қийналиб-қийналиб бошини кўтарди, синчиклаб назар солди: совлиқ, оғзи-бурни қоп-қора қон, ўлиб ётарди... Бола ҳушдан кетди.

* * *

Бу вақтда Раҳим бақироқ бир ҳафталик озиқ-овқатини ғамлаб, қишлоқдан қайтмоқда эди. У Мирқобил билан ҳам, унинг қайниси Салим дароз билан ҳам учрашди. Уларни боплаб сўқди, тошбағирликда айблади... Мирқобил минғирлаб узр сўраган бўлди. Салим дароз эса, иморати битиб қолай деганини, бугун охири майда-чуйда ишлар ҳам тугашини ва эртадан бошлаб поччасининг подага чиқишини айтиди, Мирқобил тасдиқлади. Шу тариқа чол уларнинг ваъдасини олди.

У энди боради-да, подани топади. Ҳойнаҳой, пайкал атрофида бўлса керак. Саъди чолга уларни қандоқ «болагани»ни сўзлаб беради. Холмуродга эса: «Сен эртадан бошлаб озодсан!», дейди.

Рўмолча



енинг ҳам шунақа рўмолчам бўлганидами, болаларга кўрсатиб роса ҳавасларини келтирардим! Кейин ойна тепасига ёйиб қўярдим! Уйимиз чиройли бўлиб кетарди!..» Кўлидаги сариқ рўмолчага термулганча, нимқоронғи сомонхона тўрида, чирик хашаклар устида ўтирган

болакай гоҳ энтикарди, гоҳ ўкинарди... Рўмолча чиройли, гирдига қизил ипак билан тўр тўқилган, бир четига эса «М», «М» ҳарфлари чатилган эди. Аммо у ўзиники эмас-да, на бировга кўрсатиб бўлади, на мақтаниб — болага шуниси алам қиларди.

У бирдан ҳовлиқиб туриб кетди: «Энамга айтсам тикиб бермасмикан?! Аввалроқ шу фикр хаёлига келмаганидан ажабланди. Рўмолчани тезгина қоғозга ўраб, девор тирқишига бекитди-да, дағал тахталардан кўполдан-кўпол ясалган оғир эшикни секин итариб, ўғри мушукдай аланглаб қўрага чиқди, кўрадан ҳовлига ўтди.

Она айвонда кўйлакка ямоқ тикиб ўтирар эди, тепасига келиб, тик қотган болакайга анчайин қараб кўйди-да, ишида давом этди.

— Эна! Менга рўмолча тикиб беринг,— деди болакай ялинчоқ оҳангда.

Она ёнидаги қийқим-сийқим жойланган қуроқ тугунни кавлаштириб, бир парча тоза, оқ латтани болакайга узатди.

— Нима бу?— деди болакай таажжубланиб, латтанинг орқа-олдини айлантириб кўраркан.

— Рўмолча.

— Йй-й, бунақаси керакмас!— Унинг лаблари чўччайди.

— Қанақаси керак?

— Кашталиги!

— Унақасини катта йигит бўлсанг қизлар тикиб беради!— Она кулди.

— Қачон катта йигит бўламан?!

Она ялт этиб унга қаради. Кўзларига ҳайрат инди: «Тавба, нима деяпти, бу!»

Шу пайт бешикдаги чақалоқ инга-ингалаб қолди. У бешик билан бирпас андармон бўлиб, чақалоқни тинчлантириб яна ўғлига қайрилди. Болакай ҳамон қаққайиб турар, кўзларида умид, нимадир кутмоқда эди. Она кизаринди — рўмолча тўқишни билмас эди у.

— Сен бола, бўзовга сув бердингми?— дея сўради

болакайнинг хаёлини рўмолчадан чалғитиш учун. Йўқ жавобини олгач, ғазабланган бўлди:— Сенга қачон эс киради, а? Нима, доим қулонингга кўйиб туришим керакми?

Болакайнинг кўнгли чўқди. Ҳовлига чиқиб, тумшайганча туриб қолди: «Нега унақа дейди? Қачон катта йигит бўламан-у... Эҳ-ҳи!» Шунда ўзини жуда кичкина, билагига ўрмалаб бораётган чумолидан ҳам кичкина ҳис қилди.

Бузоққа сув бериб келганида, тушликка қайтган отаси айвонда ёнбошлаб ётар, онаси пойгоҳда чалоб қилатуриб, эрига қараб жаврар эди:

— Ҳой, отаси, манавингизнинг тани соғмас, меровсираб қолган. Бугун алланималар деб бошимни қотирди. Дўхтир-пўхтирга қаратим керак буни.


Ота сергак тортиди, тирсагини ёстиқдан узмаган кўйини ярим ўгирилиб, ўғлининг ранг-рўйига синчков раэм солди. Қалтис вазият: агар ота унинг соғлиғидан салгина шубҳаланса — тамом, қишлоқ медрпункти қолиб, тўғри район марказидаги касалхонага олиб тушади. Дуч келган эшикка бошини сўқиб: «Бу силарни каттаконларинг қаерда?», деб суриштиради. Улар отасини бош врач ҳузурига йўллашади. «Дўхтиржон ака, шу бизнинг гўдакни кўриб кўйинг!— дейди у болакайни олдинга туртиб.— Кечадан буён мазаси йўқроқ». Унинг довдир хатти-ҳаракатларидан болакай уялади, отасига ҳайратомуз қараб турган оқ ҳалатли чиройли опалар олдида гуноҳкор сезади ўзини...

Йўқ, отаси хотиржам эди, соқол босган иягини қиртқирт қашиб, онасига хўмрайди: «Ваҳиманг қурсин, сени!»

Болакай уйга кирди. Тахмондаги пўстақлардан бирини олиб, чаппа тўшаб ётди. Уйқуси келмас, бутун фикри-зикри рўмолчада эди: «Қани энди менинг ҳам шунақа рўмолчам бўлса!»

Айвонда ота-онаси баҳслашишар, гап унинг меровсираб қолгани ҳақида борар эди. Онаси ҳақ — у ўғилчаси руҳиятида англаб бўлмайдиган нимадир содир бўлганини ботиний сезги билан ҳис қилмоқда эди.

Воқеа беш кун бурун, қишлоққа кўчма кино келган кунни юз берди: пешинда кўчага чиқиб кетган болакай уйга биратўла кино тугагач қайтди. Дарвозадан кириши ҳамон бедапоядан олиб келинмаган бузоқ эсига тушди. Оббо, яна гап эшитадиган бўлди-да... Оёқ учида юриб, қўра эшигига борди. Эшик тирқишидан ичкари мўрала-



и: Б
еса,
аги.
оғас
итган
—
да с
иарг
Қо
ёда
рал
ни
ай
сулг
лан
эди,
зи ч
ни,
эши
«
Қ
«
Б
маш
қол
вор
экан
«
йиг
сир
«
қиз
«
кет
Ха,
К
тил
Б
Бир
уст
тик
Шу
ток
чол
мон
—
бақ
Б
ган
ман
У
қай
бил
қай
Ай
—
Фа
Ма
—
ош
ту
кў
лар
лар
ди
ла
ту
ди
«М
мо
—
кў
ро
Рў
ри
эц

ди: бузоқ йўқ! Беҳол деворга суянди. Томорқага ўтай деса, қоронги, ваҳимали, кирмай деса, онасининг калтаги. Аксига олиб бугун акалари ҳам, отаси ҳам йўқ — тоғасиникига кетган, онаси эса, супада, биг-биг йиғлаётган ҳқасини овутолмай хуноб бўлиб ўтирибди.

— Қорагинанг ўчсин сени-я! Шу пайтгача қаерларда санқиб юрибсан, а?— дея қичқирди она унинг шарпасини пайқаб.

Қоронгида қоқилиб-поқилиб, тоқзор оралаб бориб, бедапояга чиқди. Қаровсиз қолган бузоқ арқонига ўралиб, девор тагида ётган экан, тимирскиланиб қозиқни топди. Чийрилган арқонни бўшатиб, энди бузоқни ҳайдамоқчи эди ҳамки, шундоқ ёнгинасида кимдир кулгандай бўлди. Болакей бир сакраб тушди, ён-верига аланг-жаланг қаради. Ажина! Бузоқни ташлаб қочмоқчи эди, оёқлари жойидан жилмади; бақирмоқчи эди, овози чиқмади. Кутилмаганда, қиз боланинг «Вой!» дегани, сўнгра йигит кишининг бўғиқ, эҳтиросли овози эшитилди:

«Бугунги кун, назаримда, бир йилга чўзилди!»

Қиз кулди:

«Менга ҳам!»

Боланинг вужудидаги кўрқув энди ҳайрат билан алмашинди (овоз девор ортдан келмоқда эди). Анқайиб қолган болакей, қўлидан арқони тушиб, беҳтиёр деворга қапишди. Овозлари танишдай... «Ким бўлди экан?!»

«Мен сизни... Жонгинам!..» деб эҳтиросли эркаларди йигит. Овози ғалати, худди тепа ошган кишидай ҳансирайди.

«Вуй-й, Мухтор ака!.. Унақа қилманг», деб қолди қиз.

«Ия, Мухтор ака-ку!— Болакей ҳаяжондан қалқиб кетди.— Ановиниси ким бўлди экан?! Малика опами?! Ҳа, Малика... Малика она! Нима қилишяпти улар?!»

Қандайдир «чўлп-чўлп...»дан сўнг шивир-шивир эшитилди яна.

Болакей ўзини ноқулай ҳис этди, кетмоқчи бўлди. Бироқ ҳамма ёш болаларга хос қизиқувчанлик уятдан устун келди, уларни кўрмоқ истагида деворнинг кемтик жойига борди. Кемтик баланд эди, бўйи етмади. Шу пайт онаси қақириб қолди. Юраги тошган болакей, тоқзор оралаб юрган бузоқни олдига солиб, ҳовлига чопди. Ҳозиргина эшитган-кўрганларини онасига айтмоқчи бўлди.

— Шунчаям йўқ бўлиб кетасанми, жувонмар?!— дея бақирди онаси тўсатдан унинг қулоғидан бурғалаб.

Болакей жизиллатиб оғриётган қулогини чангаллаганча, кўчага қочди. Хўрлиги келди: «Энди, айтиб бўлман, ҳечам айтмайман!»

У сирни онасига айтмади. Эрталаб тоғасиникидан қайтган акаларига тиш ёрмоқчи бўлди-ю, кеч бўлиши билан уларнинг деворга ёпирилишини ўйлаб, шаштидан қайтди, қизганди. Лекин кимгадир айтгиси келарди. Айтди, бузоғига айтди:

— Мухтор ака Малика опани ўпди... Мен билдим! Фақат мен билман бунга! Сен ҳеч нимани билмайсан! Мана шунақа!

Бузоқни серўтроқ жойга қантариб қўйди-да, девор ошиб, тутзорга (деворнинг нарёғи колхоз тутзори эди) тушди. Йигит билан қиз турган кечаги жойни синчиқлаб кўздан кечири бошлади. Чала қуриган, топталган хаслар устида қимматбаҳо қанд қоғозлари, яна алланималар сочилиб ётар эди. Болакейнинг оғзидан суви келди, култ ютиниб, қоғозлардан бирини қўлига олиб ҳидлаб ҳам кўрди. Тўсатдан гўмайлар орасида сарғайиб турган нарсага кўзи тушиб қолди. Сарик рўмолча! Гирдига қип-қизил ипак билан тўр тўқилган, бир четига «М», «М» ҳарфлари чатиб битилган чиройли сарик рўмолча! Ундан хушбўй атир ҳиди анқир эди.

Болакей қувончдан энтикди. Тезгина рўмолчани қўйнига яшириб, девор ошди. Худди қўйнидагини биров кўриб қоладигандай, биқиниб сомонхонага кирди. Рўмолчани хашақлар орасига бекитиб қўйди-да, ташқари чиқиб бир варақ қоғоз топди, сўнг яна сомонхона эшигини зичлаб ёпиб, хашақлар устига яхшилаб ўрна-

шиб олди-да, ҳаяжон ичида рўмолчани кўздан кечири бошлади. Рўмолча чиройли эди, ҳарфлариям бор!

Болакей бу ёруғ оламда бузоғи, ота-онаси, акалари ва укаси, таргил мушугио олапар ити, шунингдек, шўх жўраларидан ташқари, «Жоним!..» деб қизни эркаловчи йигит, йигитга рўмолча тикиб берувчи қиз ҳам борлигини авваллари беҳабар эди. Ҳатто Малика опа билан Мухтор акаларни кўча-кўйда учратиб қолса унчалик эътибор бермасди, энди атайин уларнинг йўлига чиқадиган, алланечук томоша қиладиган тўрлар. Белида энли камар, ўсиқ қора сочлари силлиқ баралган, улки кўз, новча йигит унинг назарида энг чиройли йигит эди. Қиз эса, момоси сўзлаб берган эртақлардаги фариштаннинг ўзи! Тўғри, эртақлардаги фаришталар болакейнинг тасавурида оппоқ ҳарир қўйлақда, оппоқ қанотларини елпиганча, чехралари гулгун ҳолда намён бўларди. Бу қиз эса, қорагина, елкаларида қанотлари ҳам йўқ, қўйлаги ҳам оппоқ ҳарирдан эмас, оддийгина, майда гулли чит қўйлақ. Аммо у чиройли рўмолчалар тикишни билади!..

Болакейга алам қиладиган жойи шу эдики, рўмолчани бировга кўрсатиб бўлмайди. Эгаларига қайтаришни ҳатто ўйламасди ҳам. Шунинг учун яшириб сақлаётганда. Болакей ўзининг ҳам шунақа рўмолчаси бўлишини жуда-жуда истар, бу истак кундан-кунга кучайиб бормоқда эди. Ахир, рўмолчани бировларга кўрсатиб мақтениш қандоқ мазе! Бугун онасига ялиниб кўрди, лекин кўнмади: «Катта йигит бўлсанг, қизлар тикиб беради», деди. Энди унинг тезроқ катта йигит бўлгиси келарди. Ушанда у истаган қизига: «Эй, жоним!», деса — бас, қизлар чиройли рўмолчалар тикиб беради!

Эртаси чошгоҳда болакей, одатдагидек, бузоғини суғориб қўйиш учун чепак кўтариб кўчага йўналди. Дарвозалари қаршисидаги водопровод атрофида тўрт-беш қизалоқ чуғурлашиб турар, навбат билан сув олмоқда эди. Қизларни кўргач, болакейнинг бошига ғалати фикр келди: «Эй, жоним!», десам шулар тикиб бермасмикан? Бенхтиёр қизалоқлар орасидан кўнглига мосини ахтара бошлади: аввал, ўзидан икки синф юқорида ўқийдиган Саломатни танлади. Лекин қизнинг бурун кавлаб туриши унга ёқмади, айнаиди. Кейин яна икки қизни кўз остига олди-ю, улардан ҳам у-бу айб топди. Охири ўзи билан бирга ўқийдиган қўшни қизча — Раъно дидига ўтиришди. Аммо бу гал унга ҳеч нима демади, суви олиб уйга кириб кетди.

Пода қайтар пайти эса қизни ёлғиз учратди, ариқ бўйида сабзи тозалаётган экан. Тепасида серрайиб турган болакейни кўриб Раъно аввалига ҳайрон бўлди. Чунки болакей кўзлари ёнганча, шира юқи лабини ялаётган гўдақдай, нуқул тамшанар, атрофга безовта аланглар эди... Кейин бироз чўчиди: «Тагин сочмидан тортиқлаб қолса-я!.. Ҳо-о, тортиб ҳам кўрсин-чи, акамга айтиб...» Ҳар эҳтимолга қарши ўрнидан турди.

— Эй, жоним Раъно! Мен сизни...— деди болакей дудуқланиб ва бошини қашиб қолди: «Тагин нима дейиш керак эди?!» Қизча анқайди: бола уни сизламоқда эди, бунинг устига гаплари ҳам ғалати.— ...қанчалик яхши кўришимни билсангиз... Эҳ-ҳ!— деди болакей яна.

Энди қизчанинг жаҳли чиқди. Шаҳд билан қўлини олдинга чўзган эди, тирноқлари ниманидир сидириб ўтди. Шу заҳоти боланинг ўнг юзида қонли излар кўринди... Қизча йиғлаганча, дарвоза ортига ўтиб ғойиб бўлди.

Болакей каловлана-каловлана ортига бурилди. Кафтини юзига босди, бармоқларига қон юқди. Шу аснода турганида бўйни аралаш елкасига нимадир тарс этиб тушди. У мункич юзтубан йиқилди. Кўзини очганида шундоқ манглайи қаршисида ерни тепсиб турган кир, яланг оёқларни кўрди. Болакей ажабланди: «Кимнинг оёқлари, бу!» Бирдан оёқлар ҳаракатга келди ва елка, биқинига тепкилар туша бошлади. Оғриқдан болакейнинг кўз олди туманлашиб, додлаб юборди...

Бир пайт қўлтиғидан кимдир кўтарди. Хўрлиги келиб бўзлаётган болакей халоскорига қаради: катта акаси Холдор экан.

— Энафар, қаттиқ урдими?— деб сўради у.

Болакай индамади.

— Тўра қийшиқ нега урди, деяпман?

У сесканди. Акасига ялт этиб қаради:

— Ким?!

— Ким урганини ўзинг билмайсанми?

Болакай силтаниб акаси қўлидан чиқди, қочиб бориб сомонхонага кирди. Ўзини хашаклар устига ташлаганча ётди, узоқ ётди. Қизиқ, Раъно сабзи тозалашган эди, тепасига борди, яхши кўраман, деди. У эса, рўмолча тикиб бериш ўрнига болакайнинг бетини тимдалади, акасига урдирди... Болакай оҳиста бош кўтариб, девор тирқишидан ташқари қаради. У ўзини гуноҳкор сезмоқда эди. «Бировнинг рўмолчасини олганим учун Раъно мени тимдалади, акаси урди... Ҳозир бораман-да, рўмолчани Малика опага бераман, топиб олувдим дейман, сизларни ҳеч кимга айтганим йўқ, дейман. Е Мухтор акага берсаммикин? Тутиб олиб урса-я, нега гап пойлаб юрибсан, деб...»

Орадан кунлар ўтди. Болакай рўмолчани эгаларига қайтармади. Қизғанди, қаттиқ қизғанди. Юзидаги тирноқ излари эса, аллақачон битиб кетди. Аммо Раъно ўша бўлган воқеани оқизмай-томизмай онасига етказган экан, қўшни хола уни кўрди дегунча, «Ҳа, кўё!» дейдиган бўлди... Кундан-кунга болакайнинг Раънодан ўч олгиси, рўмолчани кўрсатиб ҳавасини кўзғатгиси келар, афсус, бунинг иложи йўқ эди.

Бу орада қишлоқда бир гап тарқалди: Олим тракторчининг ўғли Мухтор билан Файзи ферманинг ўғли Сами маҳмадана Воронеж деган томонга ўқишга кетишаркан эмиш. Эртага эрталаб жўнаришлар. Бу воқеа чиндан ҳам миш-мишга арзигулик эди. Чунки ҳалигача бирор кимса узоқ Россия тарафларга ўқишга бормаган, Қарши ёки Самарқандни ҳатлаб Тошкентдаги бирор ҳунар билим юртига илашиб қолганлар ҳам қишлоқ аҳли назарида «мусофир юртда — катта ўқишда» эди.

Эртаси эрталаб қишлоқ четига, мактаб ёнидаги сайхонликка кўп одам йиғилди. Булар йигитларни кузатиб чиққан хешлари ҳамда кўни-қўшнилар эди. Ҳар ким билганича маслаҳат бера бошлади:

— Доим бақамти юринглар!

— Ҳа, минг қилсаям мусофир юрт-да!

— Ўзларинг хизмат қилган жойлар экан-у, шундай бўлса ҳам...

Қоринни кўз-кўз қилгандек, пўмпайтириб, ўртада папирос тутатиб турган Хидир чўлоқ чўнтагини кавлаштириб, бир даста пул чиқарди-да, намойишкорона жиянига узатди. Мухтор, «Йўқ, керакмас», деган бўлди-ю, сўнг бамайлихотир чўнтагига солиб қўйди. Хидир чўлоқ семиз, калта-калта бармоқларини букиб санаб, қироат билан гап бошлади:

— Раз, кетяпсанларми, доим ўзларингга маҳкам бўлинглар, бу — бир; босиб, каллани чалғитмай ўқинглар, бу — икки; ўрис қизлар билан ошу қаттиқ бўлиб тагин... Армия кўрган бўлсаларинг ҳам каллаларинг ҳали хом, бу — уч.

Ҳамма жим, ҳамма унинг сўзларини эътибор билан тинглади, у эса ҳар бир гапни рақам билан яқунлайди. Обруйи зўр, дўкончида, қишлоқнинг ярмиси ундан насияга мол олади.

Бир чеккада, тенгдошлари орасида турган болакай бетоқатланар, қўлидаги рўмолчани Мухторга қандай қилиб беришни ўйлар эди. Аммо йигитни ўраб олган жонли ҳалқадан ўтишининг сира иложи йўқ. Утмоқчи бўлиб уриниб ҳам кўрди, «Оёқ тагида ўралашма!» деб четга чиқариб қўйишди.

«Эҳ, одамлар бунча кўп гапиришади...»

Шу маҳал кўча бошида юк машинаси кўринди. Давра баттар жипслашди. Болакай теваракка жонсарақ алаңлади, кўзи мактаб дарвозаси ёнида хомуш турган Малика опасига тушди, ўша томон ошиқди. У ҳеч нарса ни ўйламас, ҳозир ўйлайдиган вақт эмас эди.

— Малика, опа, Малика опа! Ўзингиз обориб беринг! Мен... мен топиб олувдим, мана! Мана!..— Маши-

на улар ёнидан гувуллаб ўтиб, одамлар ёнида тўхтади.— Тезроқ бўлсангиз-чи, кетиб қолади ҳозир!— Машина кўзгалди. Узатиб чиққанлар қўл силкиб қолишди.— Ана кетиб қолди! Сиз бўлса...

Машина оғир чайқалиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлди. Унинг ортидан маънос термулиб қолган қиз, қаршисида вижир-вижир қилаётган болакайни энди пайқади. «Бунга нима керак?»

— Сиз... манг энди!— Болакай йиғламоқдан бери бўлиб, рўмолчани зарда билан қизнинг кафтига суқди.

Рўмолчани кўрган қиз, ранги қув учиби, эсанкираб қолди. Бир неча дақиқа шу алфозда турди, сўнг, худди ҳозир болакай қочиб кетадигандай шаппа унинг елкасидан тутди.

— Тўйчи! Тўйчижон! Қў... қаердан топдинг буни?!— дея билагидан тутиб, мактаб кутубхонасига бошлаб кирди. Нимқоронғи хонанинг ичи китобларга лиқ тўла эди. У ўртадаги столи айланиб ўтиб рўмолчани тортмага тикди. Стол устида пала-партиш қалашиб ётган китоблар орасидан қизғиш муқовали юпқа китобча олиб, болакайнинг ёнига келди.

— Қарагин, эртақ китоб... расмлари кўп. Қани, буёқча ўтир-чи!

Болакай китобга алаҳсиди. Қиз унинг елкасидан қучиб, ярим эгилганча сўради:

— Тўйчижон, рўмолча тўғрисида ҳеч кимга айтмадингми?

Болакай бош чайқади.

— Бундан кейин ҳам ҳеч кимга айтмагин, хўпми!

У яна бош силкиди, кейин қизга эркаланиб қаради.

— Малика опа, менга ҳам рўмолча тикиб беринг!

— Хўп-хўп, тикиб бераман,— деди қиз алланечук шошқалоқлик билан.

— Сарифидан-а?!

— Ҳа-ҳа, сарифидан.

— Қачон?— Болакайнинг кўзлари чақнади.

— Эртага олсан.

Болакай кутубхонага елдай кириб келганида Малика, қўлида латта, китоблар чангини артмоқда эди.

— Тикиб бўлдингизми?— дея сўради ҳовлиқиб.

Малика майин кулимсираб стол тортмасидан сариқ рўмолча олиб, унга узатди. Болакайнинг кўзлари чақнаб кетди... Кейин тўсатдан қовоғи солиниб, лаблари чўччайди:

— Ий-й, ёзуви йўқ-ку?

— Қанақа ёзув?— Қиз ажабланди.

— Кечаги рўмолчадагидек...

Малика опасининг бетлари қизарди. Енгил энтикиб, унга меҳр билан термулди. Рўмолчани қўлига олиб, четига қизил ипак билан «Т» ҳарфини чатиб берди.

— Энди «М» ҳарфини...— деди болакай узатилган рўмолчани олмай.

— Нима қилсан уни?

У тумшайиб ерга қаради.

— Ҳа, майли, сен айтганча бўлақосин,— дея рози бўлди қиз ва «Т»нинг ёнига «М»ни чатиб берди.

Болакай кўчада иргишлаб борарди, унинг энди ўз рўмолчаси бор... Водопровод ёнида турган қизалоқларга кўзи тушган, қадамини секинлатади. Улар орасида Раъно ҳам бор эди. Болакай улар ёнига борди, чўчинқираб турган Раънога эътибор бермаган бўлиб, рўмолчани ёйиб, кўз-кўз қилди.

— Менинг рўмолчам бор!

Қизлар чуғурлашиб кетишди.

— Вой, бунча чиройли!

— Ким тикиб берди?

— Вуй-й, ёзуви ҳам бор экан!

Раъно жим, гоҳ ял-ял товланиб турган рўмолчага, гоҳ болакайга жавдирар, ич-ичидан ҳаваси келар эди. Болакай қизчага мағрур бир нигоҳ ташлаб, дарвоза томон юрди. Тўхтади, ортига ўгирилди, Раънога синч-ком, гинали назар ташлади: «Рўмолча тикиб бериш ўрнига, бетимни тимдалаб ўтирибсан!»

Уйга кириб онасига мақтанди. Бежирим рўмолча онанинг ҳавасини кўзғатди. У рўмолчани авайлаб ту-

тиб, болакайнинг қистови билан ойна тепасига ёйди. Назарида уй ичи ёришиб кетгандай бўлди.

Болакай томорқага ўтди. Думи билан пашша қўриб ётган бузоғининг бўйнидан қучиб, бош бармоғини тумшугига нуқиб мақтанди:

— Энди бизнинг рўмолчамиз бор! Мана бундоқ!

Бир ойдан ошдики, болакай ҳар куни кутубхонага қатнайди. Малика опаси унга эртақлар ўқиб беради. Дастлаб у «Уч оғайни ботирлар», «Зумрад ва Қиммат» эртақларидаги даҳшатли ва ҳаяжонли воқеалар билан танишди, бора-бора эртақлар ҳажми ва салмоғи кенгайиб бориб, дунёда қиз ўғирловчи девлар, хиёнаткор дўстлар, гуллаб-яшнаб турган ўлкаларни ўлик сукунатга маҳкум этгувчи ялмоғизлар борлигини билиб олди. Китобдаги эртақлар момоси сўзлаб берган эртақларга нисбатан даҳшатлироқ эди. Эртақ бошланиши билан юраги увишиб, ҳаяжонга тушади, кейин қувониб кетади, эртақ хайрли тугайди-да. Гоҳо қизга боқиб ўйлаб қолади: «Қора дев Малика опамни ўғирлаб кетса-я!.. Хий, ўғирлаб ҳам кўрсин, Мухтор ака бошлаб таъзири-ни бериб қўяди!»

Аммо кечаги воқеа болакайни ғоятда ажаблантирди.

— Тўйчижон,— деди Малика опа қизариниб,— бир иш буюрсам, бажарасанми?!— Болакай «хўп» дегач узоқ чайналиб қолди, сўнг минг истиҳола билан мақсадга кўчди:— Мухтор акангнинг укаси бор-у, ким эди? Ҳа, Элдор! Бориб ўшандан, акангдан хат келяптими деб сўраб кел, майлими? Фақат ҳеч ким билмасин.

Болакай Элдор соқовни (иккаласи бир синфда ўқийди) кўча эшиги олдида топди. У ёлғиз хомомпиш ўйнаб ўтирган экан, қўшилиб пича ўйнаган бўлди. Кейин секин сўради:

— Элдор, акангдан хат келяптими?

— Ҳа, ушша келди,— деди Элдор бурнини шилқ тортиб.

— Учтами?

Элдор бош силкиб тасдиқлади.

Хабарни Малика опасига етказганида, у хомуш тортиб қолди. Китобларни титкилаган бўлиб, кўз ёшларини сурди, сездирмай...

Бугун ҳам болакай бузоғи олдига бир челақ сув қўйди-да, онасининг кўзини шамғалат қилиб, кутубхонага югурди. Қия очик турган эшикни дадил очиб, ичкарига йўналган жойида таққа тўхтаб қолди. Қиз бағрини столга босганча, елкалари титраб, йиғламоқда эди... Бир маҳал қаддини кўтарди, олдида ётган қандайдир мактубни қўлига олиб, бир сония унга тикилиб турди-да, сўнг майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Туси қўрқинчли, нуқул қалтирайди. Болакай киришга чўчиди, ортига чекинди. Дили вайрон, ақли лол: «Нега хатни йиртиб ташлади?! Мухтор акадан хат келдимикан? Нега унда... йиғлади?!»

Тушдан сўнг яна кутубхонага келди. Эшик қулф. Ҳовлида ёлғиз қоровул чол гулларни суғориб юрарди.

— Ҳа, ўғлим, мактабингни соғиндингми?!— деди чол

унга кўзи тушиб. У индамади. Чол бандга тупроқ торта туриб, гапиди давом этди: — Кўп ичкаверма, ҳали ўқийвериб-ўқийвериб, ўқиб бадинга ҳам уради. Уйнаб қол, болам!

Болакай чурқ этмади, бошини қуйи солганча, бир-бир босиб кўчага чиқиб кетди. «Нега йиғлади экан-а!»

Кеча яқин қишлоққа Сами маҳмадона кириб келди. Ҳол-аҳвол сўраганларга: «Иккинчисидан йиқилдим», деди. Мухторни сўраганларга эса, қовоғини солиб, барала сўкинди: «Гирт номерд экан! Уқишга эмас, ишлаганга борган экан, аблаҳ! Ҳозир заводда ишляпти. Мен унга ишониб, сарсон бўлганим қолди!»

Болакай ҳайрон: «Нега йиғлади экан-а?!»

Болакай туш кўрди. Қоп-қора булутлар уммониде Малика опа сузиб юрган эмиш. Чақин чақнаб, уни оғушига тортармиш. Малика опаси, устида ўша ҳарир кўйлак, уларнинг чангалидан қутулмоққа уринармиш. Бўлмабди, шунда у чинқириб, худди чақалоқ укасидай чинқириб, йиғлай бошлабди. Бирдан осмону фалакда Мухтор акаси пайдо бўлибди, қўлида ўткир шамшир. Малика опаси эса янада қаттиқ уввос тортиб йиғлармиш...

Болакай уйғонди, туши билан ўнги айқашиб-уйқашиб кетди: тонг сукунатини тилкалаб даҳшатли йиғи товушлари янграмоқда эди. Бирин-сирин акалари уйғонди, бир-бирига ҳанг-манг термулишади: «Нима гап?» Нариги супада онаси қўшни кампир Момохол момо билан бошини сарак-сарак қилиб суҳбатлашиб ўтирибди.

Бир пайт дарвозада отаси кўринди. Хотинлар чуғур-чипдай ёпирилишди:

— Опкилишдимми?

— Нега ичибди?

Ота супа лабига оғир чўқди, уҳ тортиди.

— Ҳомиласи бор экан.

Аёллар юзларини чангаллаб қолишди. Момохол момо қалқиб, супадан думалаб тушишига сал қолди.

— Вой, ўлмасам!

— Кимдан?!

— Худо билади!— деди жаҳл билан отаси.— Ҳозирча турли миш-мишлар юрибди. Биров у дейди, биров бу...

Катталар жанозага чиқиб кетишди. Офтоб нури ёйилган ҳовлида ёлғиз қолган болакай каловланиб гоҳ уйга киради, гоҳ ташқарига чиқади. Қўшни ҳовлидан укасининг биғиллаб йиғлагани, Раънонинг алласи (онаси укасини унга ташлаб кетган шекилли) эшитилади. У ҳовлида меровсираб юрди-юрди-да, сўнг уйга кирди. Оёқлари тагига стул қўйиб, ойна тепасидан рўмолчани сидириб олди. Гарангсиб томорқага ўтди. Бузоғи олдига бориб чўкқалади. Кўзларидан тинмай ёш қуйилар эди...

— Малика опа ўлиб қолди, сирка ичиб ўл-и-иб қолди... Мана шунақа!— деб гап қотди бузоғига ва унинг бўйнидан қучди. Бузоқ ҳуркиб тисарилди...

Жанозадан қайтган она болакайни уват четидан ҳушсиз топди. Унинг бош томонида бузоқ ямлаб ташлаган сариқ рўмолча ётарди.

Қачонлардир ҳаммамиз ҳам бола бўлганмиз. Болалиқнинг сирли, айни пайтда, кўзгудек тиниқ олами ва шу оламини идрок этиш жараёнидаги ҳайрату ҳаяжонлар, дастлабки тўқнашувлар онгимизни чархлаб, шууримизни тиниқтириб боради.

Бир куни саксон етти ёшли отам уйқудан ғалатроқ бўлиб уйғондилар. «Бирор ерингиз оғрияптими!», деб сўрадим. «Йўқ, аксинча,— дедилар у киши афсус ва мамнууллик орасидаги бир кайфият билан.— Туш кўрибман, тушимда бола бўлиб чопиб юрганмишман, раҳматли онам нон ёпиб турган эканлар. Тавба, менга битта ниссиқ қулча бердилар...».

Дарҳақиқат, болалигини дам-бадам эсламайдиган, уни тушларида кўрмайдиган киши борми! Эҳтимол, шундай кимсалар ҳам бордир. Менимча, бу хил одамлар болаликни тушунмайди, улар қалбида шафқат ўрнини бепарволик эгаллаган. Кўнглида эзгулик машъали порлаган кишилар эса болалик чоғларини деярли ҳар кун эслаб, шу баҳонада бамисоли ибодат қилгандек покланиб, қалбан тозаланиб юрадлар. Болаликни кўмсаб туйғуси айниқса ижодкорларда кучли бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда Нормурод Норқобилловнинг «Ёшлик» саҳифаларида эълои қилинаётган ҳикоялари мени анча қувонтирди. Ҳикояларнинг сюжетини қайта баён этиб, ҳурматли ўқувчиларимизнинг вақтини олиб ўтирмайман. Нормуродга ҳикояни ана ундоқ қилиб ёзиш керак эди, мана бундоқ қилиб ёзиш керак эди, деб кўрсатма бериш ҳам ортиқча. Чунки у ёзиш малакасини анча ўзлаштириб олган. Унда ҳаётни кузата оладиган ёзувчиллик кўзи бор, энг муҳими, жуда таъсирчан, воқеаларни бадий таҳлил этишда озми-кўпми тажриба ҳам тўплаган. Хуллас, ўқимшли, фикрчан қаламқаш.

Бир ўқувчи сифатида Нормуроднинг илк машқлари тўғрисидаги мулоҳазаларим қуйидагича: «Зангори кўл» ҳикояси дастлабки ўқишдаёқ кишида илк таассурот қолдиради. Ҳикоя жуда раван ёзилган, ўқувчини ўйга толдиради, унда кўтарилган масала ҳам керакли: болалигини унутган кимсаларнинг бепарволиги оқибатида рўй берган фожиа бир воқеа қаламга олинган. Бироқ ҳикояни ўқиб бўлгач, кўп ўтмай ўша таассуротингиз ўрнини нимадандир қониқмаслик эгаллайди. Уйлай бошлайсиз. Аста-секин бунинг сири аён бўлаверади: аввало, бу мавзуда жуда кўп ёзилган. Угай оналарнинг эртанга айланиб кетган жабру ситами, отанинг бепарволиги, инсофли кишиларнинг ҳақли эътирозлари ҳақида бошқа асарларда ҳам ўқиганмиз. Ҳикоя қаҳрамони Холмуроднинг изтироблари, унинг «орзу» ва «истак»лари, ниҳоят, фожиа ечим — интиҳо ҳам бизга таниш. Қаердадир ўқигандаймиз. Сезиб турибман, қаердалигини зукко ўқувчиларимиз аллақачон эшлашди.

Демак, тақлид! Кўпгина ёшлар сингари Нормурод ҳам ана шу тақлиддан эҳтиёт бўлиши керак. Назаримда, «Зангори кўл» ҳикоясида яна бир қусур бор. Ҳали Гомер давридаёқ адабиёт олдига икки хил талаб қўйилган: бадий асарда сюжет ва характер бўлиши керак. Мазкур ҳикояда характер яратилган [Раҳим бақирок] уриниш бор. Лекин сюжетда тарқоқлик сезилади. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳажмга, кўтарилмайдиган масалага нисбатан персонажларнинг ҳаддан ташқари кўплигидир. Ун бир бетли ҳикояда Холмуроддан ташқари яна ўн кишининг [Раҳим бақирок, Саъди чол, Ҳайдаров, Абдурам чўлоқ, Шерқўзи, ўгай она, Содиқ бригадир, Эргаш, Салим дароз, Мирқобил] номи зикр қилинади. Демак, ҳар бир бетга биттадан исм тўғри келади. Шубҳасиз, ҳар бир исм — бир одам. Унинг номи тилга олиними, демак, унинг ўзига хослигини, характерини очиб бериш талаб этилади. Бу, ўз навбатида, ҳар қандай профессионал ёзувчида ҳам қийинчилик туғдириши табиий.

Нормуроднинг иккинчи ҳикояси — «Рўмолча»ни ўқиб қувониб кетдим. Икки-уч кун шу ҳикоя таъсирида юрдим, ўз болалигимдаги акаларининг «ишқий саргузаштлари»ни қайта эсладим. Бу ҳикоя юқорида тилга олинган қусурлардан батамом холи. Асар қаҳрамони Тўйчивой ўз қиёфасига эга, унинг соддаликлари, катталарнинг ғалати ишларидан ҳайратга тушишлари жуда ишонарли тасвирланади. Мухтор билан Малика ўртасидаги муносабатининг «ошиқ-маъшуқлик» эканини у ҳали тушуниб етмаган. Унинг тасаввурдаги бу хил гаплар, бу хил муносабатлар — фақат «рўмолча» тикиб бериш учун». Бироқ Тўйчивой муҳаббат деб аталган олижаноб туйғунини ҳали англаб етар-етмас, севгига хиёнат оқибатида келиб чиқадиган даҳшатли фожиага тўқнаш келади. Ҳикоядаги рўмолча детали воқеаларнинг бадий таҳлили жараёнида катта рамзий маъно кашф этади. Нормурод мақсад сари кўп шошилмайди. Мақсадини қаҳрамонларнинг ўз ихтиёрига қўяди. Шунинг учун ҳам бу ҳикояда сунъийлик йўқ, психологик ёлгон йўқ. Фақат, ҳикояда Мухторнинг хиёнатини бир оз асослаш керак. Шундай ҳикоя ёза олган киши учун бу нарсаси у қадар мушкул эмас. Битта илмоқли диалог ёки портретга тортиладиган битта ёрқин чизиқ кифоя.

Ҳар иккала ҳикояда ҳам баъзи умумийликлар учрайдики, бу ҳам қурмакдек кўзга ташланади. Ҳолат: Холмурод ётган еридан мўралаб отининг бақувват оёқларини кўради, Тўйчивой ҳам ётган ерида «кир, яланг оёқлар»ни кўради. Ечим: ҳар иккала ҳикояда ҳам бола ҳўшдан кетади. Портрет: Холмурод ҳам, Тўйчивой ҳам бурнини шилқ этиб тортади. Эҳтимол тўқсон фонз бола бурнини шилқ этиб тортар. Лекин ҳар бир ҳикояда бунинг такрорлавериши фазилат эмас.

Ҳикоялар хусусидаги мулоҳазаларим шулар.

Айтмоқчи, отам тушида онасидан кулча олган куннинг эртасига у кишининг йигирманчи неваралари туғилган эди...

Шу воқеани эслар эканман, қаламқаш укам Нормурод Норқобилловга ҳаётда, адабиётда, ҳатто тушларида ҳам ҳозиргидек болалигини кўмсаб юришини тилайман. Чунки болалик туйғулари энг покиза, энг қадрдон туйғулардир.

Неъмат АМИНОВ

Нормурод Норқобилловнинг журналхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ҳар иккала ҳикоясида ҳам бола қалби билан, аниқроғи, боланинг чигал, мураккаб вазиятдаги қалб жилолари билан танишамиз. Ҳа, айни шу — персонаж қалби, қалб жилолари билан! Ёш ёзувчининг илк машқларидаёқ воқеабозлик кетидан қувмай, инсон қалбига нигоҳ ташлагани, қалбдаги нозик жараёнларни илғаб қогозга туширишига урингани

кўнглимизни қувонтиради. Ҳикоя жаири ўз номига ҳилоф ўлароқ, ҳикоя қилиб беришни унча хуш кўрмайди, у кўпроқ кўрсатишни, деталларни жонли гавдалантиришни ёқтиради; аини пайта ҳар бир деталь, тафсилот жиддий маънодорлик касб этишини талаб қилади. Нормуроднинг ҳар иккала ҳикоясида ҳам шу фазилатлар мавжуд; рўй берган ҳодисалар, персонажлар, уларнинг қалб ҳиллари — барчаси ўқувчи кўз олдида шундоққина гавдаланади, автор қўллаган деталлар маълум маъно ташийди.

Профессионал жиҳатдан «Рўмолча» ҳикояси нисбатан пишиқ ёзилган. Асар характерли бир деталь — оддийгина рўмолча билан боғлиқ ҳодисалар асосига қурилган. Ҳикояда ошиқ-маъшукларга дахлдор, тасодифан бола қўлига тушиб қолган, ҳошиясига қизил ипак билан тўр тўқилган, бир четига эса ошиқ-маъшуклар исмининг бош ҳарфи чатилган оддий сариқ рўмолча бир неча персонажлар бисотини очиб берувчи сеҳрли калит вазифасини ўтайди. Асарни ўқиганда шу нарса маълум бўладики, йигитга тақдим этилган рўмолча — қизнинг бутун қалб кўри, орзу-умидлари рамзи; йигит рўмолчани тушириб қолдирган экан, бу шунчаки тасодиф эмас, балки қизнинг азиз туйғулариго илоҳийлик, бефарқлик оқибати, ҳикоя пировардида аён бўлган хиёнатнинг ибтидоси; тасодифан бола қўлига тушиб қолган бу рўмолча унинг хаёлини алғов-далгов қилиб юборади, болани катталарнинг сирли-сеҳрли, мураккаб, чалкаш оламига олиб киради, шу рўмолча туйғули у қизнинг азиз туйғулари, қалб саховати ва чексиз изтиробларига шерик тугинади, сохта ошиқнинг қаллоблиги, хиёлати ва жиноятдан огоҳ бўлади; бу аламларга дош беролмай ҳушдан кетади; пировардида яна ўша таниш сеҳрли деталь — сариқ рўмолчага дуч келамиз. Йўқ, бу қиз йигитга тақдим этган, йигит ташлаб кетган рўмолча эмас, бола топиб берган азиз бисот ўринига, унинг сўровига кўра қиз тақдим этган бошқа бир сариқ рўмолча; йигит хиёлати, қиз ҳалокатидан кейин бола учун ниҳоятда ардоқли бу рўмолчани у ҳушдан кетганида бузоқ яллаб ташлаган ҳолда кўрамиз... Шу тариқа ҳикояда оддий деталь жиддий маънодорлик касб этиб, муайян бадий мақсадга хизмат қилади. Мана шунинг ўзиёқ ёш ёзувчидаги яхшигина профессионал малакадан далолатдир.

Нормурод ҳар иккала ҳикоясида ҳам шунчаки асар ёзиш, профессионал малакасини намойиш этиш учун эмас, балки кўнглида тугилган, етилган маълум дардини — ўй-ташвишларини ўқувчилар билан баҳам кўриш ниятида қўлига қалам олгани кўришиб турибди. Бу фазилат бояги қувончимиз устига яна бир қувонч қўшади. «Рўмолча» да севи бобдаги хиёнат мавзуси ёзувчи қўлига қалам тутқазган асосий омил бўлса, «Зангори кўл» ҳикоясида катталарнинг болалар тақдирига лоқайд ва бепарволиги, бунинг кўнглисиз оқибати ёш адиб қалбини тугёнга солган.

Маълумки, чинакам бадий асар учун фақат профессионал малака, қалб тугёни — авторнинг ардоқ ёки нафрати ифодасининг ўзи ҳали етарли эмас; асардаги чинакам оригиналлик, боринглик, кашфиёт кўп жиҳатдан ҳодисалар моҳиятини очинида, бадий таҳлил этишда, муаллифнинг далиллаш санъатида намоён бўлади. Асарнинг ижтимоий-маънавий, эстетик қиммати кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ. Ҳўш, «Рўмолча» ҳикоясида маъшукани ҳалокатга олиб келган, болани беҳуш этган ҳодиса қай тариқа юз берди, йигит нима сабабдан қизга хиёнат қилди! Маълум эмас. Албатта, ҳикояда бу саволларга батафсил жавоб бериш мумкин эмасдир, аммо лозқал уларга имоношоралар қилиш мумкин эди. «Зангори кўл» ҳикоясида ҳам бош қаҳрамон — бола асар охирида ҳушдан кетади; ёзувчи бу ерда фалокат сабабини бир қадар далиллашга уринади, бироқ келтирилган важ-далил жўнроқ тўғрироғи, китобийроқ: бола ўғай онанинг зўғуми, отанинг эса лоқайдлиги туйғули тиника-мадорни қуритадиган оғир меҳнат билан банд бўлади, худди А. Чеховнинг «Уйқу истаги» ҳикоясидаги каби зерикарли машғулотдан қутулиш учун соддадиллик қилиб гуноҳга қўл уради ва тасодифан фалокатга учрайди. Боланинг аини ўйнаб-қуладиган пайтида ортиқча, зерикарли меҳнат билан банд бўлиб қолиши — жиддий социал масала. Ҳикояда талқин этилганидек, бунинг боисини ёвуз ўғай онанинг қилмиши, отанинг лоқайдлиги оқибати қилиб кўрсатиш бугунги кунда анчайин жўн нарса бўлиб туюлади. Бунинг устига, ҳар иккала ҳикояда ҳам воқеа боланинг ҳушдан кетиши билан якунланади, бу хил ечимда бир оз зўрма-зўракилик, атайинлик, қолаверса, китобийлик аломати бор. Ҳар ҳолда, Ч. Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасидан кейин болалар ҳаётидан олинган жиддий асарлар хотимасида унга тақлид қилиш хийла кучайди, Н. Норқобилов ҳикоялари ҳам шундай тақлиддан холи эмас...

Мен ёш ёзувчиға ҳар қандай тақлиддан, китобийликдан узоқроқ туришни, ҳодисалар талқинида ҳамини оригинал йўллр қидиришни, бадий таҳлилниг ёрқин ва тераи бўлиши устида тинимсиз изланишни маслаҳат берар эдим. Ҳар бир ёш истеъдод эгаси каби Нормурод Норқобилонинг ижодий тақдири кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Умарали НОРМАТОВ



Эльбрус

ЖАМОЛ
КАМОЛ

Бўйингини ўлчашга учқур, асабий
Бургут ҳаёлининг ҳам қанотлари суст.
Мен бугун ожиз бир чумоли каби,
Пойингда турибман, буюк Эльбрус.
Тикланиб қарайман, бошингда бу дам
Оқ булут — муаллақ осмон ўлжаси.
Салом, дейман сенга, салом юракдан.
Эй улуг Кавказнинг улуг хўжаси!
Абадий навқирон, абадий ҳайбат,
Табнат яратган муаззам қўрғон.
Замин-ку пойингда пояндоз абад,
Фалак бошинг узра ўзи соябон.
Вулқонлар яшармиш сенинг бағрингда,
Ва лекин бошингда оппоқ мангу қор.
Пишқирган селларнинг, дарёларинг-ла
Сенинг ҳам жаҳонда сиёсатнинг бор.
Самовий маъвосан, мунаввар гўша,
Худолар яшаган макон, айтийин,
Агар шу дунёда фаришта бўлса,
Унинг ҳам макони ўзингсан тайин.
Уша, жаҳон аро оловлар ёққан —
Тарих ҳам пойингга кечирмиш умр,
Прометей қони кўксингга оққан,
Сенинг тошларингга тирмашган Темур.
Кимлар сени кўриб, муродга етган,
Кимларнинг бошига етган матлаби.
Гитлер ҳам қошингга бир келиб кетган,
Тарих курагида супринди каби...
Жаҳон марказида турибсан гўё,
Жаҳон қисматлари устингга қалаш.
Тиниб-тинчимайди тегрангда дунё,
Жаҳоний кураш бу, жаҳоний талаш.
Ҳақни талашади инсонлар бугун,
Адолат талашар, инсоф талашар,
Одамзод фарзанди борки, куну тун.
Жаҳонда ҳақини талашиб яшар.
Майли, кураш ўзи ҳаётга тирак,
Лекин танги бўлсин майдонда баҳо.

Тубанлик ўзини тутмасин юксак,
Пучаклик ўзини этмасин даҳо.
Кавказ тоғларига эй олий падар,
Агарчи тошдирсан, дардим этай фош.
Сохта буюклардан бездим нақадар,
Сохта юксакларга қолмади бардош!
Инсоннинг ҳиммати тошдан ҳам пастми,
Ўзинг изох бергил, менга Кўҳи Қоф,
Юксаклик белгиси софлик эмасми!
Буюклик белгиси эмасми инсоф!
Ажабо, шундайлар учрайди баъзан,
Фойда деб инсонга солишар тугун.
Ушалар номусин ёд этиб чиндан,
Надомат ўтида ёнмасми бир кун!..
Яшил арчазорлар қўйинда сайрон
Кезаркан кўкўпар чиройингга лол,
Мен сенга дардимни айладим аён,
Мен сенга сизгидим, эй буюк Тимсол!
Алаудо, Эльбрус! Яхши қол энди,
Янги манзилларга бугун етаман.
Мармар ҳаволаринг шукўҳларингни
Бағримда авайлаб олиб кетаман.
Фалакни қучганда алвон субҳидам,
Мағрибдан Машриққа эсганда сабо,
Абадий юксаклик, софликларингдан
Беғубор юртимга нафас қил, бобо!..

Шоирга

Дамлар ўтиб борар, кечар давронлар,
Баъзида кун ойдин, баъзан ой қаро.
Ҳаётда гоҳ сукут, гоҳи суронлар,
Ҳаётнинг шу сўнгсиз тўлқини аро,
Шоирим, юрасан сен ҳам муқаррар,

Балки саодатманд, балки синиқсан.
Адолат туйғуси билан мунаввар,
Адолат туйғуси билан тиниқсан.
Лекин сен ҳам этиб инсонфингни соб,
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат.
Демак, йўқ бўлибди оламда инсоф,
Демак, рўй берибди, қора қабоҳат!..

* * *

Олам-ку маърака майдонга ўхшаш,
Умрлар ёнади оловлариди.
Ҳаётда гоҳи сулҳ, гоҳида саваш,
Ҳаётнинг алғову далғовлариди,
Шонрим, борасан, сен ҳам муқаррар,
Балки увоқдирсан, балки йириксан.
Ҳақиқат туйғуси билан музаффар,
Ҳақиқат туйғуси билан тириксан.
Лекин сен ҳам агар тиланиб омон,
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат,
Демак, соб бўлибди оламда имон,
Демак, рўй берибди қора қабоҳат!..

* * *

Одам тугилади, одам ўлади,
Гоҳ қувонч, гоҳида қайғуга тўлиб.
Шундоқ бўлган эди, шундоқ бўлади,
Шу фоний сафларга сарбаста бўлиб,
Шонрим, ўтасан сен ҳам муқаррар,
Гарчи ардоқлисан, гарчи суюксан.
Шижоат туйғуси билан мукамал,
Шижоат туйғуси билан буюксан.
Лекин сен ҳам агар этиб номардлик,
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат.
Демак, соб бўлибди оламда мардлик,
Демак, рўй берибди қора қабоҳат!..

Ибн Сино монологи

Салом, азиз зурёдим — фазоларда чарх урган,
Салом, эй онажоним, жонажоним Бухоро!
Балки, ким дерсиз бу дам сизга рўбарў турган,
Кимдир бу овоз берган сизга минг йиллар аро —
Машриқ уфқида ёнган фан машъали Синоман,
Абу Али Синоман, Абу Али Синоман!..

Фарзанднинг камолидан онанинг юзи гулгун,
Аслдан асл келар яшаш завқига тўлиб.
Мен ҳам иссиқ жон бўлиб келдим дунёга бир
кун,

Ва лекин жаҳон аро қолдим афсона бўлиб —
Машриқ уфқида ёнган фан машъали Синоман,
Абу Али Синоман, Абу Али Синоман!..

Мен ўз-ўзимга асло мадҳу сано демасман,
Лекин юракда яшар тиниқ, тоза фахрия.
Мен сеҳргар эмасман, авлиё ҳам эмасман,

Яшадим тафаккурим — шону шарафим дея —
Машриқ уфқида ёнган фан машъали Синоман,
Абу Али Синоман, Абу Али Синоман!..

Ҳаётда риё кўрдим, кўрдим гоҳида хорлик,
Хусумат отди роса адоват тошларини.
Лекин мен собит турдим, ёт этди беқарорлик,
Фалак синади қанча қалбим бардошларини —
Машриқ уфқида ёнган фан машъали Синоман,
Абу Али Синоман, Абу Али Синоман!..

Маърифат яратолдим олам каби

мукамал,

Ердан то Зухалгача етди идроким маним.
Ҳабибим ҳаёт бўлди, рақибим бўлди ажал,
Шу равшан кўёш ости жаҳон бўлди Ватаним —
Машриқ уфқида ёнган фан машъали Синоман,
Абу Али Синоман, Абу Али Синоман!..

Умр

Утар умрим, оқар дарё,
кечар дарёда бир тўлқин,
Урар жонимга бир оташ,
эсар кўксимга бир салқин,
Дамо-дам янги бир ёлқин,
дамо-дам янги бир талқин,
Бу бир сирри ниҳонийдирки,
ошкор этмасам, бўлмас...

Тану жонимга боқ: ҳар лаҳза
қуш бошқа, қафас бошқа,
Қафасдин ҳар замонда
янграғувчи сас бошқа,
Келар ҳар бир ҳавас — бошқа,
кетар ҳар бир нафас — бошқа,
Бу такрорни яна бир бора
такрор этмасам, бўлмас.

Қараб турсанг, қараб турмас,
қуюндек айланар дунё,
Кўрнимас бир оловда ўртанар,
балки ёнар дунё,
Ёнар дунё, ёнар дунё,
шафақдек товланар дунё,
Бу тилсимдин ўзимин чин
хабардор этмасам, бўлмас.

Даринго, деб умр карвонига
мен қанча қичқирдим,
Вале ул қайрилиб бир боқмади,
мен термулиб турдим,
Етар, бас, шунча оқ урдим,
югурсам — балки, улгурдим,
Етиб карвонга бир кун,
ўзни сарбон этмасам, бўлмас...



АЛЕКСЕЙ
ИЛЬЮШИН

СЎНГГИ ҲИКОЯ



ҲИКОЯ

Тошкент аэропортида самолётдан тушгач, тўғри Чилонзорга — дўстим Искандарнинг уйига жўнадим. Ҳар сафар кўришганимизда кучоқ очиб қарши оладиган дўстим бу гал кўзимга негадир хомушроқ кўринди. Кайфияти жойида эмаслигини яширишга ҳарчанд уринмасин, паришон гап-сўзлари, маъюс хатти-ҳаракатлари руҳидаги безовталиқни ошқор қилиб қўярди.

Бу безовталиқ боиси бир пиёла чойдан кейин маълум бўлди. «Хомуш кўринасан!», деган саволимга жавобан Искандар бурчакдаги пастак столча устида ётган газетани олиб қўлимга тутқазди. Унга кўз югуртирдиму беихтиёр титраб кетдим: ўзбекистонликларнинг севимли командаси «Пахтакор» ҳаво ҳалокатига учраб...

Ташқарида оқшом қоронғилиги қуюқлашиб борарди, биз эса, ҳамон суҳбатимиз қовушмай, жимгина ўтирардик. Искандарнинг хотини Фотима сузиб келтирган лаззатли паловни ҳам иштахамиз тортмади, беканинг кўнгли учун номигагина тотинган бўлдик. Чой устида дўстим айни камолот ёшида машъум фалокатга йўлиққан команда аъзолари ҳақида, уларнинг ҳар бирига хос ажойиб фазилатлар хусусида армон билан сўзлаб ўтираркан, тўсатдан эшик кўнгириғи жиринглаб қолди. Бир зумдан сўнг Искандар олтмиш-олтмиш беш ёшлар чамасидаги, дўппи остидан чиқиб турган сийрак сочлари қордек оппақ, қошлари қоп-қора, баланд бўйли кишини бошлаб кириб, мен билан таништирди. Самандар Дўстматов деган бу одам дўстимнинг амакиси бўлиб, тоғ бағрида жойлашган Боғистон қишлоғида яшаркан. Бутун Тошкентни ларзага солган бу нохуш хабарни у ҳам менга ўхшаб, шаҳарга келиб эшитган экан, дарҳол жиянидан сўраб-суриштира кетди. Искандарнинг сўзларини киприк қоқмай тинглагач, у узоқ ўйланиб қолди, кейин оғир сўлиш олиб, ғамгин бир воқеани сўзлаб берди. Бу воқеа кўп йиллар муқаддам фронтда — урушнинг сўнгги ойларида, немис тупроғида содир бўлган экан. Ушанда сержант Дўстматов қуролдош дўсти Иван Вересков билан футбол ўйнаган экан. Аммо бу ўйин Дўстматовнинг умрида биринчи, Вересковнинг ҳаётида эса сўнгги ўйин бўлишини, унинг бениҳоя қайғули хотима топишини у пайтада ҳеч кимса билмаган, албатта.

Кекса жангчи «Беломор» тутатганча бу ғамгин қиссани оҳиста сўйларкан, мен беихтиёр ўйга толдим. Назаримда, ҳар икки воқеа замирида

Султон ХУҲАЕВ

таржимаси

Расми М. ШУВАЛОВА чизган

уларни бир-бири билан боғлаб турадиган бешафқат тасодиф мавжуддек, солдат Иван Вересковнинг сўнгги ўйини билан «Пахтакор»нинг фожиали ҳалокати ўртасида ақл бовар этмас қандайдир алоқа бордек туюлди...

Госпиталда даволаниб ўз ротасига қайтган сержант Дўстматовни солдатлар дарҳол саволга кўмиб ташлашди:

— Хўш, сержант, оламда нима гаплар?

— Берлинни қачон олар эканмиз?

Дўстматов таажжубланиб бош чайқади:

— Мен тўғри госпиталдан чиқиб келаётган одам бўлсам, сизлар билмасангиз, мен қаёқдан билай?

Уни қуршаб турган жангчиларнинг кўпчилиги сержантга нотаниш эди. Дўстматов икки ой бурун оғир яраланиб госпиталга тушган, бу вақт ичида у хизмат қилаётган рота айтарли олға силжимаган бўлса-да, жанговар состав анчагина янгиланган эди.

— Госпиталда менга сапёрларнинг старшинаси, бир ҳафтадан кейин Берлинда бўламиз, деган эди. Бу гапга, ўн беш кундан ошиб кетди. — Дўстматов тамаки ўрай бошлади. — Хўш, ўзингларда аҳвол қалай?

— Ҳе, аҳвол... — Чувак юзли, дароз старшина Скрипченко мужжал қўл силкиб қўйди. — Икки ҳафтадан буён шу ерда қадалиб турибмиз.

— Нера?

— Ким билади, дейсан.

— Мана шу йўлни пойлаб ётибмиз-да. Фашистлар бир ҳафтанинг ичида беш марта ёриб ўтишга уринишди, — дея гапга аралашди ёнбошдаги дўнгликда ўтирган ёш йигит. — Фрицларнинг қолган-қутгани бир амаллаб иттифоқчилар томонга ўтиб олмоқчи.

Йигитнинг бир оз дағал, бўғиқ товуши, қандайдир ишонч билан сўзлаши Дўстматовнинг диққатини тортди. Сержант ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги, мулойим ва айни вақтда алланечук ғамгин чехрали бу аскарга зимдан разм солди: оқ, чиройли юзи, узун бармоқлари, гап-сўзларидан унинг шаҳарда тарбия топгани сезилиб турарди. Икки қоши ўртасидаги билинар-билинмас чандиқ изи ҳам йигитга ҳусн бўлиб тушгандек эди. Бу навқирон аскар йигит Дўстматовга маъқул келди, аммо унинг қиёфасидаги андух ифодаси сержантни хийла ўйлантириб қўйди.

— Отинг нима сенинг? — деб сўради у йигитга юзланиб.

Шу пайт уларнинг ёнгинасидан чийиллаб пулемёт ўқи учиб ўтди. Аскарлар таппа-таппа окопларга ташланишди. Сидирғасига узилаётган ўқлар окоп тупроғини ялаб учарди.

Дўстматов бошини хиёл кўтариб, чап ёнида бояги йигит ётганини кўрди.

— Вересков! — деди йигит ва бирдан акса урди.

Пулемётнинг тариллаши бир оз пасайди. Энди улардан нарига — ўнг томонга қараб отишарди.

— Яна йигирма минутча отишади, кейин — тамом, — деди йигит бўғиқ товушда. — Йигирма минутдан сўнг оқ байроқ кўтаришади, газандалар!

Дўстматов мийиғида кулимсираб қўйди. Ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма нарсани биладиган бу ёкимтой йигит билан гаплашган сари гаплашгиси келарди.

— Ёшинг нечада? — деб сўради у. — Кўпдан хизмат қилсанми?

Пулемётнинг чакаги ўчди. Аммо йигитдан жавоб бўлмади. «Оббо, олифта-ей, одам билан гаплашгиси ҳам келмайди», дея ранжиди Дўстматов. Бироқ шу пайт ёнида уста-уст аксирган товуш эшитилди.

— Йигирма бирда, — деди йигит. — Икки йил Узоқ Шарқда бўлдим, ярим йилдан буён бу ерданман.

— Пешонангни ҳам шу ерда қашқа қилиб олгандирсан? — деб сўради сержант истар-истамай.

Окопнинг ичида тўсатдан суҳ ва жарангдор кулги янграб кетди. Дўстматов аввалига, кулаётган бошқа одам бўлса керак, деб гумон қилган эди, бундай ўғиррилиб қараса, билагон ва олифта Вересков елкалари силкиниб-силкиниб кулмоқда.

— Болаликда орттирганман буни. Копток тегиб. Мен дарвозабон эдим, тўп шилта ҳўл экан.

— Ҳа-а, ҳали футболчиман ҳам, дегин! — дея хитоб қилди Дўстматов, гўё муҳим бир нарсани тушунгандек.

Орадан икки кун ўтгач, Дўстматов қуролдош йигитлар билан иноқлашиб кетди. Вересковни ҳам яқиндан билиб олди: унинг оти Ивашка, аммо исмини айтиб чаққиришларини ўзи ёқтирмас экан, уруш бошлангунга қадар Ленинградда яшабди.

Жангчиларнинг барчаси иложи борича ўз ўтмиши ҳақида эсласликка, бир-бирларига ҳам эслатмасликка тиришишарди. Чунки улардан ҳар бирининг ҳаётида уруш тўфайли пайдо бўлган битмас, аламли бир яра бор эди. Сержант Дўстматов тезда старшина Скрипченконинг хотини ва болалари икки йил аввал номиншонсиз йўқолиб кетганини, илгари ўқитувчи бўлиб ишлаган лейтенант Малининнинг кекса онаси бомба остида қолиб ҳалок бўлганини ҳам билиб олди.

Аммо Вересков ҳақида сержант бошқа ҳеч қандай гап билолмади. Йигитнинг ҳаммаша тунд, ғамгин қиёфаси, чехрасига ярашмаган бўғиқ товуши унинг баттар ҳайратини оширар, бунинг юрагида бир дарди бўлса керак, деб ўйлар эди.

Дўстматов беш йилдан буён ўт кечиб, қон кечиб юрар, туғилган ўйини, қариндош-уруғларини, у фронтга отланганда ҳали ёшгина бола бўлган, ҳозир эса ўн бешларга чиққан ўғлини бениҳоя соғинган эди. Айниқса, урушнинг охири кўриниб қолган шу кунларда, немис юртида фашистларга сўнгги зарба ҳозирланаётган долзарб кезларда унинг дилидаги соғинч тобора кучайиб борар эди. Шу боисдан ҳам сержант бениҳтиёр Вересков сари талпинар, у билан солдат билан сўзлашгандек эмас, балки ота-ўғилдек муомала қилишга интилар эди. Лекин Вересков ҳаммаша ўзини одамлардан тортиброқ юрар, кўпинча хилват бир бурчакда ёлғиз ўтирганча тинимсиз хаёл сурар эди. Дўстматов уруш бу ёш йигитни одамови, дағал қилиб қўйганини сезди.

Бир-бирига ўхшаган кунлар аста-секин ўтиб борар, рота ҳамон ўз жойидан жилмай турар эди. Бекор қолган солдатлар зерика бошлашди. Фрицлар энди ҳужум қилмай қўйди. Умуман, йўлнинг нариги бетида ном-нишони ҳам қолмаган, бироқ позицияни ўзгартириш ҳақида буйруқ олинмагани учун рота шу ерда қадалиб туришга мажбур, гўё у ҳамманинг ёдидан чиқиб кетгандек эди.

Ана шундай пайтда тасодифан рўй берган бир воқеа зериккан солдатларни хийла чалғитиб, тартиб-интизомни базўр сақлаб турган лейтенант Малининнинг жонига ора кирди.

Рота жойлашган ердан саккиз километрча нарида кичкинагина шаҳарча бор эди. Бир куни кечкурун шу шаҳардан оқ қўйлак, қора нимча кийган бир чол келиб, Малинин билан учраштиришларини талаб қилди. Чолнинг немисчани русчага аралаштириб айтган сўзларидан шу нарсга маълум бўлдики, илгари фрау Глосс яшаган уйда (чол кўчанинг номи ва унинг номерини ҳам айтди) Россиядан келтирилган «уншэц-барэ коллекцён» — ноёб картиналар коллекцияси бор экан. Фрау Глоссининг эри — вермахт полковниги урушда ҳалок бўлган, фраунинг ўзи совет қўшинлари шаҳарга киришдан сал олдин қочиб қолган, коллекцияни олиб кетишга эса улгурмаган экан.

Чолнинг нимасидир Малининга ёқмади. У берган адрес бўйича шаҳарга борган солдат қуруқ қайтди: уларнинг эшиклари қулаб ётган экан.

Шунга қарамай, лейтенант чолнинг маълумотларини текшириб кўрмоқчи бўлди. Эртасига бешта солдат ва сержант Дўстматовни ўзи билан бирга олиб, шаҳарга отланди. Улар энди машинага чиқиб ўтириганида, аллақайёқдан старшина Скрипченко ҳовлиқанча келиб қолди:

— Бизникилар Берлинни олишибди!

Унинг юзи негадир оппоқ оқариб кетган, гўё Бер-



линнинг ишғол этилиши бедарак йўқолган хотини ва болаларининг топилишидан далолатдек, кўзларида заиф бир умид учқуни милтиллар эди.

Старшинани бир зумда саволга кўмиб ташлашди. Унинг ўзи ҳам дурустроқ бир нарса билмасди, полк штабида эшитганларинигина такрорлади: генерал Фирсовнинг йигирма олтинчи гвардиячи дивизияси шарқ томондан ёриб кирибди — ҳозирча бор маълумот шу.

Малинин ротада қолишга қарор қилиб, Дўстматовни гурпулага бошлиқ этиб тайинлади.

Машина чанг-тўзон кўтариб жўнади.

— Тамом, Михнин, ҳаммаси тамом энди! — дея нафаси тикилиб гўлдирарди сержант Дўстматов сариқ мўйловли шофёрнинг елкасидан кучоқлаб. — Биз енгиб чиқдик! Бари бир биз енгдик!..

Фрау Глоссинг уйи атрофи ям-яшил майсазор билан қуршалган кичкина майдонда экан. Ҳафсала билан кузалган кўм-кўк буталар қулф уриб ўсганча, яшил девор ҳосил қилиб турар эди.

Ҳовли ва гаражнинг эшиги ланг очиклигини кўрган Дўстматов, биздан аввал кимдир коллекцияни шилиб кетган бўлмаса эди, дея хавотирланди.

Биринчи қаватдаги катта тўғарақ хонада, дарҳақиқат, олтита қандайдир сурат осиеғлик турарди. Дўстматов, ранг-баранг кийимдаги негрлар акс эттирилган биринчи картина олдиға яқинлашиб, бошини қийшайтирганча унга узоқ тикилди. Назарида, суратни худди ёш бола чизгандек: ола-була бўёқ чаплаб ташланган, бирортаси ҳам ҳақиқий одамга ўхшамайди. Бошқа суратларни ҳам бир-бир кўздан кечираркан, уларнинг остидаги қоғозлар кўчириб олинганини пайқайди. Бу картиналарнинг музейға тааллуқли эканини кўрсатувчи бўлак биронта ҳам белги йўқ эди.

— Вересков! — деб чақирди у.

Вересков сержантға саволомуз тикилди.

— Ёзуви йўқ экан, қараб чиқдим, — деди Дўстматов. — Полкдан рассом чақиртириш керак. Бўлмаса, бизникими ё бошқалигини қаёқдан ажратиб бўлади, а? Вересков елка қисди.

— Билмадим. Бизникими, бизникимасми... Нухсалари шекилли, менимча. Билмадим...

— Майли! — Дўстматов қўл силкиди. — Қани, йигитлар, бир тинтиб кўринглар-чи! Уйни, гаражни, чордоқни яхшилаб қаранглар!

Аммо тинтув ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Вересков чордоқдан тушиб келаркан, деразадан ичкари қараб, қопчиғига алланарсани шоша-пиша солаётган сержант Дўстматовға кўзи тушиб қолди.

— Ҳа, сенмисан? — деди Дўстматов уни кўриб. — Хўш, энди нима қилсак экан? Ё манави олтита картинани олиб кетаверсакмикан?

Вересков елка қисди:

— Билмайман. Сиз ҳал қилишингиз лозим. Мен олмаган бўлардим. Чунки булар нухса бўлиши мумкин, холос. Уй эгалариники бўлса керак.

— Мен ҳам шуну ўйлаяпман-да. — Дўстматов муғомбирона кўз қисиб қўйди. — Бордию бу уй эгалариники бўлса, биз олиб кетсак, кейин «талончи» деб номимиз чиқса. Коллекцияни-ку кимдир ўмариб кетганга ўхшайди. Яхшиси, бундай қилсак: мен бирор киши билан бу ерда пойлаб тураман, сен қолган йигитларни олиб ротаға жўна. Аҳволни лейтенантға маълум қил, нима деса, шунга қараб иш тутамиз.

Вересков индамади, юзини четға буриб хўмрайди.

— Қани, йигитлар, машинаға! — деб қичқирди Дўстматов. — Кетдик!

Солдатлар шоша-пиша машинаға чиқиб олишди. Ҳамманинг тезроқ қисмға етиб олгиси, Берлинда нима гап эканини билгиси келарди. Дўстматов билан бирға қолиши лозим бўлган солдат Крюков лабларини норози чимирганча машинаға қараб турарди. Тўсатдан Вересков Дўстматовнинг олдиға яқинлашиб, хотиржам бир оҳангда:

— Уртоқ сержант, мен сиз билан қолмоқчиман, —

деди-да, Крюковга имо қилди. — Унга жавоб беринг, кетақолсин.

Дўстматов ҳайрон бўлди-ю, лекин сездирмасликка уриниб:

— Бўпти! — дея қўл силкиди. — Бошлиқ — Сипчук! Бороверинлар!..

Дўстматов ва Вересков уй дарвозаси ёнидаги ялангликда ўтиришарди. Сержант тамаки тутатганча ҳовлини синчиклаб кўздан кечирар, Вересков чурқ этмас эди.

— Ҳа-а, зўр яшаган экан жаноб Глосс, — деди Дўстматов. — Худди генерал дейсан. Тўғрими, Вересков?

Вересков сержантга қиё ҳам боқмади.
— Мен сизга «Вересков» эмас, «ўртоқ жангчи-ман», — деди у бўғиқ товуш билан ва кўзини четдан узмай бирдан сўраб қолди: — Қопингизга нимани тиқиб олдингиз, сержант?

Дўстматов бурнини тортиб қўйди-ю, индамади.
— Немис ароғини жойлаб олдингизми? — Вересковнинг овозида нафрат аниқ сезилиб турарди.

Сержант бир зумгина гангиди, кейин қатъий, кескин оҳангда:

— Қани, «ўртоқ жангчи», смирно! — деб буюрди. Вересков қовоғини уйганча аста ўрнидан турди.

— Мана, кўр! — Сержант жаҳл билан қопчигини солдатга қараб отди.

Вересков қопчикни илиб олди-да, уни очиб, гўё жиркангандек, қўл учи билан титкилай бошлади. Қопчиқ ичидаги аскар лаш-лушлари орасидан аллақандай қўнғир бир нарсани оларкан, ажабланиб Дўстматовга тикилди. Бу — дами чиқиб ётган чарм копток эди...

Йигитнинг юзи бир лаҳзада оқариб кетди, нима деярини билмай гарангисиб қолди. Сўнг юз-кўзлари, ҳатто икки қоши ўртасидаги энсиз чандиғи ҳам дув қизарди.

— Эҳ, сени қара-ю! — дея бош чайқади Дўстматов. — Ахир, мен бунни атай сен учун яшириб қўйган эдим. Қисмга боргандан кейин бермоқчи эдим. Ахир, шунга ишқинг тушган бўлса...

— Кечиринг мени, — деди оҳиста Вересков, — кечиринг... Самандар Дўстматович. — У сержантни биринчи марта шундай деб атади.

— Эҳ, тентак, — дея кулимсираб қўйди Дўстматов. — Қисмга борганимиздан кейин Михниндан насос олиб шиширасан, деб ўйлаган эдим. Зора шу билан овунарсан, деб хаёл қилган эдим. Ахир, ўйин-кулги қиладиган, футбол ўйнайдиган кунлар яқин қолди, ука!

— Мен — аҳмоқ, ўйлабманки... — дея хижолат билан илжайди Вересков ва шу билан барчаси учун бир-йўла узр сўрагандек бўлди.

— Ростдан ҳам шу чармга шунчалик меҳр қўйган мисан-а? — деди Дўстматов кулиб.

Вересков жавоб ўрнига жилмайиб қўйди, сўнг қўлидаги тўпни айлантриб кўрди, энгашиб пуфлай бошлади.

— Бутун экан! — деди ёш боладек суюниб.

У қизариб-бўзариб, коптокни таранг қилиб шиширди. Дўстматов ҳам унинг хурсандчилигидан завқи келиб, қопчигидан бир қаричча ип олди-да, тўпнинг ичагини маҳкам чандиб боғлади.

Вересков ўрнидан сакраб турди-да, тўпни ерга урди. Копток унинг бўйи баробар сапчиб четга қочди. Йигитнинг кўзларида мислсиз бир шодлик чақнади.

— Кўп бўлди ўйнамаганимга. Соғинибман, — деди у Дўстматовга қараб.

Дўстматов илжайганча тамаки тутата бошлади.

Тўпни чорак соатча нари-бери тепиб ўйнагач, Вересков қизариб-бўртиб ҳансираганча Дўстматовнинг олдига келди-да:

— Туринг, Самандар Дўстматович, ўйнаймиз, — деди.

Дўстматов умрида футбол ўйнамаган эди, ҳангу манг бўлиб қолди.

— Э, қўйсанг-чи! Билмайман мен.

— Туринг, туринг-э! Узим бирпасда ўргатиб қўяман. Қани, ечинг этикни!

Вересков қўярда-қўймай сержантнинг этгини ечтирди, ўн беш қадамча нари бориб, иккита чўпни ерга қадади, сўнг унга ўйиннинг ибтидоий қодаларини тушунтирди:

— Оёғингизни кўтариб зарб билан тепасиз. Энг муҳими, оғирлик тушадиган оёғингиз — сиз ўнги билан тепасиз-а, демек, — чап оёғингиз тўп билан бир чиққда туриши лозим. Тушундингизми?

— Сен-чи?

— Мен дарвозабонман-ку, сиз тепган тўпни қайтараман.

Дўстматов негадир додирраган кўйи ўйлаб-нетиб ўтирмай тўпни тепиб юборди. Вересков тўпни чаққон илиб оларкан, баланд овозда қичқирди:

— Зўрсиз-ку!

...Бирор соат чамаси вақт ўтгач, Дўстматов ҳам завқи жўшиб, орқа-ўнгига қарамай тўп тепар, энтикиб бақирларидан гўё бир умр футбол ўйнаб ўтган одамга ўхшар эди. Ниҳоят, зарб билан тепилган тўп Вересковнинг шундоқ оёғи орасидан дарвозага кириб кетди. Йигит сержантни истар-истамайгина табриклаган бўлди.

— Ҳозир қараб тур, яна боппайман! — деб қичқирди Дўстматов баттар авж қилиб.

Аммо бу тўпни тепишга улгурмади. Бирдан нақ қулоқлари остида нимадир қарсиллаб кетди. Дўстматов шартта ўзини ерга ташларкан, кўкрагини чангаллаганча юзтубан қулаётган Вересковга кўзи тушди. Орқа томондан яна ўқ гумбурлади.

Дўстматов тепасида кимнингдир шарпасини сезиб сергак тортди. Бир ўзи шекилли, деб ўйлади қадам товушларига қулоқ солиб. Шарпа унинг тепасига энгашганда, сержант бор кучи билан бир сапчиб рақибнинг қўлини мўлжаллаб тепди — қуролни уриб туширмоқчи бўлди. Шарпа ўзини лип этиб четга олди. Дўстматов рўпарасида ўн тўрт ёшлардаги бир бола турганини кўрди. Бола даҳшатдан қотиб қолган, тўппонча тутган ўнг қўли дир-дир титрар эди. Дўстматов бир уриб тўппончани ерга туширди. Бола бирдан мук тушиб бошини чангаллаганча ҳўнграб юборди:

— Ду-уу, ли-ибер готт... — Унинг тиши тишига тегмай тақиллар эди.

Дўстматов камарини ечиб, боланинг қўлларини орқасига қайириб боғлади-да, Вересков томон югурди. Йигит боягина ўзи ясаган дарвоза олдида, чарм тўпни акашак бармоқларида маҳкам тутган кўйи юзтубан ётарди.

— Ивашка, — деди Дўстматов титраб ва уни ёнбошига ағдарди. Ук кўкракка теккан, Вересковнинг гимнастёркаси ҳам, яшил майсазор ҳам — ҳаммаёқ қон эди...

Дўстматов бир зум ўйсиз-хаёлсиз, нима қиларини билмай турди, сўнг ҳамон ҳўнграб ётган немис болани етаклаб Вересковнинг тепасига олиб келди. Боланинг қўрқув тўла кўзлари бесаранжом чақнади.

— Қара, газанда, кўряпсанми бунни! — дея аламдан бўғилиб базўр гапирди Дўстматов, Вересковнинг ҳаёт тарк этган кўзларига термиларкан. — У сенга нима ёмонлик қилувди, аблаҳ! Эҳ, ярамас, қара ахир, қандоқ йигитни ўлдирдинг-а!


Бола ҳамон қалтираб пиқиллар эди.

— Ахир сен ҳозир тўппонча эмас, тўп ўйнашинг керак, — дея ўзига сўзлагандек давом этди Дўстматов. — Сени эмас, сенинг қўлингга қурол тутқазганларни отиб ташлаш керак! Афсуски, сен боласан, одамнинг раҳми келади...

Бола бирдан ҳаммасини — жони омон қолганини, хўмрайиб турган бу аламзада солдат ўзини отиб ташламаслигини, отиб ташлолмаслигини англади-да, баттар ҳўнграб юборди.

Дўстматов Вересковни аста ёнбошига ағдарди, юз-кўзларини оҳиста силаркан, унинг оғушидаги тўпга кўзи тушди.

Тўпнинг бужур сиртига икки томчи қон томган эди...



ҚУВАТ
ЖУСУБАЛИЕВ

УЛОҚЧИ



ашхур улоқчи Эргаш кўримсизгина кулбасининг олдида, яккаю ягона пахталик шимини хотинига ювдириб, қўй терисидан қоплама қилиб тикилган гулли чопонига бурканганча офтобда тобланиб ўтирибди. Хотини шимни қоқиб-силкиб, эчки ғажийвериб бир аҳволга келтирган икки туп толга тортилган симга ёйиб қўйди. Йўлдан тўп-тўп бўлиб ўтаётган улоқчиларнинг гангир-гунгур овози Эргашнинг юрагига яна гўлгула солди. «Эҳ, бунақалигини билганимда шимни ювдирмаёқ кўярдим», дея кўнглидан ўтказди у.

— Бу йил қурирмаккан исқоти шим! Офтобрўя жойга оссанг ўлармидинг!..

— Қани ўша офтобрўя ер?!— деб шанғиллади эртадан бери ўлиб-толиб кир юваётган хотини.— Шиминг ордона қолгур жонимдан тўйғазди! Худонинг кунни, бир жойга яхши, бир жойга ёмон нур сочади демоқчимисан?!— Хотини шимни зарда билан олиб, томнинг бўғотига тираб қўйилган шотига ёйди. Унинг эгнидаги ранги унқиқиб кетган кўк қарға шойи кўйлакнинг орқа томони қимчилиб қолганини кўрган Эргаш ўзини тутиб туролмай кулиб юборди.

— Кўйлагингни тузат, ҳў! Бор, қўбизимни олиб чиқ.

У қўбиз чертиб ўзини оз-моз алаҳситмоқчи бўлди. Лекин, афсуски, «Тўнғиз сўйди, ит сўйди» оҳангидан бошқа бирорта ҳам куйни билмасди.

— Улоққа бузоқ сўйибдимми?!— деб сўради хотинига қараб. Хотини: «Ёмон куйдирди-да», дея тўнғиллаганча ичкарига кириб кетиб, анчадан кейин чиқди. Шимининг кўш почасидан бирин-кетин силқиб тушаётган томчиларни кўргач, Эргашнинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Ҳой хотин, хашак ёқиб қуритсанг бўлмасмикан?!— деди-ю, дарҳол бу фикридан қайтди. Чунки, хотини рози бўлмаслигига ақли етди.

— Галинга кириб, шимингни куйдириб қўйиб балога қолмай тагин! Бу исқирт шимингни қуритаман деса, бутун овулнинг хашаги ҳам етмас! Бугун улоққа бормасанг, хонлигингдан тушиб қолармидинг!!

ҲИКОЯ

Қирғизчадан

Турсунбой АДАШБОВ

таржимаси

— Эй, даюс, бўлди энди! Индамасам, бошимга чиқиб оласан-а!— Эргаш чинакамига гижиниб, қўлидаги қўбизни отди. Эрининг аччиғи келиб қолганини пайқаган хотини калтақдан зада бўлган молдек безовталаниб нари қочди. Қўбиз тегмади-ю, аммо қўш торини тутти турган ёғоч харраги чиқиб кетди. Эргашнинг одати шундай, жаҳли чиққанда қўлига нимаики илинса, қараб турмайди.

— Қўбизни олиб бер!— деди у бўғилиб.

Хотини чурқ этмай кирини юваверди.

— Даюс, олиб бер, деяпман!

— Узинг ол,— деди хотини бўштоброқ оҳангда.

— Олиб берсанг ўлиб қоласанми?

— Узинг олақол,— деди хотини аста.

Унинг бу гапини эри эшитмади ҳисоб. «Яна қўбиз билан тушириб қолса-я!», дея қўрқа-писа ўйлади хотини. «Агар қўбиз билан солмасанг, Эргаш номинг ўчин!»; деб эри ҳам қарсиллатиб ура кетди...

«Улоқ чопмасам ҳам томоша қилиб келарман». Шу хаёл билан ўрнидан тураркан, томошанинг анчаси ўтиб кетганини ўйлаб, ёш боладай юраги ачишди.

Эргашнинг ҳаётда иккита эрмаги ва битта хуморини ёзадиган нарсаси бор. Хотин билан қўбиз— эрмаги, улоқ эса— «хуморбосди». У жун арқон билан белини маҳкам боғлаб, эрталабдан бери ер депсиниб турган кўк қашқа отини отхонадан етаклаб чиқди-да, шартта эгарга минди. Хотини билан қўбизини хафа қилиб, улоққа шошди. Гуппи чопоннинг туклари баданини кичиштириб, бора-боргунча ғарт-ғарт қашланиб кетди.

Эргаш улоқ чопиладиган майдон — Дўланга етганида, кўпкари обдан қизиб, тумонат одам ва отлар ўртасидан осмонга буғ кўтарилар эди.

Давра орасида ялангбош, қамчи тишлаган улоқчи Олим сариқни кўрганда Эргашнинг қони қайнади. «Роса доли гулига келган экан», деб хаёлидан ўтказди у. Олим сариқ Уш воҳасидаги энг машҳур улоқчилардан бўлгани учун чакана-чукана кўпкариларга келавермаслиги аниқ. Эргаш унинг бу томонда нега ўралашиб қолганини бир чавандоз оғайнисидан эшитган эди. Утган йили худди шундай кеч кузда катта бир улоқда учрашиб қолишганида ўша дўсти Олим сариқнинг шу ерлик ёшгина жувонга уйланганини ошиб-тошиб гапирган эди. Айтишларига қараганда, энди хотини кетиб қолган эмиш. Олим сариққа унча-мунча хотин туриш бермайди. Эргаш ҳам бу жиҳатдан Олим сариқдан қолишмайди. Хайриятки, Эргашнинг ҳозирги хотини хийла чидамли чиқиб, унга кўниб қолди.

Олим сариқни кўрган ҳамон хаёлидан шу гаплар ўтдию Эргаш уни кўз узмай кузата бошлади. Олим сариқнинг устарада бир текис қирилган бошидан тортиб омбирдек пайдор қўлларигача ҳасад билан тикилди, шундай қизгин маҳалда унинг ўрнида ўзи бўлмаганига ич-ичидан ўкинди. Ёнида турган ишқибозлардан бирининг: «Ё бафармонингдан кетай, улоқ деган мана бундоқ бўлибди. Олим сариқни қаранглар, Олим сариқни!..», деган сўзларини эшитиб, баттар ғаш келди. «Шу ҳам улоқ чопиш бўлди-ю!», дея ўзига таскин берса-да, юраги баттар ҳаприқиб кетди. Ғартиллатиб қашинаётганини эшитган бир кишининг: «Ҳой, Эргаш, кўпкарига кирмайсанми, ҳадеб қашланавермай?», деган гапига парво қилмади-ю, бироқ бу нарса бир оз иззат-нафсига тегди, чурқ этмай нари кетди.

* * *


Мақтабдан чиққан болалар тўғри улоқ бўлаётган жойга келишди. Кўзи ожиз кампирнинг етти-саккиз ёшлардаги набираси девор-дармиён қўшниси бўлмиш Эргаш улоқчидан сира кўз узолмасди. Болакай ҳайрон эди: нега Эргаш акаси одатдагидек чопонини ечиб ташлаб кўпкари тортмаяпти? Нима учун у томошабинлар қаторида? Эргаш улоқда соврин олди дегунча, ана шу қўшни болага бериб, гоҳо отига мингаштириб тўй-тўркинга олиб юриб ўргатиб қўйгани учунми, ҳар нечук, гап нимада эканига унинг ақли етмасди.

Тарвақайлаб ўсган дўлана дарахтига миниб олган ёш-яланг Олим сариқни мақтаб ўзаро баҳслашган сари қўшни боланинг жаҳли чиқарди. У икки-уч марта: «Эргаш ака, улоққа тушинг», дея чақириб ҳам кўрди. Аммо, негадир Эргаш ўзини эшитмаганга солди. Эҳ, қанийди, қўшниси ҳозир гуппи чопонини шартта ечиб, одатдагидек: «Ушлаб тур, тойлоқ йигитча», десаю Кўк қашқани елдирганча йиғинни қиличдек ёриб, Олим сариқдан улоқни тортиб олса борми, тенг-тўшларини роса бопплар эди-да. Нега тушмаяпти? Нега? Бола учун бу сафарги улоқнинг ҳеч қизиги йўқдек кўринди. Уйга кетгиси келди. Унинг қорни очиб борарди. Ичаклари «чулдираб» кетаётганига қарамай, у ҳамон Эргашдан умидини узмасди.

Ажабтовур бир қийқириқ болакайнинг хаёлини бузди. Саракланиб қараса, Олим сариқ улоқни тақимига босганча маррага қараб чопмоқда. Қўшни бола уни чумчүққа човут солган қийғирга ўхшатди. Марра дўлананинг шундоқ ёнида. Улоқни ўнгарган Олим сариқ кенг майдонни бир сидра айланиб, элга кўз-кўзламоқчи бўлди шекилли, отининг жиловини чап томонга бурди. Қора от минган бир чол: «Барака топкур, Олим, менга бир ошириб қўй! Бир ошириб қўй, ука!», дея ялиниб-ёлворарди. Бу қария ҳалиги болакайнинг бобоси эди.

Болакайнинг бобосига раҳми келди. «Эргаш ака нега энди таранг қилаётир?» Шу пайт кутилмаган ҳол юз берди: Эргаш отини елдириб келаётган Олим сариқнинг йўлини тўсиб, улоқнинг сонидан чангаллаб торта бошлади. Буни кўрган қўшни бола: «Яшанг, Эргаш ака!», деб бақирдию гурс этиб дўланадан йиқилиб тушди. Апил-тапил ўрнидан турасолиб: «Тақимга босинг! Тақимга!», дея қичқирди у. Эргаш қўшнисининг гапини эшитиб қолди шекилли, шартта гуппи чопонини ечиб иргитди-да, улоқни тақимга олиб, Кўк қашқага қамчи босди. Олим сариқ улоқни унга бериб қўйди. Бола эгни-бошини қоқиб қараса, томошага тўпланганлар хангу манг, от устидаги улоқчилар эса отларининг ёлига ёпишганча қотиб-қотиб кулишарди. Бола ҳеч нарсага тушунмади. Эргаш машҳур улоқчиларнинг одатига кўра Кўк қашқанинг жиловига эрк бериб чопиб юрибди. Негадир унинг орқасидан ҳеч ким қувлама-япти...

Улоқчилар ҳамон қотиб-қотиб кулишар эди. Болакай онадан туғма бўлгандек яп-яланғоч Эргашни кўриб чўчиб кетдимми, ҳайтовур, ўнг чаккасини нимагадир уриб олдию оғриқнинг зўридан йиғлаб юборди. Эргаш улоқчининг ортидан қора отини елдириб: «Айнанайин, Эргаш! Ургилайин, Эргаш! Бола-чақангни роҳатини кўргур Эргаш! Бир ошириб қўй!», дея от чоптириб юрган бобосини у кўрмади.



МИРЗА
КЕНЖАБОВ

Уруш ҳақида изтиробли ёки тинчлик ҳақида тантанали шеър

Фаровонлик сизга, Ватанлар!
«АВЕСТО», 8-Тиштр-Яшт.

Чираниб, қийналсин майли, актёрлар.
Рангли экранларда — кенг экранларда
Утган ўлимларни такрорлаш учун
Биз муҳтож бўлайлик каскадёрларга.
Майли, сахналарда чинқирсин
Утган урушларнинг мунглиғ куйлари.

Мен истамайман,
Кимлардир бировнинг юртини босиб,
Кимларнингдир ерсиз қолишларини;
Мен истамайман,
Йигитлари жангда изғиган Ватан
Қизларининг эрсиз қолишларини.

«Унутманг онамдан сўраб кўришни
Ки, руслар хоҳларми урушни!!»¹
Шоир! Сўзнинг чегараси йўқ:
Унга иловадир
Ўз тилига эга бўлган барча Ватанлар.
Ўзбекининг диёрида
Пахса уй деворида
Мангу сукут сақлаётган дуторлар айтсин —
Ўзбеклар хоҳларми урушни!!

Қирғизларнинг яйловларида,

Яйловдаги ўтовларида,
Арманларнинг чўнг тоғларида,
Озарларнинг чорбоғларида
Муқаддас ёдгорлик —
Ҳануз тўзгимаган болишлардаги
Изсиз кетган эркакларнинг ислари

айтсин —

Аёллар хоҳларми урушни!!

Туркман қиз кўйлагин жимжимасида,
Тожиқ қизларининг лозимасида
Нозима қўлларининг санъати —
Гулдор жияклар —
Урушнинг қўшиғи эмасдир!
Томларнинг устида,
Бақувват, забардаст қўлларда
Қорни сураётган кураклар —
Урушнинг қўшиғи эмасдир!

Ширин бир ҳол учун —
Фақат висол учун ураётган юраклар —
Урушнинг қўшиғи эмасдир!

Мен истамайман,
Жиякларининг нурсиз қолишларини,
Куракларнинг қорсиз қолишларини,
Юракларнинг кўрсиз қолишларини.
Мен истамайман,
Дунёдаги хипчин, дуркун қизларнинг
Эрсиз қолишларини!..

Ёзнинг салқин тўнида,
Ойнинг майин нурида,
Онам сўйган сўрида,
Икки сингил қошида,

¹ Е. Евтушенконинг «Руслар урушни истайдиларми?» шеърдан.

Отамнинг ёнбошида
Дўриллаган еттига овоз —
Урушнинг қўшиғи эмасдир.

Меҳримга сазовор дунёга,
Нафратимга дучор дунёга
Баъзан юрагимнинг шукронаси бор...

Қушлар бугдойзорда терсин ризқини.
Абадий саодат қўшиғин
Куйласин бу асрий жувозлар.
Сокин тонг ҳақида қўшиқлар айтсин
Бахтиёр хўрозлар!..



Бағишлов

(«АВЕСТО ОҲАНГЛАРИ» туркумидан)

Кафтимга михладим иягимни мен,
Санъат-ла тигладим юрагимни мен,
Юз букиб икки юз суягимни мен,
Меҳмон бўлиб келдим Зарадуштрага.

Энг содда фалсафа — илк сабақ дилда,
Яъни, «Ал қасосу минал ҳақ» дилда,
Тағин Машраб сўзи — «Анал ҳақ» дилда,
Ҳайрон бўлиб келдим Зарадуштрага.

Рақибим — Аҳраман, жанггоҳим — сукут,
Бешиклар куйлайди, кул бўлар тобут,
Қароғим — яроғим, қовурғам — совут,
Посбон бўлиб келдим Зарадуштрага.

Дарахтлар гуллади руҳим боғида,
Зийрак олмагонлар ўйнар шоҳида...
Жисмимда тўрт унсур туриб гоҳида,
Тўфон бўлиб келдим Зарадуштрага.

Чангидим ҳарфларнинг зиёсида мен,
Гангидим товушлар имлосида мен...
Сўзбоз, шеърфурушлар дунёсида мен
Сарсон бўлиб келдим Зарадуштрага...

Аслида уруғим, аймоғим — қуёш,
Замон кулбасида чароғим — қуёш,
Кўтариб улғайган байроғим — қуёш,
Осмон бўлиб келдим Зарадуштрага!..

Бирдан деразамга қатра тонг томди,
Ва жисму жонимдан бир туғён томди,
Ҳайратим бағридан томчи қон томди —
Қурбон бўлиб келдим Зарадуштрага...

Унутиш

Юрагимга диққат қилар икки қулоғим.
Гурс-гурс садоларидан бошқа
юмшоқроқ овозни эшитмай,
бир-бирига гап узатади:
— Уша уйда бир гап бор ўзи.
Гурс-гурс қилмас у бекор ўзи.

Уроқсимон боғлагичнинг —
сўроқсимон боғлагичнинг
икки ёнида
икки палла жигар
юрагимга унсиз қарар
хайратнинг қўнғир қонларига беланиб:
— Бир ҳодиса кечмиш ул уйда,
Кимдир... кимдир кетмиш ул уйдан.

Ҳар хил муҳитнинг
ҳар хил ҳаволарига —
тутунлари, наволарига
ўрганган ўпкаларим,
юзма-юз турган
бир жуфт пингвин каби,
юрагимга имо қилиб хомуш шивирлар:
— Анов уйнинг... эгаси қани!
Анов уйнинг... бекаси қани!..



* * *

Юрак суйиб, қилди ахир хато, сени...
Фалак этди кимлар учун ато сени!

Ҳар кимки ўз жаҳонида сени кўрар,
Кўрмас сира ўзга зотга раво сени.

Мен тинглайман шамолларни, дарёларни,
Эслатади ҳар бўю ҳар наво сени.

Сароблар ҳам тўлқинида олиб ўтар
Илло сени, билло сени, валло сени.

Гўзалликка ташна ҳар бир қорачиқдан
Қидираман танҳо сени, танҳо сени! —

Ким, қадимий Бақтрия тупроғининг
Гавҳаридан бино қилмиш худо сени!

Ўзидан сўнг тирик қолган шеърларининг
Умри қадар йўқлаб ўтар Мирзо сени.



ВИКТОР
БЕЛОЗЕРОВ

Ватан сенга ишонади



ун қоронғилиги гўё узоқ-узоқ тоғлардан, чўққилар ортидаги кенгликлардан ёпирилиб келаётгандай туюларди. Солдатчасига эпчиллик билан, бир неча минутдаёқ қуриб ташланган чодирларнинг бурчак-бурчакларидан хира ёғду кўзга ташланади. Қаерда-

дир гитара торларидан таниш, юракларни қамраб олувчи қўшиқ куйлари таралади.

Шуҳрат шинелига қанчалик ўралиб олиб ухлашга ҳаракат қилмасин, иложи бўлмади. Қандайдир безовталиқ, дил ғашлиги тинчлик бермасди унга. Нимадан бўлди экан бу! Кундузги юриш яхши ўтди. «Жанг»да уларнинг қисми ғолиб чиқди. Тўғри, ҳамма чарчади. Лекин бу чарчоқ ярим соатда, бир соатда яхши, қувноқ латифалар, ҳазил-мутойибалар, қўшиқлар ёрдамида ўтиб кетади...

— Тревога!

Одамга ҳар қандай хавф олдидан қандайдир бир ички сезги хабар беради, деган гапда жон борга ўхшайди. «Акс ҳолда нега кўзларимга уйқу келмади экан!»— фикр юритди Шуҳрат. У жанговар дўстлари қаторида чодирдан отилиб чиқаркан, кўз ўнгидаги манзараларни кўриб, даҳшатдан қотиб қолди. Қачонлардир бир амаллаб қурилган бостирма ловуллаб ёнарди. Бостирма остига эса улар машиналарини қўйишганди. Баъзиларида ўқ-дори бор...

Шуҳрат йўл-йўлакай камарини боғлаганча, бостирма томон чопиб кетди. Олдинда батарея командири борар, «Ҳар ким ўз машинаси томон!» дея буйруқ берарди.

«Оловнинг мўъжизакор кучи, сеҳри бўлади» деб эшитганди бир вақтлар Шуҳрат. Ҳақиқатан ҳам унинг чор-атрофни аждаҳодай ямлаб-ютиб келиши, чирсиллатиб учқунлар таратиши бир минут кишининг хаёлини олиб қўяди. Шуҳрат ҳам ҳозир шу дақиқаларни бошдан кечирди. «Нега қараб турибсан!— деди ички бир овоз,— чоп машинага! Ўт ичидан олиб чиқ уни!» «Ахир олов...» «Олов бўлса бўлаверсин! Машинангда нима бор эканини биласанми ўзинг!»

Шуни эсладию, Шуҳратнинг ҳаммаёғи зир титраб кетди. Шинелининг қати билан юзини тўсди-да, ўзини олов ичига урди. Мана, унинг қадрдон, баҳайбат «Урал»и қатор машиналарнинг ўртасида турибди. Устидаги том эса вошиллаб ёнмоқда.

Ҳайдовчи қалитни жойига қўйиб, стартёрни бир босиши билан «Урал» ўт олди. Шуҳрат уни эҳтиёткорлик билан орқага бурди. Эллик метрлар чамаси юриб, тўхтади. Кабинадан тушиб қараса, кузовга ёпилган брезентнинг бир четини ёняпти. Дарҳол ўчиришга тушди.

Ие, бу нима! Анави ўт ичида қолиб кетаётган бошқа машиналарнинг эгалари қаерда! Шуҳратнинг ёдига тушди. Улар нариги лагерда, хув ана, чопиб келишяпти. Лекин қараб туриб бўладими! Шуҳрат югуриб бориб, ўнгидаги машина кабинасини очди. Тутун, иссиқ, кўзни очиб бўлмайдими... Кузов ёняпти, у ерда эса ўқ-дори бор. Аммо ўйлаб ўтиришнинг вақтими ҳозир!

Бир неча минутдан сўнг Шуҳрат учинчи машинани ўт ичидан олиб чиқиш учун чопиб кетди.

...Қисм командири, ўттизларга бориб қолган капитан ярим соатлардан бери мен билан суҳбатлашиб ўтирибди. Унинг ўша тунги ёнғин пайтида жангчилари маҳорат ва жасорат кўрсатганлиги билан мағрурланаётгани сезилиб турибди.

— Биласизми, бу қил устида юриш билан тенг нарса. Жуда хавфли... Шуҳрат Олимов ўша кунни тўртта машинани ўт ичидан олиб чиқди. Кўкрагидаги «Жасурлиги учун» медалини генералнинг ўзи келиб топширди унга.

Бу ҳарбий қисмин бошқармада жанговар ва сиёсий тайёргарликда намуна бўлаётган қисмлар қаторида тилга



олишди. Мен икки кун давомида бу ерда бўлар эканман, ёш жангчилар: кечаги тракторчи, дурадгор, шофёр ва студентлар, умуман тинч яратувчилик меҳнати билан шугулланиб келган кишилар бугун ҳарбий билимларни қунт ва сабот билан эгаллаётганликларининг шоҳиди бўлдим. Мана бир лавҳа. Кундузги «жанг» жуда шиддатли ўтди. «Душман» тоғ ёнбағрига олиб борадиган катта йўлдаги қояни портлатиб, йўлни тўсиб қўйган, унинг орқасини эса истеҳкомга айлантирган эди. Командирлик вазифаси сержант Сергей Габаевга юклатилди. Миномётлар ишга тушди. Жангчилар ўнг ва чапдан «ура» садолари остида ҳужум бошладилар.

Бу ҳарбий машқдан бир кўриниш, холос. Лекин унда ҳақиқий жанг сурони, порох ҳиди бор. Ватан ҳимоячилари мана шундай машқларда тобланадилар, замонавий жанг қилишининг қонун-қоидаларини ўрганадилар.

Ватан ҳимояси. Бу сўзнинг замирида катта маъно ётади. Ҳар бир йигит сафда туриб, қўлига қурол ушларкан, она Ватанга садоқати ҳақида қисм байроғини ўпган ҳолда қасамёд қабул қилар экан, шу кундан эътиборан ўзини бошқачароқ сеза бошлайди. СССР аталмиш улуг Ватанига меҳру муҳаббати ортади унинг, юрти, ватандошлари тақдири учун масъулиятни чуқурроқ ҳис қилади.

Сайёрамиз нотинч. Минут сайин, соат сайин ҳушёр бўлиб туриш талаб этилади биздан... Мана, неча ўн йиллардан бери она юртимиз осмони ўзра қуёш нур сочиб турар экан, бу қудратли Қуролли кучларимизнинг шарофатидандир. Агрессор қақшатқич зарбага дуч келишини билганлиги учун ҳам бош кўтаришга журъат этолмайди.

Ватан ўғлонлари ўз постларида ҳушёр турибдилар. Мен юқорида таърифлаб ўтганим Н. қисмида бунга амин бўлдим. Қисмининг фахри-ифтихори бўлган, тинчлик пайтида ҳам жасурлик намуналарини кўрсатаётган ўнлаб жангчи ва



офицерларнинг номларини санаб ўтишди бу ерда. Сержантлар Ширинхон Шонбоев, Шухрат Самиев, младший сержант Фарҳод Рўзиматов, старший лейтенант Рафъазль Шаҳобиддинов, оддий аскар Маъруф Холмирзаев ана шулар қаторидадир.

Улар ўнлаб, юзлаб саналади.

Уларнинг ҳар бирига Ватан ишонса бўлади.



МУҲАММАД
СОЛИҲ

МАНСУР ШЕЪРЛАР

Оқ тераклар

Ийқ, аёллар жарга тушишдан қўрққан бўлардилар. Аёллар куппа-кундузи бунақа яланғоч турмас эдилар. Аёллар бу сукунатдан шубҳа қилган бўлар ва сойдаги ўз аксига бунча узоқ тикилиб қолмас эдилар...

Бўлмаса нега бу оқ тераклар аёлларни эслатади?

Бўлмаса нега бу оқ тераклар жарга тушиб, куппа-кундузи яланғочланган қўрқмас аёлларни эслатади?

Нега улар сукунатдан шубҳа қилмай, сойдаги аксига тикилиб қолган аёлларни эслатади, нега?!

Қор ёғар экан

Еғаётган қорга қараб ўйлайсан: нега одам нигоҳидан излар қолмайди? Агар қолса, бу из қайси шаклда бўлиши мумкин, деб ўйлайсан.

Одам нигоҳи барча нарсалардан мавжудроқ, нега ундан излар қолмайди?

Одам нигоҳидан ҳам оғирроқ юк йўқ, нега ундан излар қолмайди, деб ёзасан ва шу ёзувнинг ўша из эканлиги хаёлингга ҳам келмайди.

* * *

Унинг совиб бораётган қўлини қисиб, сўниб бораётган кўзларига тикилдим:

— Ишон, мен бутунлай қайтиб келаман. Мени шаҳарга боғлаб қўйишгани йўқ. Езув-чизувимни шу ерда қилсам ҳам бўлаверади. Мен сен эккан дарахтни тарбиялайман, укаларимга ёрдам бераман, улар билан бирга, доим бирга яшайман...

Кўнглинг тўқ бўлсин, энди ҳеч қачон шаҳарга кетмайман, энди ақлим кирди...

Мен ўлаётган одамни шундай алдадим.

Тиланчилар

Кўчадан кетяпман. Менга сукунат керак. Озгина сукунат садақа қилинг, жиндек сукунат. Одамлар ҳайрон қарашади, индамайдилар. Раҳмат, дейман уларга, бир парча бўлса ҳам... раҳмат.

Сукунат сўраб ўз уйимга кираман.

Дафтаримни очаман. Ярми ёзилмаган, тоза. Бошимни совуқ сув остига тутгандай оқ саҳифага босаман. Аммо дафтарнинг иккинчи ярми эски ёзувлар билан тўлган. Демак, яна шовқин. Дафтарнинг ярми — қўшни хона, дavorлари қоғоздан бўлган шовқинли хона...

Бошимни кўтараман. Китоб жавонига кўзим тушади. Яна шовқин. Кўп томли, танланган шовқинлардан жавон ёрилай дейди.

«Менга сукунат беринг!» деб қичқираман. Ҳеч ким эшитмайди. Чунки ҳамма ҳам менингдак томоқ йиртиб қичқиряпти. «Сукунат беринг!»

«Озодлик» картинаси

У турма эшигига суяниб турибди. Кўйлагининг ёқасини шамол тортқилайди. Агар сочи бўлса эди, тур каби ҳилпирарди. Орқасида қора фон, аждаҳонинг оғзидай тубсиз қоралик. Енида назоратчи. Сим-ёғочга ўхшайди. Лекин унга суяниб бўлмайди. Собиқ маҳбус турма эшигига суянганича, кўзларини қисиб атрофга қарайди. Миллати ким унинг? Балки юнон, балки италиён, балки ўзимизнинг Нозим Ҳикматдир. Маҳбуснинг миллати йўқ, миннати йўқ. Миллат учун курашган одамнинг миллати йўқ. «Мана шу аблаҳлар ватанпарвар бўлса, мен ватан хоиниман» деган эди Нозим Ҳикмат. Мана у, ватаннинг суюкли «хоини», кесакига суяниб турибди ҳолсиз.

Бу суратга узоқ қараган одамнинг бадани жимирлаб кетади. Бу суратга узоқ қарашга ботинган одам ўзини турмага кириб кетаётгандай ва эшик олдида мана шу озодликка чиққан маҳбусни учратгандай, унга ҳасад билан қарагандай сезади ўзини.

Саёҳатга борадиган одам

Узоқ саёҳатга ҳозирланган одамнинг биринчи навбатда ўз уйи бўлиши керак. Уйда катта чамадон, унинг ичида ҳар хил зарур нарсалардан ташқари йигирмата қопчиқ бўлмоғи керак.

Саёҳатдан қайтганда совға сўрамайдиган ақлли болалари, қучоқ очиб кутиб оладиган чидамли хотини бўлмоғи керак.

Ниҳоят, узоқ саёҳатга чоғланган одамнинг сочига оқ тушмаган бўлиши керак.

Шуларни ўйлаб мен фикримдан воз кечдим.

Ўўқ одамнинг эшиги

Ун кун уйда бўлмасам, эшигимдан қоғоз гуллар униб чиқади. Қулф солинадиган тешикдан тортиб, кесакиннинг тирқишларигача бошдан-оёқ қоғоз парчалари пирпираб туради.

Биттасини олиб ўқийман:

«Келган эдим, ўўқ экансан.— Т»

Иккинчисини кўраман:

«Қачон келсам, ўўқсан.— М»

Учинчиси, тўртинчиси ва ўнинчисида ҳам шу мазмун:

...Сен ўўқ экансан...

Мен бу ўўқлик эккан ўсимликларни бир-бир юлиб оламан... ва шип-шийдам бўлиб қолган эшикка раҳмим келиб кетади:

Бу эшик — гуллари ўғирланган даҳмага ўхшайди.

Уйқудан чарчаган қушлар

Тонг ёришмоқда. Ой тобора хираланади. Ой, лаҳза сайин буғланиб бораётган чашма. Ой, тушларимиз сув ичадиган чашма...

Тонг ёришмоқда. Қилт этган шамол йўқ. Лекин тол баргларида сезилар-сезилмас безовталиқ бор. Нечукдир заиф, нечукдир бемажол титроқ бор уларда.

Балким бу уйғонаётган қушлар оёғидаги титроқдир.

Хўрозқанд

Хўрозқанд. Оғизда салқинлик. Танглай остида осмон остидаги каби шабада кезади.

Бошқа бирор фикр йўқ, осмонда юлдуз йўқлиги каби.

Жимгина ўтирмоқ қолди. Тил билан ҳис этмоқ қолди. Фақат сўз ишлатилмаса бас. Чунки оғиздаги шабадани тасвишлаб бўлмайди. Қушни тасвирлаш мумкин, майсани тушунтириш мумкин, ҳатто Сени ҳам бир илож қилиб аңгласа бўлади, азизим.

Лекин шабада... Уни сезмоқ мумкин, холос.

Хўрозқанд — шабаданинг тош қасри.

Хўрозқанд — сирли чечаклар ҳидининг яшил зиндони.

Хўрозқанд — менда эриётган сенсан.

* * *

Агар даврада айтадиган гапим бўлмаса, мен юзимга мутафаккиро-на тус бериб ўтираман. Бу билан бировнинг бирор жойи камайиб қолмайди, бировнинг кўнгли оғримайди.

Бу менинг севимли усулим.

Айтадиган гапи бўлмаган одам шундай ўтирса, майли, мутафаккирга ўхшаб индамай ўтирса, нимаси ёмон?

Сурат

Мен жилмайиб тушган ўз суратимни томоша қиламан.

Мен одамларга ёқини истайман.

Манави табассумга қаранг!

Таранг тортилган, икки бурчагига мих урилган табассумга қаранг. Сизларга яхши кўриниш учун мен ҳар қандай оғриққа тайёрман.

* * *

Симда бир қуш ўтирибди.

У ҳақда ёзиш шартмикин.

Қушча аланглай бошлади.

Бунини тасвирлаш зарурмикин.

Қушча учиб кетди.

Дафтаримда чизиқлар бўм-бўш сим каби бир зум титраб турди.

Қўллар

Мен олти ёшлигимда отамнинг қўли пианистнинг қўлларига ўхшашлигини билиб олдим. Бунини областъ телестудиясидан келган одам айтди. Бу хабар онамнинг оғзини очиб юборди. Сал нарасага «Отанг кўп ичади, бунини энди қишлоқда эмас, шаҳарда ҳам билишади», деб жаврарди у. Албатта, унга «пианист» ва «пьяница» сўзларининг маънисини ҳеч ким тушунтириб бермади. Онам учун бу сўзни айтган одам қанчалик бегона бўлса, сўзнинг ўзи ҳам шунчалик ёт эди. Онам уни ўзича тушунишга ҳақли эди.

Отам, жиндек кайфи бўлса, печкалар удумдан чиқиб кетаётганини, унинг усталлик санъати ҳеч кимга керак бўлмай қолганлигини айтиб нолирди. У «Мен тиклаган ҳар бир печь хаёлдай кўтариларди» деб мақтанарди. Мен у пайтда «хаёл» сўзини тушунмасдим, аммо бу сўз

мазмунни ниҳоятда чуқур эканини ҳис қилардим. Энди билсам, адашмабман.

Мен яна бир нарсани тушундим: онам ўшанда отамни бекорга қўйган. Чунки отамнинг қўллари ҳақиқатан чиройли, пианистнинг қўлларига мутлақо ўхшамайдиган қўллар эди.

Тун ташбеҳлари

Тоғ лангар ташлаган баҳайбат кема мисол мувозанатда.
Арчаларнинг бадани салқиндан бодроқ оча бошлайди, ниналари ўткирлашади.

Шундоқ ёнимда катта бир харсанг пўст ташлайди.

Чирилдоқнинг чириллаши ер остидан отилиб чиқаётган ингичка фавворага ўхшайди.

Майса узра нимадир ялтирайди.

Уни олиш учун энгашаётиб, бу кўкдан учган юлдузми, кўз ёшми, ёнар қуртми — билмайман.

Ёлғиз киши

Кўзимни очсам, қуёш чарақлаб турибди, шамол дарпардани тортқилаяпти, ёнимда сен йўқсан.

Кўзимни очсам, осмонда оппоқ булутлар тўлғоняпти, тераклар шовуллаяпти, қушлар чирқираяпти, ёнимда сен йўқсан.

Сенинг ўрнинг яна бўм-бўш. кўзимни очсам!

О, бевақт кўз очган одам!

Йўнғичқазорда

I

Йўнғичқа оралаб капалак учмоқда.

Йўнғичқазор — бир гектар яшил осмон.

Яшил осмон ҳидларидан маст капалак парвоз этмоқда.

II

Ҳалигача ҳеч кимни чақмаган қари ари!

Ҳеч кимни чақмай шундоқ ўлиб кетасан-ку,

Шу кунгача нима қилиб юргандинг ўзи?

III

Манави қўнғизни қаранг,

Олифтани кўринг,

уч кунлик умринг бор, мўйловга бало борми?

Сўз

Бир «пуф» десанг, учиб кетадиган чумоли.

Бир силкисанг, «дув» тўкиладиган олма.


Бир тортсанг, томири билан чиқадиган дарахт,

Бир бомбадан ағдар-тўнтар бўладиган шаҳар.

Бир сўз билан...

Дарвоқе, бир сўз билан буларнинг ҳаммасини қилса бўлади.

Ватан — тор кулба эрмас, у
 Жаҳондек бепоеён менга,
 Жаҳондек бепоеёну ҳам
 Қуёш янглиғ аён менга.
 Онаминиг оқ сути ҳаққи,
 Ватан эъзозни айларман,
 Ватан — жисмим, Ватан — жоним,
 Ватан — покиза қон менга.
 Жаҳонда мўътабар бир сўз,
 Дейилгай доимо — она,
 Ватан бу она номидек
 Азиздир ҳар қачон менга..
 Назарлар айласам тарихга,
 Юртим таърифин сўзлар,
 Навоий ҳамда ул Бобир,
 Тузиб берган девон менга.
 Улуғлар даъвати қалбимда
 Сўнмас офтоб янглиғ,
 Ватанини куйлаган чоғим,
 Дилимдир нурафшон менга.
 Фарид дер, Ўзбекистон,
 Бебаҳо жаннатмакон ўлкам,
 Жаҳон бу бир жаҳон-у, сен
 Ўзингсан бир жаҳон менга.



**ФАРИД
 УСМОН**

Рус гўзалига

Бу макон менга ўзим
 Севган макон гулшандайин,
 Бунда ҳам зангори япроқларни
 Ел ўйнар майин.
 Сой суви кўнглимга оққандай,
 Тўлиб оқса бу дам,
 Оқ либос кийган келиндек
 Силкинар оппоқ қайин,
 Эй русалка, эй кўзи мовий,
 Юзи оппоқ санам,
 Қайдасан айлаб висолга
 Кўм-кўк ўтлоқни тайин.
 Соғиниб мовий кўзинг,
 Зумрад самога термулиб,
 Майсаларни сийпалаб,
 Сочинг каби дерман майин.
 Оқ қайиндек кўнглинг оқ,
 Кўнглинг каби чехранг
 ҳам оқ,
 Бу мусаффоликни мен
 Кўргим келур кўрган сайин.
 Шунчаки меҳмон эмасдур,
 Сенга чин шайдо Фарид,
 Ол, дединг, сўндинг қадаҳ,
 Ичдим қўлингдан ишқ
 майин.

Лолалар

Лолалар кулмиш адрда чим-чатр —
 Лолазор ичра ҳаво ҳушбўй атр.
 Лолазор кенгликларига жилмайиб
 Нур сочар офтоб деган нурли патир.
 Кўз қамашса; не ажаб, қирга қараб,
 Шундан ой, офтоб чиқар, шундан ботур.
 Ол уфқларнинг ёпик ёлқинлари
 Юр деяр, на толдирар, на чарчатур.
 Лолалар гўё заминнинг қонидир.
 Қон эмас, йўқ, йўқ — гўзал шеърий сатр.
 Бу сатрни ҳар баҳор, дўстим ўқи,
 Чунки бу шеър завқи юз йилга татур.

Андак

Ўзни даркор деб билурмиз
 Унга андак, бунга андак.
 Ўзни тақсимлаб югурмиз
 Унга андак, бунга андак,
 Жонимизда бўлмас ором,
 Жисмимиз шиддат тўла,
 Ҳар томонга югурурмиз
 Унга андак, бунга андак,
 Банд этиб ўзни урурмиз
 Унга андак, бунга андак,
 Оддий ишчанлик қилурмиз,
 Арзимас ишлар учун
 Жон олиб гоҳ жон берурмиз
 Унга андак, бунга андак,
 Феъллимиз-атворимиз
 Бонс, Фарид, биз оқибат
 Доим афсуслар қилурмиз
 Унга андак, бунга андак,

Дилдаги орзуларим, жўш,
 Қайта-қайта дилга оқ,
 Қайта-қайта ўртар кўнгил,
 Қайта, бағрим ўтга ёқ.
 Дилда йўқ сенсиз қарорим,
 Ихтиёрим қўлда йўқ,
 Чунки сенсан ёнган оташ,
 Чунки сенсан иштиёқ.
 Кенг хаёл осмони равшан,
 Дилда сен борсан мудом,
 На алам қийнар вужудни.
 Қалбни на ўртар фиरोқ.
 Бир нафасга завқ ўзингсан,
 Бир нафасга шавқ ўзинг,
 Бепоён ялдо тунда
 Сен ёруғ ёнган чироқ.
 Сен ҳаёт қутбида мобит,
 Бошлар узра офтоб,
 Сен кўнгил осмонда
 Юлдуз мисол танҳом тоқ,
 Тўлдириб кўксин Фарид
 Орзуга шодон, негаки,
 Дейди эл: орзу билан
 Албат яқиндир ҳар йироқ...

Севги

Севги ўргатди менга
 Севмоқни ҳам, нафратни ҳам
 Севги ўргатди менга
 Таҳқирни ҳам, ҳурматни ҳам.
 Ташна бу қалбимни икки
 Ҳисга лим-лим тўлдириб,
 Севги ўргатди менга
 Қаҳру ғазаб шафқатни ҳам.
 Дил ато этди гўё
 Ул бахш этиб меҳру вафо,
 Севги ўргатди менга
 Эъзозни ҳам, иззатни ҳам.
 Узгаларни англадим мен,
 Узлигимни англадим,
 Севги ўргатди менга
 Журъатни ҳам, ҳимматни ҳам.
 Бас, бу неъматлар муҳайё
 Биз бу олам бағрида,
 Домд эъозлаб яшайлик
 Севгидек неъматни ҳам.

Китоблар

Китоблар том-том, жилд-жилд.
 Сўзи ичида ётар,
 Кўзи ичида ётар,
 Ёзи ичида ўтар,
 Кўзи ичида ўтар.
 Утар, ўтар кунлари.
 Оламинг мафтунларин
 китоблар мафтун этар
 ва забт этар элларин,
 фаслларин, йилларин...
 Китоблар том-том, жилд-жилд...
 Китоблар — турфа отли,
 Китоблар — қўш қанотли.
 Учар, учар йилларга,
 Эллар, ўзга тилларга.
 Китоблар — сўлғин, сарик,
 Китоблар кундек ёруғ.
 Нур сочарлар изларга,
 Кўрмайдиган кўзларга
 Ажиб зиё бўларлар.
 Улар умид берарлар,
 Улар ҳаёт берарлар,
 Азиз сирдош бўларлар,
 Чидам, бардош берарлар...

Мангулик

Кандакор Омон АЗИЗОВГА

Мисга туширдигиз ҳисин, туйғунин,
 мисга нақш этдигиз ишқини, қайғунин.
 Мисга туширдигиз ўтган кунларин,
 илнжлар, умидлар ва ёлқинларин.
 Ана, Жалолиддин, қўлида қилич,—
 Ҳайқирар, бақирар:
 — Лочинлар, олға!..
 Навоий ўлтирар
 шеър узра нотинч,
 Кўзларида хаёл,
 тафаккур — долға.
 Мисга кўчирдигиз шоҳ Бобирин ҳам,
 ватансиз Бобирни, шоир Бобирни!..
 Нималардир ёзар, қўлида қалам...
 Ким билсин, не қийнар ул мусофирни!!
 Мислар —
 Ёниқ қалбдан тўкилган ҳислар,
 Сўзлар замонлардан,
 Мангу онлардан.
 Пахтакор қалбдан,
 Тонглардан сўзлар,
 Сўзлайди меҳнатдан
 Келган шонлардан!



**ҚОДИРЖОН
СОБИРОВ**

Уста ва Устазодалар

*Тошкентнинг 2 минг йиллиги тобора
яқинлашиб келмоқда. Иттифоқимизнинг
энг кўркем ва навқирон
шаҳарларидан бирига айланган бу
шаҳарнинг чиройини
очишга ҳисса қўшган кишилар
жуда кўп. Ўзбекистон ССР халқ рассоми,
Ҳамза мукофоти лауреати Маҳмуджон ота
Усмонов ва унинг шоғирдлари
ўшалар қаторидадир.
Шаҳримиздаги В. И. Ленин музейининг
муҳташам филиали, Ҳамза театри,
метро станциялари, цирк ва бошқа кўпдан-кўп
биноларнинг ўзига хос, оригинал нақшлари
мана шу уста ва устазодалар
қўлидан чиққан.
Қуйида биз уста бош бўлган моҳир
ганч ўймакорлари ва уларнинг ишлари
ҳақида ҳикоя қиламиз. Ёшларга наққошлик
санъатини ўргатиш ва бу ишни
ривожлантиришга доир муаммолар
тўғрисида сўз юритамиз.*



У одамни биз битмас-туганмас ижод, илҳом манбан десак ҳам, тўғма, ноёб таланти эгаси десак ҳам, халқимизнинг фазри десак ҳам бўлади. Мен сизга ана ўша одам тўғрисида гапириб бермоқчиман.

У сиз билан суҳбатлашса, кўзларингизга тикилиб гапирди. Айтаётганлари қандай таассурот қолдираётганини билмоқчи бўлса керак. Узининг кўзлари эса ёш болаларникидай чақнаб кетади, кишининг назари илғамас шуъла пайдо бўлади чехрасида. Оппоқ чўққи соқоли ҳам ўзига жуда ярашади шу дам.

Маҳмуд отанинг шоғирдлари шу кунларда ишлаётган театр шаҳарининг марказида жойлашган. Рўпарада катта чорраҳа. Машиналарнинг гўл-гўли бир минут ҳам тинмайди, сўзини сўзга қовуштирмайди.

Театр бир ойдан бери ёпиқ — унинг фойеларида, кўпдан кўп залларида наққошлик ишлари олиб борилляпти.

— Ана, йигитлар тушликдан қайтмишди, — Маҳмуджон ота дераза томон ишора қилди. — Икки минут суҳбатлашиб олайлик улар билан...

Йигитлар ҳаммаси бўлиб ўттиз тўрт нафар. Олти гурупага бўлиниб, театрининг олти залида ишлаяпти. Бир гурупаси ҳавонда усули билан ганч тайёрлайди, яна бири деворлардаги эски нақшларни кўчиради, бошқаси ҳавога устида туриб олиб, шипга, деворлардаги ойнага ганчдан нақш солишади.

Йигитларнинг ҳаммаси ўз устозлари каби ишчи комбинезонда. Улар бир кишидек бўлиб ишга киришишлари нимаси биландир асалариларнинг аҳиллигини, уларнинг фидойилигини, уюшқоқлигини эслатади. Ҳеч кимнинг бир минут бўлса-да, бўш турганини кўрмайсиз. Кўз ўнгингизда ажойиб манзара намойён бўлади: кучли «юпитер»лар билан кундузгидай ёритилган театр фойесининг деворлари шипларига ўттиз нафардан ортиқ уста бирданга ёпишган. Кўпларининг қўлида хирургларнинг ўткир пичоқчаси — скальпель. Устанинг қўлидаги бу пичоқ оппоқ, текис ганч устида оқиста ҳаракат қилади. Бир неча минутдан кейин унинг тиги кесиб, ўйиб ўтган жойларда нафис, нозик чизиқчалар пайдо бўлади. Бу даста-даста гул япроқларининг қандайдир чаманзорда ўзгача бир баркамоллик касб этиб чатишувининг тимсолими ёки тонг бўлутларининг шарқ осмонида қуёш бош кўтармасдан аввалги ўйиними — ҳар қалай, нима деб тасаввур қилсангиз қилинг — бу сизнинг хаёлотингиз, фантазиянгнингингиз учқурлигига боғлиқ. Лекин мана шу кўзга кўринмас чизиқлар, ноаниқ контурлар фақат иш боши холос. Улар нозик, нафис, кишининг ҳавасини келтирадиган бирор бир шаклнинг мўайян бўртиқ қисми ҳолига келгунча наққошнинг пичоғи ганч устида кўп ишлайди. Мана, уста пичоқчасини ҳалиги чизик бўйлаб ганчга ботириб олди. Аста-секин гул баргининг нозик шакли кўзга ташланди. Наққош бутун борлиги билан ишга берилган. У ганчу пичоқдан бошқа нарса кўрмайди. Қўлидаги тигининг ҳар бир миллиметр ҳаракатини ҳисобга олиб ишлайди.

— Бу ҳам бир нозик операциядай гап экан-да, — деб қўйдим ўзимча, — фақат, қон тўкилмайдиган операция...

Наққош йигит сўзларини эшитмайди, деб ўйловдим. Лекин у бир зум ишдан бош кўтарди. Кучли прожектор шуъласи қуралай кўзларида ялт этиб акс этди.

— Тўғри айтдингиз, домла, қон тўкилмайди, — деди у жилмайиб, — аммо, пичоқ тойиб кетса... гўзаллик тўкилади, нафосат тўкилади.

Устазодалар уюшқоқлик билан ишни давом эттирадilar. Биз Маҳмуджон ота билан фойе четидagi курсиларга ўтириб, уларнинг ишини кузатамиз. Уста ўзи билан ўзи сўзлашгандай, аста гап бошлайди.

— Мен сизга айтсам, домла, бизнинг ишда дид биринчи ўринда туради. Спортчи бўлиш учун мўшакларингиз

кучлиги, жисмонан бақуватлигини талаб қилинади. Шоирлар эса нозиктаб, ўткир дидли кишилар бўлишади. Бизнинг касб кишиларини ҳам нимаси биландир шоирларга қиёс қилиш мумкин.

Ҳозиргача икки юз нафардан ортиқ шоғирд тайёрлаган бўлсам, улардан фақат уч киши ноёб чиқди. Бу денгиздан томчи, албатта. Йўқ, улар аслида ёмон одамлар эмас. Уқимишли, оқ-қорани таниган, маданиятли кишилар. «Устоз, устоз!» дея атрофингизда гиргиттон ҳам бўлишади. Лекин, на илож, беилҳом ишлайдиган, ҳиссиз «уста»лар тинфасидан эди улар. Табиат юракларига чўғ ташлаган экан, афсус...

Биринчиси аллақанча вақт ҳунар ўрганди. Кейин ишга киришди. Лекин нақшларида нафосат йўқ эди. Бир хил одамлар бўлади: иш кунин тугай қолсаю, эртарақ уйга кетсам, деб соатга қарайверади. У ҳам худди ўшалардан эди. Ҳунар ўрганиб олди. Лекин ҳақиқий санъаткор чиқмади ундан. Бизнинг ишимизнинг эса ўз сифат эталони бор. Охири хайрлашишга мажбур бўлдим ўша «уста» билан.

Бошқа бир «шоғирд»нинг ўз «мақсади» бор экан. Унга кимдир «Усмонов бригадасида ишласанг, бир йилда машина оласан, пулининг тағида қолиб кетасан» дебди... Бу гапни бизга у тўрт ой ишлаб, йигитлар билан эл бўлолмай, бўшаш учун ариза кўтариб келганидан кейингина айтди.

Учинчиси эса... Қўйинг, эсламай қўяқолайлик... Муқаддас санъат даргоҳида ўшандай кимсаларни хотирлашнинг ўзи ҳам катта гуноҳ.

Шоғирдлар — бу ҳаётда биз қолдирадиган излар. Улар бизнинг номимизга муносиб бўлишлари керак. Шоир яхши бир банд шеър тўқиса, шу кунин унинг учун байрам бўлгандай, ганч ўймакори — наққош ҳам яхши бир жамалак — орнамент кашф этса, унинг тасвирини кўнгилдагидай беролса, ўша кунин бахт чўққисидан сезади ўзини. Акс ҳолда — у иждоқор эмас.

Ҳозир ёнимизга кириб, мендан маслаҳат сўраб чиқиб кетган кўзойнакли устага аҳамият бердингизми! Юқори малакали инженер ўзи. Исми-шарифи Мирзазиёд Каримов. Менга 1948 йилда шоғирд тушган.

Ушанда беш-олти йил ёйма-ён ишладик. Кейин кунлардан бирини менга ўз «дард»ини айтиб қолди.

— Уқимоқчман, устоз. Ҳамма тенгдошларим институтларга кириб кетяпти. Ола қарга бўлиб мен қоляман, холос.

Нима ҳам дердим...

— Сизда наққошлик иқтидори бор, — дедим унга, — афсуски, ҳали бизнинг ҳунаримиз соҳаси бўйича олий ўқув юрти ташкил этилмаган...

— Инженер бўлмоқчман, — жавоб қилди Мирзазиёд. Унга руҳсат беришга мажбур бўлдим. Нима ҳам қилардим! Бировнинг раъйига қарши туриб бўладим! Аммо юрагимнинг бир чети жиниллаб қолди ўшанда.

Мирзазиёд ўқиб, инженер бўлди ҳам. Қишлоқ хўжалик машиналари заводининг етакчи инженерлигига эди. Аммо бизнинг ҳунар ҳам — биринчи муҳаббатдай гап. Ун беш йиллардан кейин у Мирзазиёдни бригадамизга қайтиб олиб келди.

«Бўлмади, устоз, — тан олди инженер, — ўймакорликдан бошқа ҳунарни кўнгил тўлиб қилолмас эканман. Тўғри, маоши ҳам, истиқболи ҳам яхши эди ишимнинг. Аммо, биласизми, ичим чиқмасди. Нақш билан безатилган бирон бир бино ёнидан юрагим ҳаприқмай ўтолмайдиган бўлиб қолдим. Соатлаб тикилиб қоламан чизиқларига, маҳлиё бўламан, қараб-қараб тўймайман. Менга уларда қандайдир бир сир, ҳали ҳеч қаерда айтилмаган қўшиқ, ҳеч қаерда янграмаган мусққа бордай туюлаверади».

Мана, деярли йигирма йилдан бери Мирзазиёд яна ўзимиз билан.

У ҳозир бригадамизнинг етакчи, моҳир тажрибали наққош.

* * *

Маҳмуджон ота билан мен аввал таниш эмасдим. Номини эшитиб юрсам-да, шахсан кўришмагандим. Республика рассомлар Союзига қўнғироқ қилдим.

— Уста Бешқайрағоч массивда, Ҳайратий кўчасида турадилар, — дея адресини айтиб беришди.

...Машинамиз қадимий Кўкчанинг янги, зилзиладан кейин қад кўтарган кўчалари оралаб кўп юрди. Ниҳоят, устанинг уйини топиб бордик.

У шошиб турган экан.

— Икки соатдан кейин Андижон поезди жўнаб кетади. Бригадамиз ўша ерда. Аммо бир ҳафтадан кейин қайтиб келиб яна Тошкентда иш бошлаймиз.

— Ушанда учраша қолайлик бўлмаса!

— Унда-ку нур устига нур бўларди-я! Усталаримиз билан бевосита иш устида суҳбатлашардингиз. Уларнинг ишини кўрардингиз...

Мана, ваъдага кўра, бугун учрашиб турибмиз.

Ўзбек тилида нозик, нафис, чиройли, ихчам, кўркам ва унинг антоними бўлган хунук, қўпол, дағал, бесўнақай сўзлари бор. Мен ана шу икки гуруҳ тушунча орасидаги тафовутни худди мана шу бугун, театр фойесидаги нақшларни томоша қиларканман, аниқ сездим.

Айтиб ўтиш керак. Театрнинг ички деворларига бундан йигирма йиллар муқаддам нақш билан безак берилган. Аммо ўша «наққош»лар фақат мўмайгина пул топишни мақсад қилган, санъат даргоҳига адашиб кириб қолган одамлар эди. Улар ички деворларни бир неча кун мобайнидаёқ шитоб ила «безаб» ташладилар.

Фотография билан шуғулланган одам яхши билади: суратга олинаётган объект ҳамда аппарат оралиғидаги фокус масофаси кераклигидан кам ёки ортиқ бўлса, у ҳолда тасвир хиралашиб қолади, аниқликка эришилмайди. Эски нақшларни кўра эмасиз, хаёлингизга дарров ана шу нарса келади. Бу нақшларнинг бўрттиқ чизиқларида ихчамлик ва нафосатдан асар ҳам йўқ. Улар қўпол, тўмтоқ ва жуда хунук. Кишига ҳеч қандай эстетик завқ бағишламайди.

— Буни қолип усули ёки штамповка дейилади, — изоҳ беради уста, — ганчки нақшкор қолипларга қуйиб, деворларга ёпиштириб кетаверганлар.

Маҳмуд отанинг шоғирдлари ҳозир ана шу эски «нақш»ларни қолипи билан кўчириб олиб, уларнинг ўрнида бошқача, нозик чизиқли, турли-туман шаклга эга бўлган кўркам нақшлар ясамоқдалар.

Мен ўймакорларнинг ишини бир нарса билан қиёладим. Нима билан дейсизми! Кашта тикиш билан. Ҳақиқий ганч ўймакорлиги ҳам устадан кашта тикишдек ихлос, сабот, маҳорат ва юксак дидни талаб қилади. Фақат бу «кашта»ни матога эмас, деворга чизадилар.

— Яқинда биров гапириб қолди, — дейди уста, — учувчиларда шундай нақл бор эмиш: самолётнинг ташқи кўриниши қанчалик ихчам ва чиройли бўлса, шунчалик пух



та бўлармиш ва яхши учармиш. Демак, ҳаёт қонунлари кўп ҳолларда бир хил нарсага асосланаркан.

...Уша баҳор эртаси, бундан ўн етти йил муқаддам, мен даҳшатли турткидан уйғондим. Еру осмон бирлашиб кетгандай эди гўё. Қий-чув... Кимдир «душман бомба ташлади», дея ваҳима тарқатди. Кимдир «Ер ёрилди» деди. Кейин билсам: элзилга. Узимизнинг уй шаҳар четида бўлгани учун қаттиқ шикастанмади, фақат деворларидан бир-икки жойи дарз кетди, холос. Хаёлим театрда, ўзимизнинг Навоий театрида. Уша ёққа отландим. Хароба-зорга айланган уйлар ёниндан, одам тўла кўчалардан юриб бордим. Чопқиллаб театрға кирдим. Деворларига, шилларига разм солдим. Хайрият, ҳаммаси жойида. Онда сондагина нақш чизикларидан баъзилари дарз кетганини ҳисобга олмасам, ҳеч нима қилмабди! Шундай қаттиқ элзилада-я!

Бу театрға қанчадан-қанча хизматимиз сингмади! Унинг ички деворларига нақш бериш учун оилаб, йиллаб ишлади. Оғир йиллар, уруш йиллари эди... Не бахти, ўша машаққатли меҳнатимиз зое кетмабди. Нақшлар шундай кучли элзилга ҳам бардош берибди... Мана шундан сўнг чиройли иш пухта бўлади, деган ҳақиқатни инкор этиб кўрин-чи!

МЕВАЛИ ДАРАХТ

Шогирди кўп усталарни мевали дарахтга қиёс қилишди. Бунда жон бор, албатта. Лекин меннинг наздимда уста Маҳмуджон ота сермева дарахтгина эмас, илдизи мустақкам чинорға ҳам ўхшайди. Унинг тўкини меваси ҳам, мустақкам томирлари ҳам — шу шогирдлар.

Ота изидан борган, унинг касбини ўрганган, қўлидан ишини олган фарзанд асло кам бўлмайди. Ёш Маҳмуджон ниқилобдан кейинги йилларда ўзи туғилиб ўсган Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги Обиназир маҳалласида тупроқ чангитиб юрадагини ўртоқларига унча ҳам қўшилавермас эди. Уни отаси — машҳур наққош уста Усмон Икромовнинг санъати қизиқтирарди. Бола отасининг деворға оддий ганчдан бири-биридан чиройли, бири-биридан кўркам, жимжимадор нақшлар ясаётганини кўрару, бу сеҳр сирларини тезроқ эгаллаб олишга интиларди. Йиллар ўтди. Отаси ўглини ўймакорликнинг ажойиб оламига етаклаб кирди.

Оғир йиллар эди. Наққошлар, ўймакорлар пулдорларнинг, ҳали-ҳамон тугатилмаган бойларнинг дағиллама уйларини безаш билан кун кечирардилар. Вақт ўтаверди. Совет ҳокимияти бу санъаткорлар сулоласини меҳнаткаш халқ учун хизматда бўлишга давват этди, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берди. Маҳмуд уста ва отаси болалар уйларига, маданият муассасаларига безак бера бошладилар. Санъат музейи, халқ амалий санъати музейи ва бошқалар ўша йилларда ота-бола нақш берган бинолардандир.

Устанинг ҳаётида унутилмас воқеалар кўп бўлган. Мана, улардан бири. 1943 йилнинг охири эди. Маҳмуджоннинг отаси уста Усмон ҳамда машҳур Уста Ширин Муродов Бешёғочдаги Тошсовет номли [ҳозирги Муқимий] театрининг биносини қуришда ва унга безак беришда иштирок этдилар. Ёш наққош Маҳмуджон отасига ёрдам бермоқда эди.

Маҳмуджонни бир неча кун аввал ҳарбий комиссарликка қақриришганди. У ерда йигитга Сталинградға махсус топшириқ билан боршни кераклигини айтишди. У вайронага айланган шаҳарни тиклашда қатнашиши лозим эди.

Иш қизигандан қизиб турган бир пайтда қурилиш ёнига енгил машиналар келиб тўхтади. Маҳмуджон олдинги машинадан тушган тўла жуссали кишини дарҳол таниди. Бу Усмон Юсупов эди.

Усмон ака усталар билан бирма-бир саломлашди. Уй-жойларини, бола-чақаларини суриштирди. «Қийинчиликлар йўқми!» деб сўради. Бирдан у Маҳмуджон ишлаётган жойға яқин келди. Ёш устанинг қўлидан чиққан нафис ҳошияларға ҳавас билан тикилиб қолди.

— Қойил!— деди у йигитнинг елкасига қоқиб ва Мурод акаға юзланди,— шогирдингизми, уста!

— Ҳам ўғлим, ҳам шогирдим,— деди ота гурур билан ва бироздан сўнг қўшиб қўйди.— Уч кундан кейин Сталинградға кетяпти. Шаҳарни тиклашда ёрдам бергани.

Усмон ака бирдан жиддийлашди.

— Бу ишни ким охирига етказди!— У ёнидаги ёрдамчисига бир нималар деб тайинлади.— Сталинградни тиклаш учун ҳақиқий қурувчилар юборилади. Наққош ва ўймакорлар учун ҳам иш топилади у ерда. Фақат, кейинроқ. Бу йигит ўшанда боради ёрдамға.

1948 йил 1 март. Бу кунни уста асло унутмайди. Чунки ана шу баҳорнинг илк айёмида у пойтахтдаги Островский номли Пионерлар саройида дастлабки марта мураббийлик фаолиятини бошлади: ўқувчиларға ганч ўймакорлиги санъатидан сабоқ беришни йўлга қўйди. Кейин Ленин номидаги Пионерлар саройида ёш наққошларға устозлик қилди. Эллигинчи йилларда Беньков номидаги билим юртида халқ амалий санъати бўйича ёшларға таълим берди.

Мана, йигирма йилдан ортиқ вақт давомида уста амалиёт билан машғул. Унинг атрофига қачонлардир пионерлар саройида, билим юртларидаги тўғаракларда ўзидан таълим олган нақш фидойилари тўпландилар. Улар республикамиздаги ва ундан ташқаридаги кўпдан-кўп бинолар, саройлар, маданий-маиший муассасаларнинг ташқи ва ички деворларига ганчдан миллий нақшлар бериш билан шугулланардилар...

Уста иккаламиз орамиздаги самимий сўхбат анчадан бери давом этаётган бўлса-да, унинг охири кўринмайди. Ён дафтаримнинг деярли ярми ёзувға тўлиб бўлди. Бу — фақат Маҳмуджон ота ва унинг шогирдлари безак берган биноларнинг номлари, холос. Улардан айримларини санаб ўтамиз: В. И. Ленин музейининг Тошкент филиали, цирк биноси, республика Министрлар Совети биносининг заллари, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биноси, метро станциялари, Ҳалма театри. Республиканинг бошқа жойларидаги ишлар: Бухородаги Иби Сино номли маданият саройи, буюк шифефор ва олимнинг Афшона қишлоғидаги уй-музейи, Самарқанд аэропорти, Термиз, Жиззах давлат театрлари...

Ўзбек миллий амалий санъатини, унинг энг ёрқин кўринишларидан бири бўлмиш ганч ўймакорлигини мамлакатимиз бошқа халқлари кўз ўнгиде кўриб қилишда уста Маҳмуджон Усмонов мактабининг хизматлари катта. Бу мактаб наққошларининг ишларини Сочидеги Ўзбекистон санаторияси, Донецк шаҳридаги «Ўзбекистон» магазини, Кневедаги намунавий дорихона, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Москвадаги меҳмонхонаси, Бутуниттифоқ аттестация комиссияси (ВАК)нинг катта зали, ноқоратупроқ зонасидаги кўплаб объектлар, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистондаги улкан маданият саройлари ва бошқа жойларда учратиб мумкин.

— Пенза шаҳрида «Ўзбекистон» гастрономи деворларига нақш бераётган пайтимиз эди,— дейди уста,— об-ласть раҳбарларидан бири ишмииз билан танишгани келди.

— Мана буни ҳақиқий ижод деса бўлади,— завқланди у оппоқ нақшларға маҳлиё бўлиб.

Қайтаётиб мен ва шогирдларни кечқурун ҳовли боғиға таклиф қилди.

— Сизларнинг ишингиз — бу ҳақиқий санъат. Катта санъаткорлар билан бир пиёла чой ичиш биз учун шарафдир.

Ушанда рус меҳмондорчилигининг ҳақиқий намунасини кўрдик. Зиёфат жуда тўкин бўлди. Аммо мезбонларни ҳайрон қолдирган бир воқеа ҳам юз берди.

— Йигитлар нега шимшаларни очмай ўтиришбди!— сўради мезбонимиз,— буйруқ бермайсизми, уста!

— Очинлар,— илтимос қилдим мен ва ўттиз нафар йигит ўз олдидаридеги... минерал сув тўла шимшаларни оча бошлашди.

— Ахир бу нима қилганингиз!— Ажабланди мезбонларимиз,— сизлар ижодкорсизлар. Ижодкорларға эса май илҳом беради дейишадди.

— Йўқ,— эътироз билдирдим мен,— ҳақиқий нафис ижод кишидан зийрак онглиликни, тетик руҳли бўлишни талаб қилади. Биз, наққошлар, шундай тушунамиз: мабодо ижодкор илҳом бағишловчи сунъий нумға [буни фан

тилида стимулятор дейилади] муҳтож экан, у ҳақиқий санъаткор эмас. Агар очингни айтсам, йигитларимиз орасидан чекадиганлари ҳам қолмапти бора-бора...

Мен мабодо бу наққошларнинг барчасини қалби гўзал кишилар десам, янглишмасам керак. Чунки сеvimли шоиримиз Асқад Мухторнинг шундай сатрлари бор:

Гўзаллик — у ҳеч қаерда йўқдир,

Ўз қалбингда бўлмаса агар.

Маҳмуджон ота ҳозиргача 200 нафарга яқин шоғирд тайёрлади. Уларнинг кўпчилиги ўзларича кичик-кичик группаларга бўлиниб, республикамизнинг турли бурчақларида ишлаётирлар. Масалан, Қашқадарёда Абдураҳмон Султонов ва Абдураҳмон Юсуповлар, Самарқандда Ҳаёт Абдуллаев группаси ва бошқалар.

Ҳозир Маҳмуджон ота билан ишлаётган 34 шоғирдининг 16 нафари СССР Рассомлар Союзининг аъзоларидирлар. Уста ўзининг иқтидорли шоғирдларидан Фахриддин Ҳамзаев, Абдуқоюм Саматов, Ҳикмат Эгамбердиев, Шавкатжон Аҳроровларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олади.

Маҳмуд отанинг ўғли Мирвоҳид, набиралари Забиҳило ва Миробидлар ҳам уста билан бирга ишлашади. Мирвоҳидга яқинда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди.

— Бундан бир неча йил бурун мен Ҳиндистонда бўлдим,— дейди уста.— Ватандошимиз Бобир яшаган ва ижод қилган Агра шаҳрини хўп томоша қилдик. Жаҳонга машҳур Тож Маҳал саройини, бошқа тарихий обидаларни кўриб, завқландик. Ана санъату мана санъат! Ҳиндистонда ҳозир ҳам ўша анъанани давом эттираётган, мармарга нақш ўяётган, ана шу машаққатли меҳнати эвазига бир амаллаб кун кечираётган ўймакорлар билан суҳбатладик. Бир нарсаси ишондим: санъатга нисбатан буюк муҳаббат, фидойилик туфайлигина улар ўз касбларидан воз кечмаётирлар.

Мен ана ўшаларнинг ижоди ва ҳаётини кўриб, бехос ўзимиздаги шарт-шароит билан солиштирдим. Бизда давлатимиз санъат ахлини бош устида кўтариб юради, десак асло муболага қилмаган бўламиз. Менинг ҳаёт йўлим бунга ёрқин мисол.

Қуёшли республикам камтарин хизматларимни жуда-жуда юқори баҳолади. Мендек махсус назарий билимга эга бўлмаган, фақат ота изидан бориб, халқимизнинг амалий санъатини ривожлантирган, мукамаллаштирган, сайқал берган бир устани Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирлади. «Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ рассоми» унвонларига ҳам эга бўлдим. Қўқонлик машҳур уста Қодиржон ака Ҳайдаров иккаламизга [дарвоқе, кўпинча мени унга ўхшатиб юборишади] СССР Министрлар Советининг махсус мукофоти ҳам топширилди.

МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Мен устанинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишдим. Наққошлар олдидаги истиқболлар ва улар олдидаги муаммолар кўзларимга аниқ ташланиб қолди. Улардан баъзилари ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

Уста Маҳмуджон Усмонов мактабининг доврўғи республикамиздагина эмас, ундан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Демак, бу мактаб ҳақиқий мактаб бўлмоғи, ривожланмоғи, такомиллашмоғи, ундаги машғулотлар ҳам назарий, ҳам амалий, фундаментал асосга қўрилмоғи, мактаб ўз моддий базасига эга бўлмоғи лозим. Ҳозир эса бу мактаб бир группа кишиларнинг ихлосмандлиги, фидойилиги туфайлигина ишлаб турибди.

Ганч ўймакорлиги санъати мустаҳкам асосга қурилиши керак, деганимизнинг жони бор. Афсуски, ҳозир бу санъатнинг алифбоси ҳақида пионер тўғарақларидагина таълим берилаяпти, холос. 60-йилларгача санъатнинг бу тури П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти ва 63-шаҳар ҳунар-техника билим юртида ўтиларди. Афсуски, ҳозирга келиб ганч ўймакорлиги фан сифатида бутунлай ўқитилмаяпти, ҳунар-техника билим юртида эса фақат безакларни бўяш юзасидан дарс берилаяпти, холос.

Бизнингча, ўзбек халқ амалий санъатининг ажралмас, узвий қисми бўлган ганч ўймакорлиги Островский номидаги театр ва рассомлик институтида, шунингдек, ихтисослаштирилган техникум ва билим юртларида ўқитилишга лойиқдир. Акс ҳолда мана нималар юз бераётганлигига қулоқ солинг.

— Яқинда,— дейди Маҳмуджон ота Усмонов,— раҳбарларимиздан бири ганч ўймакорлигида баъзан кўпол ишларга, қолипбозликка йўл қўйилаётганини айтиб қолди. Жуда ўрилли эътироз. Бунга бизнинг ҳеч қандай дахлимиз бўлмаса ҳам калтакнинг бир ўчи келиб тегди, албатта.

Уста ўйланиб қолди.

— Биласизми, нима учун шундай бўляпти! Уша тўпори, дағал ишларни бажарган «наққош»лар санъатнинг оstonасидан ҳам ҳатламаган, фақат даромадли ишга қўл урган кимсалар, кўпчилиги кустарлардир. Яна бир қизиқ нарсаси. Ҳозир ганч ўймакорлиги ишлари учун ҳақ тўлашда нақшининг чизиқлари, «кашта»ларнинг нафислиги, кўркамлиги учун эмас, балки ганч пичоқ билан қанча чўқур ўйиб олинганлигига қараб пул тўланади. Бу бутунлай асоссиз қонда. Мана шунинг учун ҳам ҳалиги кустарлар нақшларини иложи борича бўртиқ, қавариқ қилиш учун чиранадилар. Назокат, дид билан катта даромад ўртасидаги мусобақада кейингиси ютиб чиқади.

Ҳа, ганч ўймакорлигининг кўпдан-кўп муаммолари бор. Маҳмуджон ота Усмоновнинг устaxonаси [бу устaxonа нақшни ганчдан ясаганлиги учунгина] ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам ҳайкалтарошлик ва монументал ишлар комбинатига ўтказиб берилган. Бу комбинат раҳбарлари уста Усмонов мактабига на амалий, на назарий йўл-йўриқ кўрсата оладилар. Устaxonа комбинат учун ўғай боладай гап. Комбинат фақат усталарнинг иши учун бошқа ташкилотлардан пул ушлаб қолишни ва взнос ундиришни билади, холос. Қолбуки, Тошкент шаҳрининг ўзида ўзбек халқ амалий санъати бирлашмаси мавжуд. У ерда ёғоч ўймакорлиги, мискарлик, чеканка ва бошқа ишлар бажарилади. Усмонов устaxonаси ана шу бирлашмага ўтказиб берилса, унга узукка ёқут кўздек ярашган ва ижодий камолотининг юксалиши учун маънавий мадад олган бўларди.

Яна бир нарсаси. Яқинда устaxonага ёшгина қиз келди. У наққошликка жуда-жуда қизиқшини, агар иложи бўлса, маошсиз ишлаб беришга ҳам рози эканини айтди. Уста Усмонов рози бўлди: «Майли, ишлаб кўринг». Лекин комбинат «катта»лари руҳсат беришмади. «Қиз бола жони билан йигитларнинг ичиди нима қилади! Бир бало юз бериб, ҳавозадан йиқилиб тушса, жавоб бериб юрмайлик тагин...»

Бу нарсаси янги бир ғояни олдинга сурди. Ганч ўймакорлигига нега шу ишга ҳавас қўйган қизлар жалб қилинмаяпти! Бундайлар ахир озмунчами! Чевар қизларимизнинг қанчалик моҳирлик ва ҳавас билан кашта тикишларини томоша қилар экансан, агар уларга наққошлик сирларидан дарс берилса, ораларидан кўпдан-кўп ҳақиқий усталар етишиб чиқажоғига шубҳа қилмайсан, киши...

Наққошларни олдинда кўпдан-кўп ишлар кутиб турибди. Шу кунгача уларнинг қўлида турган буюртмаларнинг ўзи 10 минг квадрат-метрдан кўпроқ ҳажмдаги ишлардир. Бу — жуда катта сабот, чидам, маҳорат талаб қиладиган меҳнат. Бу — игна билан қудуқ қазिशдек заҳмат.

Бундан бир неча ой муқаддам Маҳмуджон ота қуёшли Болгариядан, нотаниш бир кишидан хат олди.

«Қадрли уста! — деб ёзибди санъат ихлосманди Георгий Тoшев,— яқинда мен сизнинг она шаҳрингиз Тошкентда бўлдим. Кўпдан-кўп маданият саройларини, клубларини, жамоатчилик биноларини томоша қилдим. Ҳамма ҳаммасида мўъжизага дуч келдим, десам бўлади. Мени ҳайратга солган нарсалар нафис, нозик нақшлар эди. Устасини сўраганимда, сизнинг номингизни айтишди.

Менинг сиздай буюк санъаткор билан учрашиш, қўлингизни қисиб қўйиш ниятим бор эди. Изладим. Афсус, тополмадим. Самарқандда экансиз. Аммо адресингизни олиб қайтдим.

Мен сизга, сиздай мўъжиза яратувчи инсонга ўз ташаккуримни айтаман. Дунёда сиз каби саҳий қалб одамларининг бўлгани яхши...»



ОЗОД
ШАРАФИДДИНОВ

Ниҳолнинг камоли

ҲУСНИДДИН
ШАРИПОВ
50 ЕШДА



1979 йилнинг баҳорида, Москвада СССР Езувчилар союзи қошидаги ўзбек адабиёти советининг йиғилиши ўтказилиб, унда ўзбек шеърятининг бугунги аҳволи, бир қатор шоирлар, жумладан, Ҳусниддин Шарипов ижоди муҳокама қилинди. Унинг тўғрисида сўзлаган нотикларнинг ҳаммаси шоирни ўз қиёфасига эга, услуби шаклланган забардаст ижодкор, деб таърифлашди. Ю. Суровцев, М. Пархоменко, З. Кедрин каби танқидчи адабиётшунослар, муҳокама муносабати билан,

ўзлари учун бу шоирни кашф этишганини айтишди. Шоир Анатолий Передреев эса «Сотволдидан салом» дostonини иттифоқ поэзиясида воқеа бўладиган асар деб баҳолади. Адабиётга ҳамisha энг юксак талаблар билан ёндошадиган москвалик ижодкорларнинг бундай юқори баҳоларини эшитиб ўтириб, табиики, қалбимни ғурур туйғулари чулғади. Мен ўзбек шеърятини учун ҳам, тинимсиз изланиб, муттасил меҳнат қилиб, унинг парвозини таъминлаётган шоирларимиз учун ҳам гоятда фахрланиб кетдим. Аммо айни чоқда, бу туйғуга соя ташлаб турган бошқа бир ҳис ҳам бор эди: москвалик танқидчилар ва шоирлар-ку, Ҳусниддинни кашф қилишпти, унинг забардаст шоирлигини тан олишпти, хўш, биз-чи! Яъни биз ўзбек танқидчилари-чи! Гап, албатта, биргина Ҳусниддин Шариповда эмас, балки у билан бирга олдинма-кетин адабиётга кириб келган ва бугунги шеърятимиз хазинасини аллақачон чинакам дурдона асарлар билан бойитиб улгурган бутун бир авлод ҳақида кетяпти. Тўғри, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов ва Ҳалима Худойбердиева, Омон

Матжон ва Гулчеҳра Нуруллаева, Барот Бойқобилов ва Ойдин Ҳожиева, Рауф Парфи ва Нормурод Нарзуллаевнинг номи танқидчилар тилидан тушмайди. Уларнинг асарлари ҳақида мунтазам равишда тақризлар ёзилади, обзор мақолаларда айтилади, бирор адабий муаммо муносабати билан таҳлил қилинади. Бироқ бу шоирларнинг ҳар қайсиси ҳақида муфассал фикр юритадиган, ҳар бирининг ўзига хос ижодий қиёфасини очиб берадиган, адабиётга қўшган ва қўшаётган ҳиссасини бор бўй-басти, жамини салмоғи билан кўпайтирмай ва, айни чоқда калмайтирмай, ҳолисона кўрсатиб берган танқидий асарларимиз борми! Майли, монографияларни айтмаёқ қўяқолайлик. Лоақал, кўпчиликининг оғзига тушган, адабиёт мухлисларига манзур бўлган ижодий портретлар ёхуд мақолалар борми!

Ушанда, СССР Езувчилар союзининг муҳташам конференция-залида, устига кўк мовут ёпилган қадимий стол теграида, нотикларнинг гапини тинглаб ўтирар эканман, кўнглимни чулғаган ғурур туйғусига ана шундай фикрлар соя ташламоқда эди. Уша муҳокама қаҳрамонларидан бири — Ҳусниддин Шарипов бугун эллика кирибди. У эллик йиллик умрининг ярмидан кўпини адабиётга бағишлабди. Унинг «Ниҳол» деб аталган биринчи шеърый тўплами 1956 йилда босилиб чиққан эди. У пайтларда шоир эндигина Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўрмончилик факультетини битириб, тўғилган юрти Наманганга қайтиб, ўрмон хўжалигида инженер бўлиб ишлаётган 23 яшар навқирон йигит эди. Мутахассислиги бўйича узоқроқ ишлаш унга nasib этмади — шеърятга муҳаббат, ижод иштиёқи голиб чиқди. Орадан кўп ўтмай, у Тошкентга кўчиб келди. Салкам чорак аср мобайнида Ҳусниддин Шарипов ўзбек ва рус тилларида бирин-кетин ўн еттита шеърый тўплам эълон қилди, ўн иккита дoston ёзди, битта шеърый роман яратди. Унинг тўртта драматик асари республика театрларининг саҳналарида намойиш этилди. Шоир булар билан чекланмай, росмана танқидчи сифатида, ўнлаб мақолалар билан чиқди, кўпгина қардош халқлар шоирлари асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Унинг кўпгина шеърый китоблари ва дostonлари адабиётимизда воқеа бўларли асарлар эди. Улар ўз вақтида адабий жамоатчиликининг юксак баҳосига сазовор бўлди. «Ильичини ўйлайман» китоби учун эса Ҳусниддин Шарипов республика Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланди. Шоир асарлари анча-мунча қардош халқлар тилларига таржима қилинди. Хуллас, қарабсизки, бир вақтлар шеърый тоғига у эккан ниҳол ўсиб, улғайиб бугун чинор бўлибди. Шундоқ экан, нечун унинг ижоди ҳақида ёзмаслик керак!!

«Ниҳол» тўпламидан кейин Ҳусниддиннинг «Кўнглим буюргани» деб номланган яна бир китоби эълон қилинди. Бу асарларни, менимча, шогирдлик босқичининг мевалари деб қараган маъқул. Ҳусниддиннинг шоир сифатида тўғилишини «Қуёшга ошиқман» дostonи билан боғласак тўғри бўлар. Чунки айни шу дostonда Ҳусниддиннинг ўзига хос шоирона нигоҳи, воқеликини мустақил ва оригинал идрок этиши, янгича поэтик образлар системасини яратиш иқтидори биринчи марта рўй-рост кўринди. Дoston эълон қилиниши биланоқ, адабий жамоатчиликининг ҳам, китобхонлар оmmasининг ҳам диққат-эътиборини жалб этди. Дoston ҳақида кўплаб тақризлар ёзилди. У мўътабар адабий анжуманларда тилга тушди. Айрим мунаққидлар дostonни Р. Рождественскийнинг «Парвозга 15 минут бор» ва О. Сулаймоновнинг «Иксонга таъзим қил, замин!» каби машҳур поэмалари билан бир қаторга қўйдилар. Поэманинг бундай юксак баҳоламини бежиз эмас эди, албатта. Шоир мавзунинг гоят мураккаблигини яхши англаган ҳолда унинг замиридаги буюк

ҳақиқатни ҳам теран идрок этган ва юксак бадиний шаклда мужассамлантирган.

Юрий Гагариннинг парвози инсоният тарихида янги саҳифа очди. Бу — инсоннинг улғайганидан, тарихий камолотидан далолат берарди. Инсоннинг фазога парвози заминга коинот юксакликларидан назар ташлашга, заминнинг асрий муаммоларига ҳам, инсоннинг ўзига ҳам янги нуқта назардан қарашга ундайди. Бу парвоз инсон тафаккурида ҳам янги босқич — энди у янги миқёслар билан фикрлаши керак. Ҳусниддин Шарипов бунини тушунади ва достонида, фазони ўзлаштириш жараёнида тугъла бошлаган оламини янгича идрок этишни, воқеликка янгича муносабатни ифодалайди. Коинотга биринчи бўлиб совет кишии қадам қўйди. Шоир бу ҳодисанинг қонуний эканини яхши кўрсади:

Ердаги занжири парчаламасдан
Инсон уча олмас эди фалакка.

Ердаги занжири эса инсон биринчи марта 1917 йилнинг 25 октябрида парчалаган эди. Шунинг учун ҳам бўрондай пишиқиб коинотга йўл олган «Восток» кемасининг шиддатиде шоир зулмат замонининг инқирозидан дарак берган «Аврора» залпининг акс-садосини кўради. Шунинг учун ҳам шоирнинг фикри табиий равишда сертавиши йигирманчи йилларда — ҳали деҳқон сигир билан ер ҳайдаётган, ҳали юртдан жанглarning доғи ювилмаган бир шароитда совет кишининг коинотга ўчиши муқаррар эканига ишонган, шу тўғайли минг-минглаб зарур ва ошиғич ишлар орасида Цялковоскийни ўйлаган, унга ғамхўрлик кўрсатган улуг муаллимга — Ленинга кўчади. Шоир талқинида Ленин гоёларининг тантанасини ўзида мужассам этган инжимоий тузум, тенглик, эркинлик, адолат қарор топган социалистик жамият инсоннинг коинот сари парвози учун мустақкам замин бўлди.

«Қуёшга ошиқман» достони том маънодаги социалистик гуманизм гоёлари билан сугорилган. Унинг лирик қаҳрамони, Гагарин парвози баҳона, бутун инсониятнинг тақдири ҳақида ўйлайди. Лирик қаҳрамон инсон тафаккурига, унинг эзгулигига, қудратига ишонади, унинг ҳар қандай қора кучлар устидан ғалаба қозониши муқаррар эканини, «қиличдан нозик гулкайчи ясалишини, гўзаллик олдида ажал тиз чўкишини» тасдиқлайди. Шоир жаҳон халқларининг биродарлиги ва дўстлиги гоёсини олға сурар экан, бу гоёларини янгича поэтик образларда мужассамлантиради. Шу жиҳатдан дoston сюжетига сингдириб юборилган океан образи муҳим аҳамиятга эга. Заминизмининг тақдири, одамларнинг эртаги истиқболи жаҳон халқлари аҳиллигига, иттифоқига боғлиқ бўлиб қолди. Буни яхши тушунган шоир ўз қалбидан кечган ҳисларни океан образида шундай ифодалайди:

Беш оғайни бўлса қитъалар,
Океан ўртада ипак дастурхон.
... Океан
Океан,
Улкан океан.
Бешиқда тебратиб кулган океан,
Бориш-келиш қилса оламнинг аҳли
Ўртада кенг кўприк бўлган океан.

Шундай қилиб, 60-йилларнинг бошида ўзбек шеърини саҳнасига яна бир бақувват истеъдодли, ўзига хос мустақил нигоҳга эга шоир кириб келди. Табиийки, унинг улғайишида энг катта роль ўйнаган биринчи манба — ўзбек адабиётидир. У классик адабиётимизнинг улғувор аъёнларини чуқур ўрганди ва улардаги гуманизми, самимияти, маҳорати ўзига сингирди. Ҳамза ва Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Ойбек, Шайхзода ва Зулфия, Уйғун ва Миртемир, Шукрулло ва Асқад Мухтор тўплаган бой ижодий тажриба шоир парвози учун бақувват пойдевор бўлиб хизмат қилди. Айни чоқда, ёш шоир халқ поэзиясининг битмас-туганмас бойликларидан, сеҳрли жозибасидан баҳраманд бўлишга интилди. Шоир халқ ижодидан ўрганар экан, унинг юзасида ётган ташқи жиҳатларини эмас, ички руҳини қабул қилишга, унинг халқчиллигини, теранлигини, донолигини ўз шеърини таъсирини сингдиришга ҳаракат қилди. Ҳусниддин Шарипов ижодий

ўсишини рус классик ва совет поэзиясининг тажрибасидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. У, айниқса, Маяковский шеъринидан кўп ўрганди. Ўрганганда ҳам, бир вақтлар бўлгани каби, Маяковский шеърининг ташқи белгиларига тақлид йўлидан бормади, буюк шоир кашф этган образларни такрорлашга интилмади, балки у буюк шоир шеърларининг мағзи-мағзига сингиб кетган революцион руҳни, қудратли оптимизми, муросасиз жанговарликини, том маънодаги гражданликини қабул қилди. Ҳусниддин Шарипов ўзини Маяковский шогирдларининг шогирди, деб билади ва бу билан фахрланади. Айниқса, «Маяковский билан учрашганда» шеъри ва «Шоир ҳақида» достони унинг Маяковский эстетикаси қирраларини пухта ўзлаштириб олганидан далолат беради. Шоир жаҳон поэзиясида, «Маяковский» деб аталган ҳодисанинг моҳиятини тўғри белгилайди: Маяковский демак — дастгоҳлар гурросидан қулоғи битганларга севги изҳор қилмоқ, севги ҳақида илк бор ҳақиқатни айтмоқ демакдир.

Совет поэзиясининг тажрибасини пухта ўрганиш, Маяковский дорилфунунидан сабоқлар олиш шоирнинг ўз ижодий қиёфасини аниқлаши, эстетик программасини яратишга имкон берди.

Ҳусниддин Шарипов тенгдош ижодкорлари орасида Ленин мавзусида энг кўп ёзган шоирдир. Унинг илк тўпламларидаёқ Ленин ҳақида ёзиш иштиёқи яққол сезилиб турарди. Шоирнинг ҳаётий тажрибаси бойиб, ижодда янги-янги довларни эгаллаган сари, унинг бу иштиёқи ҳам кучая борди — у Ленин ҳақида ўнлаб шеърлар яратди, достонлар ёзди ва уларни тўплаб, «Ильични ўйлайман» деган ном билан нашр эттирди. Бу китоб ўзбек поэтик Ленинномасининг янги ва ёрқин саҳифаларидан бири бўлди. Албатта, шоир бу мураккаб ва муқаддас, мангу мавзуга қўл урар экан, Фафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор каби улкан сўз санъаткорларининг бу борадаги бой тажрибасига таянган, айниқса, буюк Маяковский таълимидан мадад олган. Бироқ у устозларидан ўрганар экан, фақат шогирдлик погонасида туриб қолган эмас, балки ҳеч кимникига ўхшамайдиган мустақил йўлдан бориб, бу борада ўзига хос янгиликлар инкишоф этган шоирдир.

Шоирнинг Ленин ҳақидаги биринчи асарини 1960 йилда ёзилган «Таянч нуқта» шеърини. Шоир унда буюк доғдийнинг инсоният тарихидаги ролини бадиний идрок этишга уринган ва унинг меҳнаткаш халқ билан яқдиллиги ҳақидаги гоёни олға сурган ҳамда бу гоёни ифодаловчи қабарик поэтик образ топган. Шеърининг бошида Архимед эсланади ва шоир унинг «таянч нуқтаси бўлса, ер шарини кўтарардим», деган фикрини келтиради. Шеър давомида бу фикр умумлаштирувчи маъно касб этади, инсониятнинг «асрлаб чувалган эзгу саволи» даражасига кўтарилади. Бу саволга — ҳаёт оқимини ўзгарттириш — халққа бахт-саодат келтирадиган йўлга буриб юбориш ҳақидаги муаммага фақат Ленин жавоб топади. Ленин ҳаёт оқимини ўзгарттирди, бироқ бу улғувор ишни амалга оширар экан, таянч нуқтасини осмон-фалақдан изламади — Ленинга мадад берган қудрат — меҳнаткаш халқнинг қадоқли қўллари бўлди. Бу фикр шеърининг сўнгги бандида яхши ифодаланган:

Деҳқон кулбасига муз тигли қилич
Кўндирар эдим бахт юлдузини?
Қадоқли қўлларга таяниб, Ильич
Қуёшга буролди ернинг юзини.

Бор-йўғи 16 мисрадан иборат шеърда Ильичнинг буюклиги ҳам, халққа яқинлиги ҳам ана шундай юксак образли формада очилган. Шоир мавзунинг янги қирраларини кашф этар экан, уни ифодалаш учун янги тасвир воситаларини ҳам излаши, сўзининг янги имкониятларидан фойдаланмоғи лозим. Ҳусниддин Шарипов бундай янги воситалар, янги имкониятларни излайди ва топади. У кўп шеърларида реал ҳаётий воқеалар асосига қурилган сюжетга мурожаат қилади, шу сюжетлар ривожини давомида лирик характерлар яратади, улар тақдирини кўрсатиш орқали Ленин мавзунинг бирор қиррасини очади. Айрим шеърларида эса ҳаётдан олинган бирон конкрет факт ёки конкрет

ҳодиса теран поэтик умумлашмалар даражасига кўтарилади. Бу фикрни «Ҳисор ҳикояти» ёхуд «Корензда Ленин ҳайкали» каби шеърлар мисолида исботлаш мумкин.

«Ҳисор ҳикояти»да революция ғалаба қилган дастлабки йиллар қаламга олинади. Воқеа содда, камбағал деҳқон тилидан ҳикоя қилинади. Халқ озодликка чиққач, эркин нафас ола бошлайди. Йигит ҳам умрида биринчи марта ўз ерига эга бўлиб, елкаси офтоб кўриб, тинч меҳнатга киришади. «Фирқа ўртоқларнинг руҳсати билан бойдан бир та-но ер ажратиб олган» йигит, жумладан, ер ҳақида шундай дейди:

Ўз еринг яхши-да. Енбошлаб ётсанг,
Гўё сингиб кетар тупроққа дардинг.
Қовундан ширироқ туюлар тотсанг,
Ўзинг ўз ерингдан узган кўк бодринг.

Шеърда йигитнинг синфий онги реал ҳаётий тўқнашувларда шаклланиши ҳам кўрсатилган. Соддалиги тўфайли ўзини Воққосбой каби қузғунлар чангалидан кутқарган «чарм чопонли» командирни Ленин деб билади ва унга ташаккур айтишни унутгани учун таассуф қилади. Кейинчалик Лениннинг суратини кўриб, яна адашганини сезади: Ленин қадди ихчамгина, кийими одми одам экан. У умрида қилч ҳам тақмаган, от миниб савлат ҳам тўкмаган экан:

Халққа тинчлик керак,— дер экан Ильич,
— Ер керак!— дер экан аниқ ва содда.
Унинг сўзин тугиб байроқдай баланд,
Қадрини кўтарар экан ёш-қари.
Ленин битта экан,
Кўшини беҳад.
Ўзим ҳам эканман Ленин аскарари.

Сўнги икки мисра бутун шеър тўқимасидан келиб чиқади ва йигитнинг эътиқодидай, қасамидай жарағлайди. Шу тарзда шоир халқнинг Ленинга садоқатини очади. Ленин ғояларининг халқчиллигини ҳаётий эпизодда, ёрқин лирик характерлар тақдирида ифодалайди.

Шоир, аиникса, ўзбек деҳқонининг тарихий тақдири ҳақида гапирганда, ўзбек пахтакорининг жасоратга тўла меҳнати тўғрисида кўйлаганда, унинг қалбидаги ифтихор туйғуларни янада тўлқин уради:

Бизни жаҳон билан этади пайванд
Оппоқ пахтамининг ҳар бир қатими.
Халқим ўз пахтасин дастурхон айлаб
Табратар жаҳоннинг сибсатини.

Шоир ўз халқининг мислсиз муваффақиятлари ҳақида ёзганида, буларнинг барчасида Ленин табассумининг аксини кўради, бу ютуқларга Ленин таълимотига амал қилиш натижасида эришилганини кўйлайди. Бу гаплар, албатта муҳим гаплар, лекин муваффақиятларни санаш билангина шеър тугилмас эди. Бинобарин, шоир мавзунинг янги қирраларини излайди ва уни шеърнинг сўнги мисраларида ифодалайди:

Қиссамнинг ҳиссаси қисқа ва лўнда:
Азалдан билардик меҳнат қилишни,
Ленин яшамоқни ўргатди бизга.

Ҳақиқатан, қисқа ва лўнда хулоса, лекин унинг замирида олам-жаҳон маъно бор — Ильич бизга эркинлик берди, ижтимоий тенглик берди, инсоний кадр-қимматимизни тиклади, кўнглимизга инсонлигимиз учун тоғдай ғурур солди.

Шундай қилиб, Ҳусниддин Шарипов Ленин мавзунининг муҳим бир жихатини — «Ленин ва давримиз» деб аташ мумкин бўлган жиҳатини акс эттириш учун кўп йиллар давомида мунтазам меҳнат қилиб, катта ижодий тажриба тўплади. Тўпланган тажриба доҳий образини мукамалроқ яратишга, унинг инсоний сифатларини тўлароқ очиб беришга ундади. Бунинг учун доҳий сиймосини бевосита асарга олиб кириш, унинг инсоний характерини яратиш, Ильич сифатларини бадний тадқиқ этиш лозим эди. Бу ниятни рўёбга чиқариш учун энг қулай жанр — дoston эди. Шоир шу жанрга мурожаат қилди ва «Нур йўли», «Изма-

из» деб аталган икки дostonини яратдики, бу дostonлар таҳлили биздан бошқа пайтда алоҳида тўхталишни талаб қилади.

Буёқ Александр Пушкин «Евгений Онегин» асари билан рус адабиётида шеърин романнинг биринчи намунасини яратди. Асар мазмуни шу қадар теран, қаҳрамонлар характери шунчалар ёрқин эдики, В. Белинский бу асарни рус ҳаётининг қомуси, деб атади. Ушундан бери кўпгина шоирлар бу жанрда куч синаб кўришга, Пушкин панжаси-га панжа уриб, шеърин роман яратишга уриниб келишмоқда. Бироқ бу уринишларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли чиқаверган эмас. Шеърин роман поэзиянинг энг мураккаб жанридир. Унда ҳаёт кенг эпик планда тасвирланиши, даврининг энг муҳим жиҳатларини очувчи конфликтлар марказда туриши, авлодларнинг тарихий тақдирини ифода-лайдиган салмоқли характерлар яратилиши керак. Айни чоқда, шеърин романда лирик тасвирга, лирик чекинма-ларга ҳам кенг ўрин берилади. Бу асарнинг эмоционал иқлимининг яратишга хизмат қилади ва тасвирланаётган воқеалар ҳамда тақдирлар талқинини аниқлаштиришга ёрдам беради. Одатда, шеърин романнинг қурилиши, сюжет ва композицияси ҳам хийла мураккаб бўлади. Шу сабабдан бўлса керак, адабиётда муваффақиятли чиққан шеърин романлар бармоқ билан санарли даражада.

Ўзбек совет адабиётимизда ҳозирга қадар учта шеърин роман яратилди. Бу қийин жанрга биринчи бўлиб Мирмуҳсин кўл урган эди. Ўз вақтида унинг «Зиёда ва Адиба» романи жамоатчилик эътиборини қозонган. Учинчи роман шоир Муҳаммад Али қаламига мансуб. «Боқий дунё» деб аталувчи бу шеърин роман ҳам адабиётимизда сезиларли воқеа бўлди. Шу икки асар ораллигида Ҳусниддин Шариповнинг «Бир савол» деган шеърин романи майдонга келди.

Муаллиф «Бир савол»да ўз олдига жуда катта ғоявий-эстетик вазифа қўйган: у ўзбек халқининг социализм шарио-тида босиб ўтган тарихий йўлини умумлаштириб беришга интилган. Бу ғоявий ниятни амалга ошириш учун шоирга дoston рамкалари тор кўринган, чунки дostonда бир ёки бир неча шахснинг тақдирини, улғайиш жараёнини акс эттириш мумкин. Халқ тақдирини акс эттириш учун эса шоир ҳаёлотини чекламайдиган кенг қўламли шакл керак. Шунинг учун ҳам шоир шеърин роман жанрига мурожаат қилади.

«Бир савол» романининг сюжети оддий ўзбек оиласининг тақдири асосига қурилган. Бу оила — социалистик тузумга тенгдош — унинг бутун ҳаёти совет ҳаётининг ривож билан боғлиқ кечди. Шоир кўпгина лирик чекинма-ларда романнинг ижтимоий фонини яхши кўрсатган. Яна муҳими шундаки, бу ижтимоий фон асарда фаол эстетик юклагага эга — у романининг марказий маънавий-фалсафий муаммосини ечишда муҳим роль ўйнайди. Асар қаҳрамонлари ҳаёти минг хил иплар орқали жамият ҳаётига туташиб кетган. Шу ипларнинг қуввати ё заифлиги одамларнинг бахтини ёхуд бахтсизлигини белгилайди, уларнинг ҳаётига маъно беради ёхуд бебурд, маъносиз қилиб қўяди. Ҳар қандай одам ўз ҳаёти давомида, албатта, бир саволга жавоб топтоғи керак. «Бу оламга нечун келдинг-у, қандоқ қайтдинг», деган саволга тўғри жавоб топган одамгина ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши, ҳаётдан, ишларидан мамнун бўлиши, ўзидан қониқиш туйғуси билан яшashi мумкин. Бу кўҳна савол. Унинг жавобига боғлиқ равишда, одамнинг яшаш тарзи, ҳаётий фалсафаси, маънавий қиёфаси белгиланади. Бу саволга коллективчилик мавқеидан ҳам, худбинчилик мавқеидан ҳам жавоб бериш мумкин. Социалистик тузум коллективчилик психологиясини тўғдиради, худбинчилик психологиясини кескин рад этади. Социалистик тузумда худбинчилик принципларига амал қилиб яшайдиган одам муқаррар тарзда инқирозга, маънавий мағлубиятга юз тутади. Романда олдинга сурилган маънавий-фалсафий концепция ана шундай. Шоир бу концепцияни тўлақонли характерлар фаолиятида, уларнинг тақдирларида ишонарли ифода-лаб берган.

«Бир савол»га ёзган кичик сўзбошида муаллиф ғоявий ниятини ҳам, асарнинг характерини ҳам тушунишга ёрдам берадиган муҳим фикр айтган: «Мен бобдан бобга ўтар эканман, қаҳрамонларим социалистик муҳитда инсон сифа-

тида қандай шакллана борганини ўқувчига кўрсатишим керак эди. Чингиз Айтматов яратган Танабой, Михаил Шолохов яратган Андрей Соколов каби барҳаёт образлар кўз ўнгимда доим намуна бўлиб турди. Шунинг учун асарда «турмушавий» икир-чикирлардан қочишга, ўзим билган вазмин ва ҳалол кишиларнинг қалб гўзалликларини очишга ҳаракат қилдим». Албатта, Ҳусниддин Шарипов яратган образлар кўлами ва салмоғи жиҳатидан Танабой ёхуд Андрей Соколовга тенг келолмасликлари мумкин. Лекин шунга қарамай, «Бир савол» романини 70-йиллар адабиёт-ида ўзига хос ўрин тутадиган бақувват асар деб баҳолаш керак.

Ҳусниддин Шарипов шоирнинг жамиятдаги ўрнини жуда юксак деб билади. Унинг шеърларида қайта-қайта шоирнинг жангчилиги, солдатлиги таъкидланади. У қалами билан ўз халқининг бахт-саодати, Ватанининг фаровонлиги, жаҳон халқларининг тинчлиги учун курашади. Шунинг учун шоирни ёруғлик тантанаси учун курашувчи, муҳаббат учун курашувчи, яхшилик, адолат ва ҳақиқат сирларини таратиш учун курашувчи одам, деб ҳисоблаш керак. «Тарас улкан эди» шеърида эса шоир билан халқнинг бирлиги ҳақидаги ғоя олға сурилади. Шоир ўз халқининг дилдагини шеърга солиши керак. Халқнинг қувончи ҳам, дардлари ҳам шоир сатрларида теран ифодалангандагина шеър яратиб яшашга ҳақлидир. Бунинг учун эса шоир қалбиди муқаддас чўғ бўлиши керак:

Юрагида чўғи бор бўлмаса,
Юрагида йиғи бор бўлмаса,
Ғазабининг тиги бор бўлмаса,
Шоир шеър ҳам тўқиб беролмасди.

Шеърининг моҳиятини бу қадар юқори кўядиган шоир ижодда юзакиликни, сафсатани, қуруқ баёнчиликни ҳам қилолмайди, шеърининг қудратли кучини беҳуда сарфлашга чидаб туролмайди. Унинг назариди, қуруқ насихатбозлик, «чанқаганда сув ич, бўлмагани ўғри, билар пул

йўқотган кармон қадрини» қабилидаги гапларни қофиялаб назм яратиш шоир шаънига ярашмайди. Бундай қиладиган шоир «келиди сув туйиб умр ўтказган» одамга ўхшайди. Ҳақиқий шоир чинорнинг сояси эмас, чинорнинг ўзи бўлиши керак.

Ҳусниддин Шариповнинг эстетик принципларини аниқлашда унинг «Африка ҳикояти» деган поэтик асари алоҳида аҳамиятга эга. Асарда қадимий ривоятлардан бири ҳикоя қилинади: куйчининг шўҳратига ҳавас келган сардор етти торли соз ясаптириб, уни чалади. Лекин торлар қасфга тушган қушдай титрайди-ю, сайрамайди. Ногоҳон уруш бошланади. Даҳшатли қирғинда сардор бирин-кетин етти ўғлидан ажралади. У эгик бош билан уйига қайтади ва пешвоз чиққан элига, хотинига нима дейишни билмай лол қолади:

Не десин?
Нима ҳам дея оларди?
Найзани узатди,
Қўлга олди соз.
Қайнаб ич-ичига сиғмаган дарди
Оқди етти тордан сирқираб бехос.

Мана шу соддагина ривоят замирига санъатнинг моҳияти ҳақидаги улғу ҳақиқат сингдириб юборилган. Шўҳрат иштиёқидан санъат бунёдга келмайди. Ҳақиқий санъат ичга сиғмай вулқондай қайнайдиган дардлардан, одамнинг ҳаловатини олиб, сира тинч қўймайдиган поёнсиз қалб тўғёнидан туғилади. Фақат шундай ижодгина бошқаларнинг қалбига йўл топади ва уларни ларзага солади. Шоир қалбининг тераинлиги, халқ қалби билан туташлигини шеърини санъат даражасига кўтаради.

Ҳусниддин Шарипов мана шу тарзда адабиётимизнинг гоёвийлик, халқчиллик, ҳаётийлик каби принципларини ўзининг эътиқодига айлангирди ва ижоди давомида уларга оғишмай амал қилиб келмоқда. Бу эса шоирга социалистик воқеликнинг кўпгина муҳим жиҳатларини ҳаққоний акс эттириш имконини беради.

ШЕЪРИЙ СУҲБАТЛАР



усниддин Шарипов поэзиясидаги оддий суҳбат интонацияси, албатта, аввало шоир талантининг табиийлигидан. Бу унинг ижодий ўзига хослигида муҳим хусусият бўлиши билан бирга, умулсовет поэзиясининг энг яхши аъёнларига дахлдорлигини ҳам кўрсатади. Суҳбат интонацияси кўпгина йирик шоирларга хос, лекин у ҳар бир ижодда ўзгача намоён бўлади, шунинг учун ҳам бу умумий аъёнани давом эттирган шоирлар бир-бирларига ўхшамайдилар.

Поэзиямиздаги бу интонация ҳақида ўйлаганда, аввало Маяковскийнинг Ленин билан, Александр Сергеевич Пушкин билан, Қуёш билан суҳбатлари ёдга тушади. Буюк шоирнинг бошқа кўп асарларида ҳам бу хусусият бўртиб кўринади. Маяковский учун бу — поэзиядан қуруқ риторикани, шакарғуфторликни қувиб чиқариш усули эди. Инқилобнинг буюклиги, чиндан ҳам, унинг реал ва конкретлигидадир. «Революция оддий, шу соддалик билан буюклик», дейди Маяковский «150 000 000» поэмасида. Шунинг учун ундаги жасоратни «пароходларда, сатрларда ва бошқа ишларда» мужассамлашган ҳолда кўрсатиш керак, деб ҳисоблайди шоир. Яъни поэтик образнинг миқёсли, конкрет ва аниқ бўлиши учун курашади.

Твардовскийда эса суҳбат интонацияси бой ҳаётний тажрибани ифодалаш услубига, поэзияда ҳақиқий бадний халқчиллик учун кураш қуролига айланади. Бу хусусиятлар нуқтан назардан, Маяковский, Твардовский поэмаларининг Ҳусниддин Шариповга таъсири бевоситадир, деб айтиш мумкин. Лекин фақат шундай деб қараш масалани жўнлаштиришга олиб борган бўлур эди. Гап шундаки, аъ-

ана қотиб қолган нарса эмас. Олижаноб аъёнларнинг жилвалари, минглаб ўзига хос талантлар кўзгусида акс этган шўълалари, уларнинг ўзгариши, тараққий этишидаги ҳар хил босқичлар, уларнинг ўсаётган шоирлар ижодидаги очиқ ва яширин инъикослари шу қадар мураккаб жараёни, бунинг жўнлаштириб тушунтиришдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак.

Биз биламизки, масалан, Маяковский ва Уйғун бир-бирларидан жуда узоқ, бир-бирларига сира ўхшамаган шоирлар. Аммо оқориди қўзгаган мавзумиз — поэзияда суҳбат интонацияси масаласида, бу икки катта шоирнинг муштарак жиҳатлари шубҳасиз. Суҳбат интонацияси Уйғун учун — нафис ва равон лирик услубнинг асоси. Шоирнинг «Жонтемир», «Украина еллари» каби ажойиб лирик поэмалари эски поэзиядаги мадҳиябозлик элементларига («Қасидачилик — поэмачиликнинг энг пастки босқичида туради», дейди Пушкин.) қаттиқ зарба берди. Маяковский учун ҳам, Уйғун учун ҳам лиризм шеърини риторикани емиришининг муҳим воситаси. Уларда энг катта ижтимоий мотивлар «шахсий» мотивга айланади. Бундай поэзияни буниси сиёсий, буниси лирик, деб иккига ажратиш мумкин эмас.

Суҳбат интонациясидаги лиризм Уйғун ва Ҳусниддин Шарипов поэмаларида — ички хусусият, у чекинишлардагина ёки бўёқ сифатидагина берилмайди, балки бутун асар структурасини тузишда бош ролни ўйнайдиган, кескилик, ҳиссий ҳаяжон ва динамикани таъминлайдиган умумий руҳдир.

Бу фикрлар олтишинчи йиллар бошида, Ҳусниддин «Изма-из» поэмасини илк бор ўқиб берганида, кўнглимга

келган эди. У вақтда ҳали ёш дўстим бутуниттифоқ поэзия-сининг энг яхши тенденцияларига тез чиқиб олди. У кўп жанрларда шуғулланди: музикали драмалар, комедиялар ёзди, кўшиқлар яратди. Лекин унинг энг асосий, энг салмоқли иши, менингча, «Ильични ўйлайман» китобидир. Бу асарини узоқ давр, 60—70-йиллар давомнда яратди. Юқорида мен айтган хусусиятлар, устозлардан ўрганганининг энг баракали натижалари, унинг мана шу тўпламда ёрқин намоён бўлди. Етуклик босқичида ижодий янунлардан бири бўлган бу китобга шоирнинг В. И. Ленин ҳақидаги катта поэтик туркуми, «Нур йўли», «Шоир ҳақида», «Кўёшга ошиқман», «Изма-из», «Табаррук мерос» дostonлари кирган [Шоирнинг энг яхши дostonларидан бири «Сотволдидан салом» афсуски, негадир, бу китобда йўқ].

«Ильични ўйлайман» ўзбек поэзияси лениномасига муносиб ҳисса, деб тан олинди. Асар чиндан ҳам буюк до-

ҳий образига яна бир поэтик жило бағишлайди. Китобдаги шеър ва поэмаларда автор Ленин ва унинг сафдошлари ҳаётдаги конкрет тарихий воқеалардан истифода этиб, Твардовский, Миртемир тажрибаларини ривожлантиради. Китобга космос темасининг катта бўлим бўлиб кириши бежиз эмас. Автор асримизнинг мислсиз буюк воқеалари, Шарқ халқларининг ҳозирги тақдири Ленин даҳоси билан боғлиқ эканини кўрсатишда шоирона монументалликка интилади, шу билан бирга, конкретлиликни, инсоний, лирик ҳароратни ҳеч қачонда қанда қилмайди, кириш шеърда ўзи айтганидек, «ҳаёт расамадини» бузмайди. «Ленин қалбларимизда ишлаб турибди», деб буюк Маяковскийга жўр бўлади.

Ҳусниддин Шарипов асарлари оддий шеърини суҳбатларга ўхшаб кетиши билан оригиналдор. Бу ҳолат поэтик сўзга ишонч ва табиийлик каби илиқ ҳислар бағишлайди.

Асқад МУХТОР

ҲУСНИДДИН ШАРИПОВ

Она меҳри

Биласизми, қадим-қадимда
Куз бўлмаган, қиш ҳам бўлмаган.
Гул ва япроқ қучган замнида
Одамлар ҳам сира ўлмаган.
Яллаларга туташиб «Ёр-ёр»,
«Ёр-ёр»лардан алла тўғлиб,
Яшайверган ҳамма бахтиёр,
Боғлар аро қушдай йиғилиб.
Йиллар ўтиб,
Қаригач кам-кам
Ва ғарқ бўлгач ҳусин ажинга,
Даво излаб борарди одам
Мангу илиқ уммон-азимга.
Ҳар нарсага — бир санъат насиб,
Денгизнинг ҳам бор эди сеҳри:
Суяк тегса,
Тушарди тўзинб
Танда қариб-қақшаган тери.
Қадду қолат яна баркамол,
Чехра яна чиройга тўлиб,
Йигит бўлиб қайтса уйга чол,
Қайтар эди кампир
қиз бўлиб.
Шу тариқа айланиб ҳаёт,
Ғарази йўқ,
Арази ҳам йўқ,
Ешу кекса яшар эди шод,
Бир-биридан доим кўнгли тўқ.
Кейин эса...
Фарзанд кўрди мунис бир аёл.
Чақалоғи тўқлидай дуркун,
Сергак эди синчалак мисол.
Тўлғоқларда бўшаб бўғини,

Она сезиб ўзини хаста,
Мажбур бўлди,
қўйиб ўғлини,
Денгиз сари бормоққа аста.
Тез орада,
қилгандай парвоз,
Қайтди уйга яна ёш бўлиб —
Тишлари дур, кўзлари олмос,
Оқ юзли ва қорақош бўлиб.
Улкан эди қувончи қалбада,
Соғинчлари эса ундан мўл.
Муҳаббатни чўғланиб лабда,
Узатди у фарзандига қўл,
Титраб кетди ва лекин танн,
Ахир,
қаранг,
Афсус ва ҳайҳот,
Ачом-ачом айламай уни,
Бола бирдан кўтарди фарёд.
Эмасди бу ғашлик ё зарда!
Гап шундаки,
бўлса ҳам зийрак,
Онасини,
биринчи марта,
Таниёлмай қолганди гўдак.
Майли,
сочи қорамн-оқми,
Уз онасини қиларди талаб.
Кеча-кундуз йиртиб томоқни,
Уз онасини қиларди талаб.
Она аввал тўйди ифтихор
Уғли бунча севганлигидан.
Сўнг ҳис этди ўзини ночор
Бунча зору бунча йиғидан,
Қайси аёл чндайди, ахир,
Кўз ёшга ғарқ ўғлини кўрмоққа!
Нима қилсин!

Йўл олди охир
У қайтадан соҳир қирғоққа.
Истаб топди тўнов кун ўзи
Ташлаб кетган кекса терисин.
Мана,
Порлаб боланинг кўзи,
Тош бўлса ҳам дарди,
эрисин:
Уз тўзиган пўстини она
Елкасига илди қайтариб.
Уғлонининг ёнига яна
Аввалгидай қайтди у қариб.
Қаддин аммо ҳис этди баланд
Уғли таниб,
қоққанда қанот.
Бўлмас, ахир, бахтиёр фарзанд
Кулгусидан ортиқ мукофот!
Қучиб энди меҳр зиёси,
Гўдак гулдай ўсиб борарди.
Волида ҳам умридан рози,
Умри эса
тўзинб борарди.
Лекин отмас терисин юлби,
Авайларди боласин ғамдан
Ва...
Оламда биринчи бўлиб
Уша аёл ўтди оламдан.
Мен —
ҳаётнинг содиқ аскарин,
Ғазабим бор номард ўлимга.
Оналарга олқиш айтгани
Қалам олдим бугун қўлимга.
Янграйверсин билмасдан қайғу
Фарзандларнинг қўлидаги соз!
Сиз ва менга бу тоза туйғу
Уша мунис Онадан мерос.



ҚУДРАТ
ДЎСТМУҲАМЕДОВ

ТАНИШАЙЛИК: МЕН — ТЕМИРТАНМАН



ен сўзлашга ўрганганимча йўқ, ҳали тилим чиқмаган. Мени яратган ижодкор эгамнинг ёрдами билан ўйлай оламан, ёзаман. Бир кунмас бир кун сизлар билан бемалол гаплашадиган бўламан. Қачон, дейсизми? Узингиз қанча вақтда ўргангансиз? Уҳ-ҳў! Миллион-миллион йилда! Менга бунча вақт керакмас. Уша кун келсин, сизга барча саргузаштларимни айтиб бераман...

КЕЛИНЧАКЛАР ОРЗУСИ

Ҳар бир оилада радиоприёмник ва телевизор бор. Магнитофон ва телефон одат бўляпти. Яқин йилларда видеомагнитофон ҳам рўзгор буюмлари ёнидан жой олади. Уй бекаларининг оғирини енгил қиладиган техника воситаларини ҳисобга олмаганда, оилада нафи тегадиган яна бошқа воситалар ҳам бор. Электрон ҳисоблаш машиналарининг (ЭҲМ) энг содда кўриниши — микрокалькуляторлар ўқувчи ва студентларга уй вазифасини ҳисоблашга кўмаклашяпти.

Бир вақтлар катта-катта қутилари эслатувчи радиоприёмниклар ҳозирги кунда қўлда кўтариб юрадиган кичкина транзисторлар ичига жо бўлганидек, росмана ЭҲМлар ҳам ихчамлашиб боряпти. Ана шундай машиналардан кичкинароғини рўзгорда ишлатиш мумкин. Гап шундаки, рўзгор юмушлари хилма-хиллиги ва ҳадсиз-ҳудудсизлиги туфайли, юқорида санаб ўтилган техника воситалари камлик қилади. Ундан ташқари, техниканинг бу каби сўнгги ютуқларидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш зарур.

Ахир, анчагина маблағ сарфлаб олинган буюмлар ондасонда ишлатилиб, кейинги навбат келгунича ханг босиб ётиши инсофдан эмас. Шу сабабдан чоғроқ махсус ЭҲМ зарур. У боя санаб ўтилган рўзгор буюмлари: радиоприёмник, телефон, магнитофон, видеомагнитофонларнинг ҳаммасини бир-бирига улаб, яхлит машина кўринишига келтиради. Бу машина оилага тегишли барча маълумотларни хотирасига ёзиб олади ва керагида эслатиб туради. Эрталаб будильникнинг ёқимсиз жириглаши ўрнига севимли музикангизни қўйиб уйғотади, режалаштириб қўйган ишингизни ўз тартиби билан айтиб туради. Овқатланаётганингизда чет тилидан озгина дарс бериш «қўлидан келади». Ҳамма ишга кетиб, уйда ҳеч ким қолмаганида сим қоққан танишингизга муомала қилиб, гапини ёзиб олади. Радио ва телевизорда сизни қизиқтирган эшиттириш ёки кўрсатувни «Ишқилиб ўтказиб юбормай-да», деб безовта бўлмайсиз. Уша вақт келганида приёмник ўз ўзидан ишга тушади, тегишли тўлқин созланиб, эътиборингизни жалб қилади. Мабодо, уйда бўлмасангиз магнитофон ёки видеомагнитофон ишга тушиб, эшиттириш ёки кўрсатувни сиз учун хотирлаб қолади.

Ёр-биродарлар, қариндош-уруғлардаги тўй-маъракаларни, туғилган кунларни эслатиб туриш борми, ҳисоб-китоб ишлари борми, барчасини зийрак котибдек бирма-бир ёзиб қўяди.

Бундай машинани ҳозирча биз ҳисобга олмаётган буюмлар: газ плитаси, кир ювиш ёки сабзавот арчиш машиналари билан улаб қўйиш имкони бор.

Ана шундай машинага эга бўлган уй бекаси қўрқмасдан «Уйимизда робот бор», деб ғурурланса арзийди. Унинг биринчи тажриба нусхасини яратган мутахассислар ҳам «рўзгор роботи» дейишган. Тажриба нусхадан ялпи маҳсулотга ўтиш учун кўп муддат керак эмас.

Йигитлар! Огоҳ бўлинг! Яқин орада қизлар «Робот олиб бермасангиз, тегмайман», деб шарт қўйишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

СУНЪИЙ ОДАМ

«Робот» сўзига «рўзгор» деган аниқловчи киритилган экан, демак бошқалари ҳам бор. Бу — ишлаб чиқариш ёки саноат роботларидир. Бу — халқ хўжалигининг катта соҳаси, фаннинг муҳим бўлаги. Фанда роботсозлик техникаси — робототехника, деб аталган йўналиш шаклланыпти.

«Робот» сўзи қандай ва қачон пайдо бўлгани ҳақида икки оғиз сўз.

1920 йилнинг январиде Прага китоб дўконларида Карел Чапекнинг «РУР» деган ғалати китоби пайдо бўлди. («Россумнинг универсал роботлари» сўзларининг бош ҳарфларидан олинган.) Унда «робот» сўзи биринчи бўлиб ишлатилган эди. «Русча «работа» сўзининг чех тилидаги талаффузидан олинган бу тушунча, авторнинг айтишича, сунъий материалдан ясалган хаёлий одамсимон мавжудотни билдиради.

Россум исмли олим биологик организмнинг барча хусусиятларига эга бўлган, лекин табиий оқсилдан фарқ қиладиган сунъий моддани кашф қилади. Ана шу модда асосида сунъий одам ясайди ва унинг ақл-заковати устиде бош қотираётган бир вақтда оламдан ўтади.

Олимнинг жияғи — кичик Россум, ишлаб чиқариш асрининг тадбиркор намояндаси «Сунъий одамларга ақлнинг нима кераги бор? Ишлаш учун фикрлаш қобилияти бўлса кифоя», дейди ва роботларни қаторлаштириб ташлайди. Ҳақиқий одамдан кўп ишлайдиган, лекин инсоний эҳтиёжлардан холи бўлган арзон «тирик машиналар» ҳамма ёққа тарқалади.

Роботлар ташқи кўринишдан одамга ўхшаб кетадиган, жисмоний томондан эса устунроқ, қарашлари маъносиз, ҳиссиёти йўқ, эгаси нима буйруқ қилса, қандай бўлмасин, бажариб келадиган нарса.

Гарчи одамга ўхшаб ҳаракатланувчи қўғирчоқларни ясаш қадимдан маълум бўлса-да, Карел Чапекнинг илмий-фантастик гоёси бадий адабиётда мисли йўқ янглик бўлди. Афсуски, бундан фойдаланиб инсониятнинг ашаддий душманлари «фашизм» деб аталган «назария»ни ўйлаб топдилар ва тирик одамларни роботга айлантирмоқчи бўлдилар.

Илмий нуқтаи-назардан «робот» деганда одамнинг у ёки бу хатти-ҳаракатини такрорлай оладиган ҳар қандай машина тушунилади. Демак, роботнинг ташқи кўриниши шундан келиб чиқади. У одам, қўл, бармоқ шаклида, ҳатто тўртбурчак қўти кўринишида бўлиши мумкин. Булар биринчи авлод роботлар, «автомат» ёки «манипулятор» ҳам дейилади. Иккинчи авлод роботлар сезги органлари билан жиҳозланади, конкрет шароитни «кўриб», «сезиб» эслаб қолади ва ҳаракат органларига тегишли буйруқ беради. Олимларнинг фикрича, ундан кейинги авлод вакиллари ақлли бўлади, яъни ўз-ўзини созлайди, қутилмаган вазиятларни ўрганиб, шароитга тез мослашади.

Илмий изланишлар, амалиёт шу кунларда иккинчи авлод устида кетяпти.

ТЕМИРТАН ДАСТЁРЛАР

Роботлардан бирини суйиб «Роберт Иванович» дейишди. Москва заводларидан бирини «битириб чиққандан» сўнг бу роботни Ленинград электромеханика заводига «ишга» жўнатишди. Паст бўйли, тўладан келган, бир қўлли «Роберт»га металл кесувчи улкан станок ёнидан жой беришди. Ётоғи ҳам, ишхонаси ҳам — шу. «Маоши» — электр қуваати. Қанча керак бўлса, шунча истеъмол қилаверади. Тевараги панжара билан ўралган.

Ҳали тажрибаси йўқ Робертнинг «хаёлига» нималар келиб қолмайди, дейсиз. Яхшиямки, инженерлар олдини олишган экан, тугмачани биринчи марта босишганида темир зот аввалига секин-секин қимирлаб қўйди, кейин бирданига жазаваси тутиб, биттаю битта қўли билан қулочкашлай кетди. Инженер тугмачани босди, лекин робот тўхташни «хаёлига» келтирмасди. Тўс-тўполон бошланди. Панжарадан ташқаридаги қўтида жойлашган «мия»ни текширишди. Ҳаммаси жойида. Робот эса, ҳамон ақлдан озияпти. Электр қуваатини ўчиришдан бошқа чора йўқ эди. Текшириб кўришса, бир инженердан «арзиммаган» хатолик ўтган экан.

Темиртан хизматкор «ақлли йигит» эканлигини кўрсатди: тез орада топширилган ишни бехато бажарадиган бўлди. Шундай қилиб, жисмонан оғир, доим бир хил кечадиган, одамни толиқтирадиган иш роботнинг зиммасига ўтди.

«Электросила» бирлашмасидаги робот темир оққа ўрнатилган пушкани эслатади. У икки ёнидаги токарлик станокларини бошқаради. «Спорт-1» деб аталган манипулятор эса, цех шифтига ўрнатилган. Узи ясси қўти шаклида, темир излар бўйлаб сирғалиб юради, керакли станок тепасига келиб тўхтаганида ундан темир қўл чўзилиб чиқади-да, детални маҳкам ушлаб олади ва тегишли жойга элиб қўяди.

Вақтли матбуотда роботларнинг турли-тумани ҳақида ўқиш мумкин: робот самолётга, поездга билет сотади, автомобилни робот бошқаради, «Кибер» дарс ўтади, «автомат-завод», цехга робот келди ва ҳоказо.

Шу кунларда Японияда 46 мингта саноат роботи автомашиналарни йиғяпти, ўзига ўхшаган темиртанлар учун деталь тайёрляпти.

Парижнинг марказий кўчаларидан бирида қадди-қомати келишган темир «йигитча» автомашиналар ҳаракатини бошқаради. Чоррахага яқинлашган машиналарни санаб бориб, ҳисоб-китоб қилиб туради. Тиқилинч хавфи етганида автомобиль ҳайдовчиларини хушмуомалалик билан огоҳлантиради.

Роботсозлик республикамизда ҳам оёққа қўйилган. Ташкент трактор заводида, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида темир дастёрлар кўплаб қийин ва зерикарли қўл меҳнатини ўз зиммасига олган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» бирлашмаси, Ташсельмаш заводи ва бошқа бир қатор ташкилотлар роботсозлик билан машғул. Уларнинг бошини бирлаштириб турган махсус группа ишляпти. Шу группа раҳбари, техника фанлари кандидати Раҳимжон Охунов ҳикоя қилади:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳамда республикамиз партия ва ҳукумати саноат роботларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилди. Қаторга жавобан министрликлар ва бошқармалардан саноат роботларини ишлаб беришни сўраб, буюртмалар келляпти. Масалан, озиқ-овқат саноати министрлиги кейинги йиллар учун чой солинган қутиларни очиб, бункерга ағдарадиган, совуни қутиларга тахлайдиган робот-манипуляторларни жорий қилишни планлаштирган.

Ташкент трактор заводида роботлаштирилган цех ишлаб турибди. Уни кенгайтириш мақсадида бир қанча автоматлаштирилган станокларни ясаб ва ўрнатиш режалаштирилган. Бу ишларда «Циклон-3Б», «Универсал-5» ва Болгариядан келтирилган «РБ-232Т» типдаги роботлар кучидан фойдаланилади.

Ҳозирги кунгача жами элликта министрлик ва бошқармадан буюртма олдик. Буларнинг барини ўрганиб, тегишли роботсоз корхоналарга тақсимлаб чиқишимиз, ишни режалаштиришимиз лозим.

Роботлар ҳақида гап юритганда одам беихтиёр шахмат ўйнайдиган ЭҲМларни эслайди. Бунинг сабаби — ЭҲМ одамнинг ақлий меҳнатини такрорлай олишида. Демак, ЭҲМларни ҳам ўзига яраша робот десак, янглиш бўлмайди.

Шу кунларда электрон машиналарни шахмат ўйинига ўргатиш учун олимлар кўпроқ бош қотиришляпти. Жонсиз ўйинчиларнинг мусобақаси ўз вақтида матбуотда яхши ёритилган. Жумладан, совет олимларининг «Каисса» деб номланган программаси билан америкаликларнинг «Чесс» программаси ўртасидаги мусобақа.

Хўш, машина билан шахмат ўйнаб «эрмак» қилиш учун қанчадан-қанча олим бош қотириши зарур эканми, деган ўринли савол туғилиши мумкин. ЭҲМнинг шахмат ўйини эрмак ёки вақтихушлик эмас, албатта. Гап шундаки, шахмат ўйини билан халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш орасида катта ўхшашлик бор. Иккаласида ҳам вариантлар саноқсиз, энг яхши йўлни қисқа вақтда топиш зарур. Халқ хўжалигида шундай вазиятлар борки, ҳатто бошланғич ахборотларни ёзишга имкон бўлмай қарор қабул қилиш лозим бўлади. Бунда таваккалчилик кетмайди. Раҳбар ходим шахмат донасини сургани каби ЭҲМга савол беради, у эса, жавоб юриши ўрнида бошқарувчи қарорнинг энг мақбулини топади.

«Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими, техника фанлари доктори Одил Усмоновга бир жуфт савол билан мурожаат этдик:

— Сиз ЭҲМни шахмат ўйинига ўргатганингиздан ҳабаримиз бор. 1971 йили шу ҳақда «Фан ва турмуш» журналида босилган қусоқкарли мақолангизни ўқиганмиз. Уша вақтдан буён қандай ўзгаришлар бўлди?

— Утган давр ичида, — дейди олим, — эришган ютуғимиз — ЭҲМ шахматни тез ва соз ўйнашга ўргангани бўлди. Илгари у ҳар бир юришдан аввал 5—7 юришни ҳисоблаган бўлса, энди икки баравар кўп йўлни ўйлайди. Ҳаммасидан муҳими, бундай ўйиндан фойдаланиб халқ хўжалиги соҳаларидан бирининг ишини башорат қилиб кўрдик. Олган натижаларимиз анча самарали чиқди.

— Кейинги режаларингиз қандай?
— ЭҲМни шахмат мастери, кейинроқ гроссмейстери даражасига кўтариш ва халқ хўжалигида қўллашни кенгайтириш.

Келгусида голография усули ёки электрон молекуляр химияси йўллари билан қурилган ЭҲМларнинг катталиги одам бошидан унча фарқ қилмайди. Ҳозирча фақат жисмоний ҳаракатларимизни такрорлаётган роботларга шахматнинг «пири» бўлиб кетган ана шундай «мия» ўрнатилса

ОДАММИ Ё ТЕМИРТАН?

Темиртан ўз яратувчисидан ақллироқ бўлиши мумкинми? Бу саволга кибернетика фанининг отаси Норберт Винер, кўзга кўринган олимлардан А. Н. Колмогоров, А. Г. Ивахненко ва бошқалар «Ҳа», деб жавоб беришади. «Йўқ», деган олимлар ҳам кам эмас. Ҳар ҳолда темиртан одам сингари фикрлаши, ақлли бўлиши учун энг аввал одамзоднинг ўзи ақл борасида юксакка кўтарилиши, яъни ўз миясининг имкониятларини тушуниб етиши, унинг темир нухасини ясай билиши лозим.

Бундай темиртан айрим қолоқ одамларга қараганда ақлли бўлиши турган гап. Хўш, мутлақми, нисбатанми, ишқилиб темиртан одамга яқинлашиб ёки ундан ақллироқ бўлиб кетаркан, унда муносабатлар қандай бўлади, деган савол туғилади. Баъзи фантастик асарлардаги сингари, темиртанлар одамзодни жарнинг ёқасига олиб бориб кўймасмикин?

Темиртанлар ҳақида ҳадиксираш ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам Норберт Винер ўз вақтида темиртанга сажда қилмаслик маъносига «Машина машиналигини қилсин, одам — одамлигини!» деган. Оқилона гап. Бунга амал қилиш-қилмаслик яна одамзоднинг ўзига боғлиқ. Таниқли фантаст-ёзувчи Рей Бредбери ақлли машиналарга муносабатини билдириб, ёзади: «Машиналар — боксчилар киядиган бўш кўлқопга ўхшайди, уни одамнинг қўли кияди. Қўллар эса, яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин».

Айтинг-айтинг, бу «кўлқоп»ни ёмон қўллар киймасин. Шоир ҳам шундан хавотирда:

Мен сизга темирнинг худди шундайин
Ажиб бир нухасини топиб бераман.
У ҳам ишлай билар, унинг қошида
Сизнинг темирингиз ожиз бир бўюм.

Абдулла Орипов роботлардан эмас, юраги темирдек совуқ шахслардан хавотир олади. Аслида эса, шоир айтган одамлардан кўра ҳақиқий темиртан минг марта афзал:

Бунда тамаъ қилмас ҳеч ким дўстидан,
Бу юртда бўлмайдн фитна, ғийбатлар.
Ҳеч қачон «К-14» «Д-5» устидан
«Б-3»га ёзмайдн юмалоқ хатлар...

(Эркин Воҳидов)

* * *

Мен, темиртан, гувоҳлик бераманки, шоирим ҳақ гапни айтган. Биз фитна-ғийбатниям, юмалоқ хатниям билмаймиз. Сабаб, дейсизми? Тилим чиқсин, ўшанда ҳаммасини айтиб бераман. Ҳозир ижодкор эгам шоширяпти, муҳим масалани ҳисоблаб беришим керак эмиш. Нима? Тилим чиқишига гумонингиз борми? Ундай бўлса мен сизга битта савол берай: «Уйингиздаги электр кўнғироқ қандай қилиб товуш чиқаради? Жиринг-жиринг! Динг-динг! Автомашинангиз-чи? Поп-пол, ду-дут! Хўш, эндиям ишонмайсизми?»



Задарё район «Коммунизм йўли»
редакцияси қошида
ташкил этилган «Чаман» адабий
уюшмаси ижодкорлари —
«Ёшлик» меҳмони

МУНАВВАР ҲОШИМОВА

Тонг отмоқда

Аста-аста кўтарилар туннинг беҳол пардаси,
Гўё очиб юбормоқда бу олам кенг саҳнасини.
Уфқлардан ёғилади юлдузларнинг ҳаваси,
Субҳидам тонг тўйиб-тўйиб атир сепган либосини.
Салқин осмон тўйиб-тўйиб майнингина энтикар,
Шаббодалар ерни ўпар, улар — осмон соғинчи.
Минг юзлашиб, ширин қулиб, тебранар сўлуз гўллар,
Тонг келмоқда, гардсиз чирой, табнатнинг севинчи.
Маъсум шабнам гўдаклардай япроқлардан мўралар,
О, уларин қучмоқликдан қолмасайдим бенасиб.
Юрагимга сингиб кетар, тўлиб кетар ол ранглар,
Тонг отмоқда, юзларимга урилади нафаси.

Чўлпоной ҲУСАИНОВА

Бола расм чизади

Болакай, қўлларингни қуёшга чўзаяпсан,
Зеро унинг ўт сифат битта зарраси ўзинг.
Ҳафсала билан туйғунг расмини чизаяпсан,
Шул сабабли яна ҳам ёруғроқдир кундузинг.
Чизавергин, чизиклар эгри бўлса, майлига,
Майли, қоғозлар тўлиб, чизгали жой қолмасин.
Сен кйриб келаяпсан умрининг шўх сайлига,
Оламининг расмини чиз, болакайим, толмасин,
Ҳайрон бўлма чизиклар тутқич бермаса агар,
Турфа рангга қўшилди хаёлниги олиб қочса,
Расмларнинг қуёшдай яшнавмоғи муқаррар,
Жажики қўлларинг билан тинчлик эшигин очсанг!



ОЛИМ
ОТАХОНОВ

ИЖОДНИНГ ҚАЙНОҚ ҚОНИ

*Санъат ва адабиётдаги
энг муҳим проблемалардан
бири — инсон масаласидир.
Еш адиб Олим Отахонов ёзувчи
Шукур Холмирзаевнинг
ҳикоялари мисолида
бу ижодий муаммонинг бадиий
талқини хусусида фикр юритади.*

Олтмишинчи йилларнинг охири ва 70-йиллар бошларида оқлавиқ-маъшиқ, муҳаббатда поклик, ёшлар одоби каби дидактикага яқин мавзулар оммавий тус олиб, чучмал, қуруқ оқ-воҳдан иборат [қиз йигитни севади-ю, бирон бир сабаб билан ажралиб кетмишга], авторнинг ғамгин, арзон ваъзхонлиги воқеага яқин ясайди] ҳикоялар тўлиб-тошган бир маҳалда, Шукур Холмирзаев «Ёввойи гул», «Кечаги кун кеча», «Ҳаёт абадий», «Жарга тушган одам», «Баҳор ўтди», «Тикан орасидаги одам», «Фарзанд» сингари ҳикояларини ёзди ва бу жанрда прозаизмининг энг яхши анъаналарини давом эттирди. Мазкур ҳикояларида у адабиётнинг бош роли — инсон ва инсон қалбини кўрсатишга уриниш билан кичик насри тубдан сифат ўзгартириш жараёнига олиб кирди.

Бугунги китобхонини бир вақтлар ўзига хос, лирик, ёқимли деб мақталган сентиментал ҳикоялар билан чалғитиб бўлмайди. Бугун у рус ва жаҳон адабиёти билан бирдай қизиқадми. Юрий Трифоновнинг аналитик услубда битилган асарларию Юрий Казаковнинг ҳаққоний санъат билан сугорилган ҳикояларини, Мар Байжиев, Рустам Иброҳимбековни, Матс Траат, Уильям Фолькнер, Эрнест Хемингуэй, Томас Вульф, С. Фицджеральднинг муттасил мутолаа қилади. Энди у автор гоёсини табиб юрвучи схематик жонсиз образ эмас, балки адабиётда тирин одам, бемисл етук яралган инсоннинг мураккаб ички олами билан танишишни истаydi. Ун-ўн беш йил илгариги энг яхши ҳикоялар ҳам бугунги китобхон қаршида қадрини йўқотган бўлса, не ажаб!! Шу ўринда Лев Толстойнинг ёзувчи Вересаевга: «Ахир, қоронги хонада яшайтган одам ёруғ уйдан хабар топса, нега ўша ёққа талпинмаслиги керак экан», деб айтган гапи ёдимизга тушади. Ҳўш, бир бора Габриэль Маркесни ўқиб кўнгли ёришган ўзбек китобхони нега энди, неон чироқларининг кўниш, майин шуъласи остида сайр қилиб юрган ошиқ-маъшуқлар ҳақидаги ўта сунъий ҳикояларни ўқиниш керак экан!! Нега энди унинг қўлига «савил қолгур» проблематия асар, деб тилга олинаётган китобларни қистиравериш керак экан!! Достоевскийнинг машҳур: «Гоголи китобхон даражасига тушириш эмас, китобхонни Гоголь даражасига кўтариш керак», деган нақлини доимий такрорлаб туришга тўғри келяпти ҳозир. Янгилик излаш — ҳали мақсад эмас: янгилик яратиш эса маслақдир! Бу ҳол Шукур Холмирзаев ижодидан яққол кўриниб турибди.

Ш. Холмирзаев ижодига бир назар ташлаган киши ажиб манзарида гувоҳи бўлади. Ёзувчининг тахминан барча ҳикояларини даврларга бўлиш мумкин. Масалан, 1965—66, 1970—71, 1978 йилларда у жуда кўп ҳикоялар ёзган ва энг яхшилари ҳам айнан шу даврларда яратилган. Бунинг боиси, энг аввало, ёзувчининг ҳикоя жанрига садоқати, жанр масъулиятини чуқур ҳис қилишидандир. У ички эҳтиёжлари, юрак қувватини узоқ чамалаб, ёзмаслигининг иложи қолмагачгина ёзув столига ўтиради. Яна бир қизиқ жиҳати шуки, Шукур Холмирзаев бир йил ичида олти-еттита ҳикоя ёзса ҳам, ўзини ўзи такрорламайди. Ҳатто бу ҳикоялардаги оҳанглар, образ ва тилларда ҳам ақиллик сезилмайди.

Шукур Холмирзаев шу чоққача ўзи билган, кўрган, қалбига жуда ҳам оғриқ кўзготар даражада яқин мавзу — инсон, унинг тақдир ҳақида талай ҳикоялар, повестлар, романлар ёзган, санъатнинг асосий, бирдан-бир проблемаси — Инсон эканлигини чуқур ҳис қилган санъаткордир, дедик. У ҳеч қачон бирон бир ҳаётий масала ёхуд ижтимоий проблемани ҳал этиш мақсадида асар яратмайди. Уни одам боласи қизиқтиради, у «инсон ҳақидаги қалб ривояти»ни тинглаш бахтига мушарраф бўлган ижодкор. Бинобарин, қайси бир асарини олманг, унинг марказида Инсон туради.

Мана, «Фарзанд» ҳикояси.

Ҳикоя жуда оддий, ҳаётда ҳар кун учраб турадиган воқеа асосига қурилган. Ҳатто баъзан бу воқеалар шун-

чаки, ўткинчи ҳамдир. Аммо адиб ана шу оддий туюлган воқеалар замирида оддий одам қалбининг шунча чуқур томонларини очиб берадики, ҳайрон қолмай иложинг йўқ.

Менгбой исмли йигит ўғлини яхши кўради, аниқроғи: «яхши кўради, деган гап ўғлига бўлган муҳаббатини ифодалашга ожизлик қилади». Ҳикоя мана шундай жумла билан бошланади. Ана шу Менгбойнинг хотини Сора отпускарини бу йил ҳам қишлоқда ўтказишларидан норози бўлиб, эрига таъна қилади, бошқалардек курортга борсан-чи, дейди. Менгбой унамайди. Аммо бу иш издан тушиб, нақ Сочиға путёвга топиб келади. Хотини жўнаб кетгач, беш кундан сўнг, ўғлини олиб, Сурхон бўйига — балиқ овига жўнаволади. Бироз ғалат, тўпори Менгбой йўлда машинани тўхтатиб, Сурхон бўйига тушади, атрофга суқ билан тикилиб, томоша қилади.

«...Тиззага урувчи шолзорга тикилди. Назарда, ҳозир бир ўрдак ё тустовуқ учиб чиқадигандек бўлди. Сўнг бу фаслда бундоқ қушларнинг мутлақо учиб чиқмаслигини эслаб, кулиб юборди ва қўлларини соябоқ қилиб, олисда туманланиб, бугулаиб оқайтган Сурхонга қаради. Қалбида қувонч гупуриб, худди ўғлини қучганидаги каби энтикди. Бунинг устига бу ажиб манзара унинг миёсида ҳаёллар уйғотди: болалигим, шу дарё ёқасида туриб, қандайдир қиз ҳақида сурган ҳаёллари ёдиға тушди ва чуқур хўрсиниб, бирдан хўмрайди». Бу ортиқча, кераксиз эпизод эмас, у Менгбой қалбининг хассослиги шонроналигини очишдан ташқари, ҳикоя бағрини бетакрор манзара билан ҳам тўлдиради. Шукур Холмирзаевнинг ўзи ҳам Сурхон бўйларида тўғилиб ўсган. Табиий, унинг қарийб барча асарларидаги воқеалар мана шу Сурхон бўйида бўлиб ўтади, қахрамонлари ҳам шу ерлик одамлар. У мана шу воҳа одамларининг ажиб характерларини, урфини, дилидаги гапларини, қизик-қизик ҳангомалари билан билади. Она юрти жанубидаги ҳаёт ҳар бир асарда барқ уриб туради. Йўлда машинасини тўхтатган Менгбой ҳам, «ухлаб қолган ўғлини орқа ўриндиққа ётқизиб, эшикларин маҳкам бекитади ва... шолпоёғга чиқади». Шунда автор минг бор кузатиб, минг бор садағаси кетгани, Сурхондарёни минг биринчи кўринишда Менгбой ингоҳидан тасвирлайди.

Менгбой қишлоқда экан, бир куни ўғли учун мороже-ное излаб аэропортга боради ва у ерда бир қизни учратиб, ёқтириб қолади: «...яна унга қаради ва бир вақтлар ўзи орзу қилган қиз шунга ўхшаб кетадигандек туюлди. Эртасига яна ўша қизни учратганида улар ўртасида шундай диалог бўлиб ўтади:

— Уғлингизни жуда яхши кўрар экансиз!

— Жуда!

— Онасини-чи!

— Онасини... Севги бўлиши шартми!— деди нима дейишни билмай Менгбой.

Қиз қошини кўтариб қўяди.

— Мен севгисиз яшашни тасаввур қилолмайман.

— Чунки сиз турмуш кўрмагансиз, бола нималигини билмайсиз!

— Аксинча,— дея Менгбойга қаради қиз,— эрга текканман, икки йил яшаганман ҳам. Болам ҳам бор...»

Бу оддий диалог замирида Менгбой билан ўша жувонинг қалби, айтилмай қолган туйғулари яширидир. Жувон эридан ажрашган, боласи бор. Лекин у истаётган, ҳаётини усиз тасаввур қилолмайдиган муҳаббат — китобий. Унинг юрагида орғиқ бор, алам бор. У эрсиз, эркаксиз яшайди: унинг қалби, аёллик вужуди, малоҳати нимадандир маҳрум. Шунинг учун у таъкидлаётган севги — хун бўлган юракнинг армони, соғинчи, беҳуда талпиниши!

Менгбойнинг: «Севги бўлиши шартми», дейиши эса осон ва тайёр ҳолича, шу аёл учун айтилаётган гапдир. Аслида у хотинини севади. Унинг муҳаббати баландпарвоз, китобий эмас, шунинг учун юзада эмас, юрагининг тубидадир.

Бу фикр сал кейинроқ маълум бўлади:

— Нега хотинингизни олиб келмадингиз!

— Курортга кетди. Мен бу ёққа келдим, ўғлим билан, биз балиқ овлаймиз!

— Хотинингизни рашиқ қилмайсизми!

Менгбой ҳайратланди: ҳақиқатан ҳам хотинини ҳеч кимдан рашиқ қилмас, бу тўғрида ўйлаш ҳаёлига ҳам келмас эди!»

Тўғри-да, нега ҳам рашиқ қилсини! Унга ишонади Менгбой. Ишонч чин муҳаббатнинг ҳамроҳи.

Ҳикоя давомида Менгбой аёлни Сурхон бўйига таклиф қилади. Йўлакай, дўстининг уйида тўхтаб, такси учун пул олади. Угли Исрол ҳам хархаша қилавергач, бирга олиб кетади. Мана шу эпизодлар — нотаниш аёлни Сурхон бўйига таклиф этиши, тагин ўғлини ҳам бирга олиб бориши Менгбойнинг қанчалар қалби тоза, шоир табнат, бағри очик одам эканлигини кўрсатади.

«Дарё соҳилида машинадан тушдилар. Менгбой шофердан тўхтаб турмишни илтимос қилиб, ўғлини кўтарганича, Ҳанифа билан соҳилга қараб юрди. Ой дарё ортидаги туман ичда сарғайиб сузар, туман сарғиш, сирли кўринар, дарё бўғиқ овоз чиқариб, афсонавий бир махлуқдек килкиллаб оқар эди.

— Уғлим, мана шу Сурхон! Ҳанифа, шу Сурхон!— деди Менгбой.

— Ҳа,— деди кулимсираб жувон.

Шунда Менгбой титраб-қақшаб ўз орзусига ниҳоят етганини ўйлади. Шу дарё туманлиги, сирлилиги қўйини-да, худди шунингдек туманли ва сирли қиз билан турганини, у билан учрашганини ҳис қилди».

Бу шонрона ҳаяжон билан ёзилган эпизод ҳикоя бошида Менгбой кузатган, қадалиб тикилган Сурхон манзарасидан фарқ қилади. Бу эди юракнинг қандайдир латиф, хўрсиниқ тўла қонқишидир. Ҳанифа Менгбойнинг юрагини мана шу манзара сингари очик-ойдин, борича кўргандек, унинг болаларча тикилиб, йиғламоқдан бери бўлиб, «Мана шу Сурхон», деганига кулимсираб, «Ҳа», деб қўяди.

Менгбой таъсирчан, тез берилувчан одам. У ўғли бўйига талпинган чоқда аёлга: «Энди кўришмасак керак», дейди. Бу билан илтиқ аёл қалбидаги туйғуларини оёқости қилмайди. Чунки, унинг қандай одам эканлигини аёл энди билар эди. Ҳикоя Менгбойнинг орадан ҳафта ўтгач, ҳали отпускасиз тугамай, шаҳарга қайтиб кетиши билан тугайди. Мабодо автор яна бир саҳифа қўшиб, унда Менгбойнинг йўлда бир одами учратиб, уни ёқтириб қолгани, шаҳарга кирган замони хотини Сорага, «тезроқ етиб кел», деган мазмунда телеграмма юборгани ҳақида давом эттирса ҳам жуда табиий чиқаварди. Зеро, Менгбойнинг қалби, туйғулари, дунёга муносабати китобхонга беихтиёр юқиб қолган; энди у ёзувчисиз ҳам, шу ғалат, тўпори, саҳий қалб эгасининг эртаси ва ҳали юз бериши мумкин бўлган турли ҳодисалар, фавқулодда ҳолатларда ўзини қандай туттиши, зарур вазиятда қандай қарорга келишини яхши билади.

Шукур Холмирзаев яратган бу образ қахрамон тушунчасидан кенгроқ. У тирик одам, унинг ҳар қадами, кўз қарашлари, ўғлини кўтариб кетаётганини ҳис қилиш мумкин. Менгбой оламдаги жамики нарсаларга ҳайрихоҳлик билан қарайди ва уларни бирдай сева олади. Айтилиқ, фақат ўғлини севганида, у одатдаги одам бўлиб қолар, ҳикоя ҳам бу қадар кучли чиқмасди.

Унинг юрагига ҳамма нарса сивади: у фарзанди, хотинини ҳам яхши кўради, балиқ ови, Сурхонини ҳам. Шу оддий, баъзан тўпори одамнинг катта, улкан муҳаббатини тасаввур қилишнинг ўзи қалбини ҳаяжонга келтиради. У ҳаётсевардир. Кўнглида бир қўшлик ери бор, дейди халқимиз, Менгбойнинг юрагида ҳам ҳар бир одам, ҳар бир нарса учун аталган ер бор ва улар қалбига тушса бас, уруғ сингари униб қулф уради.

Ш. Холмирзаевнинг ҳикоядаги яна бир ютуғи аёл билан Менгбой орасида пайдо бўлган муносабатнинг тасо-дифий саргузаштларини давом эттиришдек аниъанавий яқундан юз ўғриш билан, яигича, ҳаётий ечим, ҳаётий ҳулоса тополганидадир.

Инсон ҳаётнда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бунини санъатгина изохлаб, ифодалаб бера оlishга қодирдир. Ёзувчи позицияси айниқса мана шундай дамларда асосий роль ўйнайди. Иқроор бўлиши керак, Шукур Холмирзаев

бундай ҳолатларни топишга моҳир ва ама шу мураккаб ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиради.

Адибнинг «Подачи» ҳикоясини эътиборсиз ўқиган китобхон автор позициясини дарров илғай олмастлиги мумкин. Негаки, муаллиф унда воқеаларга аралашмасликка ҳаракат қилади. У ҳўкизга раҳим келиб, соғайишидан умидвор бўлиб, охир-оқибатда ҳаром ўлдириб қўйган Остонақул чолни оқлаятими ёки унга ачинаптими, деб-дурустдан билолмайсан киши. Шунда ёзувчи назар илмас «минив» — деталлар ишлатади.

Чол чўзиниб қолган ҳўкизга қайгуради, кампирининг жавраши, дашномларига чидайди, аммо зинҳор сўйишга ботина олмайд, аниқроғи, қўли бормайди. У айниқса шу ҳўкизга ўрганиб қолган, кампирни ҳам бу ҳўкиздин яхши билади: «Чол, ҳе, бурноғи йили бир ҳафта ҳўпдан чиқмаган ҳўкиз шу-да, а!»

Остонақул айланади-ўргилади, пайсалга солади, «оғзи-га қатиқ қўйсакин», деб кампирдан сўрайди.

«— Қўйинг-э,— уялиб қўлди Ойсўлуғ мөмө.— Биров эшитса нима дейди.

Чол синиқ илжайиб қўйди».

Охир чол сўйишга аҳд қилиб, пичоғини сугуради. Шунда, киши билмас, арзимаган бир воқеа юз беради: «...ҳўкизининг бошига ўтиб, тумшугидан ушлади. Кейин қўли қалтираб, шохидан ушлади ва бошини қайирганда, ҳўкизининг гарданига кўзи тушди: қорамтир жуллар тағидан тери кўрниниб турарди — бўйинтуруқнинг ўрни бу. Чол кампирга чоҳга тушиб кетаётган кишининг аянчли кўзи билан қаради, сўнг шохин қўйвориб, барини қоқа-қоқа четга ўтди-да, эски тўқим устига ўтириб олди. Кампир қайтиб кетди». Воқеадан кўрниниб турбди, Остонақул энди ҳўкизни ҳеч қачон сўёлмайди. Ёзувчи бу ҳақда гапирмайди, гўё жиндек ишора қилади, холос. Ҳўкиз гарданидаги қорамтир жуллар тағидан кўрниниб турган бўйинтуруқ ўрни чолнинг юрагига чиппа ёлқшади. У ҳўкиз билан кечани-кеча демай қўш ҳайдаган, дон янчган. Бирга қийинчилик кўрган. Қандай сўяди!

«Шундай қилиб, ола ҳўкиз ўлди. Остонақул чол унинг жон ҳолатда оёқ қоқайтганида ҳам бошда эди. Лекин у молнинг соғайиб кетишидан умидвор эди. Остонақул мана шу, сўйиб юборолмаганлиги сабабини мажлисда айтмайди. Айтганида ҳам, бошлиқларга бунни тушунтириб бера олмади. Агар ўша кассир, зоотехник, бўлим бошлиғига, «раҳимм келди, қўлим бормади», деса кулги бўларди. Чолни тушуниш учун эса унинг юрагини ҳис қилиш керак. Бу ҳол маънавий қашшоқ одамлар олдига чолнинг айбини енгиллаштирарди дейсизми! Чол бунни тушунади. Уларга, «айбдорман», дейди. Унинг колхозга қанча меҳнати сингган, эҳтимол, колхоз билан баравар улғайиб боргандир. Узини оқлаш учун шулар ҳақида гапирса бўларди! Унинг устидан ҳўким чиқарётганлар эса айбдорман, деганига қарамай, куракда турмайдиган далилларни рўқач қиладилар.

Бўлим бошлиғи: «Шартта сўйвориш керак эди», деса, зоотехник: «Кечаси ўлган, кечаси! Узим жигарини ёриб кўрдим-ку, совинган экан. Бобой ухлаб қолган», дейди.

Улар «шартта сўйвориш» учун ҳам қассоб бўлиш кераклигини билмайдилар эмас, билишин истамайдилар. Остонақулга, ҳўкизининг пулини тўлайсиз, деган бўлим бошлиғи устига-устак унга шарт ҳам қўяди: «Кечиктирма-манг фақат! Камбағал эмассиз, белингиз бақувват, қариндош-уруғларингиз бор. Кампирингизниям йиғиб қўйгани бордир...»

Ёзувчи бу эпизодда ҳам нишонга уради. У одамларнинг бирортасига ўз муносабатини билдирмайди, уларни ўпоқ-сўпоқ деб ўтирмайди. Улар ўз-ўзларини фож қиладилар. Бир камми, Остонақул қариган чоғда қариндош-уруғининг олдига қарз сўраб борсинми! Ё кампирининг ўлимлиги учун йиғиб қўйган пулини олсинми! Ахир, булар Однанин қарзга ботирган Арбоб Камолдан Баттар эмасми! Фақат бу разиллик ҳозирча кичкина миқёсда амалга ошяпти. Бу «қозилар» амалларини ҳар қанча сунъетмол қилсалар, оддий одамгарчиликни унутсалар ҳам лавозимлари бундан ортмига йўл қўймайди. Нарв борса, улар бир подачи устидан ҳўким чиқара оладилар, холос. Мабоодо, шулар бирон шаҳар ёхуд область миқёси-

даги органларга раҳбарлик қилиб қолсалар борми! Остонақулларнинг шўри кўрмр эди...

Ҳўкизга бригада бошлиғигагина чолни юпатган бўлади. Ёзувчи атай шундай қилганими, йўқми, ҳар қалай бунинг замирида ҳаётни ҳақиқат бор. Бригадир — қандай одам бўлишидан қатъий назар, меҳнаткаш, у доимо деҳқонлар, оддий одамлар орасида юради. Демак, уларнинг ташвиши, умиди, оддий қувончи ва армонидан бохабар шахс. У кассир, зоотехник, бўлим бошлиғи сингари, чала «қозилардан, шу жиҳати билан фарқ қилади. Мана шу «юпатиш» детали «одам бўлиб қадрини билмаган»лар фожиасини очишга хизмат қилади.

Шўкур Холмирзаев алоҳида истеъдод эгаси. Унинг турли йилларда ёзилган «Қайтиш», «Одам», «Чўлоқ турна» «Арпал қишлоғида» ҳикояларида жонли тил ва миллий оҳанг янада кучли, қолаверса, фикрлаш услуби ҳам соф миллий — ўзбекчадир. Ҳар бир деталь ва ҳаракат тиниқ, файзли. Қаҳрамонлар кескин, ноқулай вазиятларда ўзларини шу қадар табиий, ўзбекона тутадиларки, кўнглингиз чароғон туйғулардан ёришиб кетади.

«Эртаси кун кечки пайт Шералибой қизи билан ўтовда бетма-бет ўтирар, Бодомгул Майрам опанинг бугун келиб кетганини билар, шунинг учун диққат, лекин ўздан кўнгли тўқ эди. Шералибой «янгликни қизига айтолмай, кўп андиша қилди, ҳамсоя кампирни қақриб, айтиришини ҳам ўйлади. Охир бу фикрдан ҳам қайтиб:

— Қизим, мен сенга ота эмас, эням бўп қолганман, шунинг учун баъзи гапни очиб айтсам, кўнглингга оғир олма,— деди.

Тўлиб турган Бодомгул ҳам шу тарзда жавоб берди:

— Бўлмасам, ота... мен сизга очғини айтаман.

— Баракалло!

Шундай деб ота қизига хавфсираб қаради:

— Нима! Эшитдингми! Йўқ, дейсанми!

Қиз қип-қизариб, эшикка юзланди.

— Айт, болам. Кўнглингга армон бўлиб қолмасин.

— Уйлаб қолдим-да, ота,— деди қиз.— Сиз... мен та- рафда бўлмасангиз, унда нима бўлади...

Ота бошини эгди.

— Отанг айлансин, ўзбекининг гапи битта бўлади.

— Ундай бўлса, ота,— қиз отасига қараб олди,— мени- ям гапим битта.

— Шошма...

— Айтаберайми!

— Айт-чи.

Қиз ўрнидан турди, керагага рўпара бўлди.

— Ота... мен унга тегмайман!

Шералибой қизига анграйиб қараб қолди. Сўнг:

— Йўғ-э,— деди овози титраб.— Бу гапинг бежор гап, болам. Бизнинг лабзимиз бор, жон қизим... Мени шарманда қилиб қўйсанг... Бир умр улардан қутулмаймиз кейин...

Бодомгул хўрсинди:

— Шу ерга келганда, ота... сиз менга оналик қилолмадингиз. Энам оз бўлсаям раъиймга қарар эди... Майли, икки кун муҳлат беринг, бўлмасам.

Ота ўрнидан турди.

— Уйлаб ол, уйлаб ол. Лабзидан қайтган қавмидан қайтган бўлади, болам...— деб чиқиб кетди.

Бу парча ёзувчининг «Арпал қишлоғида» ҳикоясидан олинди. Эътибор беринг-а, гўзал удумимиз қалбига нақшланиб қолган ота қизининг бахтига зоми бўлиб қолишдан қанчалар чўчиди. Унинг андишаси, ўз қизидан ийманмиш: «Айт, болам, кўнглингга армон бўлиб қолмасин», деган донишмандона танглигию қиз қарши гап айтганда, отанг айлансин, деб юмшатиши, жон қизим, деган илтижоси, сенга эням бўлиб қолдим, деб айтишни сўнггида: «Лабзидан қайтган, қавмидан қайтган бўлади...», дегувчи қаттиқ халқ мақолини ишлатаётми ҳам, уйлаб ол, болам, деб гап бошлагани, пировардида, барибир қизини кўнглидаги одамга узатиши — бу хислат, бу фазилатлардан фақат шарқ кишисига хос ақида гупуриб, бал- қиб турбди.

Одатда, Ш. Холмирзаев ҳикояларида сюжет йўналиши, махсус бир гоё ёки фикрни илгари сурши, «айтилмақчи бўлган бирор гап» бўлмайди. У ҳаётни бадний тадқиқ

этади, ўзи ўша хаёллари билан бирга яшайди. «Ҳеч қандай сюжетнинг ҳожати йўқ,— деган эди ўз вақтида Чехов,— ҳаётда сюжет деган нарсанинг ўзи бўлмайди, унда ҳамма нарса: теранлик саёзлик билан, улғу эътиқодлар пасткашлик билан, фожиавий нарсалар кулгили нарсалар билан қоришиб кетган». Буюк ҳикоянависнинг мазкур кузатиши Ш. Холмирзаев ҳикояларининг ҳам қалби, деса бўлади.

Адибнинг санъаткорона илҳом ва маҳорат билан ёзилган яна бир — «Одам» ҳикоясида катта бир роман воқеалари бадиний синтезлаштирилган. Бинобарин, 3—3,5 варақ ҳажмли асарда оддий ўзбек қизи Раҳиманинг 90 ёшгача бўлган узоқ бир давр ичидаги етмиш йиллик ҳаёти — келинлик чоқлари, граждандар уруши, қизиллар, тоққа қочиш, колхозлаштириш, иккинчи жаҳон уруши, ўғлидан келган қорахат, ғалаба, неварачеваралари, тинч турмуш, ниҳоят, хасталикдаги сўнгги кунлари — ҳаммасини ёзувчи бир нафасда, ёруғ мунг ва хассослик билан, баъзан дард аралаш, ишонарли қилиб, жўшиб тасвирлай олган.

Аёл! Унинг бошига тушган кунлар, истаган вақтда, ҳар қандай уй бекасининг манглайига битилган тақдир бўлиши мумкин, ахир! Унинг хотиралари гоҳ маҳзун, гоҳ қувноқ, унинг хасталиги гоҳ аламли, гоҳ умидвор, аммо унинг васияти — буюк, ҳақиқий ҳаёт қарор топганлигининг белгисидир. Раҳима кампир, беихтиёр, 75 йил аввал оламдан ўтган онасининг васиятларига ҳамоҳанг, қарийб ўшандай ризолик тилаб кўз юмар экан, яна ўша Ш. Холмирзаев ҳикояларига хос ёруғ мунг ёқувчи қалбини қаираб ола-

ди, яшашга мустаҳиқ туйғу ботиний оламини чароғон қилиб юборади. Янги ҳаёт, тўғилажак олам барқарорлиги Раҳима кампирнинг порлоқ васиятида тажассум топади: «Болаларим, мендан рози бўлинглар. Яхшилигим ўтган бўлса, унутманглар. Ёмонлигим ўтган бўлса, эсдан чиқаринглар. Мен ҳаётимдан розиман. Мендан ҳам рози бўлинглар».

Яна фақатгина Шарққа хос бу васият — ўлимни имон билан, ёруғ юз билан қарши олиш — ўтилган умр самарасидан дарак беради. Юрагинг ҳаприқиб кетади. Беихтиёр, улғу Толстой Ясная Полянадан чиқиб қочар экан, андиша ва хаёл билан, у орзу қилган ўлим ёдинга тушади. Ёки, ғарб адабиётида кўпдан-кўп тасвирланадиган, но-чор, ғариб ва аянчли ўлим манзаралари кўз олдинда гавдаланади.

«Фақатгина ёшларнинг эмас, балки ҳаммамизнинг ҳам зиммамизда инсон қалбини сақлаб қолиш вазифаси турибди. Инсон икки оёқли ҳайвонга айланиб қолмасидан бурун, ҳали ҳам кеч эмас, ўз шахсияти, қиёфасини йўқотмасидан аввалроқ ёрдамга ошиқишимиз лозим. Носир, шоир, рассом бу ёқда туриб, ким биринчи галда одамийликни сақлаб қолиши, ким уни бутунлай йўқотиб қўйишдан қўрқиши керак! Ҳолбуки, одамийлик ижоднинг қайноқ қонидир». Бу ўтли сўзлар буюк тараққийпарвар америка ёзувчиси Уильям Фолкнер қаламига тегишлидир. Шукур Холмирзаев эса ўз асарлари билан бу фикр ҳимоясига қаттиқ бел боғлаган етук ва жасур ижодкордир.

«Чаман» адабий
уюшмаси ижодкорлари —
«Ёшлик» меҳмони

МАҲМУД
ХУДОЙБЕРДИЕВ

Шоир

Шоир куйманади руҳ бетинч, ҳалак,
Юрита бошлайди қалами босиб.
Дафтар чизиқлари — тортилган жўяк,
Унда ундиради эзгулик — ҳосил.
Шу боис ҳаммиша унинг вақти зик,
Мағзи тўқ дон учун манглай тер керак.
Одамлар истаркан маънавий озиқ,
Нон каби кўнглига тегмас шеър керак.

ҚОСИМЖОН
ТЎХТАБОВ

Узумдаги
уруғдай
Юрагимда
қайғум мўл;
Узум бўлар
бир кун май,
Қайғуларим
севги бўл!



БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА

Журналимизнинг аввалги сонларида «Оила — жамият кўрки» рубрикаси остида «Қиз боланинг бахти ва тахти», «Муҳаббат гули», «Сен муҳаббат ёшидасан» сарлавҳали бир қатор мақолалар босилган эди. Уларда жамиятимизнинг энг кичик ячейкаси — ёш оилани мустақамлаш, бунда ота-онанинг, жамоатчиликнинг роли, ёшларнинг муҳаббатга, турмушга муносабати, садоқатнинг қадри ҳақида кўпгина қимматли мулоҳазалар кўтарилган эди. Ахлоқий поклик, маънавий гўзаллик, самимий муҳаббат. Бу тушунчаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Уларнинг қадри ҳамиша юксак бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бунини «Ешлик» журнаliga келаётган гўллаб хатларда ҳам яққол кўриш мумкин.

игит-қизлар журналга самимий юрак сўзларини изҳор этаётганликлари, журнални ўзларининг ҳамсуҳбати, маслаҳатгўйи деб билаётганликлари бизни қувонтирди.

Хатларнинг кўпчилигида журналхонларимиз ўз ҳаёт йўлларида учраган муаммоларини ҳал қилиш юзасидан маслаҳатлар сўраёттирлар. Хатларнинг бир қисми муҳаббат мавзуда. Диққатингизга иккита мактубни ҳавола қиламиз.

Биринчи хат.

«Вокзал. Перрон тўла одам. Ола-ғовур. Қий-чув. Ҳарбийга кетяпмиз.

Ҳамма-ҳамма, ота-оналарим, опа ва укаларим, қариндош-уруғларим мен ва Марҳабо ўртасидаги муносабатларни билишарди. Шунинг учун ҳам Марҳабо гулдай очилиб, яқин бир дугонаси билан вокзалга келганида бизни одоб билан холи қўйдилар. Мен ҳеч кимдан тортинмай, унинг қўлларидан ушладим. Кўзлари жиққа ёш.

— Кутасизми! — дедим.

— То ўлгунча, — деди.

— То ўлгунча севинг, — дедим, — кутиш бўлса фақат икки йил, холос.

— Минг йил бўлса ҳам кутаман, — пичирлади у.

Шу пайт тепловоз кучи борича, узоқдан-узоқ қичқирди. Гўё бу билан «Икки йил ҳам хийла қийин ўтади, қизча, саботли бўл!» демоқчи эди.

Икки йил! Ахир биз бир кун ҳам бир-биримизсиз яшай олмас эдик-ку!

Ҳали-ҳамон ёдимда: поезд ўрнидан қўзғалди. Менинг яқинларим ҳам поезд билан бирга перрон бўйлаб аста юриб келавардилар. Олдинда Марҳабо. Қўлида оқ рўмолча. Узоқ ҳилпиратиб қолди уни.

Поезд жадаллик билан олдинга интилар, филдираклар севгилимнинг бир сўзини такрорларди: «Ку-та-ман, ку-та-ман, ку-та-ман...»

Кунлар, ойлар бирин-кетин ўтаверди. Марҳабо педагогика институтида ўқишини давом эттирди. Менинг ундан кўнглим тўқ эди. Кун ора, ҳафта сайин хат олишиб турардик. Ҳижрон қиссамизни ёзсам, катта бир китоб бўлади. Мен сизни толиқтириб ўтирмай, гапнинг индаллосини айтиб қўя қолай. Хизматнинг тугашига икки ой қолганида Марҳабодан хат келди. «Уйинга туш, кейин бераман», деди ротамиз почтальони қадрдон мактубни бурним олдида ўйнатиб. Бу ҳақиқатан ҳам «ўйинга туширадиган» хат экан. Аммо асло қувончдан эмас, аламдан...

«Мени кечиринг, — деб ёзибди Марҳабо, — «юлдузи юлдузига тўғри келмабди» деганлари балки шу бўлса керак... Мени куёвга беришяпти...»

Гангиб қолдим. Ҳарбий хизматни тинчлик даврида ўтаётганим, аммо бирдан контузия бўлдим наздимда. Ҳеч нарсани тушунмайман, ҳеч нарсга қўлогимга кирмайди. Енаман: изтиробдан, гуссадан, рашқдан...

Аввалига Марҳабонинг ота-онасидан хафа бўлдим. «Тушунган одамлар эдилар-ку, нега қизларини бахти қаро қиляптилар!» Аммо, кейин ҳамма гапни билиб олдим: ота-онасининг айблари йўқ экан. Марҳабо яқинда фан кандидати бўлган институт домласи билан, ўзининг домласи билан тил топишиб олибди...

Орадан ярим йил ўтди. Ҳали замон ўзимга келолмайман. Нима қилай, бошимни қаерга урай! Мен Марҳабосиз кечадиган кунларимни ҳеч тасаввур қилиб кўрмаган эканман.

Яқинда улфатларим даврасида бир-иккита дўстларим менга панд-насихат қилишди: «Қаддингни тик тут, ахир эркак кишисан-ку! Узингни қўлга ол. Дунёда нима кўп, қиз кўп...»

Тўғри, дўстларим, дейман ўзимча, мен эр кишиман, иродали бўлишим керак. Аммо сизлар менинг ўрнимда бўлганларингда нима қилардингларинг! Йўқ, тақдир бошқа бировнинг бошига бу ташвишларни солмасин.

Сенга, қадрдоним «Ешлик», бир сирдошим каби юрак

дардларимни тўқиб солдим. Бир оз енгилладим шекилли. Мактубим чўзилиб кетган бўлса, кечир.

Ж... Фаргона области»

Иккинчи хат.

«Р.ни мактабимизда ҳамма қизлар яхши кўрардик. Аммо у ҳеч ким билан гаплашмасди. У чиройли, билимдон, одобли йигит эди. Унда қиз болани ўзига тортувчи қандайдир мағнит бор эди.

Мактаб ҳам орқада қолди. Ҳаммамиз ҳар ёққа тарқалишиб кетдик. Мен ишлаб чиқаришда қолдим. Р. бир-иккита синфдошларимиз билан Тошкентдаги институтлардан бирига ўқишга кирди. Октябрь байрами арафасида қишлоғимизда кўриб қолдим уни. Тасодифан катта йўлда учрашди. У эртага ўқишга қайтиш нияти борлигини, иложи бўлса, бугун мен билан дилдан суҳбатлашмоқчи эканини айтди. Хўп дедим. Кечки пайт учрашдик. У менга... севги изҳор қилди. Тошкентдай катта шаҳарда ҳам биронта қизни менга тенглаштира олмаганини айтди. Юракларим жизиллаб кетди... Рост айтсам, мен ундан худди мана шу гапларни кутган эдим.

Хуллас, муҳаббатимиз ришталари боғланди. Ойлар, йиллар давоми хат ёзишиб, кези келганда пинҳона учрашиб ҳам турдик. Мен ҳар сафар унинг Тошкентдан келишини календарь варақлаб, орзиқиб, интизорлик билан кутардим. Бизнинг ишқ дostonимиздан қишлоқнинг каттаю кичиги воқиф эди.

Тўсатдан мен қаттиқ оғриб қолдим. Р. икки марта касалхонага кўргани келди. Иккала сафар ҳам кўзларидан чуқур гами учратдим. Сабабини сўрашга эса ботинмадим. Энди билсам, бекор қилган эканман.

Бирданига у бутунлай мендан хабар олмай қўйди. Ҳар кун йўлларида кўзларим тўрт. Тирқ этган товушга қулоқ тутаман. Ўз ёғимга ўзим қовуриламан...

Касалхонадан чиққан куним бир дугонам «хушxabар» топиб келди. Р. ундан айтириб юборибди. Мендан кўнглини узсин, дебди. Нима гап, тинчликми! Билолмадим... Кейин, бир неча ой ўтгач, хабар топсам, воқеа мана бундай бўлибди: кимдир Р. га мени юрак касал, узоққа бормайди, дебди. Р. эса қўлни ювиб, қўлтиққа артибди.

Яқинда унинг тўйи бўлди. Кимга уйланди денг! Гўшт комбинати директорининг эркатой қизига. Эштинимча, яқинларидан кимдир уни ана шундай «тўғри йўл»га олибди. Ҳозир у қайнотасининг машинасини уялмай-нетмай миниб юрибди.

Йўқ, мен ҳасад қилаётганим йўқ. Майли, бахтли бўлишини ўша топшигани билан. Уйнашсин, даврини суришсин. Лекин шуниси афсусланарлики, Р. пок севгини оёқ ости қилди, атрофдагиларга, ўздан ёшларга мунофиқликдан, бевафоликдан, мулкпарастликдан унутилмас сабоқ бериб кетди. Шуниси ёмон бўлди, холос.

О. Р. Самарқанд области»

Икки хат, икки қўтб, икки кўнғил нидоси.

Дунёда муҳаббатдан азим ва муҳаббатдан ёш нарса йўқ. У ҳамиша баҳор. Ҳар бир янги авлод ўзининг юрак ёлқини билан яшартиради уни.

Тарихдан биламиз: ҳақиқий севишганлар ўртасида фидойи муҳаббат, буюк садоқат намуналари кўпдан кўп. Бу нарса бадий адабиётда ҳам ўз аксини топган. Вафодор Лайли ва Ширин, бахти очилмаган, аммо ўз бурчига содиқ қолган Татьяна, йиллаб умид узмай ёрининг йўлига кўз тиккан Пенелопа, олижаноб Фарҳод, ишқ телбаси Қайс... Хуллас, бундай мисоллар йўлаб топилади.

Лекин бу санаб ўтилганлар — бадий адабиётда. Реал воқеликда эса муҳаббат муаммолари бадий адабиётдан гўш асло кам эмас. Йигит-қизларнинг юрак рози ёзилган кўпдан-кўп мактублар фикримизнинг далилидир.

Журналхонларимиз биз билан ўзларининг шодликлари, умид-орзулари, кечинмалари, ўқинчлари ила ўртоқлашадилар. Севги бобида маслаҳатлар сўрайдилар. Аммо муҳаббат муаммолари жуда чигал: бу борада маслаҳат бериб бўлармикан!

Муҳаббат — бу ҳар кимнинг кўнғил иши. «Қалбингга қулоқ сол» деб ёзувчи беҳудага айтмаган. Муҳаббат муаммосини ҳал этишда кишига унинг қайноқ юраги ва совақ идроки ҳамроҳ бўлмоғи керак.

Советобод районидан Г. Мамаражабова бизга қуйидагича мактуб йўллабди:

«Бугун қишлоқда тўй бўляпти. Катта тўй. Тошкентда олий ўқув юртини битириб келган ҳамқишлоғимиз уйланыпти. Келин тошкентлик...

Ҳамма ишимни йиғштириб қўйдим-да дугонам Б.никига йўл олдим. Мен унинг яқин сирдошиман. Бугунги куёв беш йил давомида Б. билан ошиқ-маъшуқ бўлиб юрди. Дугонам унга ишониб, қанчадан-қанча совчиларнинг қўлини қайтарди. Аммо йигит институтни тугаллашдан бир оз аввал илгариги ваъдаларни йиғштириб қўйди-да, қишлоғимизга Тошкентда бирга ўқиган қизини етаклаб келди...

...Дугонамни ажабтовур ҳолатда учратдим. Хонада ёлғиз ўтирган экан. Столи устида бетартиб сочилган суратлар. Каравот устида эса — сочиқ. Социққа қип-қизил атиргул расми қўл билан тикилган. Расм остида қуйидаги мисраларга кўзим тушди.

Истайманки, аввал ишқ илҳом бўлиб,
Бир баҳор қўйнингга кирсам.
Юзингда балқисам табассум бўлиб,
Сен учун бир умр бахт бўлиб қолсам.

Қаердадир ўқиган бу сатрларини дугонам узун қиш кечаларида ўша бевафо йигитга бағишлаб, сочиқ юзига игна билан тиккан. Қалб кўрини, меҳрини қўшиб тиккан.

...Б. тўлиб турган экан. Бирдан менинг бағримга ташлади ўзини. Ҳўнграб йиғлаб юборди. «Энди қандай бош кўтариб юраман, дугонажон!» деди. Ёшли кўзларидан ўпиб, овутган бўлдим. Аммо ўзимнинг ҳам юрагим шувиллаб кетди. Уйланиб қолдим. Дарҳақиқат, қишлоқда қандай бош кўтариб юради менинг дугонажоним! Сен нима дейсан, «Ёшлик!»

Ҳар бир хат ўзига хос такрорланмас муҳаббат достони...

«Мен университетда ўқийман,— деб ёзади С. исмли журналхон,— бир неча йилдирки, фарғоналик Ғ. исмли йигит билан дўстлашиб юраемиз. Дўстлигимиз ниҳоли муҳаббат бўлиб куртак ёйди. Аҳду паймон қилдик. Юрсам ҳам, турсам ҳам фақат уни ўйлайман. У ҳам мени еру қўкка ишонмасди.

Яқинда Ғ. қишлоғига бориб келди. Келдию, бирдан хо-муш бўлиб қолди. Ота-онасига мен ҳақимда оғиз очган экан. Улар «Ҳеч хаёлингга келтирма, сенга шаҳарлик қизни олиб бермаймиз» деган эмиш.

Нима қилсам экан, иккаламизнинг ҳам бошимиз қотиб қолди. Маслаҳатингга муҳтожмиз.

Мана, А. исмли жангчининг Совет Армияси сафидан ёзиб юборган мактубидан парча:

«Қишлоқда севган қизим қолган. Иккимиз бир-биримизга жуда ярашиб тушганмиз. Лекин орада тўсиқ бор: у мендан бир неча ёш катта. Шу нарсани ўртага солиб, ота-онам иккаламизнинг ҳатто хат ёзиб туришимизни ҳам таъқиқлаб қўйишди. Сен нима дейсан, қадрли журналим!»

Оҳангаронлик журналхон Нарғизнинг хатини ўқидигу, бехос таниқли артистларимиздан бири ижро этадиган қўшиқ сатрлари ёдимизга тушди:

Кутаман, кутаман,
Дунёдан ёлғиз ўтаман...

«Дугонамнинг ҳозир ёши ўттиздан ошяпти. Лекин турмушга чиқмаяпти. Сабаби нима деб сўрарсан! Ҳозир тушунтириб бераман. Дугонамнинг севган, аҳду паймон қилишган йигити бор эди. Улар иккаласини биз Лайли-Мажнунлар дер эдик. Ошиқларимизнинг ота-оналари, улар орасидаги муносабатдан дарак топишгач, бутунлай учраштирамай қўйдилар. Лекин йигит ҳам, қиз ҳам то ота-оналари кўнмагунча бошқа биров билан тақдирини боғламасликка онт ичишди.

Кейин нима бўлди дегин. Биринчи бўлиб муқаддас аҳд-ни йигит бузди. У ота-онасининг тазъийкига чиқолмай, улар кўз остига олиб қўйган қизга уйланди. Дугонам эса ҳамон ёлғиз...

Сен қандай ўйлайсан, «Ёшлик», дугонам тўғри қиялп-

тим! Ахир қизларга хос бўлган гурур қаерда қолди! Унинг ўша йигити мана шунчалик фидойиликка арзирмикан!»

«Олдимда иккита йўл бор, иккаласи ҳам аросат... Биз бир йигит билан севишамиз. Севгимиз пинҳоний. Бунинг сабаби — у оилали, иккита фарзанди бор. Мен ўзим етим ўсганлигим сабабли унинг болалари ҳам етим бўлишини хоҳламайман. У ҳам хоҳламайди бунни. Нима қилсак экан!»

Мени эса бир йигит севади. Унга ўлсам ҳам кўнглим чопмайди. Неча маргалаб уришиб бердим. Аммо измдан юргани юрган... Мен нима қилишим керак!.. Худди Навоий айтганидек:

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатини кўнглим писанд этмас.

Мана, шу мазмундаги хатлардан яна бири.

«Авваллари, техникумда ўқиб юрган кезларимда дугоналарим «фалончининг ишқиди ёняпман» десалар кулардим, холос. Энди эса ўша кунлар менинг бошимга тушди. Кутилмаганда А. исмли йигитни севиб қолдим. Аммо менинг кўнглимдаги гаплардан у бехабор.

Мен ўйимизга келаётган совчиларни қайтара бериб зерикдим, ота-онамдан кўпдан-кўп дашномлар эшитдим. «Ахир гаплашиб юрганинг бўлса айт» дейишади. Лекин у йигитга мен қандай айтаман! Балки унинг ҳам ўз севгани бордир. Менимча камдан-кам қиз биринчи бўлиб муҳаббат изҳор қилишга журъат этса керак... Агар бир кун унга етишимини аниқ билсам, бу чекаётган азобларим ҳузур бўлиб қоларди менинг учун...»

Журналхон О. Навоий области

«Бугун унинг тўйи бўляпти. Биз ҳам Тохир-Зухролардек эдик. Лекин қовушимизга унинг ота-онаси рози бўлишмади. Уни бутунлай нотаниш бир қизга уйлантиришяпти. Ота-онасининг раъйдан чиқолмади у. Лекин мен нима қилай, юрагим, бутун борлигим уники бўлиб қолган... Маслаҳат беринг, азизлар».

(Бухоролик ЖАМИЛА А. хатидан)

Ёшлар орасидаги муҳаббат ва ота-оналар... Бу муаммонинг ҳеч қачон охири бўлмаса керак. Тўғри, ҳар бир ота-она ўзининг фарзандини бахтли, келажаги порлоқ ҳолда кўришни истайди, ҳеч ким ўз фарзандига ёмонликини раво кўрмайди. Ўзининг ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, ўғли ёки қизини бахт сари етакламоқчи бўлади.

Лекин бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Бунни ҳам унутмаслик керак.

«18 ёшимда мени ўзим танимаган йигитга узатиб юборишди,— деб ёзади Зарбдор районлик М. исмли ўқувчимиз,— мен, балки, ўқисам, бахтимни топармидим, деб орзу қилгандим. Ота-онамга гап қайтаролмадим. «Ўша йигитга турмушга чиқасан» дейишди. Бир ўй менга таскин берди: «Балки бир умр ардоқлаганим, умр бўйи кутганим шудир...»

Аммо тўйнинг кейинги ҳафтасидаёқ умидларим баҳор булутларидек тарқалди-кетди. У пулга ҳирс кўйган, пулдан бошқа нарсани тан олмайдиган одам экан. Ишонгани ҳам пул, пайгамбари ҳам пул, худоси ҳам пул...

Турмушимиз икки ой чўзилди, холос. Уйдан бош олиб чиқиб кетдим. Ҳозир сиртдан ўқияпман. Келажакдан умидим бор. Ота-онам ҳам ўшанда мени мажбур қилиб узатганлари учун қаттиқ ўксинадилар.

«Биз З. исмли қиз билан кўпдан бери аҳду паймон қилиб юрамиз,— деб ёзади бекободлик А.— Лекин унинг ота-онаси нима учундир қизини менга бергилари келмайди. Нима гуноҳим бор — ўзим билмайман. Қиз ҳам ота-онасига мен тўғримда шама қилибди. Аммо уларнинг ўзлари мўлжаллаб юрган йигити бор эмиш. У бадавлат оиладан экан... Биз З. иккимизга нима маслаҳат берасан, «Ёшлик!»

«Менинг севган йигитим бор. У мени жонидан ортиқ кўради. Лекин ота-онамининг ҳам мен учун танлаган одами бор экан. Ҳамма севги учун курашмиш керак, деб маслаҳат беради. Лекин, айтинг-чи, мени дунёга келтирган, менга ҳаёт бағишлаган ота-онам билан қандай курашаман!»

(Самарқандлик А. хатидан)

«...Мен маиший хизмат комбинатида чевар бўлиб ишлайман. Урта мактабни тугатганимга бир йил бўлди. Ҳамма дугоналаримнинг ўзлари танлаган, ардоқлаб-эъозлаган йигитлари бор эди. Менинг изимдан ҳам бир йигит жуда кўп югурди. Менсиз яшай олмаслигини неча бор юзмига айтди. Аммо, билардимки, ота-онам мени унга бермас эдилар. Ота-онамининг изимдан эса чиқолмасдим. Ахир улардан азиз кимларим бор! Улар менга фақат бахт тилашади-ку!»

Шундай қилиб, 1982 йилнинг сентябрь ойида мени турмушга узатишди. Куёв кимлигини билмас, уни танимас эдим. Фақат бир нарсани билиб олдимки, у мендан икки ёш катта экан.

Тўй бўлиб ўтди. Менга турмуш ўртоғи бўлган йигит жуда яхши одам чиқди. Икковимиз ҳалигача бирон марта ҳам жанжаллашганимиз, «сен-мен» га борганимиз йўқ. Уйлайманки, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Биз бир-биримизга жуда кўникишиб кетдик. Орамизда ҳақиқий муҳаббат пайдо бўляпти.

...Менинг фикрим шундай: ҳар бир йигит-қиз севишмасдан, ота-онасининг изимдан бориб турмуш қуришса ҳам ёмон бўлмас экан. Аксинча, баъзида Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун бўлишиб қовушган ёшлар орадан кўп ўтмай ажралишиб кетмоқдалар, болаларини етим қилмоқдалар...»

Ҳа, муҳаббат ҳақида ҳар кимнинг ўз фикри бор. Биз чевар синглимизга ҳаётида катта бахт тилаймиз.

Қўлимизда яна бир хат турибди. Уни ўқидигу, Куприннинг машҳур «Ёқут кўзли биллагузук» ҳикояси хотирамизга тушди.

Ёдингиздами, ўз турмуш ўртоғига вафодор, хушрўй Вера Николаевнанинг ҳажрида азоб чеккан, унга етишиш умидидан воз кечган севги шайдоси Желтков сўнги марта шундай хат ёзиб қолдиради: «Сенинг ҳар бир қадмингни, қараш ва табассумингни, юришларингни эслайман. Сўнги хотираларим тотли қайғу, сокин, гўзал алам ва ҳасрат билан сўғорилган. Аммо, сенга қайғу-ҳасрат етказмайман. Мен лом-мим демай, яқка кетаман. Танграм пешонамга шуни ёзган экан. «Янграсин бу жаҳонда сенинг номинг»

(Лутфулла ОЛИМОВ таржимаси)

Жавобсиз муҳаббат. У муҳаббатнинг ўткир қирраларидан бири.

Сен севган кишининг «боши боғлиқ» бўлади ёки бошқа бирон бир сабаблар борки, у билан қовушиш насиб этмайди. Нима қилмоқ керак! Журналхонларимиздан бир нечасининг шу муаммога бағишланган хатларидан юқорида парчалар келтирдик. Бизнингча, Хатирчи районлик ўқувчимиз М. Д. нинг мактуби ўшаларга жавоб бўладигандай... «Бахт» деб сарлавҳа қўйилган бу хатни тўла, ўзгарисиз келтирамиз:

«Дунёда шундай бир йигит бор. Уни кўриб туришнинг ўзи бахт туюлади менинг учун. Бунни у билармикан! Афсуски, билмайди.

Қани энди, қани энди, майли, мени у севмаса ҳам, кўзларимга тик боқмаса ҳам, фақат ҳеч ким менинг ўстимдан кулмаса, ҳеч ким таъна қилмаса, унга тўйиб-тўйиб боқсам, интизор қалбимнинг соғинчларини изҳор этсам.

Оҳ, севги! Қанчалар шафқатсизсан! Нега аввалроқ кўрмадим уни! Энди қалбим қайғусига ёлғиз ўзим ҳамроҳ ва ҳамдардман.

Ногоҳ унинг нигоҳига кўча-кўйларда дуч келар эканман, қалбим севинчларга тўлади, бутун вужудим нурга чўмилади гўё. Уни бир мартагина кўриш, кўзларига тўйиб боқиш кўни бўйи дилимга ором, танамга қувват, рўҳимга шодлик бахш этади.

Оҳ, муҳаббат, нега кеч келдинг менинг ёнимга!..

Лекин бахтиёрман, минг бахтиёрман унинг борлигидан, табассумларидан, ўйга толишларидан... Шодман, шодман...

Майли, севмасанг ҳам, менга совуқ нигоҳ ила назар ташласанг ҳам, сенинг шу дунёда борлигингдан ҳурсандман, менинг бахтим...»

«ЁШЛИК»нинг публицистика бўлими



Профессорнинг хотинига очиқ хат

Журналимизнинг ўтган йилги 11-сонида

«Гавҳар йўқотган одам»

деган очерк берилган эди. Ғайри

ихтиёрий равишда отасини қариялар уйига

элиб ташлаган бир профессорнинг

изтироблари, кечинмалари ўқувчиларни

лоқайд қолдирмади. Журналга келаётган

хатлар шундан

далолат бермоқда.

Бу сонда ана шундай мактублардан

бири билан танишасиз.



илмадим, опаммисиз, синглиммисиз, тенгдошиммисиз, билмадим. Лекин нима бўлгандаям аёлсиз, туллари бешик қучиб алла айтган онанинг боласисиз. Илтимос қиламан, менинг бу сўзларимни насихат деб тушунманг. Панд-ўғит бераётганим йўқ, ўзим ҳам улгудай ёмон кўраман насихатгўйларни.

Начора, сассиқ деб буруини кесиб ташлабсизда-а! Афсус, минг афсус! Ор қилдингизми қайнотангиздан, одам боласидан-а! Эҳ сиз... Бурунгиларнинг бир ҳикмати бор: эри эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин. Ахир сиз эрингизни ер бағирлатиб, тубанлаштириб ташлабсиз-ку! Бошидаги дўппи, белидаги белбоғ ҳайф энди унга.

Биласиз, биз яхши замонда яшяепмиз. Наҳотки, бир чол (тасаввуримча, данғиллама уй-жойнинг бекасисиз) уйингизга сиғмай қолди! Ахир кексалар хонадоннинг қутбаракаси, файз-таровати бўлади-ку! Ушалар бор экан, ҳар доим эшигимиз очиқ, дастурхонимиз ёзиғлик туради-ку!

Сиз ҳам отажонингизнинг бозордан келишмини орзиқиб кутмаганмисиз! Салласининг четига тожга ўхшатиб, хўрозқанд қистириб келганда унга қараб отилмаганмисиз! Эрта-лаб уйқудан уйғониб олиб, ҳеч кимга тинчлик бермай, отажонинг иссиққина бағрига кириб, фақат ўзингизга таниш ҳиддан энтиқиб, «Отажон, мен сизга ёстиқ бўламан» деб пичирламаганмисиз! Тобингиз қочиб қолган кезлар отажонингизнинг кўзларига қарамаганмисиз! Эсланг, эсланг ўша лаҳзаларни. Эсладингиз-а!

Ана шунақа, унинг ҳам отаси худди сизнинг отангиздай ўзига азиз. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга. Отани қариялар уйига топширмасдан ўша ҳайқотдек довлингизнинг бир чеккасидан жой беролмадингизми, лоққал савоб учун ҳам қилмадингизми бу ишни! Уволдан ҳам кўрқмадингизми! Эҳ сиз...

Бурун қирқ йилда қайтса, энди қирқ кунга бормай қайтар экан. Сиз ҳам ўша ёмон отанинг пушти камаридан бўлган ўғилни яхши эр қилиб, унга ўхшаш болалар туғиб тарбиялаётгандирсиз...

Серғалва, сернағма ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Элчиликда. Лекин нима бўлгандаям, одам боласини ҳайвондан ажратадиган бир нарса бор, бу — виждон.

Эсимда бор (у пайтлар бошқа идорада ишлар эдим), ёмғирли кунларнинг бирида, кабинетга бир аёл кириб келди. Ёши анчага бориб қолган, сочларига оқ оралаган. Жойимдан туриб саломлашдим.

— Келинг, хола, ўтиринг.

Аёл стулга оғир чўқди, чуқур хўрсинди.

— Хизмат дейинми, маслаҳат дейинми, билмай қолдим, ул-булдан сизни эшитиб, қора тортиб келдим, қизим.

Аёл негадир каловланди.

— Шу... знамни бир гўрга жойлаштиришда ёрдам берсангиз...

— Кечирасиз, холажон, очикроқ гапиринг, тушунмаяман. Бир гўр деганингиз нимаси!

Унинг оппоқ сочларига қараб, кўзларимга ишонмадим. Ичимда қандай бахтли аёл экан, ўзи кампир бўлсам яна си бор экан, деб турибман. Аёл менга қаттиқ тикилди. Оқ чорсисини қайтадан ўраб олди-да, хокисор қиёфада гап бошлади.

— Энам бор, 101 га қиради. У ўлмади, мен қутулмадим. Ёш боладек инжиқ бўлиб қолган. Безор бўлиб кетдим. Бошингни егурнинг қайтадан тиши чиқди. Сал эси кирди-чиқди бўлиб қолди. Эшик-тирқишни бекитиб қўйсам ҳам, бир бало қилиб эшикка чиқиб кетади.

Виждон ҳақи, донг қотиб қолдим. Бу сўзини онанинг қизидан бўлак кишидан эшитсам бундай аҳволга тушмасдим. Ота-онанг ёмон бўлса — боғлаб боқ, деган нақл қолган қадимгилардан. Балки бу ҳозирги замонга нисбатан бироз кўполроқдир. Лекин унинг замирида теран маъно ётганини сезган бўлсангиз керак.

Орадан кўп ўтмай, кампирни ҳам осон қилди, у вафот этди. Бир кун кўчада ўша аёлни кўриб қолдим. Саломлашдик. Мен унга:

— Хурсандмисиз, хола, энангиз ҳам бандаликни бажо келтирибдилар,— дедим. Бу сўз беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди, эҳтимол нотўғридир. Аёл бир лаҳза менга тикилиб қолди-да, кўчани бошига кўтариб йиғлаб юборди.

Ана, шунақа, сўнги пушаймондан ёмони йўқ!

Ойхумор АСАДОВА,

Самарқанд область, Жомбой район
партия комитетининг инструктори.



ПОЭЗИЯДА ДАЪВАТКОР РУҲ

БАЪЗИ БИР БАҲСЛАРГА ЁХШАТМА

*Чандаст мухбиримиз
Қувноқ Қитмир
тажрибали
шоир
Ризо Тавозий
билан талантли ёш
мунаққид
Қулмат Нурматовнинг
холисона, мурасасиз
баҳсини
тинглади. Марҳамат,
сиз ҳам тинглаб
кўринг.*



Мунаққид. Ҳурматли домла, сизга яхши маълумки, кейинги пайтларда поэзияда даъваткор руҳ ҳақида адабиётга деҳлдор кишилар орасида турфа хил қарама-қарши фикрлар, қарашлар пайдо бўлмоқда. Сизни поэзия ихлосмандлари асосан даъваткор руҳдаги асарлар автори сифатида танийдилар. Бунинг боиси аксарий асарларингиздан чақириқ, даъват руҳи шундоққина уфуриб туришидан бўлса керак. Демак поэзияда даъваткор руҳ ҳақидаги гапларнинг бир учи тўғридан-тўғри сизнинг ижодингизга келиб тақалиши шубҳасиздир. Бу ҳақда фикрингизни билмоқчи эдим.

Шоир. Гапингизда жон бор, Қулматжон. Мен ижодга қўл урганимдан буён ўша сиз айтгандай даъваткор руҳдаги асарларни яратишга ҳаракат қилганман. Ҳозир ҳам шу мақсадда қалам тебратаяпман. Бу борадаги қарама-қарши фикрларга келсак, афсуски, улар кейинги пайтда тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Хусусан адабиётимизнинг ўрта бўғинига мансуб ва шубҳасиз, қобилиятли шоир сифатида ҳурматимга сазовор бўлган Сокинийнинг гаплари нарёқ-берёғимдан ўтиб кетди, «Тавозийнинг шеърлари билан деворларга илинадиган шиорларнинг фарқи деярли йўқ», дея дабдурустан ҳукм чиқариш... нима десам экан? Ҳарқалай, бу холисликдан дарак бермайди, кейин тушунарли ҳам эмас.

Шеърят майдонида эндигина атак-чечак қила бошлаган пайтимадаёқ ёзган мана шу шеърим эл орасида қўшиқ бўлиб кетганида Сокиний ҳали қаламни дурустрок ушлаёлмас эди.

**Колхозга кир мард бўлсанг, ўртоқ,
Мунтазирдир кетмону ўроқ!
Якка хўжалиқларнинг ҳоли,
Ундов эмас, мисоли сўроқ!**

Мунаққид. Шундайликка шундайку-я, домла. Аммо тан олиш керак, Сокиний ҳам кейинроқ анчагина дуруст шеърлар яратди, озми-кўпми ном қозонди.

Энди эса, асосий мавзудан чалғимайлик. Сизнинг даъваткор руҳдаги шеърларингиз газета, журналларнинг энг кўринарли жойларида тез-тез эълон қилиниб турилади. Китоб ҳолида ҳам йилма-йил чоп этилади. Сиз бунга қандай эришасиз, тўғрироғи қандай улгурасиз? Сифатга пу-тур етмайдимиз!

Шоир. Баъзи шоирларнинг, «битта шеърни йиллаб ёзаман», деган гапларини эшитиб энсам қотади. Менимча, шоир учун ҳозиржавоблик энг аъло хислатдир. Халқимиз «темирни қизғида бос», деб бежиз айтмаган-ку?! Айтайлик, бободоҳқон дала бошига тинмай нури ташиб ётса-ю, шоир «Ёзишга қийналяпман», деб бир четда кузатувчи бўлиб турса, унда ижодкорнинг, ижоднинг халқчиллиги қайда қолади? Узингизга маълумки, бу ҳақда менинг анчагина шов-шувга сабаб бўлган қуйидаги шеърим бор:

**Эй, дўстим, бўлса агар қалбингнинг кўри,
Қошиқда бўлса ҳам ташигин нури!
Шундай қилсанг, ҳосил шаксиз бўлгач мўл,
Кузда сеникидир ўйнинг энг тўри.**

Мунаққид. Домла, ҳозир айнан шу шеърингиз ҳақида ўйлаб ўтиргандим. Ахир ғўзаларга ишлов бериш, йиғим-терим кампаниясида бу шеър ўз замонавий кучини, таъсирчанлигини тамоман йўқотади-ку? Бинобарин, ҳақиқий поэзиянинг ҳар қандай пайтда ҳам долзарб бўлиб қолиши, мангулиги, ўлмаслиги ҳақида нима дейсиз?

Шоир. Қулматжон, сиз энг муҳим нарсани назардан четда қолдиряпсиз. Жанговар поэзия ғўзага ишлов бериш, пахта терими пайтларида вақтинча кучини йўқотгани билан кузнинг охири, қишнинг бошида янада янги, янада янгроқ оҳанг кашф этади-ку! Маълумингиз бўлсинки, ҳар йили нури ташилаверади. Демак, бу шеър ҳам ҳеч қачон